

АДВОКАТ



ЖАҲОН ДЕТЕКТИВИ ДУРДОНАЛАРИ

Хью Пентикост
Роберт Барнард
Патриция Мойес
Ричард Старк
Роард Даль

Стив Аллен
Роберт Блох
Жон Лутиц
Эван Хантер
Пелам Вудхаус

АДВОКАТ

Жаҳон детективи дурдоналари



ALISHER *36136* COMIDAGI
TOSHDU'IAU
AXBOROT-RESURS MARKAZI

«Адабиёт учқунлари»
Тошкент-2017

УДК: 677.026

ББК: 85.12

A23

Адвокат: жаҳон детективи дурдоналари / тўпловчи ва таржимон М. Йўлдошева. - Тошкент: «Адабиёт учкунлари», 2017. - 256 б.

ISBN 978-9943-439-32-0

Ушбу тўпламга бутун дунё тан олган забардаст детектив ёзувчиларнинг энг сара ҳикоялари жамланган. Улар ичида Агата Кристи, Эллери Куин, Жек Ричиларнинг номи ўзбек ўқувчиларига яхши таниши бўлса, Жон Лутц, Патриция Мойес сингари адибларнинг асарлари илк марта ўзбек тилига таржима қилинапти. Ўқувчилар ажойиб асарларни ўқиши билан бир қаторда жаҳон тан олган ёзувчиларнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида ҳам тасаввурга эга бўладилар.

Тўпловчи ва таржимон:
Муҳаббат ЙЎЛДОШЕВА,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

Т а қ р и з ч и:
Абдуқаюм ЙЎЛДОШЕВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

© Муҳаббат Йўлдошева
© «Адабиёт учкунлари» нашриёти, 2017.

Роберт АРТУР



Америкалик машҳур ёзувчи, журналист, сценарист Роберт Жей Артурнинг адабий тахаллуслари кўп: Роберт Артур, Эндрю Бенедикт, Эндрю Фалл, А.А.Флеминг, Роберт Форбес, Эндрю Маккаллен, Энтони Мортон, Зе Майстериус Травел, Жей Норман, Эндрю Саксон, Полина С. Смит, Эндрю Вест, Жон Вест, Марк Уильямс.

Роберт Артур 1909 йили 10 ноябрда Филлипинда тугилган. У 1926 йили Уильямсбург (Виржиния штати)даги Уильям ва Мария коллежига ҳужжат топширди. Икки йилдан сўнг эса Мичиган университетига ўқишга кирди. 1930 йили бакалавр босқичини тугатиб, муҳаррир бўлиб ишлай бошлади, 1932 йили яна ўқишга қайтиб, журналистика соҳаси бўйича магистрлик даражасини олди.

Артур Нью-Йоркка кўчиб ўтиб, журналларга ҳикоялар ёзди, нашриётлар билан ҳамкорлик қилди, 1944 йилдан 1953 йилгача Дэвид Коган билан бирга “Сирли йўловчи” номли радиоэшиттиришини олиб борди. “Сирли йўловчи” 1952 йилда энг яхши мистика радиошоуси сифатида Эдгар Аллан По номли мукофотга сазовор бўлди.

Роберт Артурнинг икки фарзанди бор: Роберт Эндрю Артур (1946 йилда тугилган) ва Элизабет Энн Артур (1953 йилда тугилган). Адиб 1969 йили 2 майда Филадельфия шаҳрида (Пенсильвания штати), эллик тўққиз ёшида оламдан ўтди.

АЖАБТОВУР ОИЛА

Фаррингтонларни ажойиб оила деб ҳисоблаш мумкин, агар уларнинг одам ўлдиришдек баъзи хунук одатларидан кўз юмилса, албатта. Балки, қотилликни уларнинг одати дейиш ҳам адолатдан бўлмас. Ахир улар бу ишга фақат икки мартагина қўл уришган, холос. Буни думий одатларига айлантиришларига сал қолганди, албатта. Мана, энди улар “икки” рақамини “уч”га айлантиришни режалаштиришди. Аммо уларнинг кўриниши ёвуз эмас ва фитначиларга сираям ўхшашмайди. Улар буни очикдан-очик, ёзги уйнинг меҳмонхонасида бемалол ўрнашиб ўтирганча муҳокама қилишяпти.

Мэрион Фаррингтон лимонли чой ичарди. Унинг амакиси Берт Фаррингтон ҳам ямайка роми аралаштирилган чой ичарди. Укаси Дик эса содали сув аралаштирилган виски ичар, унинг ичимлиги ҳам кўринишидан чойга ўхшарди.

— Икки ҳафтадан сўнг қизалокнинг туғилган куни. Демак, тезроқ ҳаракат қилишимиз керак, — деди Мэрион.

Деразадан ташқарига қараб ўтирган ўттиз ёшли алпқомат Дик енгил ҳаёт кечирини ва пулларни созуришни яхши кўрарди. Очик деразадан уй олдидаги майдоннинг нариги четидан бошланиб кетувчи ўрмонни ва майсазордаги Жинни Уэллсни кўриш мумкин эди. Узоқдан у ёш боладек кўринар, Мэрион уни “қизалоқ” деб атагани ҳам бежиз эмасди. Аммо Жинни қарийб йигирма бир ёшга кирган бўлиб, Фаррингтонлар

оиласининг қарорига кўра у яшамаслиги лозим эди.

Жинни ердан нимадир излар ва топганларини саватчасига соларди.

— У жудаям ёқимтой-да, — гап қотди Дик. — Ўйлашимча, у мени ўлардек ёқтиради, — у бўйинбоғини тўғирлаб қўйди. — Агар бу ишимизни бир ҳафтага кечиктиролганимизда эди...

— Бас! — Берт Фаррингтон Дикка бармоғи билан пўписа қилди. — Сен кўнгли бўш қарияга айланиб қоляпсан. Оиламизнинг келажагини ўйла!

— Берт ҳақ.

Тўлаликка мойилроқ бўлган қирқ икки ёшли Мэрион каддини адл тутганча назокат ила ўтирар, агар қаватланишга мойил бақбақаларини ва оч мовий ранг кўзларидаги қатъиятни ҳисобга олмаса, уни ёқимтойгина дейиш ҳам мумкин эди.

— Элиснинг васиятига кўра, Жинни йигирма бир ёшга тўлганида, унга бор мол-мулкани топширишимиз лозим бўлади. Тўғри, бу муддатни бироз чўзишимиз мумкин, аммо адвокат барибир бизни бунга мажбур қилади. Бунинг оқибати ҳақида гапириб ўтирмасам ҳам бўлар...

Дик асабийлашганча қадаҳини бир кўтаришда тугатди-да, ўзига Элистан қолган пуллар ва Жиннининг улуши ҳам энди кўлдан чиқиб кетиши ҳақида ўйлаб қолди.

— Мен у билан бирга яхтада сайр қилгани чиқишим ва кўрфазда чўктириб юборишим мумкин.

Берт қовоқ солди.

— Буни маслаҳат бермайман, — деди у. — Элис аллақачон чўкишга улгурган.

— Гарри ҳам, — лукма ташлади Мэрион. — Ўн беш йил муқаддам қайиғимиз тўнкарилиб кетганида сувдан чиқа олмаганди... Уч нафар сувга чўкканлар тасодифдек кўриниш учун жудаям кўплик қилади.

Гарри Мэрионнинг биринчи ва ягона эри эди. Мэрион оила моддий қийин аҳволда қолганида унга турмушга чиққанди. Бойвачча эр бечора оилавий ҳаёт лаззатларини етти ҳафтагина татишга улгурди, холос. Элис эса Дикнинг ягона хотини бўлиб, икки йил муқаддам, Мексиканинг Акапулько деган жойидаги кимсасиз кумлоқ соҳилда чўмилаётганида чўкиб кетган. Элисга отасидан икки юз минглик мулк мерос қолган бўлиб, бу пулнинг ярмини у синглиси Жинни балоғатга етганида унга бериши керак эди. “Томири тортиб қолган” деб ташҳис қўйишди мексикалик шифокорлар Элиснинг жонсиз танаси қирғоққа етиб келганида. Аммо бу Элис сузишдан аввал ичишни севадиган қора қаҳвага аралаштирилган уйку дориси туфайли тўсатдан юз берган ланжлик оқибати бўлиши ҳам мумкинدير. Ким билсин? Нима бўлганда ҳам, бу пул яна қўлдан чиқиб кетишга шайланиб турибди. Жинни йигирма бир ёшга тўлай деб қолди ва Элис малоҳатлигина синглисига қолдирган ва аллақачон совурилиб бўлаёзган меросни қайтариб бериш вақти келди.

— Бу оддий ва ҳаммага тушунарли бахтсиз ходиса бўлиши керак, — деди Мэрион.

Улар соҳибжамол қиз кўлида сават тутганча ўтлоқдан

юриб келишини кузатишарди. Ярим йўлда етганда қиз велосипед ҳайдаб кетаётган каттакон катак қалпокли одамга қўл силкиб қўйди. Бу жаноб Доуни бўлиб, у ёзда қўшни уйни ижарага олган эди.

— Қуруқ гап оғиз йиртар, — тўнғиллади Берт. — Балки қиз руҳан соғлом эмас эди, деб тахмин қилиш яхшироқдир?

— Бу билан нима демокчисан? — қизиқсинди Мэрион.

— У бизни кўргани келганидан бери икки ҳафта давомида тинмай кўрқитаётган тунги даҳшатларни айтяпман.

— Бу киз, турган гапки, рухий касал эмас, — деди Мэрион. — Унинг ҳам кўпгина замонавий қизлар сингари асаблари қақшаган, холос. Аммо кўрқувларнинг сабаби борасида улардан миннатдорман, албатта. Улар ҳақида бутун шаҳар билади ва доктор Берне қизнинг асаблари жойида бўлмаганлигини тасдиқлайди. Шу туфайли ҳам мен уни докторга кўринишга мажбурладим-да...

Кириш эшиги тарақлаб ёпилганини эшитиб, у жим бўлиб қолди. Орадан бир неча сония ўтгач, Жинни Уэллс хонага кирди.

— Нималарни топганимга бир қаранглар! — хитоб қилди у. — Бир нечта кўзиқорин топдим. Қаранглар-а!

— Жуда ақлли қизсан-да! Кўзиқоринларни ошхонага элтиб қўй, уларни сенга ўзим пишириб бераман.

— Раҳмат сизга, Мэрион.

— Ўзи мушкулумизни осон қилди, — деди Мэрион Жинни чиқиши билан. — Мен унинг саватчасида бир

нечта заҳарли кўзикоринларни кўриб қолдим. Уларни ўзи терган ва кўшни уйда яшовчи жаноб Доунига кўрсатган. Биз тоза бўламиз. Мутлақо тоза!

Жинни ўзи териб келган табиат неъматларидан тайёрланган таомни тановул қилиш ҳақидаги таклифдан жудаям кувониб кетди. У ўта заҳарли таомдаги учта кўзикоринни еган эди ҳамки, телефон жириглаб қолди.

Жинни сакраб турди, кўзикоринлар солинган идиш ерга тушиб кетди, таом гилам устига сочилди. Жинни ўзининг кўполлигидан жудаям уялиб кетди, кўзикоринларни эса ташлаб юборишга тўғри келди. Маълум бўлишича, хира кўшни жаноб Доуни уларни меҳмонга чақириш учун кўнғирок қилаётган экан.

Фаррингтонлар қизалоқдан кутулиш учун бошқа йўл излашларига тўғри келди. Ярим тунга яқин уларнинг тепасидаги ётоқхонадан эшитилган чинқирик уларни хушёр торттирди. Чинқирик қайта-қайта янгради... Мэрионнинг кўзларида умид чакнади.

— Кўзикорин! — хитоб қилди у. — Менимча, энди жаноб Доуни уни эшитган бўлса керак. Тепага кетдик, Дик.

Жинни тўшакда ўтирар ва қўлини оғзига босганча, қичқирмасликка уринарди.

— Бу шунақанги даҳшат эди-ки! Бундан баттарини ўйлаб тополмайсиз!

Улар дераза очилганини эшитишди. Кейин кимнингдир овози сўради:

— Салом! Бу ерда нималар бўляпти?

— Сизмисиз, жаноб Доуни? — Дик деразага

яқинлашди. — Жинни бироз босинқирабди, холос. Ҳозир у тузук бўлиб қолади.

— Ў-ў! — хитоб қилди жаноб Доуни. — Ў!

Дераза яна ёпилди. Дик жойига қайтди ва тўшакнинг четига ўтириб, Жиннининг мадорсизгина қўлини кафтига олди.

— Нималар бўлганини айтиб бер, Жинни, — деди у. — Бу даҳшатдан қутулишнинг энг яхши йўли.

Жиннининг нафас олиши борган сари равонлашарди. Унинг юзи салгина қизарди ва у чойшабни устига ёпиб олишга уринди.

— У худди ҳақиқийдек эди, — деди у. — Вайронага ўхшаган, ичи сояларга тўла кандайдир каттакон қоронғи хонада эмишман. Бирданига соялар тирилиб кетишибдида, менинг ёнимга ўрмалаб кела бошлашибди. Хонанинг шифти жудаям баланд бўлиб, қоронғида арқон осилиб турарди. Арқоннинг осилиб тушган учи илмоқ қилинганди. Соялар мени илмоққа қараб итаришар, мен эса улар илмоқ бўйнимга киришини исташаётганини найқаб турардим. Улар мени борган сари яқинроқ итаришарди, охири нафасим бўғзимдан чиқмай қолди. Тўсатдан илмоқ менинг бўйнимни сиқди ва... ва...

Жинни яна бўғилиб, титрай бошлади. Мэрион унга ҳапдори ва сув узатди.

— Ичиб ол, — деди у меҳрибонлик билан. — Кейин ухлагин. Бу бор-йўғи туш эди, холос.

— Ҳа, албатта, — шивирлади Жинни. — Бор-йўғи туш эди, холос. Раҳмат, Мэрион.

У дорини сув билан ичди ва яна ўрнига ётди. Дик

унинг қўлини салгина қисиб қўйди.

— Яхши ухлаб тургин, Жинни.

У аста юриб, чиқиб кетди. Мэрион ва Берт ҳам худди сеvimли фарзандининг ётоқхонасидан чиқиб кетаётган ота-оналар сингари секингина унинг ортидан юришди.

* * *

Ажойиб ёз кунни эди. Кундалик газетадаги мунажжим башоратида “Бугун кейинга қолдирилган режаларинг ишни амалга оширишингиз учун энг қулай кун” деб ёзилганди. Мунажжим маслаҳатларини қолдирмай ўқиб борадиган Берт уни Мэрионга кўрсатди.

— Ҳа, биз жудаям узоқ кутдик, — деди Мэрион ва ковоғини уйди. — Бу ишни биратўла тугатиб қўя қолишимиз керак. Жиннининг кечаги даҳшатли туши айна бизга керакли ажойиб имкониятни яратди.

У яна қўлини телефонга узатди.

— Салом, — деди у телефонларни улаб берувчи қизга. — Мен Бостон билан гаплашмоқчи эдим. Доктор М. Ж. Брюэр билан... У машхур психиатр. Мен унинг манзилини билмайман, аммо сиз уни излаб топишимга қўмаклашасиз деб умид қиламан. Бу жудаям муҳим... Кейинроқ менга қўнгироқ қиларсиз.

У гўшакни қўйди ва Бертга ўгирилди.

— Мен доктор Бернсга қўнгироқ қилдим, — деди у. — Жиннининг тунги босинқирашларидан жудаям ташвишдалигимни айтдим, у эса Брюэрга мурожаат этишни маслаҳат берди. Мен Брюэр билан учрашаман ва унга Жиннидаги рухий тушкунлик хуружларини ва у бирданига жуда қўп уйқу дориси ичаётганини айтаман...

— Бу қачон бўлганди? — сўради Берт.

— Мижғов бўлма, Берт. Шундай бўлган! Жинни маҳзунроқ, руҳан тушқунликка мойил қиз, фақат ўз жонига қасд қилишни ўйлайди. Ишончим комилки, бу гапларимни телефончи қиз ҳам эшитиб олади ва тез орада бу воқеадан ҳамма хабардор бўлади. Жинни ҳозир ўтган тунда уйғотиб юборгани учун кечирим сўраш мақсадида жаноб Доунининг олдига кетган. Кечгача бутун шаҳарча Жиннининг туши ҳақида, у ўзини ўлдирмокчи бўлганини билиб олади. Кейин эса белгиланган вақтда биз Қора Бурунга дам олиш учун борамиз. Ўрмондаги эски уйни биласанми?

— Ҳа, — бош ирғади Берт. — Хўш, нимаиди?

— Ахир бу дунёдаги энг табиий нарса-ку... Телефон жиринглапти! Алло? Доктор Брюэр? Доктор Брюэр, сиз билан иложи борича тезроқ учрашишим керак.

...Фаррингтонлар ажойиб, жудаям ёқимтой оила эдилар, бу айниқса дам олиш учун тўпланганларида яққол кўринарди. Мэрион озиқ-овқатларни саватга тахлар, Берт эса кичикроқ идишга ичимликларни соларди. Дик машинасини маҳаллий аҳоли Қора Бурун деб атовчи бўм-бўш қоялар томон ҳайдаб кетди.

Баланд мангу яшил дарахтларнинг шох-шаббалари тепада чирмашиб кетиб, гумбаз ҳосил қилган, осмонни бутунлай тўсиб қўйишганди. Дик Жиннининг ўнқир-чўнқир жойлардан ўтиб олишига ёрдамлашарди. Қоядор жарлик ёқасига ўтиришига кўмаклашаркан, қизнинг қўлларини аста силаб қўйди. Атлантиканинг қудратли тўлқинлари кўз илғамас пастликда, қуёш нурлари остида

ярақлаганча ваҳшат билан соҳилга келиб уриларди. Чағалоқлар чийиллашар, ҳаво денгиз ҳидига тўлиб кетганди.

Жинни чуқур нафас олди.

— Бу ернинг ҳавоси қанчалар тоза! — хитоб қилди киз. — Ҳатто ўтган тундаги даҳшатли тушимни ҳам унутиб юборибман-а!

Унинг кўзлари четида ёш томчилари кўринди, аммо Дикнинг завқ билан тикилишидан кайфияти кўтарилди.

— Бўлди, бу ҳақда бошқа гапиришни истамайман. Келинглр, овқатланайлик. Менинг ичим таталаб кетяпти!

Улар овқатлана бошлашди. Берт ўзининг Европага саёҳати ҳақида қизиқарли нарсаларни сўзлаб берарди. Аммо бировнинг пулларини ўзлаштиргани учунгина Европага бориб қолгани ҳақида оғиз очмасди. Мэрион шаҳарликлар ҳақидаги ҳазил гаплари билан ҳаммани кулдиради. Дик эса Жиннига жудаям яқин ўтирар, вақти-вақти билан унга яқинроқ энгашиб, қўлини ушлар ва шивирлаганча унинг жудаям мафтункор эканлигини айтарди. Жинни қизариб кетар, кўзлари бахтиёрликдан чарақлар ва худди ҳаётининг энг бахтли кунидаги болага ўхшаб кўринади.

Куёш дарахтлар ортига ёнбошлади. Соялар узунлашди. Салқин шабада эсди.

— Балки сайр қилиб келсангиз бўлармиди? — деди Мэрион. — Унгача Берт икковимиз бу ерни саришталаб олардик...

Дик дарҳол ўрнидан турди ва Жиннининг ўрнидан

туришига кўмаклашди.

— Сайр қиламиз! — деди у кувноклик билан.

Жинни кулиб юборди. Дик унинг жажжи қўлчасини ўзининг қаттакон кафтлари билан сиқди.

— Зўр кун бўлдимми? — сўради у. — Кўнглинг тўлдимми?

— Бўлмаса-чи! Фақат бир истисноси бор — денгиз манзараси менга Элисни эслатиб юборди.

— Тушунаман. У денгизни жудаям яхши кўрарди. Уни кирғоқда ушлаб қолиб бўлмасди.

— Дик, уни жудаям яхши кўрармидинг? — сўради Жинни.

— Жудаям, — деди Дик бош ирғаб. — Бу менинг ҳаётимдаги энг бахтли уч ҳафта бўлганди. Кейин уни мендан тортиб олишди.

— У ҳам сени севарди, — деди Жинни. — У сенга турмушга чиқиши ҳақида айтган пайтдаги чехрасини бир кўрганингда эди! У шунақанги ўзгариб кетгандики! Сен ундан нима топганингни сираям тушуна олмасдим, ахир у жудаям туссиз эди-да...

— Туссиз? — жаҳл билан хитоб қилди Дик. — Мен ҳеч қачон у ҳақда бундай деб ўйламаганман. Мен учун у жудаям соҳибжамол эди...

— Мен уни овсарроқ бўлса керак, деб ўйлардим, — сидкидилдан деди Жинни. — У эплаган ягона нарса — сузиш эди. У на китобларни, на мусиқани севарди...

— Илтимос, Жинни! — Дикнинг овози тўсатдан кескин янгради. — Биз бир-биримизни севганимизни унутиб қўйяпсан. Элис ҳақида бунақанги гапларни

Роберт Артур

гапириш мени хафа қилиш билан баробар. Мен ҳамон уни соғиняпман...

— Албатта, — деди Жинни пушаймон бўлган киёфада шошилиб. — Мени кечир, Дик. Вой, қара, қаршимиздаги уй эмасми?

— Ташландиқ уй! — хитоб қилди Дик. — Балки бу ерда арвоҳлар бордир?

Улар яқинлашган уй ўрмоннинг ичкарасида кўздан яширинганди. У улкан, жигарранг тусда бўлиб, томининг бир қисми ўпирилиб тушганди. Кенг айвони чўкиб қолган, ойналари синдирилган уй хароб кўринишда эди.

Жинни чуқур хўрсинди.

— Менга бу ер ёқмади, — деди у. — Дик, қайта қолайлик.

Аммо Дик унинг кўлидан маҳкам ушлаб олди-да, харобалар томон тортиб кетди.

— Юр, ичкарида нима борлигини кўрайлик, — кўндиришга уринди у. — Арвоҳларни бир кўрайлик-чи!

Жинни қаршилиқ кўрсатса-да, истар-истамас олдинга юрди.

— Дик, бу уй мени кўрқитяпти. Бу ер шунақанги қоронғи ва даҳшатли-ки... У худди ўтган тунда тушимда кўрган даҳшатга ўхшайди...

— Э, у шунчаки туш эди. Ёш бола бўлма, Жинни. Бориб қарайлик-чи, ичкарида нима бор экан?

Жинни истар-истамас унинг ортидан юрди, ҳар қадам босганларида силкиниб, ғичирлаётган айвонга оёқ қўйди. Улар биргаликда қорайиб кўринаётган эшик ўрнидан мўралашди. Ҳаммаёқдан моғор ва қирчумолилар

кемириб ташлаган ёғочнинг ҳиди келарди.

Жинни титраб кетди.

— Илтимос, Дик! Мен кўрқяпман. Бу ақлсизлик, илтимос, қайта қолайлик.

— Энг ёмон нарса — кўрқувингга бўйсунишдир.

Дик қизни олдинга тортди ва улар хона ичига киришди. Ичкари янаям хароб эди. Зулматга қарамай, улар деворлардаги ёриқларни, моғор изларини, юқори қаватга элтувчи синган зинапояларни ва шифтдаги эски илмоққа илинган арқонни кўришди. Бу жуда эски арқон бўлиб, учи сиртмоқ қилинганди.

— Менинг тушим! — хитоб қилди Жинни даҳшат ичра. — Ижобат бўлди! Эски уй, хона, арқон... Дик! — қиз эшик томон отилди. — Қочдик бу ердан!

Дик уни маҳкам ушлаб олди.

— Тентаклик қилма, — деди у. — Айнан шу нарса сени даволайди. Олдинга юр, арқонни ушла. Унинг бор-йўғи кимдир осиб кетган эски арқон эканлигига ишонч ҳосил қилгин.

— Йўқ, йўқ! Қара, у қандай айланяпти!

— Бу елвизак, холос. Ахир барча ойналар синдириб ташланган-ку!

Жинни тўсатдан ўзининг гичирлаётган тахталар узра аста юриб арқон остига келганини ва худди очик оғиздек уни кутиб турган сиртмоқ остига туриб қолганини сизди.

— Жинни, — деди Дик юмшоқ ва меҳрибон товушда. — Манави эски курсини олгин-да, унинг устига чиқ ва илмоқни бўйнингга сол. Кейин уни бўйнингдан олиб

ташла. Шундай қилсанг, дахшатли тушлар сени безовта қилмайди. Сен эса жасурроқ бўласан. Ишонавер.

— Йўқ, мен бундай қилолмайман, — Жинни титраб кетди. — Бундай қилолмайман.

— Шундай қилишга мажбурсан, Жинни.

Сўнгги сўзларни Мэрион айтганди. Мэрион ва Берт худди девордан ажралиб чиққан соялар каби кутилмаганда остонада пайдо бўлишди. Улар Жиннининг орқасида, унга салгина текканча, ўраб туришарди.

— Буларнинг хаммаси сенинг фойданг учун қилиняпти, болажоним, — Мэрионнинг овози юмшоқ, эркаловчи эди. — Докторнинг айтишича, буларнинг бари сенга тунги дахшатлардан қутулишга ёрдам берар экан. Дик, курсини жойига қўй. Берт, уни кўтар.

Бир зумда учовлари Жиннини эски курсига чиқариб қўйишди, бўйнига илмокни солишди. Арқон қизнинг нозик бўйнини қисди. Қизнинг атрофини шошилаётган дахшатли арвоҳлар сингари жипс ўраб туришаркан, унинг ҳатто қимирлашига ҳам йўл қўйишмасди.

— Сизлар мени ўлдирмоқчисизлар, — деди Жинни пагга қараркан. Унинг кўрқув тўла шахло кўзлари қони қочган юзида аниқ кўриниб турарди. — Сизлар мени йўлдан олиб ташламоқчисизлар. Шу туфайли ҳам мени ўлдиришга уриняпсиз. Элисни ҳам сизлар гумдон қилгансиз, бу юз-кўзингиздан кўриниб турибди.

— Тўғри топдинг, мижғов болакай, — деди Мэрион. — Мен у чўмилишга кетишидан олдин қаҳвасига уйқу дорисини солиб қўйгандим. Аммо биз сени ўлдирмоқчи эмасмиз, қизалоқ. Сен ўз-ўзингни ўлдирмоқчисан.

Сенинг кайфиятинг чатоқ, ўз жонингга қасд қилишга мойилсан. Ўтган тунда даҳшатли туш сени қийнаган. Бугун эса сайр қилишга чиқдинг, манави эски уйни топдинг, арқонни кўриб қолдинг, уни шифтдаги илмоққа боғладинг ва азалий орзуингни амалга оширдинг. Ўзингни ўлдирдинг. Биз сени кузатиб юрдик, аммо кўзимизни шамғалат қилишни уддаладинг ва кайфиятинг тушган вақтда ўзингни осиб қўйдинг... Дик, курсини олиб ташла, Берт, уни эҳтиётлаб тушир. Бу жудаям табиий кўриниши керак. У арқонни ушлаб қолишга уринади — бу беихтиёрый равишда қилинади, — ва унинг қўлларини териси арқондан шилиниши керак. У тез орада чарчаб қолади.


Дик курсини олиб ташлади. Берт Жиннини туширди ва ундан узоқлашди. Жинни осилиб қолди, унинг кичкинагина кўлчалари ўз вазнини саклаб қолиш учун арқонга ёпишди, аммо сиртмоқ борган сари таранглашар, арқон унинг томоғига чуқурроқ ботиб борарди. Уни танаси деворга даҳшатли соялар ташлаганча аста ўгирилди ва айни шу вақтда — унинг нафаси бутунлай тўхтаган вақтда хонага қуёшнинг сўнгги нурлари ёриб кирди.

— Энди курсини жойига қўйинг.

Бу овоз Фаррингтонлардан биронтасига ҳам тегишли эмасди. Буни қўлида милтиқ тутган жаноб Доуни айтганди. Унинг ёнида юзида қаттиқ ғазаблангани яққол сезилаётган гавдали одам — шериф Лэмб турарди.

— Курсини жойига қўйинг!

Кичкинагина Доунининг овози ўкдек янгради. Берт



курсини Жиннининг оёқлари тагига қайтариб қўйди. Жинни унинг устига оёқ қўйди ва дадил бармоқлари билан сиртмоқдан озод бўлиб олди. Кейин у пастга тушди.

— Бу жудаям даҳшатли онлар бўлди, — деди у. — Мен сизнинг келишингизга ҳам ишонмай қолгандим, жаноб Доуни.

Унинг товуши титраб чиқди.

— Биз шу ерда эдик, — деди жаноб Доуни. — Айнан сиз кўрсатган жойда тургандик.

Жинни худди тўхтаб қолган кадрдаги сингари ноқулай вазиятларда қотиб турган уч нафар Фаррингтонларга совуқ назар ташлади.

— Сиз Элисни ўлдирдингиз, — деди у. — Уни сиз ўлдирганингизни анчадан бери билардим. Мен опамни яхши кўрардим. У овсарроқ ва хунуккина эди, агар пули бўлмаганида эди, унга ҳеч ким уйланмаган бўларди. Мен эса унинг учун қандай қилиб бўлмасин ўч олишга қасам ичгандим. Менинг битта йўлим қолганди — сизларни гувоҳларнинг кўз олдида мени йўқ қилишга мажбурлаш! Бу хавфли иш эди. Аммо мен коллежда психологияни яхши ўрганганман, хусусий изқувар жаноб Доуни эса ўз ишининг устаси. Мен қандай қилиб бўлмасин ўз мақсадимга эришиш ҳақида ўйлардим. Ўзимни худди даҳшатли туш қийнаётгандек қилиб кўрсатдим ва сиз менинг ҳақиқатан ҳам асабий болакай эканлигимга ишондингиз. Кеча мени заҳарли кўзиқоринлар билан тўйдирмоқчи бўлганингизда бошқа бирор нарсани ўйлаб топиш кераклигини тушундим. Шунда мени осиш

кераклигини сизнинг каллангизга қуя бошладим. Мени чўктиришингизни ёки қоядан итариб юборишингизни истамадим — бунда сизни керакли вақтда тўхтата олмасдим. Ҳайриятки, ҳаммаси ўзим истаганимдек яқун топди. Сизлар шунақанги ишонувчан экансизки, ҳаммангизнинг болаб лақиллатдим. Қўзикоринлар солинган идишни ерга тушириб юборган пайтимдаги қиёфангизни бир кўрганингизда эди... Турган гапки, мен еган бир неча дона қўзикоринлар заҳарли эмасди...

Аммо қиз буларни сўзларкан, ҳатто тишининг оқини ҳам кўрсатмади. У фақат жаноб Доуни ва шериф Лэмбга ўгирилиб, деди:

— Уларни олиб кетинг, илтимос!

Фаррингтонлар милтиқ тутган ҳарбийлар кузатувида чиқиб кетишди. Энг охирида Жинни чикди. Унинг ортидан арқон силкинганича қолди.

Айтганимиздек, ёмон одатларини ҳисобга олмаганда, Фаррингтонлар қойилмақом оила эдилар. Аммо Жинни Уэллс ҳамма нарсани ҳисобга оладиган шахс бўлиб чикди.



Роберт БАРНАРД



Англиялик ёзувчи Роберт Барнард 1936 йили 23 ноябрда Англиянинг Эссекс графлигидаги Банхам-он-Крауч шаҳрида тугилди. Унинг отаси эркин ёзувчи бўлиб, обрўли журналларга севги қиссалари ёзарди.

Роберт Барнард Нуро Вульф мукофоти (1992), “Dagger” (1994), “Agatha Award” (1988), “Cartier Diamond Dagger” (2003), “Barry Award” (2004), “Macavity Awards” (1988), “Anthony Award” (1988) каби адабий мукофотлар соҳиби.

Роберт Оксфорддаги Баллиол коллежини тугатиб, Австралиянинг Янги Жанубий Уэльс штатидаги Янги Англия университетида дарс берди. Австралияда Мария Луиза Таборни учратиб, у билан турмуш қурди.

Рафиқаси Европага кетиш истагини билдиргач, ёзувчи сифатида танилаётган Барнард ишини Норвегиядаги Берген университетига ўтказди, 1976 йилдан эса Тромсо шаҳрида жойлашган дунёдаги энг шимолӣ университетда ишлай бошлади. 1983 йилда Барнард Англияга қайтиб, Лидсга жойлашди.

Адиб 2013 йили 19 сентябрь куни Йоркширда оламдан ўтди.

ЭРТАЛАБКИ ТЕЛЕВИДЕНИЕ

“Эрталабки телевидение ихтиро қилингани инглизлар учун ҳақиқий совға бўлган-да!” деб ўйлади Каролина Ворсли қўлидаги қовурилган нон ва чойни ушлаганча кўрпа устида ўтираркан. У кўрсатувларни олиб борадиган бошловчиларнинг барини: шифокор доктор Дэвидни ҳам, сўнгги хит-муסיқа янгиликларини олиб борувчи Жейсонни ҳам, модалар билимдони Сельмани ҳам, спорт шарҳловчиси Регни ёки бошловчи Мэрайяни ҳам яхши кўради. Бошловчи Бенни ҳам. Буниси тушунарли, ахир Бен эри-да!

Бен соат тўртдан ўттиз дакика ўтганида студияга кетади, Майкл эса у бирон нарсани унутиб уйга қайтиб келиб қолишидан хавотирланиб, ярим соатча кутади-да, роппа-роса бешда ғизиллаб етиб келади. Майкл жиддий ва биров лапашангроқ йигит бўлиб, ноқулай ёки кулгили вазиятга тушиб қолишдан ўлардек кўрқади. Ўқишга муккасидан кетган бу йигитнинг ота-онаси Африканинг қаеридадирдайдиб, Оксфорднинг турли мамлакатлардаги қашшоқларга ёрдам кўрсатувчи хайрия қўмитасининг ҳадялари билан турли халқларни бахтиёр қилиб юришади. Каролина эса қўлига тушиб қолган бу йигитни қўйиб юборишни сираям истамайди. Майкл ўзини учратганлар югургани кетяпти деб ўйлашлари учун спорт кийимини кийиб олади, аммо уни биров кўрмайди.

Очиғини айтганда, Майкл телевизорни Каролина каби бажонидил томоша қилмайди. Баъзан Каролина юрагини ховучлаганча, ёниб кетиш хавфидан муҳофаза

килинмаган ўйинчоқлар ёки ўз мижозларини кулфатда ташлаб кетган бизнесмен ҳақида ҳикоя қилинаётганини тинглаб ўтирганида, Майкл кўлига китобини олади. У аёлнинг ёнида чўзилиб ётганча, “Пул захиралари механикаси” ёки “Валюта курсининг баъзи муаммолари” каби ўқиш енгилроқ бўлган китобни очади, чунки телевизор овози жўр бўлиб турганида, жиддийроқ нарсаларни ўқишнинг ўзи бўлмайди. Баъзан у Беннинг ўзига тикилган нигоҳларини кўриб қолади. Йигит бу ҳолатга сираям кўника олмайди, аммо Каролина пинагини ҳам бузмайди. “Қара, унинг бўйинбоги қийшайиб қолибди!” деб хитоб қилади аёл ёки “Биласанми, бу йил Беннинг тепакали жудаям катталашди” деб нолийди. Майкл телевизордан ўзига боқиб турган тепакал, қувноқ, меҳрибон Беннинг табассумга тўла чеҳрасига қараб, аёлнинг гапларига жавоб қайтаришга зўрға куч топади. Экрандан боқиб турган Бен эса навбатдаги поп-юлдуздан ҳеч бўлмаса учтагина маъноли сўз тортиб чиқаришга уринади. “Менимча, Беннинг юзлари анчагина тўлишди” дейди Каролина бармоқларидаги мураббони ялаб.

* * *

— Сираям юзларим тўлишгани йўқ-да! — хитоб қилди Бен. — Балки тепакалим катталашгандир-у, аммо юзим семиргани йўқ!

У кўрсатувдан кейин гримхонада ўтирганча, кеча ўзининг ётоқхонасида бўлиб ўтган ишлар ёзиб олинган видеоёзувни томоша қиларди. Техника бўлимидаги оғайниси Фрэнк ётоқхонаси ёнидаги кабинетда турган шкафга камера ўрнатиб, девордаги кичкинагина тешикни

яхшилаб яшириб кўйганди. Унинг бахтига Каролина жудаям ёмон уй бекаси бўлиб, ётоқхонадаги каравот тагига ўрнатилган овоз ёзувчи ускунани пайқамаганди ҳам. Ҳатто пайкаганида ҳам уни Бен яшириб кўйган ашқол-дашқоллардан бири деб ўйлаши аниқ...

— Иккиюзламачи! — ўшқирди Бен, Каролина билан Майкл гўёки уни Ташқи ишлар котиби интервью пайтида “боплади” деб ўйлаб кулганларини эшитиб. — Кеча кечқурун уйга борганимда, суҳбатни зўр олиб борганимни айтувди-я!

Видеоёзувни томоша қиларкан, Беннинг огзи шалоқлашиб борарди. Гримчи аёл миқ этмай унинг бўйнидаги упани тозаларди.

— Мени томи кетган деб ўйлаётгандирсан-а? — сўради Бен.

— Бунинг менга даҳли йўқ, — чўрт кесди аёл.

— Ишхонада тер тўкаётганингда эринг сенга хиёнат қилиб турса, ўзингнинг ҳолингни кўрардим-а! — деди Бен энсасини қотириб.

— Мен буни биламан, — деди аёл, аммо Бен эшитмади.

Бен камера олдида эмаслигида бошқаларни яхши эшитмасди. У шахсий ҳаётда камдан-кам меҳрибон ва ҳамма нарсани тушунадиган инсон бўларди.

— Ҳозир улар чой ичишади, — деди у. — Эрталаб вақтли ишлайдиганларга чой ичиш учун танаффус берилиши керак.

Чой...

* * *

Кўп ўтмай, Каролинанинг эрталабки учрашувлари барҳам топди: унинг ўғли Малькольм мактабдан

таътилга чиқди. Майкл эса энди қўшнининг ўглига айланди..

Сешанба куни эрталаб, Каролина ўғли билан ошхонада нонушта қилаётганида, Бен жонли эфирда янглишиб кетди. У машхур “Кранч” поп-гуруҳидан интервью оларкан, камера томон ўгирилиб, кутилмаганда “Бу ҳозир уйда бизни кўраётган Каролина ва Майкл учун кизик бўлади” деди.

— У нега “Майклга” деди? — хайратланди Каролина.

— “Малькольм” демоқчи бўлгандирлар-да! — тахмин қилди ўғли. — Дадам менга “Кранч” ёқади деб ўйлаганидан хафа бўлдим.

Малькольм бу вақтда Лондон ўсмирлар оркестри билан Элгарнинг иккинчи симфониясини чалишни машқ қилаётганди.

— Кеча эрталаб уни кўрдингми? — деб сўради Каролина Майклдан эртаси куни.

— Нимани?

— Беннинг “Уйғон, Британия” кўрсатувида айтган гапини?

— Мен эрталабки телевидениени фақат сен билан бирга кўраман.

— У яна “уйга нома” юборди... Сен эслолмасанг керак, “Уйғон, Британия” энди ташкил этилганида, унинг “оилавий дастур” сифатидаги имижини ўйлаб, Бен экрандан туриб менга ва Малькольмга нома юборишни одат қилганди. Очиғи, бу жуда сохта кўринади. Кеча Малькольм икковимиз ўтирганимизда эса у бизга салом юборди, аммо негадир “Каролина ва Майкл” деди. Малькольм эмас, Майкл деди.

— Янглишгандир-да! — деди Майкл елка кисиб.

— Нахотки ўзининг ўғлини исмини айтганда янглишса?

— Шунақасиям бўлади! Кечаги кўрсатувда биронта Майкл иштирок этдими?

— Одатдагидек Майкл Хезелтин иштирок этди.

— Ана кўрдингми?

— Аммо Хезелтин собик вазир-ку, уни Майкл деб атамас керак?

— Шунчаки бу исм калласига мухрланиб қолган! Бунинг ажабланадиган жойи йўқ, ўзинг кўриб турибсан-ку, Бен қарияпти!

— Тўғри, — деди эридан икки ёш кичик бўлган Каролина.

* * *

— Қариётганмишмай-а! — хитоб қилди Бен бўялган қошларини силаб, бир кўзи билан экранга қараркан. — Мени қари, деяпсанми? Қари кимлигини кўрсатиб қўяман сенга!

Бен аллақачон гримчининг хизматидан воз кечган, энди уйида ёзиб олинган видеоёзувларни бир ўзи бемалол кўриб ўтириши мумкин эди. Бугун эса у режа тузишга киришди.

Бу ишда унга Каролинанинг ораста эмаслиги, уй тутишни уддалай олмаслиги ёрдам беради. Ошхонадаги столлар, токчалар, жавонларнинг барига мураббо қолдиқлари ёпишиб ётган ифлос идишлар ва ликопчалар, маргариндан бўшаган идишлар, сочилиб кетган тирavorлар ва қайлаларнинг қутилари уюлиб кетган. Музлатгич Викториа ва Альберт музейининг ертўласини

ёслағар, музхонадаги озиқ-овқатлар уларнинг биргаликдаги ҳаётининг дастлабки йилини ҳам ёслашарди. Ошхона деразасининг ташқаридаги токчасида Бен боғда ишлатадиган асбоб-ускуналар турарди.

Бен ва Каролина меҳмонхонага ўхшатиб қурилган йигирмата уйдан бирида яшашарди. Боғдаги ишларнинг кўпчилигини уй соҳибларининг хизматчилари бажаришар, аммо бир нечта ер майдонлари уйда яшовчиларнинг ихтиёрига берилганди. Бен ўзининг “боғча”сини сидқидилдан парваришлар, аммо бу ишларни кўпроқмақтанишучун бажарарди. “Ўзимизнинг боғимиздан” дерди у меҳмонларига митти идишдаги қорагатни тутиб.

Токчада асбоблардан ташқари, яна гербицид солинган мўъжазгина идиш ҳам турарди.

Ўша куни у бир-икки соат боғида ишлади, кейин эса қўлини ювди, бу вақтда гербицидли шиша идиш човғум ва чой қутисининг ёнида турарди. Идишнинг қопқоғи ярим очиб қўйилганди.

— Ўз боғингда ишлагандан ҳам яхши нарса борми? — деди Бен Каролинанинг ёнидан ўтиб, кабинетига кириб кетаркан.

* * *

Энди эса нима қилишни ўйлаш керак. Беннинг қаршисида режани амалга оширишнинг бир талай усуллари турарди. Аммо у режасини эрталаб, ишга кетиши олдидан амалга оширишни мўлжаллади. Гербицид дарров таъсир қилмайди, аммо улар жуда кеч бўлганидагина “тез ёрдам” чақиришлари аниқ. Ишдан

уйга қайтганида заҳарланган хотини ва унинг жазманини топар экан, ҳар ҳолда уларнинг жонсиз бўлганлари маъкул.

Чоршанба куни эрталабки телекўрсатувлар жамоаси кейинги ҳафтага нималар режалаштирилганини маслаҳатлашиш учун йиғилади, шу сабабли Бен тушдан олдин уйига қайтмайди. Демак, унинг режасини ҳам чоршанба куни амалга ошириш мумкин. У ўзининг хаёлий ёндафтарига “Чоршанба, 15 май” деб ёзиб қўйди. Гербицидни чойнакка солиш керакми ёки қуруқ чой идишигами, бу масалани сешанба куни кечқурун ҳал қилса ҳам бўлади. Энг муҳими, у қарор қабул қилди...

* * *

Каролинанинг ҳаётида муҳим бурилиш ясаган ўн бешинчи май куни жуда расво бошланди. Биринчидан, Бен эрталаб ишга отланар экан, Каролинадан енгил бўса олди. Телевидениега ишга кирганидан бери эри ўзини бундай тутмаганди. Майкл одатдагидек соат бешда келди-ю, аммо ўзини жудаям совуқ ва қўпол тутди, миқ этмай ўтирди. Эрталабки кўрсатувлар бошланганидан сўнггина Майклга жон кирди, балки у бошловчилар ва реклама Каролинанинг эътиборини чалғитишига умид қилгандир. Чой қайнаганда, дарсликдан бош кўтариб, ўсмирларга хос қўполлик билан сўз қотди:

— Ҳаммаси тамом.

Каролина Фрэнк Брунонинг жанги ҳақидаги репортажни кўраётганди. Кўрсатув тугагачгина у Майкл томон ўгирилди:

— Узр, боя нима дединг?

— Ҳаммаси тугаганини айтдим.

Каролинанинг юрагига ханжар санчилгандек бўлди. У бир неча дақиқа жим қолди, ниҳоят хирқироқ овозда сўради:

— Мен яхши тушунмадим, шекилли... Нимани тугади деяпсан?

— Ҳаммаси-да! Эрталабки учрашувларимиз!

— Ота-онанг вақтлироқ қайтишаётган эканми?

— Йўқ. Мен... коллежимга яқинроқ уй топдим.

— Демак, кўчиб кетяпсанми?

— Шунга ўхшашроқ. Умр бўйи ота-онам билан яшамайман-ку!

— Сен ота-онанг билан яшамаяпсан, — деди Каролина баландроқ ва ингичкароқ овозда. — Улар ярим йилдан кейин қайтишади. Сен мендан узоқроққа кетмоқчисан. Мени истаган пайтда учрашиб, кейин ташлаб кетса бўладиган одам деб ўйлаяпсанми?

— Йўғ-э... Шунчаки мен озод инсонман.

— Сен ярамассан! Разилсан!

Ҳозир шу болакайни ёқасидан бўғиб, тишларини қоқиб олгиси келди. Аммо аёл ўзини босди-да, ўрнига ўтирди. Соат етти ярим бўлибди. Чой дамловчи автомат човгум хуштак чалиб, чойли халталар солинган идишларга қайноқ сув қуйилди.

— Чой ёки қаҳва ичинг, — деди экрандаги Бен қаршисидаги сиёсатчига. — Ҳозир айна эрталабки чой ичиш вақти.

— Демак, бошқасини топибсан-да? — сўради Каролина.

— Ҳа, шунақа, — таъкидлади Майкл.

— Мендан ёшроқми?

— Албатта ёшроқ-да! — деди Майкл ва дарслигини очиб, ўқишга тушди.

Каролина эса ўйлашга тушди: “Албатта ёшроқ, дедими? Буни қандай тушуниш керак? Мендан қарироқ аёл умуман йўқ демоқчими? Ёки ёшроғи топилгунича кампиршо билан вақт ўтказиш учун кўнгилхушлик қилиб юрганини таъкидлаяптими?”

— Ўша қизникига кўчиб ўтяпсан, — деди у хўмрайиб.

— Ҳа, — тасдиқлади Майкл дарслигидан бош кўтармай.

“Қалай, чойимиз ёқдими?” сўради экрандаги Бен меҳмонидан.

Каролина тўшакда ўтирганча экранда милтиллаб ўтаётган манзараларга қараркан, келажаги жудаям хунук ва нурсиз кўринарди. Ёнгинасида чўзилиб ётган кўпол ва кўрнамак ўсмирни деб бутун умри энди зерикарли ва афсус билан ўтиши аниқ.

Бу вақтда “Уйғон, Британия” кўрсатувида ҳам нимадир бўлган, икки бошловчи гапидан адашиб кетишганди. Каролина эътиборини экранга қаратди, у Беннинг адашганини кўришни ёқтирарди.

— Узр, — деди Бен ўзига жуда ярашадиган табассуми билан. — Мен бу Мэрайянинг сўзлари бўлса керак, деб ўйловдим. Хуллас... бугунги меҳмонимизнинг исми Дэвид эканлигини биламан. Хўш, Дэвид, бизга нималарни гапириб бермоқчисиз?

— Заҳарлар ҳақида, — деди Дэвид.

Айни шу пайтда камера Бен томонга қаратилди ва Каролина (у билан бирга миллионлаб томошабинлар) бошловчининг оғзи очилганини, кўзида даҳшат ифодаси

чақнаганини кўришди.

— Ёш боласи бор ота-оналар кўп мактуб йўллашади, — хотиржамгина оҳангда гап бошлади Дэвид. — Улар кўпинча айнан битта савол беришади. Боланинг қўлига заҳар тушиб қолган ҳолатда нима қилиш керак? Эскирган дорилар, кир ювиш воситалари, боғдорчиликда қўлланилувчи воситаларнинг бари хавфли бўлиб, уларнинг баъзилари ўлимга элтиши мумкин. — Каролина Бен томогидаги “тугунча”ни зўрға ютганини ва қўли билан томоғини ушлаганини кўрди. Шундан кейин камера яна иштиёқ билан ҳикоя қилаётган доктор томон ўтди: — Шундай қилиб, заҳарланиш ҳодисаси рўй бергудек бўлса, қуйидаги қоидаларга риоя қилиниши лозим...

Каролина аслида ақл-идрокли аёл эмасди, аммо кутилмаганда бугунги тонгда рўй берган ҳодисаларнинг бери кўз олдидан занжирдек тизилиб ўта бошлади: Беннинг эрталабки бўсаси, студия меҳмонига чой таклиф қилган пайтдаги табассуми, ошхонадаги чой қутиси ёнида турган гербицид солинган идиш, заҳар ҳақида эшитганида Беннинг ажаблангани...

— Майкл, — деди у беихтиёр.

— Нима? — сўради йигит китобдан кўз узмай,

Аёл ўз фикрларига гарқ бўлган шафқатсиз ва ҳатто ўзининг шафқатсизлигини тасаввур ҳам қилмаётган одамга қараркан, қони қайнаб кетди.

— Ҳеч нима, — деди у совуққина оҳангда. — Кел, чой ичайлик.

Каролина ўзи ва Майкл учун чой қуйиб, битта идишдагисини унга узатди. Йигит аслида ўқимаётган

китобини четга қўйди ва хаёлан ҳамма иш ҳамирдан қил суғургандек тинчгина битганидан қувониб, чойини қўлига олди. Кейин телевизор томон ўгирилиб, спорт шарҳловчисининг кечаги мусобақада енгил атлетикачилар эришган ютуқлар хақидаги ҳикоясини тинглай бошлади.

— Қойил! — ҳайрат ила хитоб қилди Майкл қошиқча билан чойни кавларкан. — Мана буни югуриш деса бўлади!

У чойдан катта ҳўплади, Каролина томон ўгирилди ва нафас ололмай бўғила бошлади.

Каролина лабларида табассум билан кўлидаги чойини ушлаганча ярамас йигитга тикиларди. Қўшни хонадаги шкафага яширилган камера эса унинг бу табассумини Бен ва тақдир тақозосига кўра улар икковининг жинойтини кўриб чиққан суд учун қайд қилиб олди.



Лоуренс БЛОК



Лоуренс Блок 1938 йилда таваллуд топан. Тахаллуслари — Пол Кэвенэг, Эндрю Шоу, Шелдон Лорд, Жилл Эмерсон.

Блок ёзишни коллежда ўқиётган вақтларида бошлаган, аммо ноширлардан шунчалик кўп рад жавобларини

олганки, уларни гулқогоз ўрнида хонасининг деворига ёпиштириб чиққан.

Бугунги кунда Лоуренс Блок 50 дан ортиқ романлар, юздан ошиқ ҳикоя ва мақолалар муаллифи бўлиб, у ҳақли равишда замонавий детектив усталаридан бири саналади.

Лоуренс Блок америкалик ёш ёзувчиларнинг энг яхши устозларидан бири бўлиб, энди қўлига қалам олганлар учун 4 та китоб ёзган, махсус ёзувчилар семинарини ташкил этишда жонбозлик кўрсатади.

Лоуренс Блок уч марта — Эдгар По мукофотиға, тўрт марта — “Shamus” совриниға, шунингдек, “Ниро Вульф”, “Мальта Лочини” ва “Энтони” мукофотлариға сазовор бўлган.

ҲУЖЖАТЛАР ЖОЙИДА

Марция ўрнидан турди, эснади ва сигаретини думалок шиша кулдонга уриб ўчирди.

— Кеч бўлди. Уйга кетишим керак. Аммо сираям олдиндан кетгим келмаяпти-да!

— Эринг бугун покер ўйнамайдими?

— Ўйнайди. Аммо у менга кўнғироқ қилиб қолиши мумкин-да! Баъзан бор пулини бирпасда ютқазади-ю, вақтли уйга қайтади, аммо бундай вақтда кайфияти жудаям расво бўлади, — у хўрсиниб, ҳамон ўринда чўзилиб ётган эркак томон ўгирилди. — Биласанми, буларнинг бари жонимга тегди. Меҳмонхоналар, сир тутишлар...

— Тезда барига нукта қўямиз.

— Нима учун?

Брюс Фарр қўли билан жингалак сочларини силади, кутичани силкиб, сигарет олди-да, тутата бошлади.

— Бир ойдан сўнг текшириш ўтказилади. Ўн дақиқа ўтмаёк уларнинг чўнтагига тушганимни билиб қолишади. Тўғри, уларнинг фирмаси каттагина, аммо ортами-кечми сейфдан чорак миллион долларлик кимматбаҳо тақинчоқлар йўқолганини сезишлари тайин.

— Шунчалик кўп олганмисан?

У жилмайди.

— Оз-оздан олганман, аммо йиғилиб, шунча бўлиб кетибди. Мен ҳеч кимнинг назарига тушмайдиган нарсаларни олганман, аммо текширишда уларнинг

йўқолганлиги ошкор бўлиши аниқ. Турган гапки, бу такинчоқлар ҳозир менда эмас. Баъзиларини сотганман, бошқаларини гаровга қўйиб, пул олганман. Юз минг доллардан ошиқроқ пулим ҳозир ишончли жойда сақланмоқда.

— Шунча пул-а! — Аёлнинг лаблари худди хуштак чалмоқчидек чўччайди. — Юз минг доллар...

— Ундан ҳам ошиқроқ, — аёлнинг мамнунлигини кўриб унинг ҳам юзига табассум балқди. — Ҳақиқий нархининг ярмига тенг, аммо бу ҳам ёмонмас, менимча. Бироқ биз қўл қовуштириб ўтира олмаймиз, иложи борича тезроқ бошқа мамлакатга кетишимиз лозим.

— Буни биламан... аммо кўрқяпман-да...

— Бизни тутишолмайди. Штатлардан чиқиб кетишимиз билан ҳеч нарсадан хавотирланмасак ҳам бўлади. Бир неча минг долларга фуқароликни сотиб олиб, тинчгина умргузаронлик қилса бўладиган мамлакатлар ҳам бор. Шунда бизни ҳеч ким тополмайди.

Марция индамади. Брюс унинг қўлларини силаб, нима гаплигини сўради. Аёл унга ўгирилиб, кўзларига тик боқди.

— Мен полициядан кўрқаётганим йўқ. Сен улар бизни топишолмасликларини айтяпсанми, демак шундай бўлиши тайин.

— Унда нимадан кўрқяпсан?

— Рэйдан, — аёл кўзини олиб қочди. — Севикли эргинам Рэй бизни топиб олиши тайин. У бизни топишини аниқ биламан. Биз Патагониянинг фуқароси бўламизми ёки Камбожжаникими, бунинг Рэй учун

заррачам аҳамияти йўқ. У бизни қўлга олишга ёрдамлашишлари учун Қўшма Штатлар ҳукумати билан келишиб ўтирмайди. У... — Марция худди ҳаво етишмаётгандек оғир-оғир нафас ола бошлади. — Рэй бизни ўлдиради!

— Э, у бизни топиб бўпти! Нега бундай деб ўйлаяпсан...

Аёл унинг гапини охиригача эшитмай, бош чайқади.

— Сен уни билмайсан-да!

— Сира ишонгим келмаяпти. Азизам...

— Сен уни билмайсан, — қайтарди аёл. — Мен эса биламан. Афсуски, у билан умуман учрашмаганимда қанчалик яхши бўларди-я! Назарида, мен унинг шахсий буюмиман. Фақат унга тегишлиман, шу сабабли менинг кетишимга йўл қўймайди. Унинг танишлари орасида даҳшатли одамлар бор. Жинойтчилар, каллакесарлар... — аёл қуйи лабини тишлади. — Нега у билан яшашимга, уни ташлаб кетмаслигимга қизиқсанг керак-а? Чунки унга қарши борсам, нималар бўлиши мумкинлигини яхши биламан. У мени ер тагидан ҳам, осмондан ҳам излаб топади-ю, ўлдиради-қўяди...

Марция ҳаяжондан гапиролмай қолди. Брюс уни бағрига тортиб, тинчлантириш учун юзларини силади.

— Сени унга бермайман. Рэй бизни ўлдиролмайди ҳам. Бундан сираям хавотирланма.

— Сен уни билмайсан, — аёлнинг овозида ваҳима янгради. — У қаҳрли, шафқатсиз одам. У...

— Марция, нима дейсан, балки уни ўлдирармиз?

Брюс аёлни кўндириш учун узоқ уринди. Барибир Американи тарк этишади, қайтиб келишмаслиги аниқ,

шундай экан ортларидан из қолдиришнинг нима ҳожати бор? Агар Рэй уларнинг келажагига хавф солаётган экан, профилактика чораларини кўриш лозим-да!

— Бундан ташқари, уни жонсиз ҳолда кўрсам, ўзимни бахтли ҳис қиламан. Бир неча ойдан бери бирга бўлсак-да, ҳар сафар унинг ёнига қайтишингга тўғри келяпти.

— Бу ҳақда ўйлаб кўришим керак, — деди ниҳоят Марция.

— Азизам, сен ҳеч нарса қилмайсан. Ҳаммасини ўзим уддалайман.

Марция бош ирғаб, ўрнидан турди.

— Сираям... қотиллик ҳақида ўйламагандим. Эҳтимол, қотилликлар шундай содир этилса керак. Одатда одамлар муаммони бошқача йўл билан ҳал этишолмаса, шундай йўл тутишса керак-да...

— Биз уларга ўхшамаганмиз, Марция. Биз бутунлай бошқачамиз. Ундан ташқари, бу муаммо эмас. Ҳаммаси яхши бўлади!

— Мен бунга ўйлаб кўришим керак, — қайтарди Марция. — Мен... мен ўйлаб кўраман.

Икки кундан сўнг Марция Брюсга кўнғироқ қилди.

— Нима ҳақда гаплашганимиз эсингдами? Биз бир ой кутолмас эканмиз.

— Қанақасига?

— Кеча кечқурун Рэй Парижга иккита самолёт чиптасини олиб келди. Ўн кундан сўнг учиб кетарканмиз. Ҳамма ҳужжатларимиз жойида, бу борада муаммо бўлиши мумкин эмас. Аммо Рэй билан яна бир марта саёҳат қилишга чидай олмайман. Бунга бардошим

етмайди.

— Демак, сенингча...

— Ха, аммо ҳозир бу ҳақда гаплашолмайман. Менимча, кечқурун учрашганимиз маъкул.

— Қачон ва қаерда?

Марция учрашув вақти ва жойини айтди. Гўшакни жойига кўйгач, қўллари титрамаётганини кўриб, ҳайратланди. “Бу жуда осон иш экан-ку” ўйлади у таажжубланиб. У инсон тақдирини ҳал қиляпти, аммо кўли худди жарроҳнинг қўлидек титроқ билмайди. Ҳаёт ва мамот масалалари қандай осон ечим топаркан-а...

Ўша оқшом у бир неча дақиқа кеч қолди. Брюс уни Рендолф-авенюдаги қовоқхона ёнида кутиб турганди. Марция келиши билан Брюс унинг қўлларидан маҳкам ушлаб олди.

— Бу ерда гаплаша олмаймиз, — деди у. — Бизни бирга кўрмасликлари лозим. Шаҳар бўйлаб сайр қиламиз. Машинам йўлнинг нариги томонида турибди.

Улар Клейборн-драйв бўйлаб шаҳарнинг шарқий тарафига йўл олишди. Марция сигарет тутатиб, тутунини очик ойна томон пуфлади, Брюс ундан қандай қарорга келганини сўради.

— Бу ҳақда ўйламасликка ҳаракат қилдим, — тан олди аёл. — Аммо кеча кечқурун Рэй Европада уч ҳафта дам олмоқчи эканлигини айтди. Мен бунча вақт у билан бирга юришга чидай олмайман.

— Хўш...

— Шунда сенинг тентакона ғоянг эсимга тушиб қолди. Сен уни ўлдириш кераклигини айтгандинг.

— Айтгандим, — деди Брюс машинасини пиёдалар йўлакчасига тақаб тўхтатаркаи.

— Сен ҳақ экансан. Биз уни ўлдиришимиз керак. Акс ҳолда Рэй исталган вақтда ортимиздан келиб қолишини ўйлаб, доимо ваҳимада яшайман. Тунлари бемалол ухлолмайман. Агар у изимизни топса, нима бўлишини биламан. Буни сен ҳам биласан.

Уларнинг нигоҳлари тўқнашди. Брюс Марциянинг қўлларини кафтлари орасига олди.

— Мен жудаям асабий бўлсам керак, — гапида давом этди Марция. — Полициядан ҳам қўрқаман. Ҳатто фуқароликни сотиб олганимиздан кейин бизни тутиб бермасликларини билсам-да, барибир юрагим тинчимайди. Умрим охиригача кимдандир яшириниб, қўрқиб яшашни истамайман. Тўғри, Рэйдан кўра полициядан яширинган афзалроқ, аммо аслини олсанг, бари бир гўр.

— Унда нима қил дейсан?

Марция яна сигарет олиб, тутатди.

— Балки бу тентакликдир, аммо сени шубҳа остида қолдирмай туриб Рэйдан қутулишнинг йўлини топармиз, деб ўйлаб қолдим. Ўтган тунда ўйлаб ётиб, икковингизнинг бўй-бастингиз бир хил эканлигини сезиб қолдим. Сенинг бўйинг қанча? Олти фут-у икки дюймми?

— Тахминан шунча.

— Ўзим ҳам шундай деб ўйлагандим. Сен ёшроқ, анчагина келишганроқсан, аммо бўйингиз ва вазнингиз деярли ўхшаш. Мен ўйловдим-ки... Э, йўк, бу ҳақда

гапирмай қўя қолай!

— Қани, охиригача гапир-чи!

— Биласанми, мен нималарни ўйлаб қолдим? Сен мактуб қолдирасан. Оддий мактуб эмас, балки узундан-узоқхат ёзасан. Заргарлик компаниясидан тақинчоқларни ўғирлаб, сотиб юборганингни, пулларни эса қартага ютқазиб қўйганинг ва уларни қайтариб беролмаётганинг учун виждонинг қийналаётгани, тунлари ухлаёлмай чиқишингни ёзгин. Шунинг учун ҳам ўз жонингга касд қилишдан бошқа иложинг қолмаган.

— Назаримда, нимага шаъма қилаётганингни тушунгандекман.

Марция нигоҳини ерга тикди.

— Булар бари бемаъни нарсасиз, тўғрими?

— Сираям-да! Сен тулкихонсан. Демак, Рэйни ўлдирамиз-у, уни мен қилиб кўрсатамизми?

Аёл бош ирғади.

— Назаримда, фақат шугина чорамиз бор, холос. Шунақанга ажойиб нарсани ўзим ўйлаб топдим-а! Буни бир кечадаёқ удалаймиз. Мактубни уйингда қолдириб, бизникига келасан. Мен сени уйга киритаман ва Рэйни уйқусида ўлдирамиз. Ёстик билан бўғамиз ёки бошқа йўлини ўйлаб топамиз. Кейин уни сенинг машинангга ўтқазамиз-у...

— Жардан итариб юборамиз! — завқ билан хитоб қилди Брюс. — Ҳайратга солгулик зўр фикр!

— Ростдан-а?

— Бундан зўрроғини ўйлаб топиш мумкин эмас. Полициячилар менинг қўлим билан ёзилган ўлимолди

мактубимни ўқишади, жарга қулаган автомобилимни топишади ва ўз жонимга қасд қилганим ҳақида хулоса чиқариб қўя қолишади. Сен даҳосан, азизам!

Марция жилмайди.

— Шунда заргарларинг ҳам сени таъқиб қилишмайди, тўғрими?

— Мени ҳам, пулларимни ҳам таъқиб қилишмайди. Мактубимда пулларимни охириги тийинигача кўртага бой берганимни ёзмам. Менга қара, бир нарсани эътибордан четда қолдирибмиз-ку!

— Нимани?

— Аслида буниям тўғриласак бўлади. Рэй менинг ўрнимга автомобилда рихлатга равона бўлади, мен эса унинг Европага учиб кетаётган самолётдаги ўрнини эгаллайман. Бизнинг гавда тузилишимиз бир хил, унинг ҳужжатлари жойида, меҳмонхоналардан жой буюртма қилинган. Биз саёҳат дастурида кўрсатилган барча шаҳарларни томоша қиламиз, аммо штатларга қайтиб келмаймиз. Мабодо қайтгудек бўлсак ҳам мамлакатнинг бошқа тарафидаги бизни ҳеч ким кутмаётган бирон шаҳарчада яшаймиз. Шу тариқа оптимиздаги барча изларни қуритган бўламиз. Қачон йўлга чиқишингиз керак?

Марция гўё эсламоқчи бўлгандек кўзларини юмди.

— Кейинги жумада. Эрталаб Нью-Йоркка учамиз. Кейинги куни тушдан сўнг Парижга йўл оламиз.

— Жуда соз. Мени пайшанба куни кечқурун кут. Эринг ухлаши билан пастга тушиб, менга эшикни очасан. Мактубни ўзимнинг уйимда қолдираман. Рэйни

бир ёкли қилгач, тўғри аэропортга жўнаймиз. Ҳатто уйга ҳам қайтмаймиз.

— Пуллар-чи?

— Пулларим ёнимда бўлади. Буюмларингни ва хужжатларингни пайшанба куниёқ тайёрлаб қўйгин, — у гўё ўз омадига ишонмаётгандек бошини саранглатди.

— Жудаям ақлли эканлигингни доимо билардим. Сен эса даҳо экансан-а!

— Демак, бу ишни эпласак бўлади, деб ўйлайсанми?

— Эплмасликнинг иложи йўқ!

Улар ортиқча таваккал қилмаслик учун бошқа учрашмасликка қарор қилишди. Кунлар худди шиллиққуртдек имирсилаб ўтарди. Марция эса ўзининг сираям асабийлашмаётганини кўриб, жудаям ажабланарди.

Чоршанба куни кечқурун Брюс режаларини аниқлаштириб олиш учун яна кўнғироқ қилди. У Марцияга эри ухлаши билан кўнғироқ қилишини яна қайта тайинлади. Бу вақтгача ўзи ўлимолди мактубини ёзиб қўйишини, пулларни эса машинасининг юкхонасига жойлашини, Марциянинг кўнғироғидан кейин дарҳол уларнинг уйига йўл олишини айтди.

— Сираям хавотирланма! — хитоб қилди аёл. — Ҳаммасини худди айтганингдек қиламан.

Шу тун ва эртанги куннинг ўтиши Марция учун бир ойдек жудаям чўзилди. У жума куни тунги соат учдан йигирма дақиқа ўтганда Брюсга кўнғироқ қилди.

— Энди кўнғироқ қилмайсанми деб ўйлагандим.

— Эрим одатдагидан кечроқ уйкуга ётди.

— Кетяпман.

Интизор бўлиб кутиб турган Марция автомобиль келганини эшитди-ю, ҳали эшик тақилламасидан уни очишга шошилди. Брюс тезгина ўзини ичкарига урди.

— Ҳаммаси жойида. Мактуб ҳам, бошқа нарсалар ҳам.

— Пуллар-чи?

— “Дипломат”га жойланган, юкхонада турибди

— Жуда соз. Азизим, қойиллатиб кўнгил ёздик-а!

Аёлнинг охирги сўзларини Брюс эшитмади. Ҳали аёл сўзини тугатиб улгурмасидан Брюснинг орқасида шипдек бир гавда кўринди ва резина қопланган кўргошин кувур бўлаги калласига урилди. Брюс товуш чиқаришга ҳам улгурмай, худди оёғидан чалингандек гурс этиб кулади.

Рэй Донахью қаддини ростлади:

— Гумдон бўлди. Оддий, аммо дидли иш бўлди. Ташқарига чиқиб қарагин-чи, ҳаммаёқ тинчмикан? Қизиқувчан қўшнилари бизга керакмас!

Марция эшикни очиб, ташқарига чиқди. Тинч, зим-зиё тун. Аёл кўксини тўлдириб нафас олди. Ҳаво шунақанги тоза-ки!

— Унинг машинасини йўлак ёнига яқинлаштир,— буюрди Рэй. — Шошма-чи, калитлар чўнтагида бўлса керак, — у Фаррнинг устига эгилиб, чўнтагидан калитни олди. — Борақол.

Марция машинани орқа эшик олдига яқинлаштирди. Остонада Брюснинг танасини елкасига ортган Рэй пайдо бўлди. Уни орқа ўриндиққа ташлаб, ўзи руль ёнига

ўтирди.

— Ўзимизнинг машинамизни ол, — деди у Марцияга.
— Ортимдан бор, аммо жудаям яқинлашма. Мен 32-чи йўлдан шимол тарафга юраман. Тахминан бир ярим чақиримча нарида жуда бизбоп жар бор.

— Жар жудаям чуқур бўлмаслиги керак. Акс ҳолда жасад шунақанги ёниб кетадики, кимлигини ҳам аниқлай олишмайди.

— Бундан хавотирланма. Тишларнинг рентген суратига қараб ҳозир истаган одамани аниқлаб олишади. Яхшиямки, унинг шу нарсага ақли етмади.

— Уни аслида ақли паст эди.

— У хакида ўтган замонда гапиришга ҳали эрта, — хотинининг гапини тўғрилади Рэй. — У ҳали тирик.

Марция Фаррнинг машинасидан анча узоқроқда келарди. Мўлжаллаган жойига етиб келганда, Рэй юкхонадан пул солинган “дипломат”ни олди, хар эҳтимолга қарши Фаррнинг чўнтақларини текшириб чиқди. Кейин Фаррни руль ёнига ўтказиб, оёқларини тезликни оширувчи тепки устига тўғрилади. Бу вақтда Фарр ўзига кела бошлади.

— Алвидо, Брюси, — эркалатиб деди Марция. — Қанчалар мижғов бўлганингни ўзинг билганингда эди.

Рэй машинани юрғазиб, ўзи сакраб тушиб қолди. Оғир машина тўсиқни осонгина синдириб ўтди-да, бир зум ҳавода муаллақ осилиб қолди, кейин пастга ғизиллаб тушиб кетди. Бўғиқ шовқин эшитилди, кейин портлаш овози янграб, автомобилни олов қамраб олди.

Улар шошилмайгина ортга қайтишаётганда пул тўла

“дипломат” уларнинг ўриндиклари ўртасида турарди.

— Ана, эсипаст ошиқдан ҳам кутулдик, — мулойимгина жилмайди Рэй. — Нью-Йоркка парвоз қилишимизга ҳали икки соат бор. Кейин бизни Париж кутяпти!

— Париж! — хўрсинди Марция. — Бу сафар ўтган галдагидек кашшок бўлиб бормаймиз. Роса маза қиламиз-да энди!

Аёл қўлларига қаради. Титроқдан асар ҳам йўқ. “Нақадар хотиржамман-а!” ўйлади Марция. Унинг гўзал чехрасига майин табассум ёйилди.



Роберт БЛОХ



Асл исми Роберт Альберт Блох бўлган америкалик фантаст-ёзувчи Роберт Блох 1917 йили 5 апрелда АҚШдаги Чикаго шаҳрида дунёга келган.

Унинг биринчи ҳикояси 1934 йили “Marvel Tales” журналида чоп этилди. Роберт Блох ўттиздан охиқ романлар, юзлаб ҳикоялар муаллифи. Ҳикояларининг баъзилари Генри Каттнер билан ҳаммуаллифликда, баъзилари “Tarleton Fiske” тахаллуси остида ёзилган. Энг яхши ҳикоялари учун — “Хьюго”, фэнтэзи жанридаги хизматлари учун жаҳон мукофоти — “World Fantasy Award”, даҳшатлар фильми усталарига бериладиган “World Horror Convention Grand Master Award”, “Inkpot Award”, Брэм Стокер мукофотлари билан тақдирланган.

Роберт Блох ҳарбий хизматга бормаслик учун ҳисобли никоҳ қурди ва суяк сили билан оғриган Марионга уйланди. Марион тузалиб кетгач, 1963 йилда ажрашишди, қизи Салли эса отаси билан қолди. Блох 1964 йилда Элеонора Александрни учратиб, у билан турмуш қурди. 1965 йилда Роберт ва Элеонора Лондонга кўчиб кетишди.

1994 йили августда Роберт Блох ўзи учун таъзиянома (некролог) ёзди. “Locus” наири бунини доим ўлим ҳақида ёзадиган одамнинг ҳазили деб атади. Аммо роппа-роса бир ойдан сўнг Роберт Блох саратондан вафот этди.

ҚОРА ҚУТИ

Чанг босган ойнага “Брайт Спот”га киринг ва овқатланинг” деб ёзилганди. Растининг овқатлангиси келмаётганди. Шунга қарамай, ичкарига кириб, бар пештахтаси олдига ўтирди ва официант аёлларга қарай бошлади. Ниҳоят, улардан бири ёнига келди.

— Жаноб, нима ейсиз?

— Кока-кола.

Официантаёл буюртмани келтирди. Расти таомномадан кўз узмай, сўради:

— Айтинг-чи, Хелен Краус шу ерда ишлайдими?

— Мен Хелен Краусман.

У кўзини кўтарди. Қандай бемаънилик! Майк хотини ҳақида кўп гапирар, уни “Қадди-қомати келишган, новча ва малласоч” деб таърифларди. Растининг қаршисида турган аёлнинг бўйи баландлигини айтмаса, таърифдаги гўзалдан асар ҳам йўқ. Огирлиги камида бир юз олтмиш фунтча келади, сочлари хунук кулранг тусда, мовий кўзлари кўзойнакнинг қалин шишаси ортидан жонсиз боқади.

— Мен Нортонда яшаган Хелен Краусни изляяпман...

— Бу менман, — бош ирғади официант аёл. — Хўш, хизмат?

— Эрингиз сизни топишимни тайинлаганди.

— Майкми? — хитоб қилди у. — Ахир у ўлган-ку!

— Тўғри. Менинг исмим Расти Коннорс. Қамокхонада икки йил бир жойда ўтирганмиз.

— Менга бирон гапни айтишингизни сўраганмиди?
— шивирлаб сўради Хелен.

— Бу ерда гаплашиб бўлмайди, — Коннорс атрофига аланглади. — Қачон бўшайсиз?

— Етти яримларда.

— Унда бирор жойда учраша қолайлик.

— Балки, боғнинг бурчагида учрашармиз? — сўради Хелен.

Расти Коннорс аслида Хейнсвиллга чипта сотиб олаётганида, соҳибжамол жононни учратишини кутганди. Мовий кўзлари кўзойнакнинг қалин шишаси ортидан жонсиз боқадиган бақалоқ аёлни кўриб хафсаласи пир бўлди. Фақатгина Майк қаергадир яшириб қўйган эллик олти минг доллар ҳақидаги ўйларгина уни йўлига равона бўлишдан ушлаб қолди.

Улар боғда учрашишганида, қоронғи тушиб қолганди. Бу яхши, чунки уларни бирга кўришмагани маъкул. Бундан ташқари, Хелен ҳам қоронғида унинг юзини аниқ кўролмайди.

— Майк сен ҳақингда кўп гапирарди, Хелен, — деди Расти.

— Менга ҳам сен энг яхши дўсти эканлигингни ёзганди.

— Майк зўр йигит эди. Аммо иққовимизниям омадимиз келмади. Менга, очиғи, ҳаётни яхши билмаслигим панд берди. Ҳарбий ҳизматни ўтаб келгач, бекорчи бўлиб қолдим. Пулим тугагач эса яширин букмекерлик идорасига ишга кирдим. Полиция тинтув ўтказган тунда биринчи ва охириги жиноятимни содир этдим. Хўжайин менга пул тўла қора сумкани бериб, орқа эшикдан қочиб қолишимни буюрди. У ерда эса

полициячи тўппонча кўтариб турган экан. Чин сўзим, унга ёмонлик қилмоқчи эмасдим, аммо омадим келмади. Унинг бошига бир туширгандим, ўлди-қолди.

— Майк бу ҳақда ёзганди. Роса омадинг келмабди-да!

— Ҳа, Майкниям омади келмаган, Хелен, — Расти атайлаб уни исми билан атарди. — Сира тушуна олмадим, ўзи туппа-тузук йигит-ку, кутилмаганда дўстини ўлдирса-я?! Биронта гувоҳ ҳам йўқ. Полиция жасадни ҳам топа олмабди...

— Майк ўша куни Питни олиб кетганини кимлардир кўрган, — елка қисди Хелен. — Пит машинанинг калитини йўқотиб қўйибди. Майкдан уни пуллар билан бирга фабрикага элтиб қўйишини сўраган бўлса керак. Нима бўлгандаям, полиция унга ёпишиб олди. Майкни кон доғларини ювмоқчи бўлаётган вақтида қўлга олишди. Турган гапки, унда айбсизлигини исботловчи далил йўқ эди. У мен билан уйда ўтирганини айтиб, онт ичсам-да, полициячилар ёлғонимга ишонишмади. Майкка ўн йил беришди.

— Икки йил ўтириб, вафот этди, — хўрсинди Расти. — Аммо пулларни қаерга яширганини айтмай кетди... Сен биласанми?

— Билмайман. Пуллар ҳақидаги сўрашавергани жонимга теккани учун ҳам Нортондан кетиб, шу ерларда юрибман-да! Майк пуллар қаердалигини айтганида, шу ерларда дайдиб юрармидим?

Расти хўрсинди. Майк билан танишгани зўр иш бўлганди. Фақат унинг пулларни қаерга яширганини айтмагани чаток бўлган-да! Расти Майкнинг жиддий касал эканлигини кўрганида, уни бўғишга ҳам уриниб

кўрди, аммо гапиртира олмади. Майкни турма касалхонасига ётқизишганида, Расти у оғзидан гуллаб кўйишидан чўчиганди. Аммо Майк эрталабгача етмади. Турма шифокори унинг зотилжамдан ўлгани ҳақида ташхис кўйди.

Майк ўлганидан кейин Расти яна олти ой ўтирди-ю, жазо муддати тугаши билан Хеленни излаш учун Хейнсвиллга йўл олди.

— Майк ўлими олдидан полициячилар пулларни сираям топа олмасликларини, у ҳалиям Питда эканлигини айтганди.

— Бори шу, холосми? — ҳафсаласи пир бўлиб сўради Хелен бироз сукутдан кейин.

— Нима, бу камми? Пуллар жасад билан бирга кўмилган.

— Полициячилар Тейлорнинг жасадини икки йил беҳуда излашди!

— Қаерлардан излашди? — хитоб қилди Расти.

— Олдин уйимиз ва ертўламиздан излашди, кейин шериф одамларини олиб, бир ой давомида Нортон атрофидаги ўрмонни титкилаб чиқди, биронтаям ташландиқ уй ёки омбор қолмади. Ҳатто кўлни ҳам текширишди.

— Ўша куни Майк уйда қанча вақт бўлмади? — сўради Расти.

— Уч соатча.

— Демак, у шаҳардан узоққа кета олмаган! Жасад шу атрофга яширилган бўлиши керак.

— Полиция ҳам олдин шундай деб ўйлаганди. Ишонавер, улар ҳеч нарсани назардан четда

колдиришмади. Ҳатто кон тубидаги сувни тортиб чиқаришди ҳам.

— Бўпти, унда калаванинг бошқа учини излайлик-чи! Пит Тейлор ва эринг дўст эди, тўғрими? Улар қандай кўнгил ёзишарди? Қарта ўйнашармиди ёки ичишармиди?

— Майк деярли ичмасди. Улар кўпинча овга чиқишар ёки балиқ овлашарди. кўл ёқасида Пит Тейлорнинг уйи бор.

— Нортондан узоқми?

— Уч миляча келади. Нимани ўйлаётганингни биламан. Бекорчи нарсаларни каллангдан чиқар, чунки полиция у ерни титкилаб, ҳеч нарса тополмади.

— Тейлорнинг қайиғи қаерда турарди? — сўради Расти.

— Улар Майк билан балиқ овига чиқишганида кўшнилариинг қайиғини олишарди, — Хелен хўрсинди.

— Икки йилдан бери пуллар қаерга яширилганини ўйлайвериб, бошим қотиб кетди.

— Пит Тейлор ўлган куни нималар бўлганди? — кизиксинди Коннорс. — Эсингдан чиқиб кетмадим, мабодо?

— Мен уйда ўтиргандим. Дам оладиган куни бўлгани учун Майк қаергадир кетганди.

— У қаерга кетаётганини айтмадим? Балки асабийлашгандир ёки ўзини ғалати тутгандир?

— Йўқ, булар аввалдан режалаштирилган бўлиши эҳтимолдан узоқ. Менимча, бари... тасодифан содир бўлди.

— Полиция нима деяпти?

— Майк ҳаммасини пухта ўйлаганмиш. У маош

бериладиган куни Пит пул олиш учун банкка боришини билган. Фабрика директори қария Хиггинс галати одам эди, у нима учундир ишчиларига фақат нақд пул тўларди. Полициянинг фикрича, Пит банкка кирганида, Майк машиналар тўхташ жойида кутиб турган. У машинани бузиб қўйган, оқибатда Пит уни юрғиза олмаган. Майк қўриқчи кетишини кутиб турган, кейин тасодифан шу ердан ўтиб қолгандай қилиб, Питнинг олдига келиб нима бўлганини сўраган... Тўхташ жойи ходими Майк ва Питнинг гаплашиб турганларини кўрган. Кейин Тейлор Майкнинг машинасига чиққан ва улар жўнаб кетишган. Кейинги уч соат мобайнида нималар бўлганини ҳеч ким билмайди.

— Майк ёлғиз қайтиб келган, — ўйчан деди Расти. — У сенга нима деди?

— Ҳеч нима. Аниқроғи, айтишга улгуролмади. Икки дақиқадан сўнг уйга полициячилар бостириб киришди.

— Нега бунчалик тез?

— Тейлор пулларни олиб, қаёққадир ғойиб бўлганини билгач, фабрикадагилар безовталаниб қолишган. Қария Хиггинс банкка қўнғирок қилган. Кимдир машиналар тўхташ жойига бориб, Пит Майкнинг машинасида кетганини билиб келган. Шунинг учун дарров етиб келишган.

— Майк қаршилиқ кўрсатдимми?

— Йўқ, — бош чайқади Хелен. — Полициячилар келишганида, у ҳаммомда эди.

— У ерда нима қилаётганди?

— Қўлини юваётганди. Мен унинг туфлиси лойга ботганини кўрдим. Полициячилар тўппончани топиш

ниятида эдилар. Улар Майкнинг тўппончаси борлигини билишарди. Майк тўппончасини йўқотганига анча бўлганини айтди, аммо унга ҳеч ким ишонмади. Майк қўлини қирқиб олганди. У уйга қайтганида, яра салгина қонаб турганди. Мен нима бўлганини сўрадим. У каламушлар ҳақида бир нималарни тўнғиллаганча, ҳаммомга қамалиб олди.

— Демак, уйга келганида, каламуш тишлаганини айтибди-да?

— Ҳа, каламушлар ҳақида нимадир деб тўнғиллади. Судда эса қўлини устарада қирқиб олганини айтди. Ҳаммомда қонга беланган тиғ ётганди...

— Шошма, шошма, — секин деди Коннорс. — У сенга каламушлар ҳақида нимадир деган, кейин тепага чиқиб, қўлини устарада қирққан... Менимча, у жасадни яшираётганида, қўлини каламуш тишлаган. Агар полиция буни билса, жасадни ва пулларни ҳам топиб оларди. Шунинг учун ҳам у қўлини қирққан.

— Аммо биз Нортондаги каламушлар тўла ташландик жойларни текшира олмаймиз-ку! — деди Хелен.

— Каламушларни ёмон кўраман! — Расти бармоқларини шиқиллатди. — Шошма! Пит ва Майк балиқ овига чиқишганида, қўшнилари қайиғини олишларини айтувдинг. Қўшнилари қайиғи қаерда турарди?

— Махсус қурилган бинода.

— Полиция уни тинтиганми?

— Билмадим, — елка қисди Хелен. — Тинтиган бўлса керак!

— Балки яхшилаб излашмагандир? Ўша куни дала

ҳовлида биронтаси бўлганми?

— Йўқ. Бу воқеадан икки ҳафта олдин ўша дала ҳовлининг эгаси бўлган Томаслар автоҳалокатга учрашган.

— Демак, дала ҳовли бўш бўлган ва Майк буни билганми?

— Ҳа, ёз тугаётганди, кўлда ҳеч ким йўқ эди.

— У ерда ҳозир ким яшайди?

— Ҳеч ким яшамайди. Томасларнинг фарзандлари йўқ эди... Нима, сенингча...

— Агар тахминларим тўғри бўлса, эллик олти минг бизники бўлади. У ерга қачон бора оласан?

— Эртага дам олиш куним. Менинг машинамда борсак бўлади.

— Пуллар... — ўйчан ҳолда минғирлади Коннорс. — Ҳар биримизга йигирма саккиз мингдан.

— Пулларни бўлиш шартми ўзи? — жилмайиб сўради Хелен.

“Шартмас” ичида жавоб берди Расти. Бўлишнинг кераги йўқ, фақат бунинг учун Хеленни гумдон қилишга тўғри келади.

Кундузги соат тўртларда Хелен ва Расти шартлашилган жойда учрашишди, бир соатдан кейин кўлга етиб боришди. Хелен машинасини Пит Тейлорнинг кичкинагина уйчаси ёнида тўхтатди. Ҳатто пашшани ҳам яшириб бўлмайдиган даражада кичкинагина, хароба бинони кўриб, Коннорс бу ердан на жасадни, на пулларни тополмаслигини тушунди.

— Қайиқ турадиган бинога борайлик, — деди Хелен кўл чироғини оларкан. — Эҳтиёт бўл, сўқмоқ сирғанчиқ.

Расти унинг ортидан кетаркан, балки Хеленни шу ерда гумдон қилсаммикан, деб ўйларди. Бошига тош билан урса, тамом. Йўқ, олдин пулларни ва аёлнинг жасадини яшириш мумкин бўлган хавфсиз жойни топиш лозим.

Қайик сақланадиган бино эшигида каттакон қулф осифлиқ турарди. Аммо Расти тош билан қулфни осонгина синдириб, эшикни очди. Қоронғи бино ичида ўнлаб митти оловчалар ялтираб кўринди.

— Каламушлар, — деди Расти. — Киравер, кўркма. Афтидан янглишибмиз, шекилли.

Хелен тап тортмай бинога кирди. Ҳаммаёғи кавлаб ташланган, деворлари яланғоч бинодан излаганини топмаслигини Расти дарров тушунди. У уйнинг ичини кўриб чиқишга қарор қилиб, ташқарига чиқди-ю, тўсатдан жойида тўхтаб қолди.

— Ҳеч нарсани сезмадингми? – сўради у.

— Йўқ. Нимайди?

— Том шифтдан анча баланд экан.

— Нима бўпти? — тушунмади Хелен.

— Бу чордоқ борлигини билдиради. Кетдик.

— Қаёққа?

— Уйга. Нарвон топиш керак.

Расти нарвондан ташқари, оғир мисрангни ҳам олди. У нарвонни ўрнатиб, тепага чиққунига қадар, Хелен қўлчиروқни ушлаб турди. Коннорс бир нечта миҳда илиниб турган рубероид қопламани мисранг ёрдамида осонгина кўчириб ташлади. Афтидан, шифтни шоша-пиша беркитишган, шекилли.

Расти ёғочларни кўчира бошлаганида, мисранг роса иш берди. Эски тахталар ғичирлар, инграр, худди уларни

безовта қилишгани учун ғазабланаётганга ўхшарди. Гичирлашга ҳар томонга қочаётган каламушларнинг чийиллаши ҳам қўшилди.

Хелен унга қўлчирокни узатди. Расти Коннорс тешикдан бошини тиқиб қараркан, дарҳол қора қутини кўрди. Унинг ортида яна нимадир ҳам бор эди. У Пит Тейлор эканлигини Расти биларди...

— Бирон нарса топдингми? — Хеленнинг овози сабрсизликдан титраб кетди.

— Ҳа, топдим. Нарвонни қаттиқроқ ушла. Мен тушяпман.

У Хеленга чирокча билан мисрангни узатди ва қора қутичани кўксига босганча, пастга туша бошлади. Хелен эгилганида, уни бетон парчаси билан уради ва рихлатга равона қилади-қўяди!

Йўқ, ундай бўлмади. Расти қанчалик хом ўйлаганини тушунишга улгурмади ҳам. У нарвоннинг энг пастки погонасига оёқ қўйгани заҳоти, Хелен мисранг билан боплаб калласига туширди.

Коннорс ўн дақиқача беҳуш ётди, бу пайтда Хелен машинага югуриб бориб, арқон келтиришга улгурди. Расти кўзини очганида, қўл-оёқлари чамбарчас қилиб боғланган бўлиб, қон қотиб қолган чаккаси қаттиқ оғриётганди. У Хеленнинг эгилиб, қора қутининг ичига қараётганини кўрди.

Қўлчирок унинг юзини ёритиб турарди. Хелен кулди ва кўзойнагини ечди. Расти ўзига келганини сезиб, изоҳ бера бошлади:

— Энди кўзойнак керак эмас. Ҳеч қачон керак бўлмаганди ҳам. Сочимнинг ранги, семизлик ҳам

атрофдагиларни чалғитиш учун керак эди. Икки йилгача одамларнинг эътиборини тортмаслик учун ўзимни семиз хотиндек кўрсатдим. Баъзан ўзингни жинниликка солиш фойдадан ҳоли эмас, тўғрими? — Расти жавоб ўрнига тўнғиллаб кўйди. — Пит билан ишқий саргузаштларимиз ярим йилча давом этди, кейин Майкл бундан хабар топди. Ўша куни у тўппончасини олиб, Тейлорни излаб кетганди. Балки ундан кейин мени ўлдирмоқчи бўлгандир ҳам. У пайтда Майк пуллар ҳақида ўйламаганди. У жасадни ва пулларни қаерга яширганини сўрашга ҳам улгурмадим. Чунки ўша вақтда ўзимнинг жонимни сақлаб қолишнигина ўйлардим, холос. Полициячилар келишганида, мен Пит билан орамизда ҳеч нарса йўқлигини исботлашга уриндим. Эҳтимол, Майк бунга ишонгандир, чунки судда Пит билан мен ҳақимда гапирмади... Сени нега урганимни биласанми? Худди сен ўйлаган сабаб туфайли. Ахир сен ҳам менинг бошимни ёрмоқчи эдинг-ку?! — жилмайди Хелен. — Қамоқхонада ўтирганингда нималарни ўйлаганингни биламан. Аммо мен бу пулларга муносибман. Худди сендек, мен учун ҳам шу икки йил осон бўлмади, худди қамоқда ўтиргандек эдим. Энди озод бўламан, қирқ фунт озиб, сочларимни малларангга бўйяман ва илгариги соҳибжамол Хелен Краусга айланаман. Фарқи, энди эллик олти минг долларга бойроқман, холос.

Расти Коннорс нимадир демоқчи бўлди-ю, бўғзидан фақат хириллаш чиқди, холос.

— Ташвишланма, мени топишолмайди, — уни ишонтирди Хелен. — Сеням тез орада топишмайди. Чунки эшикка қулфни илиб кетаман. Боз устига, икковимизни биргаликда ҳеч ким кўрмаган. Шундай

окан, мен шубҳалардан холиман.

Хелен орқасига ўгирилганида, Расти кучининг борича оёқларини олдинга итарди ва Хеленнинг тиззасига тепди. Аёл йиқилиб тушди. Расти тез думалаб, унга яқинроқ борди ва оёқлари билан аёлнинг қорнига тепди. Хелен оғриқдан қичқириб юборди ва учиб бориб эшикка урилди. Эшик ғичирлаб ёпилиб қолди, қўлчиноқ ерга тушиб кетди ва хона ичи зулматга чўмди. Коннорс жон аччиғида оёқлари билан дуч келган томонга тепа бошлади. Тез орада қичқириқлар тинди, жимлик чўкди.

Расти аёлнинг нафас олишини эшитишга уриниб қулоқ тутди, аммо жим-жит эди. У олдинга думалаганиди, юзи илиқ ва нам нимагадир тегди. У қўрқувдан титраб, орқага думалади. Қўлларини бўшатишга уринди, аммо нишиқ арқон бўй бермади.

Хелен Крауснинг танаси эшикни тўсиб ётар ва Растининг бу бадбўй зулматдан чиқишига тўсқинлик қиларди. Расти уни боши билан четга суришга уринганиди, аммо пул солинган қутига чаккаси урилиб, хириллаб қолди.

Тез орада каламушлар қайтиб келишди...



Пэлам Грэнвил ВУДХАУС



Маишхур инглиз ёзувчиси, драматург, комедиограф сэр Пэлам Гренвилл Вудхаус 1881 йил 15 октябрда Суррей графлигидаги Гилфорд шаҳрида тугилди. Вудхаус 15та пьеса, 30га яқин мусиқали комедиялар, шунингдек, 96та китоб муаллифи. Тахаллуслари:

Ж.Плум, Пэлам Грэнвилл, Мейлрос Грейнжер, П. Брук-Хавьен, Ж.Уолкер Уильямс, С.П.Вест.

Вудхауснинг беш ёшида ёзган биринчи шеърини “Сартайн” журнали тuzатмасдан чоп этган. 1894 йилда Вудхаус Далвич коллежига ўқишга кирди, коллежнинг “The Alleynian” журналига бош муҳаррир бўлди, регби ва крикет бўйича биринчи терма жамоаларга олинди (1899, 1900), баландликка сакраш бўйича чемпион бўлди (1900), кейинчалик ўқув юртининг кутубхонаси унинг номи билан атала бошланди. Вудхауснинг британиялик оқсуяк йигит Берти Вустер ва унинг топқир хизматкори Живс ҳақидаги туркум романлари жуда маишхур бўлиб, уларнинг танилишида Стивен Фрай ва Хью Лори суратга тушган “Живс ва Вустер” (1990-1993) номли британия телесериали катта ўрин тутди.

1914 йил 30 сентябрь куни бир зиёфатда Вудхаус англиялик бева аёл Этель Ньютон билан танишиб унга уйланди, унинг қизи Леонорани ўзининг номига ўтказди. Улар 60 йилдан ошиқ тинч ва аҳил яшаиди.

Адиб 1975 йили 14 февралда Нью-Йоркдаги Саутгемптон шаҳрида вафот этди.

“ВЕНЕРА”НИНГ ЎҒИРЛАНИШИ

Хонага содиқ хизматкорим Живс мўралаб, холам кўнғироқ қилаётганини айтди. Телефонга яқинлашарканман, ҳеч қандай ёмонликни юрагим сезмади. Менда ғайритабий қобилиятлар йўқ, ҳамма бало шунда.

— Бerti, маст эмасмисан? — сўради холам.

— Сираям-да, холажон!

— Унда гапимни эшит. Мен Гемпширдаги кичкинагина Маршем-ин-зе-вейл номли қишлоқчадан кўнғироқ қиляпман. Ўша ердаги “Маршем-мэнор” кўрғонида яшовчи Корнелия Фозергиллникига меҳмонга келдим. У ёзувчи, роман ёзади. У ҳақда эшитганмисан?

— Биронтаям китобини ўқимаганман.

— Аёл киши бўлганинда, ўқирдинг. Янги романини “Будуар”га беришга уни кўндирмоқчиман.

Энди тушундим. Холам эсипаст хонимчалар ўқийдиган ҳафталик газетанинг эгаси-ку!

— Хўш, буни удаладингизми?

— Корнелия сал иккиланиброк турибди. Назаримда, битта туртки кифоя. Шунинг учун дам олиш кунда сен ҳам келасан.

— Ким, менми? Нега энди?

— Уни кўндиришга ёрдамлашасан. Жозибангни ишга соласан.

— Афсуски, менда жозибанинг ўзи кам-да!

— Майли, бориға шукр қилаверамиз.

Очиғини айтганда, мен ҳаётий тажрибамдан келиб чиққан ҳолда, аёллардан иложи борича узоқроқ юришни

маъкул кўрадиган бўлиб қолгандим.

— Бу ерда зерикмайсан! — ўз гапини ўтказишга уринарди холам. — Корнелиянинг эри Эверард Фозергилл рассом. Унинг отаси Эдвард Фозергилл ҳам деярли рассом. Живсга айт, буюмларингни йиғиштирсин.

Бертрам Вустердек темир иродали одам Талия холасининг чизган чизиғидан чиқолмаслиги кўпчиликка ғалати туюлиши мумкин. Гап шундаки, истакларига қарши чиқсам, холам мени дастурхонидан узоқлаштирадилар. Мен эса холажонимнинг француз ошпази Анатолнинг ажабтовур таомларига ўлгудек ишқибозман!

Шу тариха, 22 февралнинг осуда оқшомида хизматкорим Живс билан бирга эски спорт машинамга ўтирдим-у, Гемпшир ҳудудига келдим. “Маршем-мэнор” кўрғони кайфиятимни кўтарди, дея олмайман. Тўғри, мени бошлаб киришган меҳмонхона жуда шинам бўлиб, каминда ўтинлар чарсиллаб ёниб турибди, юмшоққина ўриндиқлар олдидаги чой столчасида хушбўй кекслар ва сарийёғ суртилган қовурилган нон турибди. Меҳмонхонада бири кексарок, бошқаси сал ёшроқ икки эркак ўтирар, гавда тузилиши, қиёфаси ва ҳатто соқоллари ҳам ўхшалигидан уларнинг ота ва ўгил эканлигини билиб олиш қийин эмасди. Гавдали, семиз аёл эса одатда нўноқ ёзувчилар тақадиган қалин шишали кўзойнак таққанди. У бир муддат менга тикилиб турди-да, кейин эркакларга таништирди. Кейин холам кирдилар ва биз бекорчи гапларни гапириб, анча ўтирдик. Тез орада Фозергиллар туриб, эшикка йўналишди. Уларга эргашгандим, Талия холам тўхтатиб қолди.

— Шошма, Берти. Сенга бир нарсани кўрсатмоқчиман.

— Менга қандай ишни юкламоқчисиз, ўзи? — сўрадим мен.

— Буни тезда билиб оласан. Кўрсатмоқчи бўлаётган нарсам ўзи шу билан боғлиқ. Аммо олдин ҳомийимиз ҳақида айтмоқчиман. Эверард Фозергилл қандай тажанглигини сездингми?

— Йўқ, сезмадим. Нима, у тажангми?

— Ҳа, асаблари жуда таранг. Негалигини сўрагин-а!

— Нега экан?

— Мен ҳозир сенга кўрсатмоқчи бўлаётган сурат туфайли. Юр!

Холам мени ошхонага олиб кириб, чироқни ёқди. Мен кўришим керак бўлган каттакон суратда ярим-яланғоч дўмбоққина қизнинг кабутарга ўхшаш қуш билан сўзлашаётгани тасвирланганди.

— Венерами? — тахмин қилдим.

— Ҳа. Уни катта Фозергилл чизган ва Эверарднинг туғилган кунига совға қилган.

— Сурат ёмон эмас, менга ёқди, — дедим мен.

— Жим бўлсанг-чи! Буни сурат дейиш ҳам уят. Фозергилл — қобилиятсиз ҳаваскор рассом, холос. Корнелиянинг айтишича, бу сурат тўйида совға қилингани учун ҳам Эверард уни кўз кўрмайдиган жойга яшириб қўя олмайди. Ҳар сафар ошхонага кирганида, отасининг “шоҳ асари”ни кўришга ва азоб чекишга маҳкум. Биласанми, Эверард ҳақиқий рассом. У ажойиб суратлар чизади. Мана, қара, — холам катта Фозергиллнинг сурати ёнидаги асарга ишора қилди. — Бу Эверард чизган сурат.

Мен Эверарднинг асарини диққат билан кўздан кечирдим. Бу ҳам мумтоз сурат бўлиб, ёнидагига жудаям

Ўхшаб кетарди.

— Венерами?

— Тўнка! Бу “Навбахор”.

— Шунаками? Уларга қандай ёрдамим тегишини билмаяпман!

— Мен биламан. Сен “Венера”ни ўғирлайсан.

— Ўғирлайманми?

— Бугун кечкурун. Суратни ўткир пичокда қирқиб оласан. Бунинг сираям қийин жойи йўқ. Бу атрофда сурат ўғирлашга ихтисослашган талончилар гуруҳи ишлапти. Улар қўшни уйлардан Ромни ва Гейнсборнинг суратини ўғирлашган. Шунинг учун ҳам “Венера” йўқолганида, катта Фозергилл ҳеч кимдан шубҳаланмайди. Бу талончилар санъатни тушунишади, деб қўя қолади. Корнелия ҳам шундай деяпти.

— Буни унга айтдингизми?

— Бўлмаса-чи! Унга охирги романини “Будуар”да чоп этишга берса, сен “Венерани” йўқ қилишингни айтдим. У жуда хурсанд бўлди! Болажоним, сен буни уддалайсан. Ўғрилар кўчадан киргандек кўриниши учун деразани очасан ва суратни ўғирлайсан. Уни хонангдаги каминда ёқиб юборасан. Мен хонангга кўпроқ ўтин олиб кириб қўйишларини буюраман...

Бошимни ҳам қилганча, бундай балоларга қаердан йўлиққанимни ўйлаб, хонамга йўл олдим. Хонамда Живс бор эди.

— Живс, — дедим мен, — бу ерданималар бўлаётганини айтсам, ишонмайсиз. Талия холам нимани таклиф қилганини биласизми?

— Ҳа, сэр. Ошхонанинг ёнидан ўтиб кетаётиб, тасодифан суҳбатингизни эшитиб қолдим. Траверс

хонимнинг овози жарангдор-да!

— Бунга рози бўлишим керак деб ўйлайсизми?

— Афсуски, ха, сэр. Бош тортсангиз, Траверс хонимнинг жаҳли чиқади ва сиз Анатолнинг лаззатли таомларидан бебаҳра қоласиз. Сэр, нима, мазангиз қочяптими?

— Йўқ, жаҳлим чиқяпти. Ё, тавба, Вустерни сурат ўғрисига айлантиришса-я? Бундай фикр кимнинг хаёлига келдийкин?

— Бу тоифа аёллар эркаклардан ҳам хавфлироқ, сэр! Хўш, режангиз борми?

— Қанақанги режа яна? Дерзани очаман..

— Гапингизни бўлганим учун маъзур тутасиз, сэр, аммо, назаримда Траверс хоним адашяптилар. Дерза ойналари синдирилса, ҳақиқатга яқинроқ кўринади.

— Синган ойнанинг овози ҳаммани уйғотсинми?

— Йўқ, сэр, буни шовқинсиз амалга ошириш мумкин. Қиёмни қоғозга суртиб, ойнага ёпиштирасиз ва мушт урасиз, холос.

— Қоғозни қаердан оламан? Қиёмни-чи?

— Мен топиб келишим мумкин. Сизнинг ўрнингизга бу ишни жон деб бажараман ҳам.

— Йўғ-э? Менга жуда катта яхшилик қилган бўлардингиз-да!

— Нималар деяпсиз, сэр? Сизга кўмаклашиш вазифам-ку! Маъзур тутасиз, эшикни тақиллатишяпти. Бориб қарай-чи...

Роппа-роса тунги соат бирда, худди келишганимиздек, хонамда Живс пайдо бўлди.

— Сэр, ҳаммаси тайёр.

— Яхши, унда дерза ойнасини синдириб келинг.

— Бу ишни бажариб келяпман, сэр.

— Ростдан-а? Ростдан ҳам шовкинсиз бажарибсиз! Тик этган товуш эшитмадим. Бўпти, унда кетдик!

Зинадан тушиб борарканман, ўзимни доимгидек хотиржам ва беғам тутдим, деб айта олмайман. Оёқларим музлаб, жонсиздек бўлиб қолган, тик этган товушдан ўтакам ёрилай дерди. Мени бундай балоларга гирифтор қилган холажонимдан нафратланганча, тез-тез суратни қирқиб, думалоқладим ва хонамга шошилдим.

Хонамда Живс каминни ёқиб қўйибди. Фозергиллнинг “шоҳ асари”ни оловга улоқтирмоқчи эдим, у қўлимдан тутиб қолди.

— Сэр, бундан катта нарсани бутунлигича ёқиб бўлмайди. Тагин ёнғин чиқиб юрмасин!

— Ҳа-я, сиз ҳақсиз, Живс. Уни бўлаклаймизми?

— Шундай қилишимиз керак деб қўрқаман, сэр!

Суратни қирқишга берилиб кетганимдан холам кирганини ҳам сезмабман. Холам гапирганида юрагим қинидан чиқиб кетаёзди.

— Бундоқ йўталиб келмайсизми? — жаҳл қилдим. — Сизни деб тилимни тишлаб олдим. Живс суратни майдалаш керак деяпти.

— Тўғри, акс ҳолда ёнғин чиқиши мумкин.

— Живс ҳам шундай деди.

— Зўр одам-да у! Бунақаси дунёда бошқа йўқ бўлса керак! — деди холам ва эшикдан кириб келган Живсга ўтирилди. — Живс? Қўлингиздаги нима?

— Богбонларнинг қайчиси, хоним. Ёрдам берсам, дегандим...

— Унда бошланг. Фозергиллнинг шоҳ асари сизни кутяпти.

Биз учоклашиб. Тезгина ишни тугатдик. “Венера”нинг чап томондаги пастки бурчаги колганида, Живс уни олиб, диққат билан кўздан кечира бошлади.

— Мени афв этасиз, хоним, — деди у кутилмаганда,
— Жаноб Фозергиллнинг исми Эдвардмиди?

— Ҳа. Истасангиз, Эдди дейишингиз мумкин. Нима эди?

— Хоним, бу суратга “Эверард Фозергилл” деб имзо кўйилган.

Холам икковимиз бу янгиликдан эсанкираб қолмадик, десам ёлгон бўларди. Биз том маънода тахтадек қотиб қолдик. Биринчи бўлиб мен ўзимга келдим.

— Живс, қани менга ўша бўлакни беринг-чи... Менимча, бу ерда “Эдвард” деб ёзилган, — дедим рассомнинг имзосини кўздан кечирарканман.

— Эсингни ебсан! — Талия холам қўлимдан парчани юлқиб олди. — Бу ерда “Эверард” деб ёзилган, тўғрими, Живс?

— Менгаям шундай туюлди, хоним...

— Берти, агар бошқа суратни ёққан бўлсанг...

— Бошқа суратни ёқмадим, — қатъият билан дедим мен. — Аммо кўнглингизни тинчитиш учун бориб, текширишим мумкин.

Холамга гапираётганимда овозим тўла қатъият бўлсада, ўзим шу пайтда жудаям эсанкираб қолгандим. Шунинг учун ошхонага етиб, эндигина эшикни тортганимда у ердан кимдир отилиб чиқиб, менга урилганида, кўрққанимдан хушимдан кетаёздим. Йўлак томон тисланиб, чироқни ёқдим-у, ўша кимса катта Фозергилл эканлиги кўриб, гапириш қобилиятимдан ажралдим-қолдим. Унинг ўнг кўлида пичоқ бўлиб,

тўкнашганимизда тушиб кетган тугунча оёғи ёнида ётарди. Мен тугунчани олиб бериш учун эгилдим.

— Жаноб Вустер! — мингирлади у бутун бадани титраб. — Ҳайриятки, Эверард эмас экансиз-а!

Бу гапга жавобан жимгина бош силкишни маъқул топдим.

— Ўзимнинг суратимни ўғирлаётганимдан хайратдамисиз? — деди у ҳамон титроғи босилмай. — Буни тушунтириб бераман.

— Ростданми?

— Сиз рассом эмассиз-а?

— Йўқ, ёзувчиман. Бир марта “Будуар” учун “Пўрим эркаклар нима кийишади” деган мақола ёзгандим.

— Биласизми, мен бу суратни икки йил чиздим. У боламдек бўлиб қолган. Кейин Эверард уйланди ва мен каллам оғиб, тўйида унга ўша суратни совға қилиб юбордим. Қандай азоб чекаётганимни тасаввур ҳам қилолмайсиз. Овқатланиш вақтида у суратдан кўз узолмайди. Уни қайтариб беришини ҳам сўрай олмайман. Аммо шу суратсиз ҳаётим маъносини йўқотди...

— Шунинг учун ўғирлашга қарор қилдингизми?

— Ҳа! Эверард мenden шубҳаланмайди, деб ўйладим, чунки яқиндагина қўшнилариимизнинг бир нечта суратларини ўғирлаб кетишди. Таваккал қилдим... Жаноб Вустер, сотиб қўймасиз-а?

— Қайси маънода?

— Эверардга сотиб қўймайсизми?

— Ҳа-а, тушунарли. Албатта миқ этмайман! Ишонаверинг!

— Раҳмат, жаноб Вустер, панд бермаслигингизни билгандим. Майли, мен борай, тағин биронтаси кириб

қолмасин!

Фрозергилл хайрлашиб, кўздан ғойиб бўлди. Ўша заҳоти ёнимда Талия холам ва Живс пайдо бўлишди.

— Қаерларда юрибсан-а? — одатдагидек вайсадилар холам.

— Кўрмаяпсизми, соқолдор рассомлар ҳалақит беришяпти-ку!

— Ким?

— Эдвард Фозергилл-да!

— Берти, кайфинг борми?

— Йўқ, ҳайратдаман. Холажон сизга зўр нарсани айтиб бераман.

Кутганимдек, холамнинг хайратдан оғзи очилиб қолди.

— Мана, куёш чарақляпти, мовий омад қуши яна сайраб, бизга канотини силкияпти. Фозергилл “Венера”ни йўқотмоқчи эди, ниятига етди.

— У билан бирга “Навбахор” ҳам йўқолганини билса, Корнелия нима деркин?

Холамнинг фикрини тушуниб, елка қисдим:

— Ҳа, яхши иш бўлмади...

— Энди у менга романини бермайди.

— Сиз ҳақсиз. Бу ҳақда ўйламабман.

Холажоним чуқур нафас олдилар, мен эса нима демоқчи эканликларини дарров тушундим.

— Берти...

Живс энгил йўталиб қўйди:

— Хоним, фикримни айтишга ижозат беринг.

— Майли, Живс, айтақол.

— Менда бир фикр пайдо бўлди. Шунақанги мураккаб вазиятдан ҳам чиқишнинг иложи бор. Ошхонадаги

дераза ойналари синган, иккала сурат йўқолган. Агар жаноб Вустерни бу ердан беҳуш ҳолда топишса, Фозергилл хоним жиянингиз ўғриларга қаршилиқ қилиб, ҳаётини хавф остига қўйган, деган хаёлга келиши мумкин.

Талия холамнинг юзлари ёришиб кетди.

— Тўғри айтасиз! Корнелия жиянимнинг қахрамонларча ишидан шунақанги миннатдор бўладики, менга романини қўш қўллаб тутказди ва айтган нархимга рози бўлади.

— Хоним, мен буни назарда тутмагандим.

— Раҳмат, Живс.

— Арзимаиди, хоним.

— Ажайиб режа, тўғрими, Берти?

— Қойилмақом, — маъқулладим. — Аммо мен беҳуш эмасман.

— Буни эпласак бўлади. Тўғрими, Живс?

— Хоним, болға билан урсак бўлади.

— Ҳа, ҳа, болға билан урсак бўлади. Сен ҳеч нарсани сезмайсан.

— Мен ҳеч нарсани сезмоқчи эмасман!

— Нима, ўйиндан чиқмоқчимисан? Яхшилаб ўйлаб кўр, Берти. Анатолининг таомларини узоқ вақт кўрмаслигинг мумкин.

Мен елкаларимни ростлаб, қаддимни ғоз тутдим.

— Холажон, бу билан мени кўрkitолмайсиз. Мен Анатолининг таомлари ҳақида кўп ўйладим ва “Бир ёмоннинг бир яхшиси бор” деган қарорга келдим. Ўтган сафар сизникида меҳмонда бўлганимда, белим нақ бир дюймга кенгайиб кетганди. Демак, Анатолининг овқатларини емаслик менга фойдали бўлади, холос.

— Бу охирги сўзингми?

— Ҳа, — дедим мен.

Шу сўзни айтганим ҳамони, нимадир орқа тарафдан бошимга қаттиқ урилди...

* * *

Ўзимга келганимда, ўринда ётганимни кўрдим. Ёнгинамда қандайдир ғувиллаш эшитиларди. Туман ёйилганида эса гувиллаш Талия холамнинг овози эканлигини тушундим

— Берти, — шанғиллардилар холам, — гапимни эшитсанг-чи! Мендаги янгиликни эшитсанг, хурсандлигингдан кўшиқ айтиб юборасан.

— Мен кўшиқ айтишни ўрганишим учун кўп вақт керак, — совуққина оҳангда дедим. — Бошим эса...

— Ҳа, бошинг бироз шикастлангани шубҳасиз, аммо бунга чалғима. Сенга воқеа нима билан тугаганини айтиб бермоқчиман. Суратларнинг йўқолишини Ромни ва Гейнсборони ўғирлаган халқаро жинойтчилар тўдасига юклаб қўя қолишди. Фозергилл эса худди Живс айтганидек, энди сени қаҳрамон деб ўйлаяпти ва романни менинг шартларимга кўра “Будуар”да чоп этилишига рози бўлди. Мовий қуш ҳақида тўғри айтибсан. У ростдан ҳам сайраяпти.

— Ҳа, менинг бошимда ҳам сайраяпти.

— Биладан. Аҳволингни кўриб, юрак-бағрим эзилиб кетаяпти. Аммо тухумни синдирмай туриб, қуймоқ пишириб бўлмайди-да!

— Бу гапни ўзингиз ўйлаб топдингизми?

— Йўқ, Живснинг гапи бу. Тепангда турганимизда, у шундай деб шивирлаганди.

— Ҳа-а, бу ҳали Живснинг ишимиди? Нимаям дердим,

келгусида умид қиламан-ки... Тўғрими, Живс? — сўрадим мен патнисда тетиклантирувчи ичимликка ўхшаш ниманидир кўтариб кириб келган Живсга қараб.

— Тушунмадим, сэр?

— Тухум ва қуймоқни айтяпман.

— Кулоғим сизда, сэр!

— Агар бугундан бошлаб, тухум ва қуймоқдан воз кечишнинг йўлини топсангиз, беҳад миннатдор бўлардим.

— Хўп бўлади, сэр. Буни эслаб қоламан.



Роальд ДАЛЬ



Англиялик ёзувчи, шоир ва сценарист Роальд Даль 1916 йили 13 сентябрда Буюк Британиядаги Кардифф графлигида дунёга келди.

Роальд олдин Ллэндаффтаги мактабда, 13 ёшидан бошлаб Рептон мактабида ўқиди. Бу мактабда ўқувчиларга “Cadbury” компанияси шоколадларидан беришарди. Бу унинг “Чарли ва Шоколад

фабрикаси” номли машҳур асари дунёга келишига тurtки берди.

1951 йили бир зиёфатда у Холливуд юлдузи Патриция Нил (1964 йилда “Оскар” олган) билан танишиб қолди, 1953 йилда эса унга уйланди. Улар 5 нафар фарзанд кўришди: Оливия Твенти, Шанталь София, Тео Мэттью, Офелия Магдалена ва Люси Нил.

Даль 3 марта Эдгар Аллан По номидаги мукофотга, “Кумуш қалам”, “World Fantasy Award for Life Achievement” каби адабий мукофотларга сазовор бўлди.

Роальд Даль 1990 йили 23 ноябрь куни 70 ёшида Оксфорд (Англия)да оламдан ўтди. У асос солган “Далнинг ажойиб болалар хайрия жамғармаси” эса ҳамон бемор болаларга ёрдамлашиб келмоқда.

ПОЛКОВНИКНИНГ СОВҒАСИ

Тиш шифокори сифатида ўртача даромад қиладиган жаноб Биксби соҳибжамол рафиқаси билан Нью-Йоркда истикомат қиларди. Биксби хоним ҳар ойда бир марта Балтиморда яшовчи Мод холасиникига меҳмонга борарди. Жаноб Биксби хотинининг бу одатига қартилик қилмасди. У хотини қаригина холасини яхши кўришини билар, уларнинг дийдорлашувига тўсқинлик қилишни ноинсофлик бўлади деб ҳисобларди.

— Сени кузатиб кўйсаммикан? — дерди мистер Биксби.

— Бу шартмас, азизим, — дерди рафиқаси бунга жавобан.

Холисанилло айтганда, Мод хола Биксби хоним учун бир баҳона эди, холос. Аслида эса у Полковник лақабли бир бойваччанинг ҳузурига борарди. Полковник ўта бадавлат одам бўлиб, ҳашаматли уйда яшарди. На хотини, на оиласи бўлмаган бу одам Биксби хоним йўқ пайтда вақтини от миниш ва тулки овлаш билан ўтказарди.

Биксби хоним ва Полковникнинг севги ришталари саккиз йилдан бери узилмасди. Ахир бир йилда ўн икки марта кўришиш унчалик кўп ҳисобланмайди, шунинг учун ҳам улар бир-бирининг жонига тегишмасди. Аксинча, хижрон дамлари бу риштани кучайтирарди.

Янги йил байрами арафасида кайфияти чоғ Биксби хоним Балтимор бекатида Нью-Йоркка қайтадиган

поездни кутиб турарди. Полковник доимо у ўзини бутунлай бошқача, гўзал аёлдек ҳис қилиши учун имкон яратиб берар, хонимнинг эса бундан кайфияти кўтарилса-да, шифокор эри қанчалар нотавон эканлиги ҳақидаги ўйлар юрагини ғижимларди.

— Полковник сизга манавини бериб юборди!

Хоним ён томондан эшитилган овоздан чўчиб тушиб, ўгирилди ва Полковникнинг қари хизматкори Уилкинсни кўрди. Унинг қўлида катта қоғоз қути бор эди. Жуда камгап бўлган хизматкор бошқа гапирмай, ортига қайтиб кетди.

Биксби хоним поездга чиқиб, эшикни ёпгачгина қутига боғланган тасмани ечишга киришди.

— Кўйлак бўлса керак, — ўзига ўзи гапира бошлади у овоз чиқариб. — Балки, иккита кўйлакдир? Йўқ, ҳозир карамайман. Яхшиси, сийпалаб кўриб, нималигини билишга уриниб кўраман. Ранги ва нархини ҳам аниқлайман...

У кўзини чирт юмиб, қутини очди ва унинг ичидаги нарсани пайпаслади. Қўлига шилдироқ қоғоз, кейин хатжилд урилди. У шилдироқ қоғознинг остига қўлини тикди-ю... кўзлари катта-катта очилиб кетди! Биксби хоним мўйнали пўстинга тикиларкан, ҳаяжондан нафаси қайтиб кетай деди.

Бундай ажойиб мўйнани у умрида кўрмаганди. Наҳотки, бу қоракузан бўлса? Ҳа, шубҳасиз, қоракузан! Даставвал қоп-қора бўлиб кўринган мўйнани ёруққа тутганида, унинг мовийтоб тусда эканлигини кўрди. Ғалати жойи шундаки, мўйнанинг ёрлиғида фақат

“лабрадор коракузани” деган ёзув бор эди, холос. Аммо на нархи, на у сотиб олинган дўкон манзили кўрсатилмаганди. Биксби хоним бундан ажабланмади. Полковник қари тулки, у ҳеч қачон изини кўрсатмайди... Қизиқ, бу мўйна неча пул тураркин? Тўрт, беш, олти минг долларми? Ёки ундан қимматроқми?

Хоним мўйнадан кўз узолмасди. У ҳаяжондан нафаси тикилганча бир зумда эгнидаги оддийгина қизил пальтосини ечиб ташлади. Мўйнали пўстин Биксби хонимга қуйиб кўйгандек лойиқ келди. Кўзгуга қараркан, завқ-шавқдан боши айланиб кетди. Кўзгудан ўзига боқиб турган аёлда бойлик, салобат, гўзаллик, нафосат мужассам эди. У ўзини кудратда бекиёсдек ҳис этди. Бундай мўйнали пўстинни кийиб, қаерга борса ҳам одамлар атрофида парвона бўлиши аниқ. Буни сўз билан ифодалаш қийин.

Биксби хоним қути ичидаги хатжилдни очди. Унда “Мўйнали пўстинни ёқтиришингни биламан. Бу пўстинни жудаям мақташяпти. Уни хайрлашув совғаси деб билгин. Шахсий сабаблар туфайли энди сен билан учраша олмайман. Хайр, бахтли бўлгин” деб ёзилганди.

Бу сўзларни ўқиб, хонимнинг нафаси қайтиб кетай деди. Ўзини худди мовий осмондан лой ерга кулаб тушгандек ҳис этди. Энди Полковникни фақат тушларида кўради. Қандай даҳшат... Кайфияти тушиб кетган аёл ўйчан ҳолда мўйнани силай бошлади. Кейин йиртиб ташлаш учун мактубни қўлга олди ва орқа тарафида ҳам ёзув борлигига кўзи тушди. “Эрингга буни холаңг совға қилганлигини айтарсан” деган ёзувни ўқиб, хонимнинг

лаблари гезарди.

— Эсини еганми бу тўнка?! — қичкирди у жаҳлдан титраб. — Мод холам бунча пулни тушида ҳам кўрмаган! Холам бундай пўстин совға ҳам қила олмайди!

Агар бу Мод холасининг совғаси бўлмаса, унда кимники? Мўйнани кўриб эсидан айрилаёзган аёл айни шу ҳаёт ҳақиқатини эътибордан четда қолдирганди. Икки соатдан сўнг уйига етади. Ҳагто тишдаги тешиқлар, қопламалар ва кариездан бошқа нарсага ақли етмайдиган жаноб Сирил ҳам хотини олти минг долларлик пўстинни қардан олганига қизиқиши тайин.

Балки, Полковник унинг устидан кулиш учун атайлаб шундай хазил қилгандир? Бундай мўйна сотиб олишга Мод холанинг қурби етмаслигини, Биксби хоним мўйнали пўстинни кия олмаслигини билар... Йўқ, Биксби хоним энди бу мўйнадан ажрала олмайди.

— Бу мўйна меники бўлади! — деди у овозини чиқариб.
— Мен уни албатта кияман!

Икки ярим соатдан сўнг ўзининг эски қизил пальтосини кийган Биксби хоним қўлида қогоз кути кўтарганча Пенсилвания бекатида поезддан тушди. У такси тўхтатиб, буюмларни гаровга қўйиб, эвазига пул берадиган ломбардга олиб боришини буюрди. Ломбардга етиб келгач, таксичига бироз кутиб туришини айтди.

Биксби хоним ломбардга кириб, атрофга кўз югуртирди: соатлар, пойабзал тўқаси, эски дурбин, синик кўзойнак...

— Келинг, — ломбард эгаси эснаб қўйди.

— Ҳамёнимни тушириб қўйибман, — бидирлади

Биксби хоним қутини очаркан. — Бугун шанба, ҳамма банклар душанбагача ёпиқ бўлади. Менга ҳозир пул зарур бўлиб қолди. ..

Ломбард эгаси жимгина тингларди. Биксби хоним пўстинни пештахтага ёйганида эса кўзлари чақчайиб кетди.

— Янгига ўхшайди, — деди у мўйнани силаб.

— Албатта. Эллик доллар бера оласизми?

— Бераман.

— Пўстинимни эҳтиёт қиларсиз-а?

Ломбард эгаси стол ғаладонидан гаров чиптасини олди.

— Исмингиз? — сўради у.

— Исминимни ёзманг. Манзилимни ҳам... Исми ва манзилни ёзиш унчалик шарт эмасдир?

— У ҳолда чиптани йўқотманг. Чунки бу чипта қўлида бўлган ҳар қандай одам келиб, буюмни талаб қилиши мумкин.

— Ҳа, биламан.

— Унда нима деб ёзай?

— Ҳеч нарса ёзманг. Бунинг ҳожати йўқ. Фақат гаров пулини ёзсангиз бўлди.

— Бўпти, майли, — деди ломбард эгаси. — Хоҳишингиз.

Ломбард эгаси “нархи” деган ёзув тўғрисида “эллик доллар” деб ёзди. Сўнг ҳаменидан эллик доллар олди.

— Ойига уч фоиз, — деди у.

— Яхши. Раҳмат. Уни яхши сақларсиз?

Ломбард эгаси жимгина бош иргади.

Биксби хоним уйига кириб келганида, Сирил Биксби ўқиб ўтирган газетасини йиғиштириб, соатига кўз ташлади.

— Еттидан ўн икки дақиқа ўтди. Жуда кеч қолдинг-ку?

— Поезд кечикди. Мод холам салом деб юборди...

У сумкани очиб, ундан рўмолчасини олди.

— Боя таксида келаётиб, манавини топиб олдим, — деди у эрига чиптани кўрсатаркан.

Жаноб Биксли чиптани қўлига олиб, ҳар томондан назар солди.

— Бу нималигини биласанми? — сўради кейин.

— Йўқ, билмайман.

— Бу гаров чиптаси.

— Нима?

— Ломбард* чиптаси. Мана, номи ва манзили ҳам ёзилган. Олтинчи авенюда экан.

— Шу холосми? Мен бўлсам, уни лотерея деб ўйлабман.

— Ҳафсаланг пир бўлмасин, — деди Сирил Биксби.
— Менимча, бу жуда қизиқ.

— Бунинг нимаси қизиқ экан?

Жаноб Биксби гаров чиптаси нима эканлигини, у қўлида бўлган одам гаровга қўйилган буюмни талаб қилиб олиши мумкинлигини тушунтира бошлади. Биксби хоним сабр-тоқат билан тинглади.

— Демак, бу қоғозчани ташлаб юбориш керакмасми?

— Менимча, у нималигини билиб қўйсак зарар қилмайди. Бу ерда “эллик доллар” деб ёзилган. Бу нимани билдиришини биласанми?

— Йўқ. Нимани билдиради?

— Бу ўша буюм қимматбаҳо эканлигини билдиради.

— Эллик долларлик, демокчимисан?

— Йўқ, беш юз доллардан ҳам қиммат.

— Беш юз?

— Ҳа. Қара, бунда буюм эгасининг исми ҳам, манзили ҳам йўқ...

— Наҳотки?

— Ҳа. Кўпчилик ломбардга борганини билдирмаслик учун шундай қилади.

Ниҳоят, эр-хотин Биксбилар узоқ тортишиб, маслаҳатлашгандан сўнг, Сирил душанба куни ломбардга бориб, ўша сирли буюмни олиб келиши керак, деб қарор қилишди.

Душанба куни, нонуштадан сўнг Биксби хоним эрини ишга кузатди.

— Кўп ишлама, — деди у.

— Хўп.

— Уйга олтида келасанми?

— Ҳаракат қиламан.

— Ломбардга киришга улгурарсан-а?

— Ие, эсимдан чиқибди-ку! Майли, таксида борарман.

— Чиптани йўқотиб кўймадингми?

— Йўқ, — деди эри чўнтагини пайпаслаб. — Турибди.

— Пулинг етадими?

— Етади.

— Азизим, менга ёқадиган бирор нарса бўлса, уйга кўнгироқ қилгин, — деди у эрининг шусиз ҳам яхши турган бўйинбоғини тўғриларкан.

— Хўп.

Бир соатдан сўнг телефон жиринглади. Биксби хоним кушдек учиб бориб, гўшакни кўтарди.

— Табриклайвер! — хитоб қилди жаноб Биксби.

— Ростдан-а?! Нима экан у, Сирил? Яхши нарсами?

— Яхши, дейсан-а?! Зўр! Кўрсанг, ақлдан озасан!

— Азизим, у нима экан? Айта қол!

— Тоза омадинг келди-да!

— Демак, менбоп нарса экан-да?

— Албатта. Қандай қилиб шунақанги нарсани эллик доллар учун гаровга қўйишганига хайронман. Томи кетган одам бўлса керак.

— Сирил! Сабр-тоқатимни синама! Ҳозир ўзимнинг ҳам томим кетиб қолади!

— Зўр нарса!

— Нима экан-а?

— Ўзинг топ-чи!

Биксби хоним жим бўлиб қолди: “Эҳтиёт бўл, — деди у ўзига ўзи. — Тағин тилингдан гуллаб қўйма”.

— Маржон, — деди у.

— Йўқ.

— Олмос кўзли узук.

— Йўқ. Майли, озгина айтиб бераман. У кийиладиган нарса.

— Киядиган нарса, дейсанми? Шляпа эканми?

— Йўқ, шляпа эмас, — деди эри кулиб.

— Ҳазилингни қўй, Сирил! Тезроқ айтсанг-чи!

— Йўқ, айтмайман, яхшиси кутилмаган совға бўлақолсин. Кечкурун уйга олиб бораман.

— Менга кутылмаган совға керакмас! — портлади у.
— Ҳозироқ олдингга бораман!

— Бундай қилмаганинг маъкул.

— Нега энди?

— Чунки жуда бандман. Эрталабки иш жадвалимни бузиб юборасан. Шусиз ҳам ярим соат иш вақтим беҳуда кетиб қолди.

— Унда тушлик пайтида бораман, бўптими?

— Мен тушлик қилмайман. Бўпти, бир яримда келақол.

Соат роппа-роса бир яримда Биксби хоним эрининг ишхонасига етиб келди. Эшикни оқ халат кийган эрининг ўзи кутиб олди.

— Сирил, жудаям ҳаяжонланиб кетяпман!

— Ҳаяжонлансанг арзийди. Ўзи жудаям омадлисанда!

Жаноб Биксби хотинини жарроҳлик хонасига бошлади.

— Палтини хоним, сиз тушликка кетаверинг, — деди у ёрдамчисига. — Қайтиб келгандан кейин, ишингизни давом эттирарсиз.

У қизнинг чиқиб кетишини кутиб турди. Кейин деворга ўрнатилган жавон олдига яқинлашди.

— Шу ерда, — деди у. — Энди эса кўзингни юм.

Биксби хоним кўзини юмди. У нафасини ичига ютиб, эри жавон эшигини очганини ва ниманидир олганини эшитиб турди.

— Бўлди! Энди қарашинг мумкин!

— Қўрқиб кетяпман, — деди у кула-кула.

— Бўпти, қарасанг-чи энди!

У бир кўзини очиб, эри қўлида ниманидир баланд

кўтариб турганини кўрди.

— Қоракузан! — кичқирди эри. — Ҳақиқий қоракузан!

Бу сеҳрли сўзни эшитибок Биксби хонимнинг кўзлари катта-катта очилди ва у меҳри тушган мўйна пўстинни маҳкам ушлаб олиш учун олдинга ташланди. Лекин ҳеч қандай пўстин йўқ, эрининг қўлида сариқ рангли елкага ташланадиган мўйна ёқа осилиб турарди.

— Буни кўр! — хитоб қилди жаноб Биксби мўйна ёқани хотинининг юзи олдида силкитаркан.

Биксби хоним оғзини кафти билан ёпиб, секин ортга тисарила бошлади. У ҳозир чинқириб юборади. Буни аниқ билади. Шунақанги чинқиради-ки...

— Азизам, тинчликми? Сенга ёқмадими? — деди эри ёқани силкитишни тўхтатиб.

— Йўг-э... нега энди... — тутилиб деди Биксби хоним гап топишга уриниб. — Мен... менимча... ажойиб. Жудаям чиройли.

— Қувончдан юрагинг ўйнаб кетдими?

— Ҳа.

— Олий навли мўйна, — деди эри. — Ранги ҳам зўр экан. Менимча, у камида икки-уч юз доллар турса керак.

— Ҳа.

Жаноб Биксбининг қўлидаги қоракузанларнинг бошидаги кўзи шишадек ялтирар, миттигина панжалари осилиб турарди.

— Қани, кўрайлик-чи! — деди эри ва хотинига яқинлашиб, ёқани унинг бўйнига ташлади, кейин ортига тисарилди. — Гап бўлиши мумкинмас. Сенга жудаям ярашди. Бунақанги қоракузанни қанча аёллар орзу

қилиб ўтиб кетишади-я!

— Тўғри айтасан.

— Тагин буни елкангга ташлаб, дўконга бормагин-а! Сени бойвучча хоним деб ўйлаб, уч баробар қиммат нарх айтишади.

— Тўғри айтасан, азизим.

— Айтганча, Янги йилга бошқа совға қутмай қўя қол. Шусиз ҳам мана шу матоҳга эллик долларим кетди!

Жаноб Биксби хона четидаги раковина олдига бориб, қўлини юва бошлади.

— Азизам, энди борақол, ўзингга ширинроқ нимадир сотиб ол. Жон деб сен билан тушлик қилардим-у, қабулхонада қария Гормен кутяпти. Унинг синган тиш қопламасини алмаштириб беришим керак.

Биксби хоним эшик томон қадам ташлади. Унинг ичида ғазаб қайнаётган, ҳозироқ ломбардга бориб, ўша фойдахўрнинг башарасига лаънати ёқани улоқтиришни, мўйнали пўстинини қайтариб бермаса, унинг пачағини чиқаришни мўлжаллаётганди.

— Айтмоқчи, бугун уйга кечроқ боришимни айтдимми? — сўради Сирил Биксби ҳамон қўлини юваркан.

— Йўқ.

— Ишим тугашига қараб, соат саккиз яримларда борарман. Балки, тўққизгача ушланиб қолишим ҳам мумкин.

— Яхши.

Биксби хоним хонадан чиқиб, эшикни қаттиқ ёпди. Айни шу пайтда эрининг тушликка чиқиб кетаётган

ёрдамчиси Палтини хоним унинг ёнидан ўтиб кетди.

— Бугун жуда ажойиб кун бўляптими? — жилмайганча гап қотди Палтини хоним.

Хушкайфият ва ёқимли атир ифори аро қироличалардек савлат тўкиб кетаётган Палтини хонимнинг эғнида... Полковник Биксби хонимга совға қилган қоракузан мўйнали пўстин бор эди.



Агата КРИСТИ



Агата Кристи (Агата Мэри Кларисса Миллер) 1890 йили 15 сентябрда Буюк Британиянинг Девон графлигидаги Торки шахрида дунёга келди.

Агата, 1914 йилда полковник Арчибальд Кристига турмушга чиқди. 1920 йилда

Агатанинг “Стайлзга сирли сафар” номли биринчи романи чоп этилди. 1928 йилда эса Агата эрининг хиёнатидан хабар топиб, у билан ажрашди. 1930 йили Ироқдаги қадимий Ур давлати қазималари олиб борилаётган жойлар бўйлаб саёҳат қилаётганида, Макс Маллоуэн билан танишиб, у билан турмуш қурди.

Агата Кристининг 60дан ошиқ детектив, 6 та руҳиятга оид романлари (Мэри Вестмакотт тахаллусида чиққан) ва 19та ҳикоялар тўпламлари нашр этилган. 16та пьесаси Лондонда қўйилиб, саҳналаштирилган асарлар сони бўйича рекорд ўрнатган. Агата Кристининг 1952 йилда саҳналаштирилган “Қопқон” пьесаси ҳалигача саҳнадан тушгани йўқ. Агата Кристининг китоблари дунёдаги 100 дан ошиқ тилларга таржима қилиниб, 4 миллиарддан ошиқ нусхада чоп этилган. Агата Кристи 1976 йили 12 январда Оксфордшир графлигининг Уоллингфорд шахридаги уйида оламдан ўтди ва Чолси қишлоғига дафн этилди.

ФАРИШТА

Бирсфорд хоним сал қаддини ростлаб, деразадан ташқарига маъюс тикилди, аммо нигоҳи йўлнинг нариги тарафидаги кулранг уйдан бошқа нарсани илғамди. Бирсфорд хоним хўрсинди, кейин эснади:

— Бирон нарса бўлганидаям майлийди...

Эрининг кўзларида норози ўт чакнади.

— Кўйсанг-чи, Таппенс. Кучли хиссиётларга мойиллигинг бир балони бошламасайди.

Таппенс хўрсинди ва кўзларини хаёлчан сузди.

— Мана, Томми ва Таппенс турмуш куришди, — гап бошлади у ҳазил оҳангида. — Ўшандан бери бахтли яшашяпти. Орадан олти йил ўтибдики, улар ҳамон бахтли. Аммо уларнинг ҳаёти сал чучмалроқ кечяпти.

— Жуда ақллисан-да, Таппенс. Аммо сал замондан ортда қолгансан. Кечирасан-у, машҳур шоирлар бу баландпарвоз сўзларни сендан аввал анчагина яхшироқ қилиб айтиб кетишган.

— Олти йил муқаддам, — деди Таппенс, — чиройли кийинсам, пулим етарли бўлса ва сендек эрим ёнимда ўтирса, ҳаёт адоқсиз ажойиб қўшиққа айланишига ишонардим. Шоирларинг буниям айтиб кетишганмиди?

— Хўш, нима жонингга тегди? — совуққина гап қотди Томми. — Менми ёки пулларми?

— “Жонимга тегди” деганим йўқ, ҳали, — юмшоққина тушунтирди Таппенс. — Шунчаки мен буларга ўрганиб қолганман, холос. Ахир то тумов бўлиб, бурнинг битиб

колмагунича тўйиб нафас олиш қанчалар ажойиб эканлиги ҳақида ўйламайсан-ку!

— Нима, сенга камроқ эътибор берайми? — қизиқсинди Томми. — Айтайлик, ресторанга бошқа аёлни таклиф этишим мумкин...

— Бунинг фойдаси йўқ, — бош чайқади Томми. — Унда мени ҳам бошқа эркак билан бирга учратасан. Мен-ку, ўша аёл сени мутлақо қизиқтирмаслигини биламан-а, аммо ўзинг ўша эркак мен учун қадрли эмасмикан, деб ўйлайвериб жинни бўласан.

— Гапирсанг-чи, сенга нима бўляпти? Яна нималарни кўнглинг тусаб қолди? — минғирлади Томми.

— Билмадим, шунчаки нимадир юз беришини хоҳляпман. Бирон қизиқ воқеа юз берсайди... Наҳотки ўзинг яна немис жосусларини тутишни хоҳламаётган бўлсанг? Бошимиздан ўтган хатарли кунларимизни эслагин-а! Албатта, сен ҳозир ҳам деярли махфий хизматдасан, аммо майда-чуйда ишларни қиляпсан.

— Нима, мени Россиягами ёки бошқа жойгами жўнатишларини истаяпсанми?

— Йўғ-э! — шошиб деди Таппенс. — Мен фаолиятга чанқокман. Уйда қўл қовуштириб ўтиришдан зерикдим. Наҳотки сен бирон воқеа бўлишини истамаётган бўлсанг?

— Йўқ, — қатъий деди Томми. — Одамнинг хаёлига нималар келмайди, дейсан. Аммо сен истаётган воқеа хунук тугаши ҳам мумкин.

— Бу эркаклар бирам оми-я! — тўнғиллади Таппенс. — Наҳотки романтика ва саргузаштларга сираям

интилмасанг?

— Бу гапларни қаердан ўқидинг? — ажабланиб сўради Томми.

— Тасаввур қилгин-а, ҳозир эшик тақилласа-ю, бир мурда гандираклаб кириб келса, зўр воқеа бўлармиди, ўзиям?! — хитоб қилди хотини гапни чалғитиб.

— Мурданинг гандираклаши етмай турувди, — бурнини жийирди Томми.

— Ўзингни гапимни тушунмаганга оляпсан-а! — деди Таппенс. — Мурдалар гандираклаб, чайқалиб юришади, оёғингни олдига гуп этиб қулашади-ю, сирли сўзларни айтишади. “Холдор қоплон”ми ёки шунга ўхшаш...

— Мижғовлик қилма!

— Ўзинг мижғовсан, — эътироз билдирди Таппенс. — Семириб, ўзингга бино кўйиб юборяпсан!

— Ҳечам-да! — ўшқирди Томми. — Ўзинг озиш учун бадан тарбия қиляпсан-ку!

— Ҳаммаям бадан тарбия қилади, — деди Таппенс. — “Семиряпсан” деган сўзни нисбий маънода айтдим. Сен омадли, миқтигина, ўзига бино кўйган одамга айланяпсан.

— Нима бало, бугун чап ёнинг билан турдингми?

— Саргузаштларни истаяпман, — тўнғиллади Таппенс. — Севги ҳақида хаёл суриш жонга тегди. Баъзан ўктам бир эркакни учратишимни тасаввур қиламан...

— Аммо сен мени учратгансан-ку, — ажабланди Томми. — Нима, бу сенга камми?

— Қуёшда қорайган, алпқомат, ўта кучли йигитни ўйлаяпман. У истаган одамани қўлга ололади, ёввойи мустанг отларига чаққонлик билан сиртмоқ ташлайди...

— Ҳа-я, молбоқар ковбойларнинг шляпаси ва чарм шимларини ҳам қўшиб қўй, — кесатди Томми.

— Ҳа, Америка чўлларидадан келган, — давом этди Таппенс. — У мени қаттиқ севиб қоларди. Турган гапки, мен сенинг вафодор рафиқанг бўлиб қолавераман, аммо юрагим бир умрга парчаланарди!

— Агар билсанг, — деди Томми тишларини ғижирлатиб, — мен доимо гўзал аёлни учратишни орзу қиламан. Мени ўлардек севиб қоладиган олтинсоч сохибжамолни... Фақат уни рад этишимга унчалик кўзим етмаяпти-да! Очиғи, бечора гўзални ташлаб кетишга виждоним йўл қўймайди.

— Бу эса сенинг табиатинг бузукликка мойиллигидан дарак беради.

— Сенга нима бўлди? — ажабланди Томми. — Илгари сираям бундай демасдинг.

— Тўғри айтмасдим, аммо жаҳлимга чидолмасдан, аламимдан кийим сотиб олишга ҳаракат қилардим. Негадир шунақа пайтда қўлимга шляпа тушиб қолади.

— Шляпаларинг ўзиям қирқтага етди, — лукма ташлади Томми. — Ҳаммаси бир хил русумда!

— Сенга шундай кўриняпти, — тушунтирди Таппенс. — Аслида улар турли хил. Ҳамма гап уларни қай тарзда кийишда қолган. Айтмоқчи, бугун Виолеттанинг дўконида ажойиб шляпа кўрдим.

— Агар ҳеч қачон бошингга илмайдиган шляпаларни сотиб олишдан бошқа ишинг бўлмаса...

— Топдинг! — деди Таппенс унинг гапини бўлиб. — Бошқа қоладиган ишим бўлганида эди, жуда зўр бўларди-я! Оҳ, Томми, ростдан ҳам нимадир юз беришини

истаяпман. Биламан, бу бизга фойдали бўлади. Мехрибон парини учратиб қолсак борми...

Томми илжайди:

— Жуда қизик одамсан-да!

У ўрнидан турди, хонани кесиб ўтди ва ёзув столининг ғаладонини очиб, ундан кичкина фотосурат олиб, хотинига узатди.

— Вой! — хурсанд бўлиб кетди аёл. — Суратларни очилтирдингми? Буни шу ерда олганмидик? Ким суратга олганди ўзи: сенми ёки менми?

— Мен-да, албатта! Сен олганларинг куйиб кетибди. Ҳар доимгидай...

— Хурсанд бўлиб кетдингми? — кесатди Таппенс. — Биронта ишни мендан яхшироқ уддалашингни билиш жудаям хуш ёқади-я?

— Кесатмай қўя қол, — деди Томми. — Аммо ҳозир гап бунда эмас. Сенга бошқа нарсани кўрсатмоқчиман.

У бармоғини суратдаги кичкинагина оқ догга нуқиб кўрсатди.

— Тасмадаги нуқсон, — деди Таппенс.

— Сираям-да! — хитоб қилди Томми. — Агар билсанг, бу — фаришта!

— Эсингни ебсан!

— Унда ўзинг кўр!

У хотинига лупани узатди ва Таппенс суратни диққат билан кўра бошлади. Ҳақиқатан ҳам суратдаги олди очик ўчоқ панжараси устидаги оқ доғни миттигина қанотли мавжудот деб қабул қилиш мумкин эди.

— Унинг қаноти бор-ку! — қичқириб юборди Таппенс. — Вой худойим-ей, уйимизда ҳақиқий тирик фаришта

бор экан-а?! Томми, нима дейсан, фаришта бизнинг истагимизни бажо этармикан?

— Буни тезда билиб оламиз, — жавоб берди у. — Менимча, сен нимадир юз беришини жудаям истаётгандинг, шекилли...

Ҳали унинг гапи тугамасданоқ эшик очилди ва остонада ўн беш ёшлардаги новчагина йигитча кўринди. У ўта тантанавор оҳангда маълум қилди:

— Жаноб Картер ташриф буюрдилар!

— Бошлиғимиз-ку! — хитоб қилди Томми.

Таппенс дивандан сакраб турди-ю, ўткир нигоҳли, юзида хорғин табассум жилваланган, оқ сочли новчагина эркакни қаршилагани отилди.

— Жаноб Картер, сизни кўрганимдан жуда бахтиёрман!

— Бу яхши, Бирсфорд хоним. Жудаям яхши! Ана энди битта саволимга жавоб беринг. Умуман олганда, қалайсизлар?

— Тузукмиз, аммо ўлардек зерикяпмиз, — деди Таппенс кўзини қисиб.

— Жуда соз, — жилмайди Картер. — Аммо мен кайфиятингизни кўтаришим мумкин.

— Тасалли беряпсизми? — деди Таппенс завқланиб.

Эшик оғаси чой олиб кирди. У чиқиб кетгач, Таппенс ичини қиздираётган мавзунни бошлашга шошилди:

— Жаноб Картер, бирор нарсани мўлжаллаб қўйганмисиз, дейман-а? Ишқилиб бизни топширик билан чет элга жўнатишни мўлжалламаяпсизми?

— Йўғ-э, — деди Картер жилмайиб.

— Аммо гапнинг учини очдингиз-ку...

— Ҳа, бир ишни мўлжаллаб қўйганман. Бисфорд

хоним, сиз таваккал қилишдан қўрмайсиз-а?

Таппенсинг кўзлари шодон чараклади.

— Бир ишни мўлжаллаб қўйганман. Бу икковингизга ҳам ёқади, деб ўйлайман.

— Тезроқ гапира қолинг, — илтимос қилди Таппенс.

— “Дейли лидер”га обуна бўлган экансиз-а? — гапни айлантирди жаноб Картер стол устидаги журнални кўлига олиб.

У эълонлар бўлимини топиб, керакли жойини тирноғи билан белгилади ва журнални Томмига узатди:

— Манавини ўқиб кўринг-чи!

Томми ўқиди: “Теодор Блант раҳбарлиги остидаги “Халқаро детектив агентлиги”. Хусусий қидирувлар. Ишончли ва тажрибали изқуварлар гуруҳи. Маслаҳатлар текин. Хайлхем-стрит, 18”.

У савол назари билан жаноб Картерга боқди. У бош ирғади.

— Аллақачон бу детектив агентлигининг куни битган, — паст овозда гап бошлади у. — Бир танишим уни сув текинга сотиб олди. Беш-олти ой ичида уни оёққа қўймоқчимиз. Турган гапки, бу вақтда унга раҳбар керак бўлади, албатта.

— Олдинги раҳбари-чи? — қизиқсинди Томми.

— Жаноб Блантнинг иши чатоқ. Унинг ишига Скотланд-Ярд ҳам аралашшига тўғри келган. Айни вақтда у йўл-йўл кийимда дам оляпти, шундай экан, бизга ёрдам бера олмайди.

— Тушундим, сэр, — деди Томми. — Ҳар ҳолда, тушундим, деб ўйлайман.

— Менимча, сиз саломатлигингиз важидан олти ойга

Агата Кристи

таътил олишингиз керак. Агар Теодор Блант номи остида унинг агентлигини бошқарсангиз, савоб иш бўларди-да!

Томми раҳбарининг юзига диққат билан қаради.

— Бирон кўрсатма бўладими, сэр?

— Жаноб Блант хорижда ҳам қандайдир ишлар олиб борган. Сиз рус почта маркалари ёпиштирилган зангори тусли хатжилдларни танлаб олинг. Уларни бу ёққа бир неча йил муқаддам қочиб келган хотинини излаётган бир одам жўнатган. Маркани кўчирсангиз, унинг остида кўлда ёзилган ўн олти рақамини кўрасиз. Бундай хатлардан кўчирма олинг-да, асл нусхасини менга жўнатиңг. Агар агентликка кимдир келиб, ўн олти рақамини тилга олса, зудлик билан менга хабар беринг.

— Тушунарли, сэр, — деди Томми. — Яна бошқа топширик борми?

Жаноб Картер стол устидаги кўлқопини олиб, кетишга чоғланди.

— Агентликни ўз билганингизча бошқараверинг. Менимча, — у кўзини сузиб, жилмайди, — Бирсфорд хоним ўзини изқувар сифатида синаб кўришдан бош тортмаса керак, албатта...



Эллери КУИН



Эллери Куин тахаллуси остида америкалик холава ччалар Фредерик Данней (1905-1982) ва Манфред Ли (1905-1971) ижод қилишган. Улар биргалашиб роса тер

тўқишди, бунинг оқибати ўлароқ 1929 йилда “Рим ишляпасининг сири” номли детектив роман дунёга келди. Шундан сўнг қирқ йилдан ошиқроқ вақт давомида ушбу ижодий дуэт Америка детективи жанрида унумли меҳнат қилиб, бутун дунёдан мухлислар орттиришди.

Эллери Куин – нафақат икки нафар адибнинг ягона тахаллуси бўлибгина қолмай, балки уларнинг кўпгина асарларини қаҳрамони — полиция инспектори бўлиб ишлайдиган отаси Ричард Куинга ёрдамга келадиган синчков ҳаваскор-изқувар йигитчанинг исми-шарифи ҳамдир. 1941 йили Фредерик Данней томонидан “Эллери Куин мэгэзин” (Ellery Queen Mystery Magazine) журнали ташкил этилган, унда асосан детектив жанридаги проза асарлари ва новеллалар чоп этилган. Эллери Куин йигирмадан ошиқ ҳам замонавий, ҳам қадимий детектив асарлар антологиясининг тузувчиси ҳисобланади.

ЯНГИ ЙИЛДАҒИ ЎҒИРЛИК

Ҳикоячиларнинг ёзилмаган қонунига кўра, янги йил воқеалари ҳақидаги ҳикояларда албатта болалар иштирок этишади. Бизнинг ҳикоямиз ҳам бундан истисно эмас. Шунингдек, ҳикоямизда кўғирчоқлар ва Санта Клаус ҳам иштирок этишини тан оламиз. Турган гапки, ўғримиз ҳам бўлади. Ахир усиз ҳикоя ҳикоя бўлармиди!..

Ситерия Ипсоннинг тарихий қийматга эга бўлган кўғирчоқлар коллекциясидан Монтесуманинг афсонавий ўйинчоқлари-ю қиролича Викториянинг кўғирчоқларини, шуҳрат бобида уларданда қолишмайдиган Евгения Фильднинг кўғирчоқларини ҳам топиш мумкин эди. На Метрополитен музейи, на Кенсингтон музейи, на Бухарестдаги қадимий кўғирчоқлар саройи коллекцияси бундай тўлик кўғирчоқлар тўплами билан мақтана олмаган бўларди.

23 декабрь куни адвокат Жон Сомерсет Болдинг инспектор Куиннинг уйига ташриф буюришига ҳам Ипсон хонимнинг кўғирчоқлари сабабчи бўлди. Аслида Янги йил арафасида ота-бола Куинлар ҳузурига ташриф буюрмаган маъқул. Инспектор Ричард Куин Янги йилни барча қонун-қоидаларни рисоладагидек қилиб, яъни дастурхонни ноз-неъматлар билан тўлдириб, ўртага курка гўштини қўйган ҳолда кутиб олишни ёқтирарди. Унинг ўғли Эллери эса совғалар учун масъул эди. Янги йилга бир ой қолганида Эллери антиқа ўров қоғозлари,

чиройли тасмалар, бадий жихатдан бетакрор безатилган табрик қоғозларини излай бошлар, байрам арафасидаги икки кунни совғаларни дурдона асарларга айлантиришга бағишларди.

Адвокат Жон С. Болдинг келганида, инспектор Куин пешбанд тақиб олиб, тирсагигача зияворларга беланган ҳолда ошхонада куймаланар, Эллери эса ўзининг хонасига қамалиб олганча, қизил рангли зар қоғоз, яшил тусли бахмал тасмалар ва қарағай ғуддаларидан ажабтовур санъат асари яратиш билан банд эди.

— Менимча, келганингиздан фойда чиқмайди, жаноб Болдинг, — деди Эллерининг котибаси Никки ташрифномани кўздан кечирар экан.

— Шунчаки унга Парк-Роудаги кўчмас мулк шартномаси бўйича агент Болдинг келганини айтсангиз, кифоя, — деди меҳмон қовоғини солиб. — У мен ҳақимда эшитган бўлиши керак, деб ўйлайман.

Болдинг ҳақ бўлиб чиқди. Меҳмон ҳақида эшитган инспектор ошхонадан, Эллери эса ўзининг хонасидан чиқиб келди.

— Менга бошқармадан кўнғироқ қилиб, кимдир келишини айтишди, — куруккина сўз қотди инспектор адвокатнинг кўлини қисаркан. — Манави сочиқни олинг. Қўлингизга курка жигари теккиздим, шекилли... Ўғлим билан танишмисиз? Унинг котибаси Портер хоним билан-чи? Хўш, жаноб Болдинг, гапиринг, биз томонларга қандай шамол учирди?

— Инспектор, мен ҳозир Ситерия Ипсоннинг иши билан шуғулланыпман ва...

— Ситерия Ипсонми? — бош ирғади Куин. — Ҳа, биламан. У яқиндагина вафот этди.

— Энди унинг кўғирчоқлар коллекциясидан халос бўлишим керак. Хоним ўттиз йилча кўғирчоқ йиғиш билан шуғулланган. Унинг васиятига кўра, кўғирчоқлар аукционда сотилиши ва тушган маблағ ҳисобидан етим болалар учун жамғарма ташкил этилиши лозим. Янги йил ўтиши биланоқ оммавий савдо-сотик ишлари бошланади. Аммо бу экспонатлар фақат унинг ўзи сингари коллекция тўпловчилар учунгина қизиқ бўлармикин, деб хавфсираяпман. Фақат битта кўғирчоқдан ташқари...

— Қайси бирини назарда тутяпсиз, жаноб Болдинг?

— “Ўйинчоқ шаҳзода”, — деб ўкиди адвокат пальтосининг каттакон чўнтагидан қалин каталогни чиқарар экан. — “Ноёб кўғирчоқ. Баландлиги саккиз дюймча келадиган митти шаҳзода шаклида ясалган. Фил суягидан ясалган, ҳақиқий сувсар мўйнаси, парча ва бахмалдан тикилган сарой либоси кийдирилган. Белида олтидан ясалган маросим қиличи бор. Думалоқ олтин тожига вазни 49 карат келадиган мовий олмос қадалган. 110 минг долларга баҳоланган”. Бу коллекциядаги сотиш мумкин бўлган ягона экспонатдир. Кекса хоним нима қилганини биласизми? Васиятномага бир бобни киритган бўлиб, унга кўра Янги йил киришидан бир кун олдин кўғирчоқлар коллекцияси “Нэш” универсал дўконида оммавий равишда намойиш этилиши керак эмиш! Тушунапсизми?! Янги йилдан бир кун аввал! Янги йил арафасида “Нэш”га қанча одам ташриф

буюришини тасаввур қила оласизми? Менинг диндор ошпазимнинг айтишича, байрам арафасида у ерда ҳақиқий қиёмат-қойим бўлармиш.

— Бу хавфли иш, — қовоғини солиб тасдиқлади Куин.

— Бу кўргазма Нью-Йоркдаги барча товламачиларни ўзига жалб этиши тайин.

— Инспектор Куин, — даҳшат ичра деди Жон Болдинг, — афсуски, бу ҳали ҳаммаси эмас. Эрта тонгда менинг идорамга Комус деган бир кимса келганди. У стол устига ташрифномасини ташлади ва ўта хотиржамлик билан эртага “Нэш”дан кўгирчоқ шахзодани ўғирлаб кетишини айтди.

— Унинг кўриниши қандай экан? — дарров хушёр тортди инспектор.

— Чет элликка ўхшайди, қора соқоли бор, кучли хориж талаффузида гапиради. Мен шунақанги саросимага тушиб қолгандимки, икир-чикирларга эътибор қаратмадим.

— Бу одатий ҳол, — норози оҳангда тўнғиллади катта Куин. — Гувоҳлар бу сурбетнинг фақат соқоли ва хорижлик талаффузинигина эслашлари мумкин, холос. Фикрингизга қўшиламан, жаноб Болдинг, агар Комус ишга киришган бўлса, бу жудаям қизиқ иш бўлади. ҳозир коллекция қаерда?

— 43-кўчадаги “Лайф-банк”да. Мен уни эртага эрталаб соат еттию ўттизда олиб кетиш ҳақида келишиб қўйганман.

— Дўкон соат тўққизда очилади, — ўйчан ҳолда деди Эллери. — Барини режалаштириш учун вақт жудаям

кам.

Адвокат кетганидан сўнг Куинлар эртанги кунги ҳаракатлар режасини туза бошлашди. Шундан сўнг инспектор полиция бошқармасига бевосита уланадиган телефон ўрнатилган ётоқхонасига кириб кетди.

— Кўринишингиздан, сиз Бастилияни ҳимоя қилмоқчига ўхшайсиз, — пиқиллаб кулди Никки. — Ўша Комус ўзи ким бўлибди?

— Билмадим, — елка қисди Эллери. — Унинг на фотосуратлари, на бармоқ излари бор. Бу ўтакетган сурбет ва ўта ақлли товламачи беш йилча муқаддам пайдо бўлди. У санъат асарларини ўғирлашга ихтисослашган ва ҳар доим ўғирлик содир этилган жойда ўз ташрифномасини қолдиради. Комус қиёфани ўзгартириш устаси ва ўта маҳоратли актёр. Менинг фикримча, у – Қўшма Штатлардаги энг хавфли ўғри. Билишимча, Комус доимо ўзининг режаси ҳақида олдиндан маълум қилади. У ҳеч бир нарсани сабабсиз қилмайди ва унинг эрталаб Болдингни ҳузурига келишида ҳам бир сир бўлса керак...

Эрта тонгда Куинлар, Болдинг ва Никки Портер “Лайф-банк” қаршисидаги 43-кўчада туришарди. Эшик олдини қуролланган соқчилар икки қатор бўлиб ўраб олишган, улар олдида ҳосил бўлган йўлакчада турган зирҳланган машинага қўғирчоқлар коллекцияси экспонатлари тезгина юкланарди. Эрта тонг бўлиб, изғиринли шамол эсиб турганига қарамай, бир тўда бекорчилар оломони тўпланганди.

Қўғирчоқларни машинага юклашаркан, Никкининг

ёнига Санта-Клаус кийимидаги одам яқинлашди ва унинг қўлига хатжилд тутқазиб, оломон орасида кўздан йўқолди. Хатжилд ичидаги мактубча Эллери Куинга йўлланганди. “Азизим, Эллери! — деб ёзилганди кичкинагина қоғозчада. — Наҳотки менга ишонмасангиз? Ахир “Нэш”дан қўғирчоқ шахзодани ўғирлаб кетаман, деганман-ку! Мен буни албатта амалга ошираман. Ҳурмат билан Комус”.

Дўконнинг кўргазма бўлиmidан тўртта катта пештахта олинди ва уларнинг бари квадрат шаклида бирлаштирилди. Марказда баландлиги олти фут келадиган таглик ўрнатилди. Пластмасса пештахталарда Ипсон хонимнинг қўғирчоқлари тизилиб туришарди. Тепадаги эман ёғочидан ясалган каттакон ўриндиқда Санта-Клаус кийимидаги девқомат сержант Вейли савлат тўкиб ўтирарди.

Қўғирчоқлар ҳар томондан ойнаванд пештахталар билан ўралганди. Ичкарига фақатгина қулфланган ойнаванд эшик орқали кириш мумкин бўлиб, унинг калити Эллери Куин шимининг ўнг чўнтагида сақланарди.

Чорак кам тўққизда 24 нафар фуқароча кийимдаги полициячилар девор ёқалаб ўз жойларини эгаллашди. Эллери пальтосининг чўнтагидан қўғирчоқ шахзодани чиқариб, қимматбаҳо буюмлар бўйича полиция бош мутахассиси бўлган лейтенант Фарберга узатди.

— Тўғри, мен қўғирчоқнинг ўзини баҳолай олмайман, — деди Фарбер, лупасини чўнтагига соларкан, — аммо олмоси жудаям ажойиб экан! Уни бемалол юз минг

Эллери Куин

долларга сотиш мумкин, балки бундан ҳам қимматроққа кетар...

Эллери кўғирчоқ шахзодани қора бахмал қопланган бўлмага солди, уни эса сержант Вейлининг улкан оёқлари орасига жойлади. Кейин ойнаванд эшик ташқарисига чикди ва эшикни кулфлади...

Комус эса Куинларга берган ваъдасининг устидан чиқишга ҳаракат қиларди.

Соат 11.18 да кўргазмаға кичкинагина болакайни етаклаган шарти кетиб, парти қолган бир чол яқинлашди. У “шапкўр невараси чиройликкина кўғирчоқларни яхшилаб кўриб олиши учун” детективлардан бирини эшикни очишга кўндиришга уриниб кўрди. Детектив “Бу – ўша!” деб қичқирганида эса, чол болани қолдирди-ю, ёшига хос бўлмаган чаққонлик ила оломон орасида ғойиб бўлди. Маълум бўлишича, у йиғлаётган болакайни кўриб қолган ва онасини топиб беришини айтиб, уни етаклаб келаётган экан.

Соат 13.46да сержант Вейли ҳалокат белгисини бериб қолди. Унинг хожатга чиққиси келиб қолганди. Эллери уни чиқариб юборди ва дарҳол эшикни кулфлади. Девқомат сержант эркаклар хожатхонаси томон югуриб кетди.

Ўн беш минут, ярим соат ўтди ҳамки, Вейли қайтмади. Унинг ортидан жўнатилган полициячи хожатхонада ҳеч ким йўқлигини айтди. Сержант фақат соат 14.35 да қайтди.

— Вейли! — ўшқирди инспектор. — Қаерларда юрибсиз?

— Овқатландим, — тўнғиллади сержант ниқоб остидан. — Мен ҳатто хизмат вақтида ҳам очликдан ўлишни истамайман.

Охирги воқеа соат 16.22да рўй берди. Кўргазмадан эллик қадамча нарида турган чиройли кийинган аёл кутилмаганда “Ушланглар уни! Ўғри! Сумкачамни ўғирлаб қочди!” деб қичқириб қолди. Аввалига детективлар аёлни кийимини ўзгартирган Комус бўлса керак, деб ўйлашганди. Аммо жабрдийданинг ҳақиқатан ҳам аёл киши эканлиги маълум бўлгач, Комус бақалок одам қиёфасига кириб, уларнинг эътиборини чалғитиш учун аёлнинг сумкачасини ўғирлаб қочган бўлса керак, деган хулосага келишди.

Соатлар 17.30 ни кўрсатганида, харидорлар чиқиш эшиги томон йўналишди. Тез орада дўконнинг асосий қавати бўшаб қолди. “Нэш” ходимлари ҳам уйларига кета бошлашди.

— Вейли, қаяққа кетяпсиз? — қизиксинди инспектор, эркаклар ҳожатхонаси томон йўналган сержантни кўриб.

— Манави рўдаполарни қаердадир ечишим керак-ку, ахир! — ниқоб остидан бўғиқ овози келди сержантнинг. У ҳамкасбларининг гулдурос қаҳқаҳаси остида ҳожатхонага кириб кетди.

— Қиёфани ўзгартиришлар... — кутилмаганда минғирлади Эллери унинг изидан қараб қоларкан. — Комус доимо кийимини алмаштиради. Жуда бўлмаганда, Санта-Клаусни олинг...

— Бир дақиқа... — унинг сўзини бўлди Болдинг. У бир неча сония кўғирчоқ шахзодага тикилиб турди,

кейин тўнғиллади: — Йўғ-э... бундай бўлиши мумкин эмас... — Адвокат кўғирчокни қутичадан чиқариб олди, уни яна бир кўздан кечирди ва чинқириб юборди:

— Бу шаҳзода эмас! Сохта... нухаси!

— Ушланглар уни! — сабрсизликдан турган жойида сакраб, ўшқирди Эллери. — Сантани ушланг! У Вейли эмас! Кундузи у хожатхонага кирганида, Комус унга хужум қилган ва Санта Клаус либосида қайтиб чиққан! Куннинг иккинчи ярмида тепада Комус ўтирган! У зўр актёр! Ҳатто Вейлининг овози гапирган ҳам... Лейтенант Фарбер, илтимос, олмосни текшириб кўринг!

— Жин урсин, сиз ҳақсиз! — бош ирғади Фарбер кўғирчокни кўздан кечиргач. — Бу ажойиб маҳорат билан ясалган сунъий қимматбаҳо тош — страз!

Орадан бир неча дақиқа ўтгач, бир неча нафар полициячилар кучининг борича оёқ тираётган Санта-Клаусни судраб келишди. Унинг никобини ечишганида, сержант Вейлининг жаҳлдан бўғриқиб кетган юзи кўринди.

— Вейли, кундузи хожатхонага борганингизда, сизга хужум қилишдими? — эсанкираб сўради Эллери Куин.

— Нахотки мен хужум қилиш мумкин бўлган одамга ўхшасам?

— Демак, тепада сиз ўтиргансиз-а?

— Албатта, мен! — бўкирди сержант.

— Эллери, ўғлим, у буни қандай уддалади экан-а? — саросимага тушиб, сўради инспектор Ричард Куин.

— Ақлим бовар қилмаяпти, дадажон...

Шу куни бутун оқшом Куинлар ошхонасида огир

сукунат ҳукм сурди.

— Қойил, ақл бовар қилмас маҳорат! — хитоб қилди ниҳоят Эллери сукунатни бузиб. — Ўтакетган кўзбўямачи экан!

— Жодугарлик... — ингради инспектор.

— Оммавий гипноз бўлса керак, — тахмин қилди Никки.

— Оммавий равишда ақлдан оздик, десангиз, тўғрироқ бўлади, — зарда қилди сержант.

— Демак, Комус олдиндан нусхани ясаб қўйган, — давом этди кичик Куин. — Аммо у ҳақиқий шаҳзодани қандай қилиб алмаштириб қўйди экан-а?

Орадан бир соат ўтгач, хонага чўмган сукунатни телефон овози бузди.

— Сизни, — деди Никки. — Комус экан...

— Ажойиб кун учун миннатдорчилик билмоқчиман ва Янги йил байрамини яхши ўтказишингизни тилайман, — деди таниш пастгина овоз. — Эшик ёнидаги гиламчада сизни совға кутмоқда. Инспектор Куинга ва адвокат Болдингга салом айтиб қўйинг..

Эшик олдидаги гиламчада қўғирчоқ шаҳзода ётарди. Бу ҳақиқий қўғирчоқ, аммо турган гапки, унинг олмоси йўқ эди...

— Бу оддий, — тушунтирди Эллери, — ҳар доим буюк кўзбоғлашларда бўлгани каби... Қимматбаҳо нарса куни бўйи ҳеч ким кира олмайдиган жойда турди. Ўнлаб машқ қилган ва ишончли одамлар ундан кўз узишмади. Унга бир марта ҳам инсон қўли тегмади. Инқирозий вақт тугаши биланок, у ғойиб бўлди. Тўғрироғи, арзон

нусхаси билан алмаштирилди. Ажойиб! Қойил!

“Саккиз соат давомида шахзода кўз ўнгимизда турди, бу вақтда унга ҳеч ким ва ҳеч нарса тегмади, турган гапки, бу вақтда ўғирлик юз бериши мумкин эмасди, — ўйлашда давом этди Эллери. — Аммо уни қачон алмаштириб қўйишган бўлиши мумкин? Илгарироқми? Йўқ. Мен ўз қўлларим билан кўғирчоқни қутичага солдим. Ҳатто лейтенант Фарбер уни менинг қўлимдан олиб, текшириб чиқди ҳам. Демак, уни кейин ўғирлашган...”

— Лейтенант Фарбер олмос алмаштириб қўйилганини эълон қилишидан олдин кўғирчоққа ким қўл теккизганди? — сўради Эллери шу ерда ўтирганлардан. — Ким?

Инспектор ва сержант боши қотган қиёфада бири-бирига қараб, елка қисишди. Никки оғзини очганча қотиб ўтирарди.

— Жаноб Болдинг, — деди ниҳоят Никки. — Аммо у ҳисобга кирмайди.

— Шундай ҳам ҳисобга кирсин-ки, Никки! — эътироз билдирди Эллери. — Маълумотларга ишонсак, айнан Болдинг ўша вақтда шахзодани ўғирлаган бўлиб чиқяпти.

— Эллери, — деди қиз, — ахир у нусхасини олди-ку?

— Унинг нусха эканлигини биз қаердан биламиз? Унинг ўзидан эшитдик, холос. Осонлигини қаранг-а! У шундай деди, биз эса тентак кучукчалар сингари лаққа тушдик-қўйдик.

— Тўғри, — тасдиқлади Ричард Куин. — Биз

кўғирчоқни дарров текшириб кўрганимиз йўқ.

— Тўғри, — жилмайди Эллери. — Болдинг ҳам айнан шунақанги қисқа вақтлик саросимадан фойдаланиб қолишни мўлжаллаган. Мен Сантани, яъни сержант Вейлини тутишни буюрдим. Бир неча дақиқа тўс-тўполон бўлиб кетди. Ҳеч ким Болдингни кузатмади, ҳамма у кўғирчоқнинг нусхасини кўлида тутиб турганига ишонди. Адвокат эса бу вақтда бемалол ҳақиқий шаҳзодани битта чўнтагига солиб, бошқа чўнтагидан сохтасини чиқариб қўйган. Мен кўғирчоқни унинг кўлидан олганимда, у сохта эди.

— Ўғри Болдинг эканлиги маълум бўлгач, — деди бир оз ўзига келган инспектор, — биз олмосни осонгина қайтариб ололамиз. У ҳали олмосни сотишга улгурмаганлиги аниқ. Мен ҳозирок бошқармага кўнғироқ қиламан...

— Тўхтанг, дада, — уни тўхтатди Эллери. — Кимни ҳибсга олиш ҳақида буйруқ ёзмоқчисиз?

— Болдингни-да, албатта. Ахир ўзинг айтдинг-ку...

— Буйруқда, яхшиси, унинг тахаллусини — Комуснинг номини ёзганингиз маъқул, деб ўйлайман.

— Болдинг, бу... Комусми? — ҳайрат ила хитоб қилди Никки. — Бундай бўлиши мумкин эмас! Ахир Болдинг куни бўйи биз билан бирга бўлди, Комус эса гоҳ Қорбобо либосини, гоҳ қариянинг, гоҳ эса бақалоқнинг кийимини кийиб, атрофимизда айланиб юрди-ку!

— Алдовлар жуда яшовчан бўлади, — жилмайди Эллери Куин. — Ахир яқинда Комус кўнғироқ қилиб, ўғирлигини бўйнига олдимиз? Кейин Комус кўнғироқ

килиб, шахзода олмоссиз ҳолда эшик олдидаги гиламчада ётганини айтдимиз? Бундан келиб чиқадики, Комус ва Болдинг битта одам экан! Мен сизларга айтгандим-ку, Комус ҳеч нарсани шунчаки қилмайди, деб... Нима учун у Болдингга шахзодани ўғирламоқчи эканлигини маълум қилди? Бизнинг у ва Болдинг — бошқа-бошқа одамлар эканлигига ишонишимиз учунгина шундай қилган. Биз Комусни излашимиз, Болдингни эса ҳақиқий адвокат деб ўйлашимиз учун ҳам у шундай қилган. Бунинг учун у Комуснинг уч хил қиёфада намоён бўлишини ташкиллаштираган. Турган гапки, улар Комуснинг ҳамтовоқларидир.

Эллери Куин ҳамон ҳайратдан тили калимага келмай турган дадасига қаради.

— Дада, сиз беш йилдан бери тутолмай, овора бўлаётган устаси фаранг ўғри аслида Парк-Роудаги обрўли адвокат экан, — деди у. — Фақат тунда у ясама сочлари ва мантиясини ниқоб, очқич ва қора ёмғирпўшга алмаштиради. Энди эса буларнинг барини панжарали эшикка алмаштиришга тўғри келади...



Питер ЛОВСИ



Детектив адиблар орасида энг кўп адабий мукофотлар соҳиби эканлиги билан ажралиб турадиган Питер Ловси (Питер Хармер Ловси) 1936 йили 10 сентябрда Уиттонда тугилган. Тахаллуслари: Питер Ловси, Питер Лавси, Питер Лир.

Ловсининг биринчи романи “Wobble To Death” 1969 йили “The Times” газетасида эълон қилинган. Унинг асарлари бир неча марта Детектив ёзувчилар ассоциацияси (CWA) мукофотлари билан тақдирланди. 1991-92 йилларда Ловси CWA раиси ҳам бўлди. 2000 йилда Ловси детектив жанрига қўшган ҳиссаси учун олий мукофот — “Cartier Diamond Dagger”га сазовор бўлди.

Ловсининг асарлари кўплаб адабий мукофотларга лойиқ топилган: “Macmillan/Panther” (1970), “Prix du Roman d’Aventures” (1975), “Grand Prix de Littérature Policière” (1976), “Silver Dagge (1978), “Gold Dagger” (1978), “Veuve Clicquot” (1985), “Anthony Award” (1991), “Ellery Queen Readers Award” (1991), “Golden Mysteries” (1995), “Bloodhounds” (1996), “Macallan Silver Dagger” (1996), “Barry Award” (1996), “Macavity Award” (1996), “Leo Harris” (1999), “Cartier Diamond Dagger” (2000), “Macavity” (2003), “Short Story” (2007).

“ШАРЛЕМАН”ДАГИ ҚОТИЛЛИК

Жаноб Френсис Баттерининг китоб дўконидан қимматбаҳо китоблар сотиб олган доимий миждозларни дўкон ичкарасидаги хонада олча арағи билан сийлашарди. Олди очик ўчок тоқчасида турган ҳайкалчани томоша қилаётган Эбернон хоним мис тахтачадаги ёзувни ўқиб, сўраб қолди:

— Уильям Кордер ким?

— Ўтмишдаги машҳур қотил.

— Қандай даҳшат! Наҳотки одамлар жиноятчининг сопол ҳайкалчасини сотиб олишса-я?!

— У дўконнинг олдинги эгасидан қолган, — деди жаноб Баттери.

— Дрезденда ясалган чўпонлар ҳайкалчалари олдида бу жудаям кўпол кўринади, — деди Эбернон хоним бўялган ҳайкалчага ижирғаниб қараркан. — Бўёқлари қанчалар кўполлик билан суртилганини кўринг! Кимлигини ёзишмаса ҳам бўлмасди, чунки у шаҳзода ҳам, оддий деҳқон ҳам бўлиши мумкин эди.

— Стаффордшир ҳайкалчалари аслига ўхшашлиги эмас, балки жозибали эканлиги учунгина кадрланади, — деди жаноб Баттери. — Стаффордшир ҳайкалчалари аждодларимизни эслатиб туради.

— Уларнинг қотиллигиними? — ҳандон отди Эбернон хоним. — Ўша Кордер қайси каромати учун сизнинг тоқчангиздан жой олган?

— Бу воқеа 1827 йили Саффолк графлигидаги кишлоқда юз берган. Кордер йигирма бир ёшида Мария исмли бир қизнинг бошини айлантиради-да, уни кишлоқ четидаги омборда ўлдиради. Икки кундан кейин кишлоқдагиларга Мария Ипсвичда яшаётганлигини айтади. Кейин ўзи ҳам ўша ёққа кетади.

— Одамлар унга ишонишадими?

— Қизнинг онасидан бошқа ҳамма ишонади. Аммо она тушида қизининг ўлдирилиб, омборга кўмиб қўйилганини кўрганини айтади. Ҳақиқатан ҳам қизнинг жасади омборхонадан топилади. Оқибатда Кордер осиб ўлдиришга ҳукм қилинади.

— Шу ҳайкалча қанча туради?

— Кордернинг ҳайкалчасими? Билмадим, бир неча фунт турса керак.

Эртасига Эбернон хоним яна жаноб Баттерининг дўконига келди.

— Стаффордшир ҳайкалчалари коллекция қилинадиган асарлар сирасига кираркан.

— Буни билардим.

— Лекин айнан жиноятчиларнинг ҳайкалчалари яхши сотилишини билмасдингиз. Кордер ҳайкалчаси ноёб асарлардан экан! Дунё бўйича унинг бор-йўғи бир неча нусхаси бўлиб, фақат Виктория ва Алберт музейида ҳамда Степлфорд-паркдаги Миллий жамғармадагина стаффордшир ҳайкалчалари коллекцияси бор, аммо уларда Кордер йўқ экан.

— Демак, менинг ҳайкалчам қимматбаҳо экан-да?

Питер Ловси

— Лондондаги энг катта кимошди савдосида бу хайкалча камида минг фунтга сотилиши мумкин. Ҳозирги пайтда минг фунт катта пул эмас, лекин йўқдан кўра харна! Уни тезроқ кимошди савдосига олиб боринг.

— Бу маълумотингиз учун сиздан қарздорман. — хитоб қилди Баттери. — Агар минг фунтга бойисам, сизга миннатдорчилик билдиришнинг йўлини топаман.

У дўконни ёрдамчиси Жеймсга топширди-да, ўзи пойабзал қутисига жойланган Кордер хайкалчасини олиб, Лондонга жўнади.

Баттери қоғозни очиб, хайкалчани олганида, ҳаяжондан мутахассис гапиролмай қолди. Бу Уильям Кордернинг биринчи ясалган хайкалчаси бўлиб, дунёда улар жами уч-тўртгина эди.

Мутахассиснинг гапларидан Баттерининг томоғи куриб қолди.

— Бунга қанча пул бера оласиз?

— Бугуноқ саккиз юз фунтга сотиб беришим мумкин. Бироқ кимошди савдосига қўйсангиз, қимматроққа сотса бўлади.

— Минггами?

— Савдосини берса, бундан ҳам қимматроққа кетади.

— Кейинги савдо қачон бўлади?

Мутахассиснинг гапларидан бир неча ой кутиши кераклигини англаган Баттери савдони тезлаштириб беришини илтимос қилди. Мутахассис кимгадир кўнғироқ қилди-да, кейин Кордер беш ҳафтадан кейинги кимошди савдосига қўйилганини айтди.

Эбернон хоним яна дўконга ташриф буюриши билан Баттери Лондондан қайтаётиб ўйлаб қўйган таклифини айтди:

— Келаси чоршанбага сизни тушликка таклиф этмоқчи эдим.

— Олдин кимошди савдосини кутайлик-чи! У қачонга белгиланди?

— Ўн бешинчи май, жума кунига.

— Ўн бешинчидами? Афсус, ўн олтинчида мен Францияга кетишим керак.

— Францияда учрашиб, ғалабамизни ўша ерда нишонласак-чи?

— Дўконингиз нима бўлади?

— Жеймс қараб туради. Бўлмаса учрашув вақтини белгилаб олайлик. Ўн саккизинчи майда, туш вақтида Орлеандаги черков олдида учрашамиз.

— Нима учун ўн саккизинчи майни танлаяпсиз?

— Уильям Кордерни хотирлаймиз. Ўша қизни шу куни ўлдирган.

— Яхши. Ўн саккизинчи куни. Ҳайкалчангиз сотилса, албатта...

— Савдо қандай бўлишидан қатъи назар, ўша ерда бўламан, — ваъда берди Баттери.

Ҳафталар Баттери учун чидаб бўлмас даражада секин ўтарди. У чиптага буюртма берди, бир неча йилдан илк бора бир нечта янги қўйлак, бўйинбоғ, зангори нимча ва бир жуфт оппоқ шим сотиб олди.

Ўн бешинчи май куни Баттери кимошди савдосига

етиб келди.

— Икки юз саксон еттинчи буюм... Машҳур жиноятчи Уильям Кордернинг стаффордшир ҳайкалчаси...

Ҳаяжондан Баттерининг миясига гупиллаб қон урилди. У кўзларини чирт юмиб олди.

— Минг фунт!

Жаноб Баттери тасаввур қилди: меҳмонхона ётоғи, кўлида шампанли қадах тутиб турган Эбернон хоним...

— Бир минг икки юз эллик! Ким ошади? “Хадсон ва Блек” компаниясига сотилди.

Уч кундан сўнг зангори нимча ва оқ шим кийган Баттери келишилган жойда кутиб турарди. Пуштиранг товланувчи новвотранг кўйлак ва сомон шляпа кийган Эбернон хоним эса ундан йигирма дақиқа кейин келди. Баттери унга эрталаб Орлеанда сотиб олган орхидея гуллари солинган қутичани узатди.

— Бунча ажойиб! — хитоб қилди хоним. — Азизим, дидингизга гап йўқ!

— “Отел де Вилл”дан икки кишилик жой буюртириб қўйдим. Маслаҳатингиз учун жудаям миннатдорман. Кордер минг футга сотилди.

Тансиқ таомлар тортилган тушлик устидаги суҳбат узоқ давом этди. Уч соатлардан кейин улар бироз ширакайф ҳолда кўчага чиқишди. Баттери соҳил бўйлаб сайр қилишни таклиф этди. Улар йўл-йўлакай яна лимонли чой ҳам ичишди. Қуёш уфққа ёнбошлаб, соялар чўзила бошлади.

— Бетакрор кун бўлди, — деди Эбернон хоним.

— Кун ҳали тугамади. Энди сизни кечки овқатга таклиф қиламан.

Аёл бош чайқади:

— Мен эрта уйқуга ётишга одатланганман.

— Яхши фикр, — илжайди Баттери.

У такси тўхтатишдан олдин аёлдан қайси меҳмонхонага жойлашганини сўради.

— Черков олдига етиб олсам кифоя, у ёғига пиёда кетаман. Ўзингиз ҳам бирон меҳмонхонага жойлашинг.

Баттери асабий кулди: афтидан, аёл осон ўлжага ўхшамасди. У бу ёққа келаётиб хонимнинг хонасига жойлашишни мўлжаллаган, шу туфайли ҳамм меҳмонхонага жойлашмаганди. Айни дамда у нима қиларини билмай қолди. “Қатъиятлироқ бўлиш керак”, ўйлади у. Бу аёлга у нимани хоҳлаётганини биладиган ва ташаббусни ўз қўлига оладиган эркак керак.

— Эртага туш пайти черков олдида кутаман. Хайрли тун, — деди аёл машинага ўтираркан, ширин табассум билан.

Баттери такси эшигини ёпди ва ҳорғин қадам ташлаганча меҳмонхона излаб кетди. Майли, эртага қатъийроқ ҳаракат қилади. Умуман олганда, яна бир тун чидаса асакаси кетармиди...

Эртасига эса Баттери учрашувга беш дақиқа кечикиб келди. Аёл уни кутиб турарди.

— Бугун зўр жойга борамиз, — деди у аёлнинг қўлидан маҳкам ушлаб оларкан.

Улар жазоирликлар ресторанига боришди. Соат

Питер Ловси

учларда Эбернон хоним безовталана бошлади:

— Зўр жой экан, аммо кетмасам бўлмайди. Меҳмонхонага қайтиб, сочимни ювишим керак. Соат бешда уқаловчи ва педикюрчи келади.

— Бунга қанча вақт кетади?

— Менинг вақтим етарли. Ахир таътилнинг завқи ҳам шунда эмасми?

Баттери гангиб қолганидан эътироз билдиришга гап тополмади. Унинг жудаям хафсаласи пир бўлганди. Бунақанги муаммо чиқишини у асло кутмаганди. Эбернон хонимнинг нияти фақат овқатланиш эди, холос. У гоҳ сартарош, гоҳ тиш оғриғи, гоҳ нокулай пойабзални баҳона қилганча овқатдан кейин кетиб қоларди. Тунги клубга ёки театрга бориш каби таклифларни эса тинмай рад этарди.

Баттерининг пули жуда тез тугаб борарди. У темирйўл бекати ёнидаги оддийгина меҳмонхонага жойлашди. Оқшомлари барда ёлғиз ўтирганча жуда кўп ича бошлади. Ниҳоят, пули тугаётганидан умидлари сўнган Баттери бир режа тузишга мажбур бўлди.

Жума куни у Эбернон хонимни Орлеаннинг энг яхши балиқ ресторанига олиб борди. Хоним ҳали навбатдаги баҳонасини айтишга улгурмасидан, Баттери отни камчилаб қолди:

— Сизни меҳмонхонагача кузатиб қўяман.

Аёл таажжубдан кўзларини пирпиратди.

— Мен эртага кетаман, нарсаларимни йиғиштиришим керак, — гапида давом этди Баттери официантга имо

киларкан.

— Қаерга кетяпсиз?

— Ҳозирча билмадим. Шунчаки Орлеанда қиладиган ишим қолмади.

— Мен ҳам Турга кетмоқчиман. Айтишларича, у ернинг таомлари зўр бўларкан. Балки йўлда ҳамроҳ бўларсиз?

— Ўйлаб кўраман.

Кўча чиққач, Баттери такси тўхтатди.

— “Шарлеман” меҳмонхонасига, — деди у хайдовчига.

Баттери хонимнинг ўзига ҳайрат ила қараганини сизди. У аёл турган меҳмонхонанинг номини топишга қийналмаганди. Ахир укалаш ва гўзаллик салони хизматларини таклиф этадиган меҳмонхоналар унчалик кўп эмас-да!

Баттери бир даста қизил атиргул сотиб олиб, меҳмонхонасига қайтди. Соат еттиларда “Шарлеман” меҳмонхонасига қўнғироқ қилиб, Эбернон хоним билан улашларини сўради. Хоним гўшакни олганида эса у французча талаффуз билан хитоб қилди:

— Ие, сиз инглизмисиз? Бу нечанчи хона ўзи? Узр, хоним, адашибман.

Икки соатдан сўнг Баттерли “Шарлеман” меҳмонхонасига етиб келиб, лифтда олтинчи қаватга кўтарилди. Йўлак бўм-бўш эди. У 657-хонани топди ва юзини гулдаста ортига яширганча эшикни тақиллатди.

Бир оздан сўнг эшик қия очилди. Баттери эшикни итариб ичкарига кирди. Бошига сочиқ ўраб, юзига ниқоб

чаплаган Эбернон хоним ҳайрат ила гулдастани қўлига олди.

— Жаноб Баттери! Мен уйқуга ётмоқчи бўлиб турувдим.

— Жуда яхши-да! — деди у эшикни ёпаркан.

— Сиз эса менинг хонамдан чиқиб кетинг!

— Юзингиздаги кремга қарши эмасман. У менга халақит бермайди, — деди Баттери кулиб. Кейин хонимнинг бошидаги сочиқни юлқиб олди. Эбернон хоним унинг юзига гулдаста билан урди.

— Йўқолинг!

— Азизам, бу гапни шунчаки айтяпсиз, тўғрими? Аслида эса қолишимни истаяпсиз. Биргаликда вақтимизни жуда яхши ўтказдик. Қиммат таомлар едик... Бор пулимни сиз учун сарфладим.

— Мен сотилмайман.

— Гап бунда эмас. Сиз менга ёқасиз ва мен ҳам сизга ёқаман деб ўйловдим, — гапида давом этди Баттери.

— Мен оилали аёлман! — хоним ортига тисарилди. — Мен эримга хиёнат қилишни истамайман. Шунчаки ким биландир вақтимни хуш ўтказишини хоҳловдим, холос.

— Хоним бир зум жим қолди ва шу ерда машъум хатога йўл қўйди. — Хавфсиз бўлганингиз учун сизни танловдим. Ҳар қандай аёл сиз билан хавфсиз бўлади.

— Хавфсиз?.. — Баттерининг юзи бужмайиб кетди. — Хавфсиз?!

Жўшиб кетган қайноқ қон миясига урилди. Ахир бу аёл унинг орзусини ўлдирди-ку! Ҳайкалчанинг пулини

хам еб-ичиб тугатди. Баттери беихтиёр аёлнинг томоғига чанг солди.

“Шарлеман”даги қотиллик ҳақида барча француз газеталари бонг урди. Полиция мархума билан бирга Орлеаннинг бир нечта ресторанларига борган кексароқ ёшли, сочлари оқарган, бўйи беш фут-у саккиз дюйм келадиган, зангори нимча ва оқ шим кийган инглиз миллатига мансуб эркакни излай бошлади.

Баттери бу тасвирлардан ташвишга тушмасди. Чунки унинг бўйи беш фут-у тўққиз дюйм, сочига деярли оқ ораламаган, ёши ҳам ўттиз тўртда эди. Нимча ва шимини у Луарга улоқтирди.

Чегарадан ўтгач, у ўзини енгил ҳис қилди.

— Франциянинг қаерида бўлдингиз? — сўради божхона зобити.

— Луар водийси бўйлаб саёҳат қилдим. Анже, Тур, Пуате.

— Орлеанда-чи?

— Йўқ, менга у ерда кўришга арзийдиган жойлар кўп эмаслигини айтишганди.

— Яқинда юз берган қотиллик ҳақида эшитдингизми?

— Сал-пал. Французчани унчалик яхши билмайман.

— Бир инглиз аёли меҳмонхонада бўғиб ўлдирилган.

У айнан сизнинг шаҳрингиздан бўлган.

Баттери ўзини ҳайрон бўлганга солди:

— Йўғ-э? Исми нима экан?

— Милдред Эбернон. Мабодо бу хонимни учратмадингизми?

— Эбернон. Сираям эшитмаганман.

Уйига қайтаркан, Баттери бу воқеани қайта-қайта ўйлади. Францияда уни қотиллик билан боғлайдиган ҳеч қандай из йўқ. Улар фақат тушлик пайти, ҳар сафар турли ресторанларда учрашишган. Эбернон хоним билан битта шаҳардан эканлиги эса уни айблайдиган далил бўлолмайди. Фақат хотиржамликни сақласа бўлди.

Перронда полициячи тўхтатганида, унинг юраги ортга тортиб кетди.

— Текширув, сэр. Таксига пул сарфлаб юрмаслигингиз учун сизни уйингизга ўзимиз олиб бориб қўямиз. Дуврда сиз Эбернон хонимни танимаслигингизни айтибсиз. Бу аёлни кўрмаганмисиз?

Баттери ўзини қармоққа илинган балиқчадек хис этди.

— Эҳтимол кўргандирман-у, лекин исмини билмасман. Ахир дўконга ҳар куни қанча одам келиб-кетади.

— Биз унинг уйдан жуда кўп китоб топдик ва эри бу китобларни у сизнинг дўконингиздан олганини айтди. Дўконингиздаги савдони қайд қиласизми?

— Чек билан пул тўлашса, албатта.

— Қайд дафтарингизни кўрсак бўладими?

Дўкон ёпиладиган вақт бўлса-да, ҳали ҳам шу ерда эди. Баттери Жеймс билан саломлашиб, полициячини орқа хонага бошлади.

— Таътил мароқли ўтдимиз, жаноб Баттери? — кичқирди Жеймс. — Столингизда почта турибди.

Баттери қайд дафтарини олиб, полициячига узатди. У

дафтарни олмай, нигоҳини жаноб Баттерининг столи устидаги жўнатмасига қаратди.

— Сизга кимдир совға жўнатганга ўхшайди.

Қути ичидаги Кордер хайкалчасини кўриб, Баттери жудаям ажабланди. Қути ичида кимошди савдосида Кордерни сотиб олган “Хадсон ва Блек” компаниясининг хати ҳам бор эди. Хатда компаниянинг миждози кимошди савдосидан сўнг хайкалча ташрифнома билан бирга собиқ эгасига совға тариқасида қайтариб жўнатилишини сўрагани баён қилинганди.

Полициячи қутидан ташрифномани олиб, ундаги ёзувни ўқиди, сўнгра Баттерига узатди.

“Сиз жудаям олийжаноб инсонсиз. Аммо мен меҳрибонлигингизни кадрламаслигимдан хавотир олманг. Менга қилган яхшилигингизни қайтаришга қурбим етади. Милдред Эбернон”.

Имзонинг пастидаги қаторда эса “Мана, қотилингиз ўзингизга қайтди” деб ёзилганди.



Жон ЛУТЦ



Америкалик машҳур детектив ёзувчи Жон Лутц 1939 йили 11 сентябрда Даллас (Техас) да тугилган. Тахаллуси: Стивен Грин.

Жон Лутц ижодий фаолиятини бошлашдан аввал қурилишда ишчи, театрда чипта сотувчи, юк машинаси ҳайдовчиси бўлиб ишлади. 1965 йилда “Meramec Community” коллежсини тугатган Жон Сент-Луис полицияси коммутаторида алоқа оператори бўлиб ишлади. Шу сабабли Лутцнинг иккита асосий детектив асарлари туркуми хусусий детективларга — сент-луислик детектив Эло Хадгер ва флоридалик изқувар Фред Карверга бағишланган. Жон Лутц севги қиссаларидан бошқа барча жанрларда ижод қилади.

Жон Лутцнинг адабий мероси 40та роман ва 200та ҳикояни ташиқил этиб, улар орасида триллерлар, детектив, ҳажвия, тарихий ва бошқа жанрдаги асарлар бор. Лутцнинг асарлари кўплаб тилларга таржима қилинган, халқаро машҳурликка эришган. Жон Лутц қарийб барча адабий мукофотларнинг совриндори бўлиб, улар орасида “Эдгар” ва “Шамус”, “813” мукофоти ва “Олтин” ханжар ҳам бор. Айни вақтда Лутц рафиқаси Барбара билан бирга Флоридада истиқомат қилади.

ОҚИЛА ДОРИ

Менинг рафиқамни “Оқида Дори” деб чақиришади. Табиийки, бундай деб чақирувчилар унинг рўзгор ишларини қандай бажариш ҳақидаги мақолаларини ўқийдиган газетхонлардир. Газета таҳририяти Дори ёзган мақолаларни юзлаб нашрларга жўнатади.

“Модалар” рукнининг олтинчи саҳифасида чоп этилувчи бундай мақолаларда эски туфлига янги тагчарм ўрнатиш ёки ҳаммомдаги эскирган сув тортувчи насосни боғни суғорадиган ажойиб мосламага айлантириш тушунтирилади. Ёки утухумқобиғидан фойдаланишнинг бир юз битта усули билан таништиради.

Эндигина ўттиз беш ёшга кирган рафиқам Дорис шунақанги мақолалар ёзишга устаси фаранг бўлиб, рўзгордаги тежамкорликнинг янгидан-янги усулларини излаб топишга муккасидан берилиб кетганди. Ҳамма бало шундаки, унинг ўйлаб топадиган усулларидан кўпчилиги жуда оқилона бўлса-да, аммо тажрибада синаб кўришга жуда нобоп эди, шу туфайли ҳам мен Дорини сираям оқида деб атай олмасдим.

Тўйдан сўнг бир йил ўтгач, мен ярим баҳосида харид қилинадиган суви қочган нондан тайёрланган сэндвични беҳафсалагина ердим. Кечаси устимга ёпадиган қуроқ кўрпанинг квадратчалари орасидан эски спорт кийимининг парчаларини таниб қолардим. Меҳмонхонамизда дўконлардан текинга жўнатиладиган газлама намуналаридан тикилган гилам устида юрардим ва эскирган сув қувуридан ясалган қўлбола антеннадан фойдаланилгани учун оқ-қора рангда тинмай пириллаб

турадиган телевизорни томоша қилардим. Дориснинг мухлислари у ўзининг оқилона таклифларини ҳаётига қанчалар табиқ этаётганини билишса, бошлари осмонга етарди. Аммо менга келсак, сочларини лимон кислотаси эмас, балки қиммат бўлса-да, оддийгина пардоз воситаси ёрдамида рангсизлантирадиган малласоч аёл билан яшашни афзал кўрган бўлардим.

Бошқа томондан олганда, Дорис жуда яхши пул ишлаб топарди, шунинг учун ҳам у билан ажрашиб, мол-мулкимизни бўлиб олиш мен учун сираям оқилона иш бўлмаслиги аниқ. Дориснинг ҳам бунга жуда яхши ақли етарди, албатта. Шундай экан, бу машаққатли оиладан фақатгина Оқила Дорининг ўлимигина мени кутқара оларди. Агар унинг ўзи ошхона анжомларидан тўппончага ўхшаш бирор қуролни ўйлаб топа олса, албатта.

Тўғри, бунақанги нарсага умид қилиш ақлга тўғри келмаслигини билардим. Бу борада пичоқ ҳам, тўппонча ҳам, ҳатто ҳаммомга электр симларини тортиб қўйиш ҳам ҳам иш бермайди. Бир қараганда, бахтсиз ходисадек кўринадиган, ҳатто полиция ҳам боши берк кўчага кириб қоладиган ва мендан асло шубҳалана олмайдиган ниманидир ўйлаб топишимга тўғри келади. Одатда, бунақанги ҳолатларда улар дарров эридан шубҳаланишади, шунинг учун ҳам ўта ақлли бирор нарсани ўйлаб топишимга тўғри келади. Буни тезроқ қилмасам бўлмайди, чунки Дорис билан бирга узоқроқ яшасам, ақлдан озиб қолишим тайин.

— Хью, буни кара, — деди Дорис худди янги кўйлак кийдирилган манекендек келишмаган қоматини кўз-кўзлаб. — Бу энг охирги янгилигим. Жўмрақлардан сув

томчилаб турган, стол устида ушоқлар сочилиб ётадиган хонадонда бундан зўрини ўйлаб топиш мумкинми? — унинг белига айлантириб ўралган арқон бўлагига бир ўрам хожатхона қоғози осиб қўйилганди. — Сут тўкилдими, боланинг бурни оқиб қолдими, ортиқча ҳижолат бўлманг — ёнгинангизда сочикчалар тайёр, шундоқ кўз узатсангиз бас!

Мен илҳоми жўшиб, реклама шиорини ўқиётган Дорисга тикилиб, “Агар кун бўйи биқинингда бир ўрам хожатхона қоғози диконглаб юришига чидасанг, сенга тан бердим!” деб ўйладим.

— Қойилмақом, — дедим овоз чиқариб ва яна журналимни ўқишга тутиндим.

Мен Дорининг жаҳлини чиқарадиган даражада аҳмоқ эмасман. Ўйлаб топишга устаси фаранг бўлгани сабабли қасд олиш учун нималар хаёлига келишини олдиндан айтиб бўлмайди. Эсимда, бир сафар уришиб қолганимизда, у соч учун лосьон идишнинг ёрлик қоғозини суперелим солинган худди шунақанги идишчага ёпиштириб қўйганди. Агар телевизордаги рекламага ишонсак, бу елим автомобилнинг оғирлигига дош бера оларди. Мен беш соат азоб чекиб ўтирдим ва рафиқам елимни эритувчи оддийгина формулани айтиши учун ўнтадан ошиқ бемаъни ваъдалар бьеришга мажбур бўлдим. Энди бунақанги синовни хоҳламайман.

— Мен бир нарсани ўйлаб қолдим, — минғирладим мен хаёлпарижонлик билан чап қўлимни қаширканман.

— Нимани ўйлаб қолдинг, Хью? — қизиксинди Дори.

— Азизам, шунчаки ўз-ўзим билан гаплашяпман, — дедим мен ширин таом ишқибозларига мўлжалланган кейинги саҳифани очарканман.

— Ёнингда диктофон олиб юрсанг бўларкан. Шунда кечкурун уни эшитиб, кун бўйи қанақанги бемаъни нарсаларни гапиришинга ишонч ҳосил қиласан, — маслаҳат берди у.

Тушликка нонуштада ейилмай қолган қолдиқлардан тайёрланган бемаза, аммо тўйимли таом едик. Мен нима учун доим қашшоқ гадолар сингари овқатланишга мажбурлигимиздан яна ажабланиб қолдим. Бизнинг пулимиз етарли эди. Энг тинч ва обрўли тумандаги уйнинг ўнинчи қаватидаги хонадонда яшаймиз. Шунга қарамай, хоналарга қўлбола, қинғир-қийшиқ, чиқиндихонадан ёки ертўлалардан топилган лашлушлар илиб ташланган.

Овқатланиб бўлгач, мен ювиладиган пластик ликопчаларни йиғиштириб олдим. Дорис эса белидаги “тақинчоғи”дан бир бўлак узиб олиб, стол устини арта бошлади. Ликопчаларни тахлаётганимда, улардан бирига тегиб кетиб, сўкиниб юбордим: тирноғим остига кир тўпланди, учи эса қийшайиб қолди.

— Вой-бў! — ҳамдардлик билдирди буни кўриб Дорис. — Ҳечқиси йўқ, ҳозир тўғрилаймиз.

Дорис чаққонлик билан бармоғимга цементдек қаттиқ, тез қотадиган елимни суртиб қўйди.

— То тирногинг ўз ҳолига келгунича, елим уни сақлаб туради, — деди у самимий табассум билан.

Кейин Дори икковимиз дўконга отландик. Кийилган кийим-кечаклар дўконида Дори нақ тўрт доллар сарфлаб, ўзига денгиз пиёдалари сафидаги аёллар киядиган хизмат либосини, менга эса тирсаги сузилган каттароқ ўлчамли костюм сотиб олди. У менга қараб, бир нечта инглиз тўғноғичлари ёрдамида костюмни устимда

қуйиб қўйгандек турадиган қилишнинг йўлини билишини айтди.

— Оддий яшаш керак, — деди кечқурун барга келганимда, бармен Дуайт. — Шунда ниятингга етасан. Омадинг ҳам келади.

Доридан қочиб, унинг ертўладаги барига тез-тез келиб тураман. Дуайтнинг ичимликлари қиммат бўлса-да, бу ер менга ёқади. Шу пайт ёнимда ўтирган малласоч жонон Лейси гапга аралашди.

— Шундай дейсан-у, аммо янгигина машинангга нимадир бўлса, албатта ўзинг тузатмай, зўр устага югурасан!

Дуайт унинг ҳақлигини тан олди. Лейси бош ирғаб қўйиб, ичимликни хўплади. Очиғини айтганда, бу барга келишимдан яна бир илинжим шу гўзални кўриш, у билан бирга вақтимни хуш ўтказиш эди.

— Ҳар қандай вазиятдан ҳам чиқишнинг йўли бўлади, тўғрими? — деди Дуайт.

— Бўлмаса-чи! — тан олдим мен.

— Ие, бу нима? — сўраб қолди Лейси кутилмаганда.

Мен оёғимни чалиштириб ўтирганим учун шимимнинг бир почаси кўтарилиб, пайпоғимга тикилган тугмача кўриниб қолганди. [P] [SEP] — Хотиним қора пайпоқларимни қоронғида кулранглиси билан адаштирмаслигим учун уларгашунақанги тугмачатикиб қўйган, — тушунтирдим мен.

Лейси ва Дуайт менга тикилиб қолишди.

— Ҳа-а, бундан аҳмоқонароқ ишни ўйлаб тополмайди киши, — деди Лейси.

— Йўғ-э! — дедим қулоқларим қизараётганини сезиб.

— Сен нима қилган бўлардинг?

— Хью, агар менинг эрим бўлганигда, битта пайпоғинг жигаранг, иккинчиси қора бўларди.

Мен шунақанги ҳандон отдимки, ҳатто пиво тўкилиб кетди. Кайфиятим кўтарилганидан кўнгли очилган Дуайт ростакам сочиги билан дарров тўкилган ичимликни артиб олди.

— Оддийлик — ҳаётнинг калитидир, — деди Дуайт.

Эртаси куни эрталаб мен супургининг таёғини тоқчага кўйдим-да, ўн қават пастдаги ҳаёт қайнаётган Иккинчи авенюга қардим. Кейин дераза ромини тушириб, таёқни кистириб кўйдим. Холлда ҳам, зина майдончасида ҳам ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, икки қават тепага кўтарилиб, томга чиқдим ва унинг Иккинчи авенюга қараган тарафига ўтдим.

Баландликдан кўрқсам-да, бир амаллаб том чеккасидан эгилиб, деразадан чиқиб турган таёқ кўринадиган жойгача бордим. Кейин калитим билан томнинг чеккасига белги кўйиб кўйдим.

Дори қанчалар кучли ва қайсарлигини, уни деразадан ташлаб юборишга кучим етмаслигини билганим учун муаммони ҳал қилишда айёрлик ишлатишга мажбур эдим. Бундан ташқари, криминалистика шунақанги ривожланиб кетганки, кураш изларини албатта топади.

Дори эрталаб муҳаррири билан учрашиб келганида уни одатдагидек тавозе билан кутиб олиб, дедим:

— Соат бирга “Ринальди”дан столча буюртириб кўйдим.

“Ринальди” шаҳримиздаги энг қиммат ресторанлардан бири бўлиб, асосий таомлари Дори ўлгудек ёмон кўрадиган қисқичбақалардан тайёрланарди.

Рафиқамнинг лимон кислотаси ёрдамида рангсизлантирилган қошлари қаншарига йиғилди:

— Нима-а?!

Дори бақира бошлаганида, кўлимни сездирмайгина юмшоқ ўриндиғим остига тикдим ва яшириб кўйилган диктофонни ёқдим. Ҳаммаси сариеғдан қил суғургандек осон кечди. Дори шунақанги қайралиб кетганди-ки, нақ беш дақиқа тинимсиз бақирди.

Шу оқшом кечки овқатимиз гуруч, бир нечта салат барги ва мол гўшти таъмини берувчи кубчалардан иборат бўлди. Мен узр сўрадим ва, ниҳоят, Дори ярашишга рози бўлди. Ясмиқли қаҳва ичганимиздан сўнг идишларни бир ўзим ювдим.

Орадан икки кун ўтгач, меҳмонхонадаги диванда ёнма-ён ўтириб, эрталабки газетани биргаликда кўздан кечираётганимизда, мен томоғимда туриб қолган “тошча”ни бир амаллаб ютдим ва Дорининг касбий эътиборига мос келадиган нарсани кўриб қолганимни айтдим.

— Нима экан у? — сўради у шубҳаланиб, чунки шу пайтгача мендан унинг эътиборига арзигулик бирона фикр эшитмаганди-да!

— Кеча томга чиққандим, — дедим мен.

— У ерда нима қилдинг?

Мен жон ҳолатда бирон арзигулик сабаб ахтаришга тушдим.

— Илгари сираям томга чиқмагандим... нималар борлигини тасаввур ҳам қилолмасдим... — Дори ҳайрат ила тикилди, мен эса гапимда давом этдим. — Биласанми, кўшни томда жуда қизиқ флюгерни кўриб қолдим. Афтидан, у қўлбола, аммо пиво идишидан шунақанги

моҳирона қирқилган-ки...

Дори газетанинг ўзига тегишли қисмини тиззасига тушириб, менга тикилди.

— Пиво идишидан, дейсанми? — сўради у.

Ишончим комилки, айти пайтда у бўш пиво идишларидан гулдонлар, қалам солинадиган қаламдонлар, гул экиладиган гултуваклар яшашда фойдаланишнинг юзлаб усулларини хаёлидан ўтказар, аммо флюгер сираям хаёлига келмаганди. Мен газетани ёнимга қўйиб, Дорининг ишқибозлиги қанчалик юқумли эканлигини кўрсатиш учун табассум қилдим.

— Юр, — дедим. — Ўзинг кўргин!

У дарров ўрнидан сакраб турди. Мен ўрнимдан турарканман, сездирмайгина диктофоннинг овозини энг баландига қўйиб кетдим... Биз томга етгунимизча, тасманинг икки дақиқалик бўш жойи айланиб бўлади ва уйимиздан Дорининг охири жанжал пайтидаги додлашлари янграй бошлайди. Қўшнилариимизнинг жуда бўлмаганда биттаси уларни эшитиши аниқ.

Мен Дорини томдаги белги қўйилган жойга бошлаб бордим.

— Ана у! — дедим томнинг қарама-қарши томонидаги бесўнақай кондиционерни кўрсатиб.

Дори кўзларини қисиб, флюгерни кўришга уринди.

— Ҳеч нарсани кўрмаяпман, — деди ниҳоят жаҳл билан.

— Мана бу ерга тургин, — дедим уни белги олдига бошлаб. — Иккита мўрининг ўртасига қара.

— Барибир ҳеч нарсани....

У гапини тугата олмад. Ўнг қўлимнинг кафти билан унинг елкасига шунақанги туртдим-ки, Дори ўн икки

қават тепадан пиёдалар йўлаги устига учиб тушди. Ерпарчин бўлиб ётган Дорига қарашга журъатим етмай, дарров томдан уйимга тушишга шошилдим. Дорининг мажақланган жасади чўзилиб ётган жой тўгрисидаги деразани олдиндан очиб қўйгандим. Жанжалимизнинг ёзуви тўхтаган бўлиб, энди жим-житлик чўкканди. Мен ойнага шиб, тугмачаларни босдим ва то полицияга қўнғирок қилгунимга қадар ёзув ўчиб кетди.

Полициуя бир неча дақиқадан кейин етиб келди. Икки нафар полициячиларга олдиндан тўкиб қўйган ҳикоямни айтиб бердим ва назаримда улар ишонгандек бўлишди. Қайғудан куйиб кетган эр ролини бошлаб ижро этдим.

Ўзини лейтенант Гастон деб таништирган озгингина, малласоч эркак меҳмонхонада қаршимда ўтирар ва ҳикоямни тингларди. У бир нечта саволлар берди.

— Демак, жанжал бўлибди-да, — сўради у. — Рафиқангизга ажрашмоқчи эканлигингизни айтдингизми?

— Худди шундай, лейтенант, — саросимага тушиб, иқроор бўлдим. — Буни қўшнилар ҳам эшитишган бўлса керак.

Лейтенант нималарнидир ёзиб олди.

— Рафиқангиз ажрашишга рози бўлмади, ранжиди, сиздан ажралганидан кўра ўзини ўлдиришини айтди ва деразадан ташқарига сакрадимми?

— Худди шундай бўлди, — унинг ҳақлигини тасдиқладим. — Очиғи, у жиддий гапиряпти, деб хаёлимгаям келмаганди... — мен бурнимни тортиб қўйдим. — Аммо энди кеч...

— Шу деразадан сакрадимми? — аниқлаштирди лейтенант Гастон.

Мен бош ирғадим. Дераза ҳамон очик турар, енгил шабада пардаларни тортқиларди.

— Сэр, мен билан бирга пастга тушоласизми?

Тўсатдан кўнглим айнади. Томоғим қуриб қолди.

— Жасадини таниш учунми..?

— Унчалик эмас, — деди лейтенант Гастон эшикни очиб тураркан.

Кўчага чиққанимизда, тўпланиб турганлардан ҳеч ким миқ этмади. Фақатгина менга йўл бўшатиб, икки чеккага сурилишди, холос. Салқингина бинодан ташқарига чиққанимиз ҳамони оёқларим жонсизланиб қолгандек бўлди. Дорининг танаси арқонлар билан ўраб қўйилган, ёнида полициячи қўриқчилик қилиб турарди. У арқонли тўсиқни тенага кўгарди ва унинг остидан ўтаётганимда, лейтенант Гастон менинг тирсагимдан ушлаб турди. Мен Дорининг жасадига қарашга журъат тополмасдим.

— Агар рафиқангиз ўнинчи қаватнинг деразасидан сакраган бўлса, — хотиржамгина деди Гастон, — унда мана буни қандай изоҳлайсиз?

Шунда кўзимни кўтариб қарашимга тўғри келди.

Дорининг ташқи кўриниши мен тасаввур қилганимдек жуда даҳшатли эмасди. Энг қизиғи, атроф қонга беланмаганди. Фақатгина синган оёғи ғайриоддий бурчак остида қайрилиб турарди. Энг даҳшатлиси оппоқ ҳожатхона қоғозининг узун тасмаси бўлиб, у Дорининг белидаги анчагина камайган ўрамдан тепага — томга қараб чўзилиб кетганди. ..

Ҳожатхона қоғози қалин бўлиб, унча-мунчага йиртилмасди. Афтидан, Дорини туртиб юборганимда, қоғознинг учи нимагадир илиниб қолган ва Дори қулаб тушаётган пайтда ўрам ечилиб бораверган, шекилли.

— Изоҳингизни кутяпман, — деди лейтенант Гастон.

Унинг бармоқлари елкамни сиқди, назаримда, улар томоғимни бўғаётгандек туюлди. Мен айбдор эмаслигимни айтишга уриндим, аммо гапларим унчалик ишонарли чиқмади, шекилли. Лабларимдан отилиб чиққан бўғиқ овозни ўзим ҳам танимадим:

— Тушунмадим...

Лейтенант Гастон менга юзланди ва бўш қўлидаги қоғоздан ҳуқуқларимни ўқиб бера бошлади. Гап орасида у сукут сақлашга ҳаққим борлигини айтиб ўтди.

Дорининг тирик бўлишини жудаям истардим. Чунки у камокхонада вақтни ўтказишим учун биронта тузукрок машғулот ўйлаб топарди-да...



Патриция МОЙЕС



Патрисия Мойес номи билан танилган британиялик ёзувчи аёл Патрисия Пакенхам-Уоли 1923 йили 19 январда Дублин (Ирландия)да дунёга келган.

Патриция Оверстондаги “Overstone Girls” қизлар мактабида таълим олди. 1939 йилда Британия ҳарбий-ҳаво кучларига ёлланиб, мамлакатни самолёт ҳужумидан муҳофазалашда иштирок этди.

Патрицияни “Сирлар мактаби” (School for Secrets, 1946) фильмига техник ёрдамчи қилиб ишга олишди. Гайратли ходим режиссёрга ёқиб, уни ўзига шахсий ёрдамчи қилиб олди. Патриция режиссёрга кўмаклашишдан ташқари, Стивен Поттер романи бўйича суратга олинган “Муттаҳамлар мактаби” фильми сценарийсига ҳаммуаллиф бўлди. Лондондаги “Vogue” наشري учун Леонадий Жан Ануилнинг “Вақт эслади” номли пьесасини таржима қилгач, Мойес ёзувчилик билан шуғулланишга қарор қилди.

1951 йили Патриция фотограф Жон Мойесга турмушга чиқди. 1959 йили эри билан ажрашди, аммо унинг фамилиясида қолди, чунки “Марҳумлар чанги учмайди” номли биринчи романи нашрдан чиққанди.

Патриция Мойес 2000 йил 2 август куни Вержин-Горда (Виргиния ороллари)даги уйида оламдан ўтди.

ҲАЛОЛ ТОВЛАМАЧИ

Жиддий товламачи бўлишга аҳд қилган ҳар қандай одам ўзининг жудаям мураккаб, эҳтимолки, пухталиқ, чаққонлик ва моҳирлик катта ўрин тутадиган хавфли касбни танлагани ҳақида ўйлаб кўриши лозим. Энг муҳими шуки, у очкўз бўлмасликни ўрганмоғи керак. Агар Гарри Бессемер очкўз бўлмаганида эди, ҳозирги кунгача Лондонда ўзининг сердаромад касби билан шуғулланаётган бўларди.

Гарри бу касбга оддий, ҳатто “мумтоз” деб аташга ҳам арзигулик йўл билан кириб келган. Унинг ота-онаси Англиянинг шимолида яшаган паст табақага мансуб одамлар бўлиб, Гарри мактабни битиргач, Лондонга боришини айтганида, жудаям хурсанд бўлиб кетишди. Гарчи мактабда яхши ўқиган бўлса-да, қобилият борасида тақдир сийловига эришмаган йигитнинг бу иши мақтовга арзигулик эди, албатта.

Гарри ўзини пойтахт полициясига ишга қабул қилишгани ҳақида ёзганида эса, қувончдан ота-онасининг боши осмонга етай деди. “Ўғлимиз ўз ишига пишиқ, — деб ўйлашарди улар. — Камида бош инспектор бўлиши аниқ”. Шундай бўлса-да, полицияда хизмат қилган йиллари Гаррига унчалик ёқмади. Унинг назарида, иши ўта оғир, маоши эса ниҳоятда кам бўлиб туюларди. Аммо полициядан бўшагач, айнан шу

касбининг шарофати билан орттирган катта тажрибаси ва малакалари ёрдамида у обрўли изкуварлик агентлигига жойлашди.

Дастлабки вақтлари у ажрашишлар ҳақидаги зерикарли ишлар билан шуғулланар, саланглаб юравериб оёғида оёқ қолмасди. Чунки ўша вақтлардаги Британия қонунчилигига биноан, никоҳни бекор қилиш учун энг қабих далилларни тақдим этиш талаб қилинар, бунақасини эса фақат хусусий изкуваргина топиши мумкин эди. Бироқ Гарри иш борасида ўзини кўрсатишга муваффақ бўлди, оқибатда унга обрўли ва бой мижозларнинг ишларини топшира бошлашди. Одатда бундай кимсалар расмий ташкилотлар билан ўралашишни исташмасди. Шу ишлар билан шугулланиш асносида Гарри одамлар жамиятда қандай ўрин тутмасин, ҳар бирининг қандайдир нозик жойи бўлишини тушуниб етди. Айнан шу нарса унинг охир-оқибатда шантажчи бўлишига туртки берди бўлди.

Турган гапки, у иши юзасидан излайдиган ашёвий далиллар, яъни хатлар, суратлар, ҳатто тасмаларни топиши ва улардан истаган вақтида фойдалана олиши керак эди. У ашёвий далилларни топишга муваффақ бўлмаганини хабар қиларди. Шундан сўнг мижоз ўзининг айбларини ошкор этадиган ҳужжат йўқлигига ишониб, кўнгли тинчир, баъзан бошқа хусусий изкуварларга мурожаат қиларди ҳам. Бундай пайтда эса улар ҳам ҳеч нарса топа олмасликларининг чорасини кўришга тўғри келарди.

Бу бебаҳо хужжатларни қаерда сақлаш ҳақида бош қотира-қотира, охири Гарри Лондоннинг бошқа тарафидан, шаҳар чеккасидан кичикроқ уй сотиб олди ва сохта исм остида у ерга жойлашди. Уйнинг ертўласига ишончли сейф ва сурат кўпайтирувчи ускуна ўрнатди, кичикроқ фотолаборатория қурди. Етарлича хужжатларни тўплагач, у ишдан бўшаб, профессионал шантажчи мавқеини бошлади.

Гарри шантажчи учун қандай ҳаёт яхшилиги ҳақида ҳам узоқ бош қотирди. Уйланган бўлгани яхши, чунки оилали эркак одатда ишончлироқ кўринади. Аммо бошқа томондан олганда, уйланса, шахсий дунёсига бошқа одамни киритиб, ҳаётига уни ҳам шерик қилишига тўғри келади. Гарри буни ҳам йўлини топди. У бор тўплаган пулларига ота-онасидан қолган кичикроқ меросни қўшди-да, Лондоннинг бошқа тарафидан кичикроқ икки қаватли уй сотиб олди. Бу уйнинг пастки қаватида кимёвий тозалаш корхонаси жойлашган бўлиб, тепадаги қаватида яшаш мумкин эди. Шундан сўнг Гарри Сьюзен исмли ёқимтой ва очиккўнгил қизга уйланди. Сьюзен кимёвий тозалаш билан шуғулланиб, бу мутлақо қонуний ишга боши билан шўнғиб кетди.

Сьюзен шаҳарнинг бошқа чеккасидаги уйдан мутлақо беҳабар бўлиб, эрининг шимолда кўчмас мулк билан шуғулланишига, шунинг учун ҳам тез-тез уйда бўлмаслигига ишонарди. Соддадил аёл тўкин-сочин ҳаётлари учун эрининг ўша “иши”дан миннатдор эди, илло кичкинагина кимёвий тозалаш корхонасидан

бундай даромад келмаслигини тушунарди.

Гарри шантажчининг ишидаги энг катта қийинчилик, бу — шантаж қилинувчидан пулни олиш эканлигини тушунарди, чунки бу иш шантажчи билан унинг қурбони бевосита мулоқотда бўлишини талаб қилар, турган гапки, ҳеч қандай ёзишма ва банк тизимларининг иштирокига йўл қўйилмасди. Шу сабабли у фақат нақд пул билан ишлар, кимёвий тозалаш эса унинг учун энг ажойиб панагоҳ вазифасини ўтарди. У биқинига “Тезкор тозалаш” деб ёзилган юк машинасини сотиб олди ва ўзи ҳам етказиб бериш билан шуғуллана бошлади. Тўғри, у фақатгина ўз қурбонларининг уйига тозаланган кийимларни олиб борарди.

Ўзини “Тезкор тозалаш”да ишлайдиган оддий ҳайдовчи қилиб кўрсатаркан, “оталиғи остидаги”ларга сохта исмини айтарди. Пул ундириш тизими оддийгина эди. Гарри ҳафтасига бир ёки икки марта “қурбони”нинг уйига борар, тозалашга мўлжалланган буюмларни олиб кетарди. Кейин кийимларни ростдан ҳам тозаланган ҳолда олиб келаркан, уни кимёвий тозалаш хизмати учун ёзилган чек қоғози билан бирга талаб қилинган миқдордаги нақд пуллар солинган хатжилд кутиб турарди. Шу сабабли ҳам, агар мижозларнинг хизматкори бўлса, улар хатто нималар бўлаётганини тушуниб ҳам етишмасди. Гарри эса ўзининг ишлаш услубидан бағоят фахрланарди.

Бир неча йил ишлари силлиқ кетди. Кейин Гаррини замонавий лондонликлар жамиятидаги бебошвоқликлар

хавотига сола бошлади. Тез орада у кўп сонли актёрлар ва актрисалар бадавлат, аммо унинг учун мутлақо фойдасиз одамлар эканликларини тушунди. Улар Гаррининг юзига қараб, сурбетларча кулишар, ўзларини шарманда қилувчи воқеаларни биронта газетага катта пул эвазига сотиб юборишлари мумкин эди. Ҳатто аслзодалар орасида ҳам ўзларининг нуқсонларига нисбатан бепарволик билан қараш ҳоллари кўпайди. Улардан фақат бир ҳолатдагина, яъни қироллик оиласига мансуб бўлсаларгина, бирон бир фойда чиқариш мумкин эди, холос. Солиқ тўлашдан бош тортувчиларга нисбатан ҳали қизиқиш катта бўлса-да, афсуски, ички давлат солиқ хизмати тартиб бузувчиларни қўлга олишнинг самарали усулларини топиб бўлганди. Фақатгина сиёсатчиларгина ҳамон ўз обрўсига путур етказиб қўйишдан тап тартиб туришарди. Хулласи шуки, пул қадрсизланиши ҳалол шантажчининг кун кўриши борган сари огирлашиб бораверишига олиб келди.

Гаррига панд бермайдиган энг яхши мижозларидан бири жаноб... Майли, уни жаноб Ҳеч Ким деб атай қолайлик. Жаноб Ҳеч Ким парламент аъзоси, вазир ўринбосари ва олий мақомдаги баобрў одам эди. У аслзода аёлга уйланган бўлиб, Муваққат ирланд республикачилари қўшинларининг ашаддий душманлари сафида эди. Гарри жаноб Ҳеч Ким ёшгина ирланд йигити билан яқин алоқада эканлигини, ҳатто унга атаб ўзининг Лондоннинг шарқий Кенсингтон туманидаги ҳашаматли уйидан анча узоқроқдан,

аникроғи, шаҳарнинг ғарбий қисмидаги Ислингтон маъмурий худудидан кичикроқ уй сотиб олганини тасдиқловчи далиллар (суратлар ва хатлар)ни топди. Бундан ташқари, ўша ирланд йигит ольстерлик террорчилар билан ноқонуний алоқаларда деб гумон қилинарди. Гаррининг фикрича, бу энг зўр далил эди.

Вақт ўтиб, Гарри билан жаноб Ҳеч Ким орасида дўстликдан сал берироқ бўлган тўлиқ ишонч юзага келди. Оғзини қулфлагани ҳақи сифатида Гарри унча баланд нарх белгиламади ва тўловни сираям оширмасди. Бундан ташқари, жаноб Ҳеч Ким ва рафиқасининг кийимлари энг юқори даражада тозаланишини шахсан ўзи назорат қиларди. Агар Гаррининг нафси ҳақалак отиб кетмаганида эди, уларнинг дўстона алоқалари анча узоқ чўзилган бўларди.

Ҳамма бало Гаррининг бир кунда иккита доимий мижозларидан айрилганидан бошланди. Улардан бири эркакларга аталган қойилмақом романлари билан донг таратган ёзувчи бўлиб, у кутилмаганда ўзининг қандайдир денгиз пиёдаси билан алоқалари ҳақида матбуотда ёзиб чиқди. Бунинг оқибатида унинг китоблари сотилиши икки баробар ошди, шунинг баробарида Гаррининг қўлидаги обрўсизлантирувчи маълумотлар ўз қадрини йўқотди. Иккинчиси парламент аъзоси бўлиб, унинг солиқларни тўламай келаётганини ҳукумат сезмаган, аммо бу Гаррининг назаридан четда қолмаганиди. У ирланд террорчилари ўзларининг нуқтаи назарига қўшилмаган сиёсатчиларга жўнатган бомбали

хатлардан бирини очаётиб, портлаб кетди. Гаррининг молиявий аҳволига берилган бу қўшалок зарба унинг кескин чора кўришиша сабаб бўлди...

Гарри бир ҳафтадан кейин жаноб Ҳеч Ким билан учрашди. Сокин хонада Гарри унга ҳар икки ҳафтада олинадиган кийимлар тозаланганлиги учун тўловлар кейинги сафар, яъни шу ҳафтанинг охиридан бошлаб уч баробар ошишини маълум қилди.

Жаноб Ҳеч Ким ўзининг одатдаги табассумини намоён қилди. У Гаррининг ҳозирги кундаги пул кадрсизланиши туфайли тўловлар оширилиши ҳақидаги гапларига тўлиқ қўшилди. Бу ҳолат эса Гаррини хушёр торттирди. У ўзини исталган вақтда ёрилиб кетиши мумкин бўлган юпқа муз устида тургандек ҳис этди. Ахир у учрашувга отланганида, мижозининг сал бўлса-да қаршилиқ кўрсатишини кутганди-да!

— Фақат битта ноқулайлик бор-да, — гапида давом этди жаноб Ҳеч Ким. — Бугун банклар ёпик, мен эса ортага эрталаб Бельгияга, анжуманга учиб кетаман. Балки сизга чек қоғози ёзиб берарман?

— Менинг шартимни биласиз-ку! — деди Гарри, юраги нохушликни сезиб. — Мен фақат нақд пул билан ишлайман.

— Нимаям дердим... — жаноб Ҳеч Ким хўрсинди. — Унда бу вазиятдан чиқишнинг бошқа йўлини топа олмаяпман. Агар кейинги ойгача кутиб туришга рози бўлсангиз...

— Менинг гапларимни эшитдингиз-ку! Шу ҳафта

охирида пулга келаман, — гапида туриб олди ўзининг молиявий муаммолари ҳақида ўйлаётган Гарри.

Тўсатдан жаноб Ҳеч Кимнинг юзи ёришиб кетди.

— Мен йўлини топдим! — хитоб қилди у. — Аэропортда эртага мен учиб кетишимдан олдинроқ очиладиган банклар бор. Ўша ердан пул олиб, сизга жўнатиб юбораман.

— Жўнатиб юборасизми?

— Ҳа, почта орқали жўнатиб юбораман. Агар манзилингизни берсангиз, албатта...

— Йўқ, — таъкидлади Гарри. — Шундай катта миқдордаги пул кимёвий тозалаш корхонасига нақд ҳолда келишини истамайман.

— Унда... Балки сизнинг бошқа шахсий манзилингиз бордир?

— Бу йўл билан мени лақиллатолмайсиз, — гапни чўрт кесди Гарри. — Пулларни фақат уйингиздан олиб кетаман. Фақат нақд ҳолда.

— Гарри, бу қанақаси? — ранжиган овозда деди жаноб Ҳеч Ким. — Наҳотки сизга ёрдам беришни истаётганимни кўрмаётган бўлсангиз? Аир биз бир-биримизга ишонамиз-ку, тўғри эмасми?

— Ҳозирча ҳа, — секингина луқма ташлади Гарри.

— Унда яхши. Бўлмаса бундлай қиламиз. Мен аэропортдан пулларни қоғоз халтачага солиб, ўз манзилимга жўнатаман. Дастхатимни ўзгартираман, аммо бу муҳим эмас. Халтача устига “Ўта махфий. Шахсан ўз қўлига тегсин” деб ёзаман. Сиз дарров

ганишингиз учун “Ўта махфий” сўзининг тагига учта чизик чизаман.

— Кейин-чи?

— Уйда йўқлигимда менга келган хат-хабарлар йўлакдаги мрамар столча устига тахлаб қўйилади. Уни сиз биласиз. Эшик оғаси тозалашга бериладиган кийимларни йиғиштириб келгани кетганида, ўша қоғоз халтачани оласиз-да, чўнтагингизга яширасиз. Хўш, режам қалай?

— Ёмон эмас, — бош ирғади Гарри. — Ёмон эмас, — қайтарди у ва жилмайди. — Сиз билан ишлаш жудаям ёқимли-да, сэр! Сиз ҳақиқий жентльменсиз!

Шу гапдан кейин бироз вақт ўтиб, оқшомда жаноб Ҳеч Ким ўзининг ирланд дўстига шундай деди:

— Биласанми, Пэдди, менга ичига бомба солинган хат керак.

— Аммо...

— Бундан ташвишланма. Бу ишдан ортиқча шов-шув кўтарилмайди. Бу жудаям муҳим иш учун керак бўлиб қолди.

— Бўпти, — дарров рози бўла қолди омилкор йигит бўлган Пэдди. — Кейин уни нима қилмоқчисиз?

— Бомбани эртага эрталаб аэропортдан жўнатиб юбориш керак, — деди жаноб Ҳеч Ким.

— Аммо мен улгуролмайман-ку!

— Улгурасан, — ишонч билан деди жаноб Ҳеч Ким.

— Ҳалиги... Ҳа, майли, улгурарман.

— Хатжилд устига манзилни ўзим ёзаман, — деди

жаноб Ҳеч Ким. — Қани, дарров менга каттароқ хатжилд олиб кел-чи!

— Хўп бўлади, сэр! — хитоб қилди Пэдди ва ўрнидан туриб, югуриб кетди. Бир дақиқадан сўнг у каттакон хатжилд кўтариб келди.

Жаноб Ҳеч Ким йирик босма ҳарфлар билан ўзининг манзилини ёза бошлади, ора-орада хатолар ҳам қилди. Кейин хатжилднинг тепасидаги чап томонга “Ўта махфий. Шахсан ўз қўлига тегсин” деб ёзди ва “Ўта махфий” сўзининг тагига учта чизик чизди.

— Буни кўпроқ газеталарнинг орасига тикқин, — деди у хатжилдни Пэддининг қўлига бераётиб. — Худди газеталар орасида қолиб кетгандек бўлиб кўринсин, тушундингми?

— Худди айтганингиздек қиламан, сэр! — деди Пэдди шахд билан. — Ҳозироқ йигитларга олиб бориб берсам, ҳаммасини қотиришади.

— Баракалла! — мақтаб қўйди жаноб Ҳеч Ким.

Уч кундан сўнг Гарри одатдагидек Кенсингтондаги мижозининг уйига келди. Одатдагидек эшик оғаси ундан то тозалашга бериладиган кийимларни олиб чиққунича йўлакда кутиб туришини сўради. Орқа эшик жойлашган қўшимча бино катта пулга сотиб юборилгани учун энди уйга фақат асосий эшикдан киришга тўғри келарди. Бадавлат хонадонларда ишлаб ўрганган эшик оғаси эса хизматкорларни асосий эшикдан ичкарига киритишига тўғри келишидан ўта норози эканлигини яширолмасди.

Эшик оғаси ичкарига кириб кетиши биланоқ Гарри

мармар столчага яқинлашди. Турган гапки, жаноб Ҳеч Кимнинг дастхати билан манзил ёзилган қаппайган хатжилд газеталар орасида ётарди. Гарри хатжилдни олиб, чўнтагига солганди ҳамки, эшик оғаси тозалашга бериладиган кийимлар солинган қопни кўтариб чиқди.

— Сешанбада олиб келаман, — деди Гарри ва эшик томон йўналди.

Аммо у янглишганди! Гарри юк машинасига ўтириши биланоқ, хатжилдни очди ва шу заҳотиёқ унинг ўзи, юк машинаси, тозалашга топширилган кийимлар ва жаноб Ҳеч Кимнинг уйи олдидаги зинанинг бир қисми парча-парча бўлиб, ҳавога учиб кетди.

Гарри худди ўзининг очқўзликка берилиши каби яна бир кечириб бўлмас хатога йўл қўйганди. Агар у сўраб-суриштирганида эди, ўша ҳафтада Бельгияда ҳеч қандай анжуман ўтказилмаётганини билган бўларди. Обрўли парламент аъзоси эса ҳақиқатда қишлоқда яшовчи опасиникига меҳмонга кетган бўлиб, уйида содир бўлган янгиликдан хабар топгачгина, ўта ҳайратланган ҳолда Лондонга қайтганди.

Полиция учун бунақанги ҳодисалар янгилик бўлмай қолганди. Эшик оғаси портлашдан сўнг уйдаги мармар столча устидаги “Ўта махфий. Шахсан ўз қўлига тегсин” деб ёзилган хатжилд ғойиб бўлганини маълум қилди. У кимёвий тозалаш корхонасининг хизматчиси хатжилдни ўғирлагани ёки ўша столча устида ётган бошқа хатжилд билан янглиштирган (буниси эҳтимолга яқинроқ) бўлиши мумкинлигини тахмин қилди. Столча устида

ётган хатжилд устига “Тезкор тозалаш” деб ёзилган бўлиб, жаноб Ҳеч Кимнинг тозаланган кийимлар учун уч фунт-у ўттиз пенс тўлаган тўлов қоғози солинганди.

Бечора Гарри ўлгани учун полиция уни оқлаб, хатжилдни янглишиб олгани ҳақида хулоса чиқарди. Жаноб Ҳеч Кимни эса омон қолгани билан табриклашди.

Тўғри, террорчилар бошқача фикрда эдилар. Пэдди уларнинг ташкилотида жаноб Ҳеч Ким тахмин қилганидан кўра анча баландроқ мавқега эга эди. Бўлган ишлардан у каттиқ хавотирга тушиб қолди. Агар жаноб Ҳеч Ким икки ёқлама иш олиб бораётгани ҳақидаги гап-сўзлар унинг хатто ўз-ўзига суиқасд уюштирадиган даражада кенг кўламга етиб борган бўлса, бу унинг хавф солувчи кимсалар тоифасига кириб қолганини билдирарди. Бир куни Гарридан халос бўлганидан кайфияти осмон қадар кўтарилиб кетган муҳтарам жаноб Ҳеч Ким парламентнинг қуйи палатасида ўтирганча, кўринишидан беозоргина хатжилдни очди-ю, бошидан мосуво бўлди. Шу тариқа адолат қарор топди.



Ричард ЛАЙМОН



Ричард Карл Лаймон 1947 йили Иллинойс штати (АҚШ)даги Чикаго шаҳрида туғилган. Адабиёт бўйича бакалавр даражасини—Орегон штатидаги Уильяметт университетида, магистрлик даражасини эса — Лос-Анжелесдаги Лойола университетида олган. Ўқитувчи, кутубхоначи, журналист сифатида фаолият юритган. У

Ричард Келли, Карл Лаймон, Ли Дэвис Виллогби тахаллуслари остида ҳам асарлар ёзган.

Лаймон кўпроқ даҳшатли асарлар ёзгани учун ҳам уни “Виждонсиз Стивен Кинг”, “Ўқувчини жирканч қаҳрамонлар ёрдамида маҳкам ушлаб олиш бўйича Брет Истон Эллисга ҳам сабоқ бера олади” деб таърифлашади. “Flesh” романи 1988 йили “Science Fiction Chronicle” томонидан “Йилнинг энг яхши даҳшатлар романи” деб тан олинган. 2001 йили, адабнинг вафотидан кейин унинг “The Traveling Vampire Show” романи “Bram Stoker Awards” мукофотиغا сазовор бўлди.

Лаймон 2001 йили 14 февралда юрак хуружидан вафот этди.

ШЎНҒИЁТҒАН ҚИЗ

Муҳаррирга ваъда қилиб қўйган ҳикоямни тугата олмаганимни ўйлайвериб, уйқум қочди. Ёта-ёта, охири ярим тунга яқинлашганида, ўрнимдан турдим-да, зинадан тепага чиқиб, ён томондаги эшикни очдим ва ижодхонамга кирдим. Кенг-мўлгина ижодхонамнинг эшик-деразалари ёпилса, елвизаклар тугул, қилт этган шабада ҳам кира олмайди. Аммо ҳозир эшик олдида туриб қарши томондаги парда ҳилпираётганини сездим. Дераза очиқ қолган, шекилли, уни ёимасам, тунги шовқинда ишлаб бўлмайди.

Чирокни ёқмасдан қоронғи хонани кесиб ўтдим-у, деразани ёпиш учун узатилган қўлим ҳавода қолди. Чунки сувнинг қаттиқ шалоплаган товуши қулоғимга урилди. Беихтиёр пардани кўтардим. Кўз олдимда тунги Лос-Анжелес қиёфаси намоён бўлди: чироклар шуъласига кўмилган уйлар, реклама ёзувлари, дарахтлар, узоқда қорайиб кўринаётган тепаликлар...

Қўшнимнинг уйи ортидан яна бир илгари менга таниш бўлмаган нур оролчаси кўзга ташланди. Бу нур оролчасини баланд дарахтлар ўраб олган. Гарчи у ердаги бассейни кўра олмасам-да, унинг борлиги аниқ. Ахир сув шалоплаганини ўзим эшитдим-ку!

Ёзув столим ёнида турадиган дурбинимни олиб, яна деразадан қарай бошладим. Энди сувдан сакраш учун қурилган минорани, унга олиб чиқадиган зинанинг хромланган ушлагичлари ялтираётгани, тепадаги

пиллапоялар чироқлар нурида ярақлаётгани аниқ кўринди. Унинг пастида бассейн ҳам борлиги аниқ...

Кутилмаганда кўз ўнгимда тепага кўтарилиб, зина ушлагичларини тутган иккита қўл пайдо бўлди. Кейин сомонранг сочлари ҳўл нозиккина бошча кўринди.

Ёшгина қиз. Калта қирқтирилган сочлари пахмайиб кетган. Келишган, офтобда қорайган елкаларидан томчилар думалаб тушяпти.

Минорага чиқиб олган қиз паст-баландга чайқалаётган трамплин бўйлаб юриб кетди. Унинг охирига етгач, тўхтади. Чуқур нафас олди, қўлларини икки ёнига туширди, нафас чиқарди ва сакради. Трамплин яна ўзига келиб тушган қизни тепага ирғитди. Афтидан, сакрашнинг энг баланд нуқтасига етган қиз аста-секин пастлай бошлади ва ушбу манзарани ўраб олган дарахтлар ортида йўқолди.

Орадан бир неча сония ўтгач, қаттиқ шалоплаш эшитилди. Гарчи мен бассейнни кўрмасам-да, қиз каттакон, яхши ёритилган бассейннинг сувларига шўнгиб бораётганини ҳис этиб турардим.

Мен қиз минорачада қайта кўринишини кутиб турдим. Аммо кутганим беҳуда кетди. Шунда кутишни бас қилиб, ишга киришишга қарор қилдим. Ахир бу ерга томоша қилиш учун эмас, балки ҳикоямни тугатиш учун келдим-ку! Аммо фикри-зикрим ўша кизда бўлиб қолгани боис, сира қўлим ишга бормасди.

Кўнгил кургур сира қўймагач, ўрнимдан туриб, дераза олдига бордим ва яна бир оз минорачани томоша қилган бўлдим. Охири таслим бўлдим. Деразани очик қолдирганча аста пардаларни ёпдим-да, уйимга қайтиб

тушдим ва ухлагани ётдим.

Эртаси куни эрталаб яна ижодхонамга чиқиб, парда орасидан минорага қарадим. Унда ҳеч кимни кўрмадим. Ҳеч қандай овоз ҳам эшитилмади.

Мен яна бир неча дақиқа ўша томонни томоша қилган бўлдим-да, барча деразаларни очдим, ёзув столим ёнига ўтириб, ишга киришдим. Қани энди, шу пайтда бебош такалардек улоқиб кетган хаёлларимни йиғиб ололсам... Тинмай дераза томон кўз ташлар ва хаёлимда ўша қизни жонлантирар, кейин ўрнимдан туриб, дераза ёнига яқинлашар ва унинг навбатдаги сакрашини ўтказиб юборганимга ишонч ҳосил қилишга уринардим. Аммо ҳар сафар кўз олдимда дарахтлар қуршовидаги ёлғиз минора намоён бўларди.

“Назаримда, бу қиз кундузлари сувга шўнғимаса керак”, деб ўйладим.

Гарчи ижодхонамни яқинда қуриб битирган бўлсам-да, деразаларни кўпинча очиб қўйиб ишлайман. Агар кимдир кундузи сувни шалоплатганида, уни албатта эшитган бўлардим.

Балки у кундузлари бирон жойда ишласа керак, деб ўйладим яна.

Ахир бу қиз айна мен ишлаётган вақтда шўнғиши мумкинлигини ҳаёлга келтиришнинг ўзи тентаклик-да! Шунақанги хаёллар билан ўша қизни калламдан чиқариб юбордим ва бутун эътиборимни ишга қаратдим. Гарчи қисқа муддатга бўлса-да, бундай қилишнинг уддасидан чиқаман.

Аммо бу сафар ундай қилолмадим. Тинимсиз ўрнимдан сакраб турар ва ташқарига мўралардим. Аммо

қизнинг нишони ҳам кўринмасди. Шундай бўлиши ҳам керак, албатта.

Узиб-юлиб бўлса-да, ҳикоямни бир амаллаб тугатишга муваффақ бўлдим. Аммо уйимга тушиб, тушки овқатни егандан кейин аҳволим чатоқлаша бошлади. Мен анчадан бери курашаётган романимни кўлимга олдим, аммо унга бир неча дақиқадан ортиқ вақт ажратолмадим, тинмай кўз олдимда шўнғувчи қиз намоён бўлаверди. Мен дам-бадам ўрнимдан туриб, дераза олдига келар ва минорачадан шўнғувчи қизни излардим. Охири бу ишим ўзимга ҳам эриш туюла бошлади.

Уйимга қайтиб тушдим-да, ўзимга ичкилик қуйиб олдим ва микротўлқинли печда тайёр лазаньяни исита бошладим. Овқат исигач, уни еб, телевизордан кечки янгиликларни томоша қила бошладим. Кейин детектив китобни кўлимга олдим, аммо ундаги воқеалар калламга кирмай, шўнғувчи қизнинг қиёфаси хаёлларимни узоқ-узоқларга тортқилаб кетаверди.

Сал чалғиш илинжида ҳаммомга кириб, чўмилишга тушдим. Енгил тортгандек бўлдим. Кейин вақтни ўтказиш учун ўзимни бирон нарса билан чалғитишга уриндим. Аммо буни ҳам удалай олмадим. Ҳали қоронғи тушмаёк, яна кўз олдимни ўша қизнинг қиёфаси эгаллаб олди. Тушда беихтиёр кўлимда кўтариб тушган дурбинимни бўйнимга илганча, яна ижодхонага шошилдим. Чирокни ёқмасдан шоша-пиша дераза томонга ўтдим-да, пардаларни сал кўтариб, минора томонга қарадим. Дарахтлар орасидаги минорада ҳаёт аломатлари сезилмасди. Жимжит. Бассейндан то менинг уйимгача бўлган жой орасида тик этган товуш

эшитилмайди.

Ёзув столим ёнидаги айланувчи юмшоқкина оромкурсимга ўрнашиб ўтириб олдим-да, кута бошладим. Аввалига электрон почтамни текшириб чиқмоқчи бўлдим. Аммо бундан тезда зерикдим. Ҳозир умуман ҳеч қандай иш қилгим келмасди. Фақатгина жимгина ўтиришни ва ўша қиз ҳақида ўйлашни истаётгандим. Умримда ҳеч қачон тун киришини шунчалар орзиқиб ва интизорлик билан кутмагандим. Қош қорайиши биланоқ дераза ёнига яқинлашиб, пардани кўтариб қарадим. Кеча нурларга чулғаниб турган жой бугун қора туйнукдек қорайиб турарди. Ҳатто сакраш минорасини ҳам кўз илғамасди.

“Ҳали вақт эрта, — дедим ўзимга-ўзим. — Кут. Бир оз сабр қилсанг, у келади”.

Мен бутун сабр-тоқатимни муштумимга тўплаб, кута бошладим. Орадан минг йил ўтганидан сўнг... бассейн атрофидаги чироқлар ёнди! Мен тирсакларимни токчага тираб, дурбинни кўзимга яқинлаштирдим. Унинг ғилдиракчасини аста бурарканман, юрагим ҳапқириб кетди. Қиз худди менинг ёнгинамда тургандек аниқ-тиниқ кўринарди. У трамплиннинг чеккасида турар, энгил шабада малларанг сочларини ҳилпиратарди.

Қиз энгил чайқалиб, трамплинга энгил чўккалади, кейин ундан итарилиб, олдинга отилди. Энди буталарнинг шохи уни мендан яширди.

“Ишқилиб, олдинги тундагидек дарров ғойиб бўлмасин-да”, — деб ўйладим мен.

Илтижоларим бежиз кетмади, орадан кўп ўтмай минорача устида қизнинг сарвдек қомати кўринди. Энди

унинг ҳўл сочлари шамолда ҳилпирамас, балки елкаларига сочилиб, ёпишиб қолган, елкаларидан сув томчилари думалаётгани дурбинимдан аниқ кўриниб турарди. Ишқилиб, чеҳраси ҳам худди қоматидек гўзалмикан-а?

Трамплин учига етиб қолган қиз гўё ўйларимни пайқагандек мен томонга ўтирилди. У мен кутганимдан да хушчеҳра эди. Юрагим гурсиллаб уриб, томоғимда “тошча” туриб қолгандек бўлди.

“Шўнғишга шошилма! — деб илтижо қилдим унга. — туни бўйи сени томоша қилишга ҳам тайёрман!”

Мен қизнинг силлиқ бадани, нозик бўйни, лаблари ва осмонранг тиниқ кўзларини томоша қилишдан чарчамасдим. Қиз жилмайди ва мен томонга қўл силкиб қўйди. Ўзим танимаган қизни яшириқча томоша қилаётганимдан уялиб, юзларим қизиб кетаётганини ҳис этдим.

Аммо қиз бу ишимдан ранжиганга ўхшамасди. Аксинча, у қўли билан таклиф қилаётгандек ишора қилди. Кейин лаблари қимирлади. Гарчи унинг овози етиб келмаса-да, “Ойнадан қарамай, бу ёққа келинг!” деганини аниқ-тиниқ тушундим.

Эй, тавба! Бу қиз сув парисимикан-а? Шаҳарнинг ўртасидаги бассейнда сув париси нима қилсин?

Мен зинадан тушдим ва ҳовлимнинг орқа тарафидаги тўсиқ томон кетарканман, қиз ҳамон мени кутаётганини ҳис этардим. Юрагимда кўрқинч ғимирларди: нотаниш жойларда нима кутаётганини ким билсин?

Мен қизил тахта девор ёнида тўхтадим. Тахтадаги тешикдан бассейн атрофидаги чироқларнинг нури

тушиб турарди. Қиз бассейнда қандай чўмилаётганини эшитиш, хлорнинг димоқни ёргудек ҳидини туйиш мумкин...

Бир амаллаб тахта девордан ошиб ўтиб, атрофга алангладим. Бассейн атрофи ёруғ, тоза эди. Энг қизиғи, ҳаммаёқ мовий ранг. Бассейндаги сув сал жимирлаб турибди, аммо қиз кўринмайди. Бассейн атрофида ҳўл доғлар кўринади, афтидан қиз чўмилганидан сўнг юриб ўтган, шекилли. Бассейнинг нариги тарафидаги тош ётқизилган ҳовлидаги чироқлар ўчирилган, буткул шишадан қурилган уй зулмат қўйнига чўмган.

— Келганингиздан хурсандман.

Мен овоз келган томонга ўгирилиб, трамплин четига етиб қолган қизни кўрдим.

— Таклиф қилганингиз учун раҳмат, — дедим, юрагим гурсиллаб урганча.

Қиз трамплин четида тўхтади.

— Шўнғишим сизга ёқдими?

Мен аслида у қандай шўнғиётганини унчалик яхши илғамагандим ҳам, шунинг учун жилмайиш билан чекландим.

— Унда тайёرمىсиз?

— Нимага?

Қиз жавоб бермади, балки бутун гавдаси ёйдек тортилиб, трамплин чеккасига қадам босди ва сакради. Трамплин тахтаси унинг оғирлиги остида бир оз эгилди-ю, аммо қиз тепадан тушиб келаётганида яна ўз ҳолатига қайтишга улгурди ва уни янада баландроққа ирғитди. Бу сафар қизнинг қўллари тепага кўтарилди.

Шу тариқа қиз сайрайверди-сакрайверди, мен эса унга

махлиё бўлганча кўз узолмай туравердим. Ниҳоят қиз шунақанги баландга сакраб кетдики, уни ёритишга чироқ нурлари ҳам етолмай қолди. Шунда жудаям баланддаги ёз осмонида оқариб кўринаётган гўзал қомат худди мисли кўрилмаган қуш каби иарвоз қилди ва пастга шўнғиди. Кейин у тиззаларини кўксига босиб шунақанги тез айлана бошладики, мен унинг чирпирак бўлишларини санашга ҳам улгура олмай қолди. Аммо шундоққина сув сатҳига етай деб қолганда қизнинг қомати яна ростланди. У қўлларини боши узра баланд узатиб, елкасини тўғрилади, бир-бирига маҳкам жипслаган оёқларини тўғри осмонга ростланди, болдирлари ялтиради. Қиз худди ўткир тиғдек шарпасиз бассейнга шўнғиб кириб кетди.

Бассейн суви орасига кириши биланоқ қизнинг гавдаси ётиқ ҳолат олди ва бассейн тубида аста олдинга силжиб кетди. Ниҳоят, у сув юзига қалқиб чиқди ва юзидаги сувларни сидираётди, менга қараб жилмайди:

— Қалай?

— Қалай ҳам гапми? Зўр! Бундан ажойиброғи бўлмайди!

— Раҳмат!

— Мен ҳеч қачон бунақасини кўрмагандим. Сиз ажойибсиз.

Қиз жилмайди.

— Кўнглимни кўтардингиз. Мен билан бирга сузмайсизми?

— Қандай бўларкин...

Аммо иккиланишга ҳожат йўқ эди. Тўғрироғи, сузишдан ҳам кўра кўпроқ қизнинг сузишини томоша

килип завқлироқ эди: у ажойиб сузар, тик тепага отилиб чиқар, ҳавода муаллақ айланар, кўллари билан оёқ бармоқларини ушлар, чириллаб айланар, кейин нозик букиларди-да, худди пичоғ тиғидек овозсизгина сув орасига кириб кетарди.

— Бир шўнғиб кўрмайсизми? — сўради қиз тепага ишора қилиб.

— Жудаям баланд-ку! — дедим мен даҳшат ичра.

— Шуниси билан завқли-да!

— Йўқ, яхшиси, сизни томоша қила қолай. Сиздек зўр шўнғийдиганодамнисиракўрмаганэдим. Мусобақаларда қатнашганмисиз?

Қиз бош чайқади.

— Буни ўзим учун қиламан.

Қиз кутилмаганда мендан сал нари сурилиб, сўради:

— Бу ерга яна қайтиб келасизми?

— Ҳазиллашмаяпсизми?

Қиз жилмайди ва бассейн четидаги бетон йўлакчада ҳўл из қолдирганча югургилаб кетди. Унинг минорага чиқиб олишини кутиб, бассейн четидаги бетон тахтачага ёнбошладим...

Кўзимни очсам, қиз йўқ. Бассейн атрофидаги чироқлар ўчган. Зулматга чўмган ховли ютиб юборгудек. Мен минорага алангладим. Аммо кўча чироқларининг заифгина шуъласи у ерда қиз йўқлигини аниқ кўрсатиб турарди.

Қизни чақириш учун оғзимни очдим-у, аммо... Унинг исмини ҳам сўрамаганим эсимга тушди. Шу сабабли, уй томон ўгирилиб, “Ҳой, қаердасан?” деб кичкирдим. Жавоб бўлмади.

“Майли, — ўйладим мен, — эртага яна кўришармиз”.

Эртаси куни қачон кеч кираркин, дея юрагим пишиб кетди. Кундузи гул дўконга кириб, чиройли гулдаста сотиб олдим, уни чиғаноклар билан безатилган чиройли гулдонга солдим. Уйга келгач, ювиндим, соқолимни қиртишладим ва илк учрашувга чиқаётган йигитчадек хаяжон ила кийиндим. Эҳтимол, шунақадир ҳам, ахир бундай ажойиб қизни умримда учратмаганман-да!

Ўша қизга гул бераман-да, тузукрок ресторанга таклиф киламан. Кейин менга турмушга чиқишини сўрайман. Ишқилиб, уйда бўлсин-да...

Гулдонга солинган гулни кўтарганча муюлишгача бордим. Гарчи ўзим яшайдиган мавзедаги уйларга унча эътибор бермасам-да, шўнғувчи қиз яшайдиган уй каердалигини жуда яхши тасаввур қилардим: у муюлишдан тўртинчиси бўлиши керак.

Тўртинчи уй ёнига келиб, юрагим гупуриб урганча тўхтаб қолдим. Уй деворидаги тахтачага қозикдек харфлар билан:

“УЙ СОТИЛАДИ”

деб ёзиб қўйилганди. Йўқ! Бундай бўлиши мумкин эмас! У индамай-нетмай кетиб қолиши мумкин эмас! Бу ноинсофлик-ку!

Мен пахтадек жонсиз бўлиб қолган оёқларимни аста босганча, майсазорни кесиб ўтдим ва айвонча деразасидан ичкарига мўраладим. Деворлар яланғоч. Мебелдан асар ҳам йўқ. Гиламлардан ҳам. Уйнинг орқа гарафидаги ойнаванд деворларга ҳам парда тутилмаган. Ҳаммаёқ чанг. Худди одам турмайдигандек...

Бу ердан бассейн кўриниб турарди. Во ажаб! Бу ердан

туриб кўрган манзарамдан шунчалар ҳайратга тушдимки, кўлимдаги гулдонни ҳам ташлаб, ўша томон югурдим. Бассейн томонга олиб чиқадиган эшикча кулф экан, пастаккина тўсиқ девордан ошиб тушдим. Нариги тарафга тушаётганда қоқилиб йиқилдим, аммо тура солиб яна югурдим. “Ишқилиб бировнинг уйига адашиб кирган бўлай-да!” дея заифгина умид қилардим ҳам.

Минорача ўз жойида турарди. Бассейн ҳам. Аммо... мен тунда кўрган силлиқ бетон йўлакчалар ҳозир юз йиллик эски йўллардек синиб, ёрилиб, ёриқларидан ёввойи ўтлар ўсиб ётибди. Тунда чироқ нурларида ярақлаб кўринган тош ётқизилган ҳовли сатҳи ҳозир ҳазон ва синган шох-шаббалар, эски газета ва увада қоғозлар каби шамолда учиб келган чиқиндилар билан тўлиб ётарди. Кеча миноранинг силлиқ зиналари ялтираб турган бўлса, ҳозир занглаб, эгилиб-букилиб кетгани аниқ кўринарди. Трамплин эса ўртасидан қайрилиб қолган, худди ҳозир синиб, пастга тушиб кетадигандек эди.

Тунда тиниқ осмоний рангда ялтираб кўринган бассейннинг бўёқлари нураб, тўкилиб тушган. Бассейн тубининг бир бурчагидаги шапалоқдеккина жойда бадбўй ис анқитиб турган кўкимтир кўлмак аро турли ахлатлар ва сув ўтлари сузиб юрибди.

Кўриб турган кўзларимга ишонмай, занглаган зиналарни ушлаганча аста бассейн тубига тушдим. Оёқларим остида курук барглар ва бошқа ахлатлар шитирлади. Шу холос...

Нимаям қилардим энди? Уйимга қайтиб кетдим. Куннинг қолган ярмини шўнғувчи қизни учратганим

хақида ҳикоя ёзишга бағишладим. Ҳикоя деярли тугай деб қолди ҳам.

Ие, қоронғи тушяпти-ку! Бир неча сониядан сўнг компьютеримни ва чирокни ўчираман-да, орқа тарафдаги пардаларни кўтараман.

Эй, тавба, нималар бўлаётганини тушуняпманми ўзи?

Йўқ. Мутлақо тушунмаяпман. Аммо битта нарсани жуда яхши биламан. Агар бугун тунда бассейн атрофида чирок ёнса ва яна ўша қиз минорага кўтарилса, албатта унинг ёнига бораман. У ким ёки нима бўлмасин, яна кетиб қолишига қўймайман. Асло!



ЖЕК РИЧИ



Жон Жорж Ричи 1922 йили 26 февраль куни Висконсин штатидаги Милуоки шаҳрида таваллуд топган.

Иккинчи жаҳон уруши вақтида Тинч океанида хизмат қилган Ричи, урушдан кейин ҳаётини ёзувчиликка бағишлашга қарор қилади.

1953 йилда ёзилган *“Always the Season”* номли биринчи ҳикоясини Ричи *“Нью-Йорк дейли ньюс”*га беради.

Жек Ричи ижодий фаолияти давомида уч юздан ошиқ новеллалар, турли жанрларда ёзилган ҳикояларнинг муаллифига айланди ва 1983 йили 27 апрелда оламдан ўтди.

Жек Ричининг инсоний муносабатларни ёритишга қаратилган *“Tiger Island”* номли романи ёзувчининг вафотидан сўнг – 1987 йили нашрдан чиқди.

ЎН ТЎРТИНЧИ БОМБА

“Чақмоқ фақат бир марта уради”, деганди анча йиллар мукаддам яшинқайтаргичлар сотувчиси. Гугурт билан ўйнашиб бўлмаслигини эса болалигимда онамдан эшитганман ва бир сафар ўйнаб ўтириб, ўзимиз яшайдиган уйни ёқиб юборишимга сал қолган. Манави ҳикоя эса юқоридагиларга кўшимча киритиб, бомба ҳайратланарли натижа берибгина қолмай, яна инсоний ришталарни ҳам узиб ташлашини исботлайди.

Юклар берилувчи дарча ёнидаги арқон билан ўраб қўйилган жойда каттагина тўртбурчак кути турибди. Бу сўнгги олти йил ичидаги ўн тўртинчи бомба бўлиб, биз одамлар жабрланмаслигининг чорасини кўришимиз лозим эди. Пит икковимиз арқоннинг нариги тарафидаги одамларнинг биронтаси лабини одатдагидан кўпроқ яламаяптими ёки бошқача ҳаяжон белгиларини намоён этмаяптими, деган хаёлда уларнинг чехрасини диққат билан кузатардик. Бу ишимизнинг бир қисми ҳисобланади.

— Бекорчилар роса тўпланибдимми? Бу воқеа шаҳарликларнинг ярмига етиб боргандир, — деди Пит сигарасини чайнаганча.

Арқон одамларни қутидан қирк метрча нарида тутиб турарди. Тўғри, одамларни бундан ҳам узоқлаштиришни маъқул кўрардим-ку, аммо бу менинг ваколатимга кирмайди.

Бетон зиналар устига узун-узун ёғочларни ётқизаётган махсус хизмат ходимлари ишини тугатишди. Ҳосил

бўлган ўзига хос кўприк устидан борти темир чивиклардан тўқилган тўр билан копланган улкан машина кириб келди. Бу темир тўрлар портлаш тўлкинини юқорига йўналтириб, шу билан вайронгарчилик асоратларини камайтиришга ёрдамлашади.

Кутидан беш метрча нарида тўхтаган юк машинасидан О'Брайен ва Хейстингз сакраб тушишди.

— Ана, бошланди, — деди Пит сигарасини ерга ташлаб, эзғиларкан, кейин йигитлар томон йўналди.

Мен бир дақиқа иккиланиб тургач, кути билан машинанинг ўртасидан ўтишга уриниб, Питнинг ортидан юрдим. О'Брайен илжайди:

— Камераларни тўғрилашяпти. Мен ён томондан сураатга яхши тушаман.

Пит унга ҳимоя нимчасини кийишга кўмаклашди:

— Шоввоз йигитларни яхши кўраман-да!

О'Брайен кути томон йўналди.

— Тўхта! — қичқирдим мен. — Пит икковимиз четга ўтайлик!

Биз мрамар устунлардан бири ортига яшириндик. Назоратчилардан бири бизга яқинлашиб, шивирлади:

— Ширинликлар пештахтаси олдида турган малласоч йигитни ўтган ҳафтада кутубхона олдидаги оломон орасида кўрганман.

Биз арқон ортидаги одамларга кўз югуртирдик. Паст бўйли, қош-киприклари сап-сарик йигит кўзини юк машинасидан узмасди. Пит у томон йўналганди, мен кўлидан ушлаб қолдим:

— Шошма, у қочиб кетмайди.

О'Брайен ва Хейстингз ишга киришишди. Улар юк машинасидан учига пулат чивикли сават ўрнатилган узун ходани олишди. О'Брайен қути устига энгашиганида, оломон орасига сукунат чўкди. У бир зумга нигоҳини кўтарганида, ниқоб остидан жилмайгандек бўлиб туюлди. О'Брайен қутини эҳтиётлик билан кўтара бошлади. Портлаш товуши вокзал ичра бир неча марта акс-садо берди.

Питнинг сўқинишини эшитиб, устун ортидан чиқдим. О'Брайен ва Хейстингз ғужанак бўлганча мармар пол узра чўзилиб ётишарди. Мен жазавага тушган оломон орасидан ўтиб, маллавойнинг ёнига яқинлашдим. У шунчалар хаёлга ғарқ бўлгандики, ҳатто ориққўлларида ушлаганимни ҳам сезмади. Унинг чақчайган кўзлари мажақланиб кетган иккита жасадга тикилганди...

Капитан Уилсон кулдонни стол узра юргизаркан, бизга тикилди.

— Хейстингз ўша ерда жон берди. О'Брайен ҳали жон таллашиб ётибди, аммо яшаб кетса ҳам мажруҳ бўлиб қолади. — У стол устидан ҳисоботни олди. — Шубҳали шахснинг исми Ирвин Жеймс Стюарт, 98-кўчадаги 1368-уйда яшайди. Уни сиз қўлга олгансиз, ўзингиз тергов киласиз, — Уилсон бўйнини силаб қўйди. — Стюарт ўттиз олти ёшда, бўйдоқ, онаси билан яшайди. Онаси ўғлини қобил фарзанд деб ҳисоблайди. У яхши ўғил, байрамларда онасини табриклашни унутмайди.

У стол устидаги қоғозларни титкилай бошлади ва ниҳоят кераклисини топди.

— Тинтувда Стюартнинг уйидан тўртта кўрғошин цилиндр, ўнта портлатгич, учта арзон қўл соати қисмлари

ва кичкина идишчада портлатувчи модда топдик. Бу портлатгич модда милтиқ ўқларини тўлдиришда ишлатилади. Аммо Стюартда на милтиқ, на ўқ йўқ! — Уилсон ўрнидан туриб, хонада юра бошлади. — Биз барча бомба портлашлари ҳақидаги газета қирқмаларини ҳам топдик. Даҳшатли вайронгарчиликлардан ташқари, уч нафар одам яраланган. Оғир яраланишмаган, аммо адвокат ёллашлари аниқ. Талатўйда беш нафар одам жабрланган...

Мен қутичадан сигарет олдим:

— Қутини у ерга қўйишганини кимдир кўрган бўлиши керак-ку!

Уилсон елка қисди:

— Ҳар куни вокзал орқали беш мингдан ошиқ одам ўтади. Стюарт айнан шунга умид қилган, — у хорғин хўрсинди. — Бизда еттита гувоҳнинг кўрсатмалари бор. Улардан бештаси аёл кишини, иккитаси эса эркакни кўришган.

У бир зум жим бўлиб қолди.

— Улар Стюартни кўришганми?

Уилсон хахолаб кулиб юборди.

— Гувоҳларнинг учтаси, хатто аёл кишини кўрганини таъкидлаётганларнинг биттаси ҳам уни танишди. Оддийгина адвокат ҳам уларнинг кўрсатмаларини пучга чиқара олади, — у бизга қаради. — У айбига иқроор бўлиши шарт!

Пит икковимиз ўрнимиздан туриб, йўлакка чиқдик ва 618-хонага тушдик. Эшик олдида Пит бир зумга тўхтади:

— Фред, истасанг сен меҳрибон, тушунувчи терговчини ифодалашинг мумкин. Менга эса ёмон

терговчи бўлиш қулайроқ.

Стюартнинг қўлларини иситиш қувурига кишанлаб қўйишганди. Пит унинг ёнига яқинлашиб, илжайди:

— Бу ерда ҳамма сенга яхши муомала қиляпти, аммо мен бошқачаман.

Мен Стюартнинг қўлидаги қўлкишанларни ечиб қўйдим.

— Жаноб Стюарт, қўлингизнинг чигалини ёзинг, бироз енгил тортасиз, — дедим қўлимни унинг елкасига қўйиб. — Мархамат, ўтиринг. Бир неча соатдан бери тик туравериб, чарчагандирсиз...

Стюарт стулга чўкди, Пит унга энгашиб, мазаҳомуз ўшқирди:

— Қалай, қулай жойлашдингизми?

Стюартнинг лаблари титраб кетди, тескари ўгирилди.

— Жаноб Стюарт, — дедим мен, — сиздан фақатгина саволларимизга жавоб беришингизни истаймиз. Бомбаларни ўрнатгандан кейин қанча вақт ўтгач қўнғироқ қиласиз?

Стюарт бош чайқади:

— Бомбалар ҳақида ҳеч нарса билмайман.

Пит бармоқларини қисирлатиб қўйди:

— Ертўлангдан топилган портлатгич моддалар, портлатгичлар, цилиндр ва соатларни нима қилмоқчи бўлганлигингни гапир.

Стюарт қизариб кетди:

— Онамнинг уйини тинтув қилишга ҳаққингиз йўқ! Умуман, менинг нарсаларимни титкилашга ҳаққингиз йўқ эди!

Пит сигарет тутунини унинг юзига уфуриб, кулиб

Жек Ричи

юборди. Эшик очилиб, капитан Уилсон кирди. У Стюартга бир зум тикилиб турди-да, кейин биз томон ўгирилди:

— Ҳозиргина О'Брайен вафот этди.

Пит яна Стюартнинг қўлларини қувурга кишанлади ва биз йўлакка чиқдик.

— Эйлин касалхонадами? — сўради Пит.

Уилсон бош чайқади:

— Уни бир соат олдин уйига жўнатиб юборгандим, — у хорғин илжайди. — Менимча, нохуш хабарни сизлар етказишингиз керак.

Капитан бизни лифтгача кузатиб қўйди:

— Лабораториядаги йигитлар барча портлашларни таққослаб чиқишди. Бу сафарги бомба нисбатан кучлироқ экан. Уни тайёрлашда камида учта цилиндр ишлатилган.

— Назаримда, Стюарт қурбонларсиз ишлашдан зериккан, шекилли, — вайсади Пит.

Уилсон лифт тугмачасини босди:

— Бу сафар оддий соатли портлатгичдан фойдаланилмаган. Кимдир қутини кўтарганида, бомба портлаши керак бўлган...

Эйлин О'Брайен ранчога ўхшаб кетадиган уйининг эшигини очди ва бизга хотиржамгина боқиб, юмшоқ товушда сўради:

— Ҳаммаси тугадими? Жерри жон бердими?

Мен бош ирғадим. Эйлин ўгирилиб, уйига кирди. Биз эшикни ёпиб, унинг ортидан кирдик ва бир неча дақиқа деразага тикилиб турган Эйлинни кузатдик. Кейин Пит йўталиб, гап қотди:

— Фред, балки кетганимиз маъқулмикан?

Эйлин биз томон ўтирилди:

— Йўқ, мен ҳозир ёлғиз қолишни истамайман. Биронтангиз ёнимда қолинг, — у ғамгин илжайди. — Сизларга ҳам енгил эмаслигини тушунаман, ахир Жерри оғайнингиз эдингиз-ку!

Пит шляпасини ғижимлади:

— Биз бу ишни қилган йигитни қўлга олдик.

Эйлин столча устидаги кумуш сигарет қутисига қўл узатди:

— У иқрор бўлдими?

— Бўйнига олиши аниқ, — дедим мен. — Бунга мажбур қиламиз.

Эйлин диванга ўтирди:

— У ким экан ўзи?

Мен елка қисдим:

— Мен қаердан билай? Руҳшунос эмасман-ку!

— Ўзини бутун шаҳарни оёққа турғизган катта одам деб ҳис этишни хоҳлаб қолган бир мишиқи! — деди Пит.

Эйлин бир зум ўйланиб қолди:

— Пит, балки бизга бирон ичимлик келтирарсан?

Питнинг ошхонада ғимирлашига кулоқ соларканман, аста дедим:

— Керакли одамни қўлга олдик, Эйлин. У барига иқрор бўлади.

Эйлин жилмайди:

— Омадингиз келибди-да?

— Ҳа, — дедим мен, — ҳаммаси жудаям омадли тугади.

Пит мен билан Эйлинга ичкилик келтирди, ўзига эса

пиво очди:

— Музлатгичда пиво колмаган экан, ертўладан олиб чикдим. Эйлин, сен қарши эмасмисан? Жерри доим шундай қилишимни тайинларди, — Пит ўзига пиво куйди. — Жерри ўз ишини жуда яхши кўрарди. Яъни, бомбалар билан ишлашини назарда тутяпман.

— Ҳа, шундай бўлса керак, — деб кўя колди Эйлин.

— Пиво олаётганимда, ертўла устахонага айлантирилганини пайқадим. Афтидан, у уйда ҳам бомбалар устида ишларкан, шекилли, — Пит жилмайди. — Бир куни келиб, уйинг ҳавога учиб кетиши мумкинлигидан кўрқмасмидинг?

Эйлин бош чайқади:

— Жерри ҳеч қачон уйга портлатгич ҳам, портлатувчи модда ҳам олиб келмасди. У шунчаки портлатувчи ускуналарни ўрганарди.

Пит икковимиз яна ярим соатча ўтиргач, Эйлин билан хайрлашдик. Пит машина рулига ўтирди:

— Фред, улар турмуш қуришганига қанча бўлганди?

— Икки йил! Буни ўзинг ҳам яхши биласан-ку?

У бош ирғади:

— Кўпинча одамларни фақат ташқи тарафдан кўришингни, сен ёнида бўлмаганимда, нималар қилишларини ўйлаганмисан сира?

— Жерри ва Эйлин иноқ яшашган, — дедим мен. — Акс ҳолда истаган вақтда ажрашиб кетган бўлишарди.

Пит машинани саккизинчи кўчага бурди.

— Ертўлада сочилиб ётган схемаларни назарда тутяпман, — деди у светофор ёнида тўхтаганимизда. — Бу даҳшат, Фред. Аммо нима бўлганда ҳам Жерри

эҳтиёткор одам эди. Бир сафар у менга ҳаётини суғурта қилдирганини айтганди. Ўн беш минг долларга, шекилли...

Мен сигаретни очиқ ойнадан улоқтирдим:

— Стюарт адвокат билан учрашмасидан олдин етиб борайлик...

Ўйлаш учун вақти етарли бўлса-да, у ҳеч нарсани ўйламагани кўриниб турарди. Биз кирганимизда, Стюарт бир сесканиб тушди. Пит куртқасини ечиб, стул суянчиғига ташлади:

— Стюарт, мана, мен келдим. Мен ҳақимда ўйлаётганмидинг?

Стюарт бошини кескин силтади:

— Бомбалар ҳақида ҳеч нарса билмайман, дедим-ку сизга!

Пит Стюарт томон энгашди:

— Илгариям шунақа нарсани кўрганмисан? Энди машҳур бўлиб кетасан. Ҳамма газеталар сен ҳақингда ёзишади.

Стюартнинг кўзлари чакнаб кетди.

— Жаноб Стюарт, — дедим мен, — сиздан фақатгина иқрор бўлишингизни истаймиз, холос. Шундан сўнг истасангиз мухбирлар билан гапшаишингиз мумкин. Сурагингиз ҳафталаб биринчи саҳифаларда босилишига аминман.

У лабларини ялади.

— Йўқ, — деди ниҳоят. — Менинг айтадиган гапим йўқ.

— Жаноб Стюарт, — тоқат билан давом этдим мен, — сизни шунчаки тутиб келганимиз йўқ! Илгари ҳам сизга

эътибор берганмиз. Айтайлик, ўтган хафта, кутубхонадаги портлашда...

Пит унинг елкасига енгил қоқиб қўйди:

— Бу сафар полициячиларни гумдон қилдинг, ошна! Бўйнингга олмасанг, ҳолингга маймунлар йиғлаши аниқ!

— Жаноб Стюарт, сизни сўроққа тутмоқчи эмасмиз, — дедим мен. — Балки терговга нисбатан эътирозингиз бордир?

У эндигина гапиришга чоғланганди, Пит олдинроқ гапириб қолди:

— Стюарт, сени нима кутаётганини биласанми, ўзи? Бу штатда котилларни нима қилишларидан хабаринг борми?

Стюартнинг ранги оқариб кетди. У мени кўрмаслиги учун бир қадам ортга чекиндим-да, Питга қараб, таънаомуз бош чайқадим.

— Жаноб Стюарт, — оҳиста гал бошладим мен, — сиз электр стулига ўтирмаслигингиз аниқ, буни биз биламиз. Рухиятингиз бузилганлигини қонун инобатга олади. Аммо бир неча йил жиннихонада ётишдан баттар азоб бўлмаса керак.

Стюартнинг бир неча дақиқа ўйлашига имкон бердик, аммо у қайсарлик билан бош чайқади:

— Йўқ, мен гапиришдан бош тортаман.

Пит Стюартга яқинлашиб, қўйлагининг ёқасидан олди-да, қаттиқ урди. Бу унинг ягона ишлаш усули эди.

— Шошма, Пит, — дедим мен, — биз бундай қилмаслигимиз керак.

Пит қўлини қоқди:

— Фред, бориб қаҳва ичиб келсанг-чи! Ўн беш дакикадан кейин қайтиб келарсан!

— Йўқ! — мен Стюартга диққат билан тикилдим. — Газета қирқмаларини тўплаган экансиз. Бомбаларга қизиқасизми?

Пит тиржайди:

— Тўнлам тўлиқ бўлиши учун фақат суратинг етишмаяпти-да!

— Сизга қойилман, Стюарт, — дедим мен. — Шунча йил давомида қондай қилиб қўлга тушмадингиз?

Назаримда унинг кўзларида мамнуният учқунлари чакнади.

— Бу ишни қанча одам бўйнига олганини тасаввур қилолмайсиз, — давом этдим мен, — Ҳозир пастда учтаси ўтирибди, улар бу ишни ҳам, олдингиларини ҳам бўйнига олиб, сурати газеталарда босилишидан умид қилишяпти, — Стюартнинг кўзида ғазаб учқунлари чакнади. — Ахир мен доимо ёнингизда бўлолмайман ва Пит билан ёлғиз қолишингизга тўғри келади. У эса ўз усули билан иқроп бўлишга мажбур қила олади.

Мен сигарет чекиб, Стюартнинг ўйлашига имкон бердим. У бошқа одам машҳур бўлиб кетишидан ҳам, Пит билан ёлғиз қолишдан ҳам қўрқаётгани аниқ. Аммо нимадан кўпроқ қўрқаётганини билиш мушкул эди.

Стюарт қўлини шимига артиб, ерга тикилди. Ниҳоят, хўрсинди:

— Яхши, ҳаммасини айтиб бераман.

Пит нохуш тиржайди:

— Мен охирги бомба ҳақида эшитмоқчиман.

Стюартнинг юзи ғазабдан қизариб кетди:

— Сизга бир оғиз ҳам гап айтмайман, — у мени бармоғи билан нуқиб кўрсатди. — Мен фақат у билан гаплашаман.

Пит менга қараб, елка қисди. Кейин чиқиб кетди-да, стенографиячини чақирди. Стюарт ўн учинчи бомба ҳақида сўзлаб бергач, мен янги сигаретни туташтирдим.

— Охирги, ўн тўртинчи бомба ҳақида гапиринг. Нима учун битта ўрнига учта цилиндрдан фойдаландингиз? Олдингиларининг самарасидан коникмадингизми?

— Ҳа, — деди у менга айёрона тикилиб.

— Бу сафар соатдан фойдаланмай, қутини кўтарганда портлайдиган қилгансиз. Буни қандай изоҳлайсиз?

— Шуниси чиройлироқ бўлади, деб ўйлагандим, — деди у хўмрайиб.

Стенографиячи ёзилган қоғозларни узатганида, Стюарт диққат билан ўқиб чиқиб, имзо чекди. Мен деразага яқинлашиб, тоза ҳаводан нафас ола бошладим. Стюарт ёнимга келиб, деди:

— Мен иқрор бўлганимда алдаган бўлишим мумкин-ку, тўғрими?

— Ҳа, албатта.

— Иккита полициячи ҳалок бўлган, — завқланиб деди у, — энди суратим барча газеталарнинг биринчи саҳифасида босилади.

Мен бош ирғадим. Унинг юзида маккорона ифода ҳосил бўлди:

— Агар охирги портлашни содир этганимни тан олмасам-чи? Олдингиларига иқрор бўлсам-у, бунисидан бош тортсам-чи? Барибир суратим барча газеталарда босиладимми?

Мен кўча томонга қараб, ўшқирдим:

— Жин урсин! Бундай бемаъниликни сира кўрганмисиз?

Стюарт токчадан эгилиб, кўчага қаради. Мен вақтни бой бермадим. Стюарт учиб тушиб, ерга урилгунига қадар овозининг борича қичқириб борди...

Пит пештахта олдидаги ўриндикқа ўтириб, қаҳва буюрттирди.

— Ҳар куни қандайдир ғалва чиқади-я! Стюартга ўхшаганлар деразадан ўзини ташламаслиги аниқ!

— Ташвишланма, — дедим мен елка қисиб. — Кўлимизда унинг иқрори бор, шунинг ўзи етарли. У давлат пуллари ни тежади, холос.

Пит бармен қаҳва дамлашига тикилди:

— Биласанми, Фред, Стюарт билан ўралашаётган вақтимизда охириги портлаш ҳақида баъзи мулоҳазалар пайдо бўлди. Шунчаки қизиқиш юзасидан уларни яхшилаб текширмоқчиман.

— Бекорга вақт сарфляяпсан.

— Вақт ўзимники, унинг учун маҳкамадан пул сўрамоқчи эмасман, — у қаҳвасига қаймоқ солди. — Стюарт айбсиз демоқчи эмасман, айби кўплиги аниқ. Аммо барча ишларда у айбдор эмас, — у эсноғини базўр босиб, соатига қаради-да, қаҳвадан хўплади. — Ҳозир уйимда бўлиб қолишни шунақанги хоҳлаяпман-ки! Аммо ота-онамни кўргани боришга ваъда қилганман. Соат ўнларда қотиб ухлаётган бўлишим аниқ!..

Мен Эйлинникига келганимда, кечки соат тўққиз бўлганди. Унинг овозида сабрсизлик оҳанги сезилди:

— Хўш, қалай?

— Иқрор бўлди, — дедим мен. — Ўн тўртта портлашга ҳам!

— Сен одамларни аврашга устасан, — деди Эйлин жилмайиб.

Мен шляпамни ўрин устига улоқтирдим:

— Стюарт иқрорномага имзо чекканидан сўнг ўзини деразадан ташлади. Мен ягона гувоҳ эдим.

Эйлиннинг юзига қувонч югурди, аммо кейин яна хўмрайди:

— Балки, ҳали қувонишга эртадир? Пит ҳамма ёққа бурнини сукаверади, ҳамма нарсани текширишни ёктиради.

Мен уни аста кучдим:

— Бундан хавотирланма, азизам!

У менга тикилди:

— Ростданми?

— Мен яна битта қути ясаб, Пит йўқлигида унинг уйига бордим. Уйда телефон жиринглаши билан Питдан асар ҳам қолмайди.

Соат ўн бирларда мен Питнинг телефон рақамларини тердим...



ХЬЮ ПЕНТИКОСТ



Америкалик ёзувчи ва журналист Хью Пентикостнинг асл исми Жадсон Пентикост Филипс бўлиб, у 80дан ошиқ детектив романлар, кўплаб ҳикоялар муаллифидир. Тахаллуслари: Жадсон¹ Филипс, Филлип Оуэн.

Филипс 1903 йилнинг 10 август куни АҚШнинг Массачусетс штатидаги Норсфилд шаҳрида дунёга келди. Унинг отаси Артур Филипс — опера қўшиқчиси, онаси Фредерика Филипс — актриса, амакиси Хью Пентикост — адвокат эди. Жадсон амакисининг исми-шарифини ўзига тахаллус сифатида танлади.

Филипснинг “23-хона” номли биринчи ҳикояси 1923 йили “Флинн” журналида нашр этилди. 1926 йилдан Филипс “Нью-Йорк трибьюн”да мухбирлик қилиб, ҳикоялар ёза бошлади. У 1951 йилда “Шэйрон Плейхауз” театрига асос солиб, унга 20 йил раҳбарлик қилди. 1970 йилларда Коннектикут штатининг Торрингтон шаҳрида машҳур бўлган радиоэшиттиришга бошловчилик қилди, Америка детектив ёзувчилари ассоциацияси президентлигига сайланди. Кўплаб адабий мукофотлар, жумладан, “Ниро Вульф” мукофоти соҳиби бўлди. Адиб 1989 йилда эмфизема билан бозлиқ асоратлар оқибатида оламдан ўтди.

ЙЎҚЛИКНИНГ ЯРИМ ЙЎЛИДА

Ёмғир худди челақдан куяётгандек шариллаб ёғар, торгина йўл узра мавжланиб оқаётган сув машина тагига зарб билан уриларди. Машинани ҳайдаб кетаётган рангпар, килтирикқина эркак олдинга эгилганча, зулматдан кўзини узмасди.

— Ҳеч нарсани кўрмайман, — тўнғиллади у. — Ўн кадам нарини кўра олмайсан. Чекишдан узат!

Унинг шериги — гавдали, савлатли эркак чўнтагидан сигарет олди, уни тутатиб, ҳайдовчига узатди. У юстоқиб чека бошлади. Бу химсаларнинг иккови ҳам полицияга яхши таниш бўлиб, машина ҳайдаётгани босқинчи ва ўғри Рэй Стек, юзи худди чақалоқларникидек масъум, гавдали одам эса банкни ўмаргани ва қотиллиги учун анчадан бери полиция томонидан қидирилаётган Перри Мэквей эди.

— Перри, жудаям силлам қуриб кетди, — гап қотди Рэй Стек. — Балки тўхтаб, ёмғир тинишини кутсакмикан-а? Ахир ёмғир бир умр қуймайди-ку!

— Ким билсин, ахир икки кундан бери тинмаяпти-ку! Ҳозир лаънати тошқиннинг қоқ ўртасидамиз. Агар бу ердан кетолмай қолсак, урди худо! Тўхташни хаёлинггаям келтирма, ўн-ўн беш миляча юрсак, Массачусетс йўлига етамиз. Ўшанда дам олсак бўлади.

У кулдонни суриб, унга сигаретни босди. Мэквей яна олдинга энгашиб, ойна ортидаги ёмғир пардасига тикила бошлади.

— Ёруғлик! — деди у. — Олдинда ёруғ доғни кўряпман. У ҳаракатланяпти.

— Кимдир чироқни силкитаётга ўхшайди! — деди Стек.

Мэквей лабларини қимтиб, ёнида ётган портфелидан автомат тўшпончасини чиқарди.

— Йўл ёпиқ, — хўмрайибизоҳберди у. — Полициячилар тўсган, шекилли...

Қудратли машина чироқча ёруғи жон-жаҳди билан сакраётган зулматга ўқдек отилди. Машина чироқлари нурида оғзини катта очганча унсиз қичқираётган йигитчанинг қиёфаси лип этиб кўринди, кейин эса... машина унинг устидан ўтиб кетди.

— Кўзингга қара! — чинқирди Мэквей. — Олдинда кўприк бор! Чапга! Чапга бур, дедим, пўстак!

Стек кескин чапга бурди. Машина, ғилдираклари чийиллаганча, усти ёпиқ кўприк томон ғизиллаб кетди.

— Анави йигит кузовга илиниб қолибди, — дудуқланиб деди Стек. — Биз уни судраб келяпмиз.

— Тўхтама! — буюрди Мэквей.

Машина усти ёпиқ кўприкдан ўтиб, дарёнинг нариги томонда шариллаб қуяётган ёмғирга рўпара бўлганидагина Мэквей машинани тўхтатиб, бир қўлида тўшпонча, бир қўлида чироқча билан пастга тушди. У машина олдидан бир неча қадам нари кетгани ҳамони каттиқ гумбурлаш янгради: баланд тўлқин кўприк устига бостириб келди-да, уни оқизиб кетди. Сал пастроқ бўлган иккинчи тўлқин машина ёнигача етиб келди. Мэквей бўралатиб сўкинганча машинага чиқиб

олди.

— Кетдик!

Лейквью марказида шериф Иген олтига машинани кўндаланг қўйиб, йўлни тўсди. Бу тўсиқ Гектор Тримблнинг дорихонаси қаршисида жойлашгаиди. Бир вақтнинг ўзида баққоллик дўкони, китоб дўкони ва қаҳвахона вазифасини ҳам бажарувчи дорихонанинг эгаси бўлган Тримбл шаҳарнинг обрўли фуқароларидан бири ҳисобланар, рафиқаси Эстер ва ўн икки ёшли ўғилчаси Жо билан тинчгина ҳаёт кечирарди. Эстернинг ак аси Жорж Кроудер ақлли, ҳазилкаш одам бўлиб, шаҳар ёнидаги ўрмон ичида жойлашган уйчасида яшаб, овчилик билан кун кечирарди. Ёмғир тинмай қуяётган вақтда Кроудер дорихонада Гектор Тримбл, Жо ва бўш вақтида Гекторга ёрдамлашиб турувчи муаллима Женет Грейвс билан қаҳва ичиб ўтирарди. Эстер тиббиёт ҳамшираси бўлгани учун тун кириб қолганига қарамай, шаҳар касалхонасида тошқиндан азият чекканларга ёрдам кўрсатаётган шифокорларга кўмаклашаётганди.

Шимолий тарафдаги кўчанинг охирида автомобил чироқлари милтиллагани ҳамони, йўлга кўндаланг қилиб қўйилган машиналарнинг ҳам чироқлари ёнди ва кугилмаган меҳмонларнинг тўхташдан бошқа иложлари қолмади. Шериф Иген тўхтаган машинанинг ичига мўралади. Унинг синчков нигоҳи Рэй Стекнинг рангпар чехрасида бир зум тўхтаб қолди, кейин Перри Мэквейнинг табассумга тўла дўмбоққина юзига ўтди.

— Ие, булар ўзимизникилар эмас-ку? — ажабланди Иген.

— Ҳа, шундай, — деди Рэй Стек. — Биз Нью-Йоркка кетяпмиз. Ижозатингиз билан тезроқ у ерга етиб олмақчимиз.

— Мен-ку, қарши эмасман-а! — самимий хахолади Иген. — Фақат бунинг сираям иложи йўқ-да! Бу тошқинлар туфайли бугун ҳам, эртагаям, индингаям у ёққа бора олмайсизлар. Мени фақат бу ерга қандай етиб келганингиз қизиқтиряпти, холос.

— Йигирма биринчи йўлдан келдик, — деди Мэквей.

— Усти ёпиқ кўприкдан ўтдингизми? Ё, тавба! Мен бўлса уни аллақачон тошқин оқизиб кетгандир, деб ўйловдим. Эски кўприк шунақанги оғир машинага дош бердими? Бизнинг одамимиз сизни тўхтатмадими?

— Биз кўприкдан ўтганимиз ҳамони тўлқин кўприкниям, одамингизниям оқизиб кетди. Биз бир мўъжиза билан тирик қолдик.

Иген тираб кетди.

— Машинангиз кўприкдан ўтолганининг ўзи мўъжиза, — деди у ёнига келган одамга юзланаркан. — Жорж, Расс Тууми ҳалок бўлибди.

— Эшитдим, — бўғиқ овозда деди Кроудер. — Бечоранинг онасига хабар бериш керак...

— Сизлар дорихонага кира қолинглар, — деди Иген йўловчиларга қараб. — Бундай расво ҳавода қайноқ қаҳва ичиб олсангиз яхши бўлади.

— Биз жудаям шошиляпмиз, — эътироз билдирди Мэквей.

— Оғайни, бу ерда қолишингизга кўзим учиб тургани йўқ-ку, аммо йўлларни сув босгани туфайли барибир

Хью Пентикост

шаҳардан чиқиб кетолмаслигини тушунтиряпман, холос, — босиқ оҳангда деди шериф. — Менимча, қайнок қаҳва ичиб, тошқин суви пасайишини кутганингиз маъқулроқ. Бу хавфсизроқ ҳам бўлади...

Йўловчилар дорихонага киришганида, Тримбл ва Женет Грейвс пештахта ёнида туришарди. Женет ювилган идишларни артишда давом этди, Жо эса кирганларга қизиқиш билан тикилди.

— Уларнинг кўз олдида кўприкни тошқин оқизиб кетибди, — деди Кроудер. — Расе Тууми уларни огоҳлантиришга улгурибди-ю, аммо... дарё кўприкниям, Туумининг ўзини ҳам оқизиб кетибди...

Жонинг кўзларидан шашқатор кўз ёшлари оқа бошлади.

— У худди жангдаги аскардек мардонавор ҳалок бўлди, — гап котди Мэквей. — У бизни қайтишга кўндиришга урингани, бахслашганини кўрсангиз эди...

— Кўндиришга уринди, бахслашдимми? — Жо шодликдан кўзлари чарақлаб, Мэквейга тикилди. — Демак, у Расс эмас!

— Йўқ, у Расс эди! — эътироз билдирди Тримбл. — Иген кўприкка уни жўнатганди.

— Мен эса Расс эмас, деяпман. Унутдингизми, ахир Расс...

— Жо! — овозини кўтарди Жорж Кроудер.

— У Расс эмасди! — деб қичқирди бола тоғасига эътибор ҳам бермай ва Мэквейга тикилганча тантанавор оҳангда эълон қилди: — Расс кўндиришга уриномасди, бахслашолмасди ҳам. У кар-соқов эди!

Орага узоқ сукунат чўкди. Мэквей портфелига қўл узатди. Жорж Кроудер секин эшик томон йўналди.

— Қимирлама! — ўшқирди Мэквей ва портфелидан тўппончасини олиб, Жога ўқталди.

Гектор Тримбл саросимада гоҳ ўғлига, гоҳ Мэквейга, гоҳ қўлида тўппонча пайдо бўлган Рэй Стекка қарарди. Кейин унинг нигоҳи эшик олдида қимирламай турган Жорж Кроудер ва ранги докадек оқариб кетган Женет Грейвсга ўтди.

— Қимирламанг! — яна қичқирди Мэквей. — Акс ҳолда манави тирмизакни гумдон қиламан... Рэй, анави радиочани ёқ! — буюрди у пештахтада турган радиочага ишора қилиб. — Кейин пештахта остини қараб кўр-чи, тагин биронта қурол яширилган бўлмасин. Ҳой, дорихоначи, эшикни кулфла, бизга меҳмонларнинг кераги йўқ.

— Аммо шериф...

— Айтганимни қил!

Тримбл тезгина Мэквейнинг буйруғини бажарди. Радиочадан сув сатҳи ҳамон кўтарилаётгани ҳақидаги огоҳлантиришни ўқиётган суҳандоннинг овози эшитилди. Хабарни тинглаб бўлгач, Мэквей радиочани ўчирди.

— Содир этган жинойтингиз ҳақидаги хабарларни эшитиб қолишимиздан чўчияпсизми? — луқма ташлади Жорж Кроудер.

— Жуда ақлли чол эканми? — тиржайди Мэквей.

— Жорж тоғамни чол деманг! — титроқ овозда қичқирди Жо. — Тоғам штатдаги энг яхши ҳукуқшунос!

— Бу чол тоғангми ҳали? — тиржайди Мэквей. — Қани, бўлмаса, тоғажон, ишга киришайлик. Бу гадоё топмас шаҳарчангиздан машинада чиқиб кетишнинг иложи бўлмаса, яёв кетадиган йўл топилиши аниқ. Бу йўлни бизга сиз топиб бераси, акс ҳолда... Боланиям бирга олиб кетамиз. Агар оғзингизга талқон солиб ўтирсангизлар, тоға-жиян қайтиб келишади. Нима дейсизлар?

— Лейквью иккита тоғ тизмасининг ўртасидаги водийда жойлашган, — деди Кроудер хотиржам оҳангда. — Сиз шимол томондан келдингиз ва бу йўлдан қайтиш мумкинмаслигини биласизлар. Жануб томонга ҳам ўтиб бўлмайди, чунки водийнинг жанубий қисми кўлдан иборат бўлиб, энг зўр сузувчи бўлмасангиз...

— Бошни қотирма, — унинг гапини бўлди Мэквей. — Шимолга мумкинмас, жанубга мумкинмас... Яхши, унда тоғлар оша кетамиз.

— Зулмат тунда, яна шунақанги жала қуяётганда-я? — ажабланди Кроудер.

— Ҳа, тажрибали йўл бошловчимиз бўлса, буни урдалаймиз.

— Ҳатто Жорж тоғам ҳам бундай ҳавода сизни бошлаб боролмайдилар, — яна гапга аралашди Жо. — Шахримизда эса тоғамдан кўра ўрмон ва тоғларни яхшироқ биладиган одамнинг ўзи йўқ.

— Бу бола жудаям бийрон эканми? — тиржайди Мэквей. — Агар Жорж тоғанг бу ерларни ҳаммадан яхшироқ билса, демак бизга йўл бошловчилик қилади. Жияни билан бирга... Қани, бўлмаса, кетдик!

Жорж Кроудер ва Стек биргаллашиб чиқишганида, автомобилларнинг чироқлари хирагина милтиллаётган кўчада ҳамон шамол увиллар, қаердандир сувнинг шалдираши қулоққа чалинарди. Кроудер машиналардан бирининг ёнига яқинлашиб, ойнасига чертди. Ойнадан шериф Игеннинг боши кўринди.

— Бу одамлар қандай қилиб бўлмасин тезроқ манзилига етиб олишни хоҳлашяпти, — хотиржамгина деди Кроудер. — Улар Нью-Йоркдаги фойдали битимни қўлдан чиқаришни исташмаяпти. Уларни шимол томондаги тоғлардан олиб ўтиб, Нью-Йорк штатига олиб борсам, катта пул тўлашмоқчи

Иген қаршисидаги Кроудерга худди тентакка карагандек ажабланиб боқди.

— Шимолданми...

— Бир уриниб кўрайлик-чи, у ёғи бир гап бўлар, — шерифнинг гапини бўлди Кроудер. Унинг овози равон ва шаҳдам бўлса-да, бармоқлари эгасига бўйсунмаётгандек тинмай қимирларди. — Довон орқасида ҳаво очиқ бўлиши ҳам мумкин. Шундай бўлиб чиқса, улар поездда кета қолишади. Эҳтимол, бу зулматда сал йўлдан адашишимиз мумкин, аммо бу кўрқинчли эмас. Мен жануб томонга юриб, Хайленд дарёсига чиқишни ва оқим бўйлаб тепага юришни, шу тариқа довоннинг энг юқори нуқтасидаги Шайтон шаршарага етиб боришни мўлжаллаяпман. Унга етгунимизча кун ёришиб қолади ва қийналмай Нью-Йорк штатига тушиб оламиз.

— Ахир бу ўтакетган ақлсизлик-ку?!

— Нима бўлганда ҳам, жияним Жо билан бирга бир

уришиб кўрамиз... Агар ўрмонда ёруғликни кўриб қолсанг, хавотирланмагин деб айтиб қўйяпман.

— Шошма-чи! Нима, шундай расво ҳавода ёш болани ҳам бирга олиб кетяпсанми?!

— Нега олиб кетмас эканман, ўғил бола шунақанги саргузаштларни кўриб пишади! Бола-да, сен унга совға қилган йўл халтасини ишлатиб кўришига имкон туғилганидан хурсанд бўлиб ўтирибди.

Иген нимадир деб эътироз билдиришга чоғланди-ю, аммо дарров фикридан қайтди ва бироз жим тургач, гап қотди:

— Жиянинг ҳам, ўзинг ҳам эсингизни ебсизлар. Эртагаёқ ярим йўлдан дилдираганча, оч ҳолда қайтиб келишингизга шубҳам йўқ.

— Буни кўрамиз. Ҳозирча эса йўлни очиб тур.

Жорж Кроудер яна Стек билан бирга дорихонага қайтди.

— Хўш, қалай? — сўради Мэквей шеригига қараб

— Хамирдан қил суғургандек!

— Менга арқон топиб келинглар, — буюрди Мэквей.

— Токқа кўтарила бошлаганимизда, болақайни ўзимга боғлаб оламан. Худди альпинистларга ўхшаб! Сен эса, болақай, қулоғингга қуйиб қўй: йўлда хунар кўрсатгудек бўлсанг, жонингдан айрилсан. Уқдингми?

— Илтимос, болага тегманглар! — ялинди Тримбл.

— Боланинг омон бўлиши унинг Жорж тоғасига боғлиқ, — илжайди Мэквей. У қўлидаги йўл халтасига Женет келтирган арқонни солиб, хонадагиларга бир-бир қараб чикди. — Тилингизни тийиб ўтиришни

унутманглар! Агар изимизга тушишганини сезсак ёки қопконга тушсак, бола тамом бўлди, деяверинг! Тушунарлими?

— Тушунарли, — жавоб берди Кроудер. У хотиржамгина эшик ёнида турар, аммо тинмай кимирлаётган бармоқлари унинг ич-ичида қанчалик безовталанаётганини сездириб қўярди. Женет қатта-қатта очилган кўзларини Кроудернинг бармоқларидан узмасди.

Мэквей Жонинг елкасидан ушлаб, уни эшик томон итарди.

— Сен тоғанг билан бирга Рэйнинг ёнида ўтирасан. Мен орқада ўтираман ва тўппончамни каллангга тираб кетаман. Қани, кетдик!

Иген шариллаб куяётган ёмғирга ҳам парво қилмай, машинаси ёнида турарди.

— Демак, барибир Хайленд дарёсигача бориш фикридан қайтмабсан-да? — сўради у Кроудерга қараб. — Довон оша Нью-Йоркка ўтмоқчимисан?

— Сен бошқа яхшироқ йўлни биласанми?

— Аммо сўқмоқларни қулаган дарахтлар тўсиб қўйган, ирмоқлар ва дарёчалар ўзанидан чиқиб кетган, зим-зиё тунда доvon ошиб юриш ақлли одамнинг ишимикан? Тунда беҳуда сандироқлаганингиз қолади.

— Ҳар бир соат ғанимат, бўлмаса жудаям фойдали битимни қўлдан чиқариб юборишимиз мумкин, — илтифотли оҳангда гапга аралашди Мэквей. — Вақт беҳуда кетмасин...

Рэй Стек яна ҳайдовчи ўрнига ўтирди, Жо ва Кроудер

унинг ёнига ўтиришди. Мэквей эса орқа ўриндиққа ўрнашди.

— Яхши боринглар! — деб қичқирди Иген машина кўзголганидан сўнг.

Кроудер ўриндиқ суянчиғига гавдасини ташлаганча, кафтларини тиззасига кўйиб ўтирар, Жо ўйчан алфозда тоғасининг тиним билмаётган бармоқларига тикиларди.

Бироз юришганидан сўнг, машинанинг юриши секинлашди.

— Олдинда кўл борга ўхшаяпти... — тўнғиллади Стек ойна артгич мослама орасидан зупматга тикиларкан.

— Шундай бўлиши ҳам керак эди, — гап қистирди Кроудер. — Хайленд дарёси тошиб кетибди, у ёғига йўл йўк. Энди яёв кетишимизга тўғри келади.

Машина тўхтади, ҳаммалари пастга тушишди ва Жорж Кроудернинг кўрсатмаларига амал қилганча эҳтиёткорлик билан сув ёқалаб лой кечиб юра бошлашди. Олдинда Кроудер юрар, ортиан Жо қадам ташлар, унинг белига боғланган арқон Мэквей томонга чўзилиб кетганди. Энг охирида Стек қадам ташларди. Улар йўлни осма чироқлар билан ёритганча тезгина ўрмонга етиб олишди ва аста тоққа кўтарила бошлашди. Кўтарилиш машаққатли ва узоқ кечди, йўловчилар бир неча марта йўлдан адашиб кетишди ҳам. Ингичка қуриган дарахтга ўхшаб кетувчи Жорж Кроудер энкайганча олдинда борар ва онда-сонда Жога далда бериш ёки ёрдамлашиш учун ортига ўгирилди.

Қаердадир, олд тарафда қудратли ғувиллаш эшитилар, улар олдинга юргани сари, товуш баландлашарди.

Ниҳоят Мэквей Жо ва Кроудерни тўхтатди.

— Бу сен айтган ўша шаршарами? — сўради у.

— Ҳа, — бош ирғади Кроудер. — Уни “Шайтон шаршараси” деб аташади. Жарга иложи борича яқинроқ юриш керак, акс ҳолда уни айланиб ўтишга тўғри келади, бу эса кўп вақтни олиб қўяди. Шаршарадан ўтгандан кейин юриш осонлашади. Йўлдан адашмаслик учун менга яқинроқ юринглар, — у Жога ўтирилди. —

Болажоним, чарчамадингми?

— Сираям, — деди бола ҳансираганча.

Улар яна олға интилишди. Энди шаршара шундоққина қаршиларида гувилларди. Йўл тик кўтарила бошлади. Мэквей осма чироғи билан тез-тез гоҳ Кроудерни, гоҳ Жони ёритиб қўярди. Улар шундоққина шаршаранинг рўпарасига етишганида, Кроудер тўсатдан қокилиб кетди, гандираклаганча қўлларини силкиб, тубсиз зулматда шарқираётган сувга қулади.

Мэквей оғир нафас олганча Жо томон эмаклаб келди. Болакай шундоққина жар ёқасида ётар ва чироғи билан гулдурос шовқинга тўлган тубсиз зулматни ёритишга уринарди.

— Жорж тоға! Жорж тоға! — жон ҳолатда чинқирарди бола.

Мэквей ва Стек бу кўнгилсизликдан саросимага тушиб, бир неча дақиқа жойида қотиб туришди.

— Бўлди, бас! — ниҳоят ўзига келиб, ўшқирди Стек.

— Кетдик.

Мэквей арқонни тортиб, Жони ўзига яқинроқ сурди.

— Тоғамни топиш керак! — йиғлаганча такрорларди

бола.

— Эсингни ебсан! — ўшқирди Стек. — Бунақанги жойдан йиқилган одам омон қолармиди? Бунинг устига, аллақачон сувда оқиб кетгандир ҳам! — у Мэквей томон ўтирилди. — Энди қаёққа юрсак экан-а?

Мэквей ранги оқариб кетган боланинг юзини ёритди.

— Йигитча, энди ҳамма гап сенда қолди. Бу жойларни биласан, чорл билан бирга бу жойларга келгансан, тўғрими?

Бола бош ирғади.

— Чол қандайдир айланма йўл ҳам борлигини айтганди. Ўша йўлни сен биласанми?

— У ташландиқ йўл. Ундан илгари ёғоч ташишган. Мен излаб топишим мумкин.

— Жуда соз! Аммо эсингдан чиқмасин, қочишга уринсанг, ота-онанг ва анови тоғангдан кўз узмайдиган ойимчанинг шўри қурийди.

— Йўқ, йўқ, мен йўлни топа оламан!

— Унда бошла!

Ярим соатча буталар орасида изғишганидан сўнг, ниҳоят Жо чироғи нури билан ўт босган ўрмон йўлини кўрсатди.

— Мана йўл! — шодон хитоб қилди бола.

Энди юриш анча енгиллашди.

— Эҳтимол, бу йўл анча узоқроқдир, аммо биз барибир вақтдан ютамиз, — деди Мэквей Стекка қараб ва арконни силтаб, Жони тезроқ юришга ундади.

Кейинги воқеалар шунақанги тез содир бўлдики, Мэквей ҳатто қимирлашга ҳам улгуролмай қолди.

Жиноятчиларнинг юзига автомобилнинг кучли ёруғи урилди, айна шу дамда Жо ўзини ерга отди. Мэквейнинг қаршисида жикка хўл кийимдаги Жорж Кроудер пайдо бўлди. У милтиғини олдинга силтади, худди отиш майдончасида тургандек мўлжаллаб туриб, тепкини босди. Мэквей бир силтанди-ю, йўл узра чалқанча чўзилди. Кроудер милтиғини Стекка тўғрилади.

— Мени ўлдирманг! — жон ҳолатда қичқирди у тўппончасини четга улоқтириб, қўлларини боши узра кўтараркан.

— Тўхта, Жорж! — қоронгиликдан кимнингдир овози янгради. — У бизга баъзи нарсаларни айтиб бериши керак. — Ёруғ доирага овчилар милтиғини ушлаган шериф Иген чиқди. — Сен эса, аблах, қочишни хаёлингга ҳам келтира кўрма, акс ҳолда тит-питингни чиқариб юбораман.

Жорж Кроудер ерда ётган бола томон отилди, елкасидан ушлаб турғазди ва маҳкам кучоқлаб олди.

— Азаматим! Ақллим! — ҳаяжонланиб қайта-қайта такрорларди Кроудер...

Ўғлидан хавотирланиб жони халак бўлиб ўтирган Эстер Жони бир неча қават кўрпага ўради, иссиқ чой билан иккита аспирин ҳапдорисини ичирди. Отаси, онаси, Жорж тоғаси, ҳатто шериф Иген билан Грейвс хоним ҳам Жонинг атрофида гирдикапалак бўлишарди. Хоним ҳатто Жони ўпиб ҳам қўйди. Жо эса жон-жаҳди билан уйқу босиб кетаётган кўзларини каттароқ очишга ва катталар нима ҳақда гаплашаётганларини эшитишга уринарди.

— Бу аблахлар Монреалдаги катта заргарлик дўконини ўмаришган, — оҳиста сўзларди Иген. — Биласизларми, уларнинг йўл халталарида нима бор экан? Беш юз минг долларлик қимматбаҳо тақинчоқлар! Улар дарров яширинишни мўлжаллашган-у, аммо дарёнинг тошиб кетгани режаларини чиппакка чиқарган. Йўлда Расс Туумини учратиб, уни полициячи деб ўйлашган ва машинада уриб кетишган...

— Аммо мен кейинги воқеаларни сира тушуна олмаяман, — унинг гапини бўлди Эстер. — Ўзингиз қандай қилиб Жорж акамнинг ўрмондаги уйчасига бориб қолдингиз-у, Жо нима иш қилиши кераклигини қандай билди?

— Буни Жоржнинг ўзи айтиб бера қолсин.

Кроудер жилмайди ва жиянига мулойим назар ташлади. Аллақачон уйқу элитаётган бола ҳам унга жавобан жилмайди.

— Мэквей ўзини вазиятнинг эгаси деб ҳис қилар, чунки биз қуролсиз эдик. Жиноятчи бизнинг унга бўйсунушдан бошқа иложимиз йўқ, деб ўйларди. Аммо у янглишганди. Мен Ред Игенни чатоқ иш бўлаётганидан огоҳлантирдим. Қандай қилиб, дейсизларми? Гап шундаки, мен унга жануб томонга — Хайланд дарёсигача бормоқчилигимни айтдим, ваҳоланки, дарё шимол тарафда, бунинг устига қўшни графликдан оқиб ўтади! Мен Редга бу одамларни тоғлар оша шимолга, Нью-Йоркка олиб ўтмоқчилигимни айтдим, илло бу ерда ҳатто болалар ҳам шимол томонда Массачусетс штати жойлашганлигини яхши билишади. Кейин мен Иденга у

Жога совға қилган йўл халтасини олиб кетишимизни айтдим, аслида эса ҳеч нарса совға қилмаганди. Шу тарика мен хато кетидан хато қилавердим, гарчи жиноятчилар ҳеч нарсани тушунишмаган бўлса-да, Ред хушёр тортиб қолди ва менга халақит бермай, воқеаларни зимдан кузата бошлади. Кейин мен Грейвс хонимга бўлган воқеани Редга айтиб, ундан кулбамга боришини ва то ўзим алоқага киришмагунимча кутиб туришини илтимос қилишини тайинладим.

— Аммо буларни қандай қилиб айта олдингиз? — хайратланди Гектор Тримбл. — Ахир Мэквей ёки шериги доим ёнингизда юришди-ку?

— Жо, Грейвс хоним ва мен Расс Туумининг энг яқин дўстларидан эдик. Расс кар-соқов эди-ку, шунинг учун ҳам биз у билан бармоқлар ёрдамида сўзлашишни ўргангандик. Эшик ёнида мендан кўз узмаётган Мэквейнинг ёнида турганимда Грейвс хонимга шерифга айтадиган сўзларини тушунтирдим. Машинада ҳам шу йўл билан Жога ҳаммасини батафсил тушунтирдим. Эстер, Шайтон шаршарасини эслайсанми, болалигимизда тез-тез у ерга бориб турардик? Шаршара ёқасида отилиб тушаётган сув тагига яширинган тоқчасимон жой бор. Мен ўзимни йиқилиб тушгандек қилиб кўрсатиб, уша яширин жойга бекинишимни ва ташландиқ ўрмон йўлидан жиноятчиларни менинг ўрмондаги уйимга бошлаб бориши лозимлигини Жога яхшилаб тушунтирдим.

— Ўғлимнинг ҳаётини хавф остида қолдирибсиз-да! — таъномуз хитоб қилди Тримбл.

— Ҳа, таваккал қилдим. Аммо довондан олиб ўтиб қўйганимизда ҳам, Мэквей бизни омон қолдирмаслиги аниқ эди. Таваккал қилишдан бошқа иложим қолмаганди. Жо жиноятчиларни бошлаб кетганидан сўнг, ўрмон оралаб Ред кутиб ўтирган уйим томон югурдим. Унинг “Жип” машинасини йўлга қўйиб қўйдик. Айтганча, Жога машина чироқлари ёқилгани ҳамони ўзини ерга отишини ҳам тайинлагандим.

— Шуларнинг барини Жога бармоқлар ёрдамида тушунтира олдингизми? — ҳайратланди Эстер.

— Ҳа. Машинада кетаётганимизда, шундоққина Стэкнинг кўз ўнгида қилдим.

— Жо, тоғанг шаршарадан уйигача етиб боролмаслигидан қўрқмадингми? — сўради Эстер.

Аммо Жо онасининг саволига жавоб бермади. У қотиб ўхлаб қолганди.



Генри СЛЕЗАР



Генри Слезар (Слизар, Слесар) америкалик ёзувчи, драматург, сценарист бўлиб, О.Г.Лесли, Жэй Стрит каби тахаллуслар остида ҳам ижод қилган.

Слезар 1927 йили 12 июнда Нью-Йорк штати Бруклин шаҳрида тугилган. Унинг ота-онаси Россия ва Германиядан кўчиб келган муҳожирлардан эдилар. Ўрта мактабни тугатгандан сўнг, у сценарист сифатида иш фаолиятини бошлаган. 1955 йилдан бери детектив, илмий фантастика, мистика, триллер жанрларида юздан ошиқ кичик ҳикоялар, “Альфред Хичкок намоёни этиди” сериали учун бир нечта сценарийлар ҳам ёзган.

Биринчи романи “Gray Flannel Shroud” (1958) учун Эдгар Аллан По мукофотига сазовор бўлган. 1974 йили “The Edge of Night” (1956-1984) номли теелсериали учун Эмми мукофотини олади, 1977 йилда эса яна ижоди учун Эдгар Аллан По мукофоти берилди.

2002 йили операциядан кейинги асоратлар оқибатида Нью-Йорк Сити (АҚШ, Нью-Йорк)да вафот этди.

ТУЗОҚ

Ҳар қандай золимликнинг бир афзаллиги бор: жабрдийдаларнинг барини якдил қилиб, бирлаштиради. “Штекпул Глоу Компани” фирмасининг ички ишлаб чиқариш идорасида ҳам шунга ўхшаш ҳолат юз бераётганди. Ходимларнинг бари фирма эгаси ва президенти бўлган Ральф Штекпулга нисбатан муносабатларида якдил эдилар. Штекпул, афтидан, бундан хабардор эди, аммо бу уни заррача ҳам ташвишлантирмасди. Эллик ёшга кирган бу одам қўлқоп ишлаб чиқаришга бағишланган ўттиз йиллик умри давомида “Рақибинг зарба бермасидан олдин уни ўзинг яксон қил” деган олтин қондани яхшилаб ўзлаштириб олганди.

Штекпул ўз корхонасида ўғри борлигини пайқаб қолган тонг аслида ёмон бошланмаганди. У ўзининг уйи билан идораси ўртасидаги олти мавзени яёв босиб ўтди, оқибатда январь аёзидан ажин босган ёноқлари қизил тус олди.

У нонушта вақтида рафиқасига меҳрибонлигини намоён этди, ишхонага келганида эса ўзига эрталабки газеталар ва мактубларни олиб кирган котибасига ўта хушмуомалада бўлди. Доим асабийлашиб юрадиган ва турли киликлари билан ғашига тегадиган бошқарувчиси Блекбурндан ҳам унчалик жаҳли чиқмади. Блекбурн одатдагидек асабийлашиб, қўлларини силтаганча президент хонасига кириб келганида, Штекпул шунчаки жилмайиб қўя қолди. Аммо унинг табассуми узоққа чўзилмади.

— Жаноб Штекпул, буни сираям ҳазм қилолмаяпман, — вайсади Блекбурн жаҳлдан ёноқлари учиб. — Биз 205-чи моделни юборишларини сўраганимизда, фабрика бизга намуна сифатида ўн икки жуфт кўлқоп жўнатганди. Аммо ҳозир қарасам, бизда ўн бир жуфт кўлқоп қолибди...

— Хўн, мен сизга қандай ёрдам бероламан? — сўради у кўлларини ёзиб.

— Жаноб Штекпул, ахир гап фақат 205-чи модель ҳақида кетаётган бўлса-ку, майлийдия! — хитоб қилди Блекбурн, асабийлашганидан ёноқлари пир-пир уча бошлади. — Аммо яқиндан бери тушуниб бўлмас ўғирликлар юз беряпти. Афтидан корхонамизда ўғри пайдо бўлган, шекилли!

Штекпулнинг ранги ўчиб, бошқарувчисига тикилиб қолди.

— Нима?! Мени тунашяпти, демоқчимисиз? Шу ерда, ўзимнинг шахсий корхонамда-я? !

Президент ўрнидан огир кўзғолди. Шу туришда у ғазабидан кимни ейишини билмаётган шерга ўхшаб кетарди.

— Менга қаранг, Блекбурн, ҳеч ким бундай қилолмайди. Мени ўзимнинг корхонамда тунашга ҳеч кимнинг ҳадди сиғмайди. Ўша ўғрини ҳозирок топишингизни талаб қиламан!

— Менми?! — Блекбурннинг бутун вужуди дир-дир қалтирарди. — Нега энди мен топишим керак экан? Ахир мен бунақанги вақтда нима қилиш кераклигини ҳам билмайман!

— Нечта кўлқоп йўқолганлиги сизга маълумми?

— Олти ёки етти жуфт бўлиши керак.

— Бошқа нарсаларнинг бари жойида эканлигига ишончингиз комилми? Ёзув қоғозлари, қистирғичлар, сигараларимни назарда тутяпман! — деб хитоб қилди у ёзув столининг ёнидан сакраб тураркан. — Ахир истаган одам хонамга кириб, сигараларимни ўғирлаши мумкин-ку?

— Бўлмаса мен текшириб чиқа қолай... — иккиланиб минғирлади Блекбурн.

— Кўзимдан йўқолинг! — ўшқирди Штекпул. — Менга ҳеч қандай текширувнинг кераги йўқ, ҳаммасини ўзим аниқлайман, ўғрини ҳам ўзим топаман.

Штекпулнинг темирни қизиғида босишдек сеvimли усули ҳеч қачон панд бермасди. У зудлик билан хусусий изқуварни чақирди ва бўлиб ўтган ишларни синчиклаб тушунтирди. Бўйи пастроқ бўлса-да жисмонан жуда пишиқлиги сезилиб турган, миқтидан келган изқувар Сэмпл тунаб кетилган бойваччаларнинг ташвишли хасратларини эшитавериб, кўзи пишиб кетганди. У Штекпулнинг нолишларини бўлмай, худди маза қилаётгандек жон қулоғи билан тинглаб ўтирарди.

— Бу шунчалик жиддий ишми, жаноб Штекпул? — эҳтиёткорлик билан қизиқсинди у Штекпулнинг ҳасрати тугагач. — Гапларингиздан хулоса чиқарсам, йўқолган нарсаларнинг жами баҳоси ўн-ўн беш доллардан ошмас экан. Ростдан ҳам шундайми ўзи, мен хато қилмадимми?

— Гап пулда эмас, балки тартиб-интизомда! — шарт кесди Штекпул. — Мени тунаган одам жазосиз қолиши асло мумкин эмас. Айниқса, мендан маош олаётган одамлар яна чўнтагимга ҳам кўз олайтиришларига асло тоқат қилолмайман.

— Шунақами? Биронтасидан шубҳангиз борми? —

сўради изкувар.

— Ўғирлик қилиш ҳар бир одамнинг қўлидан келади,
— ўшқирди Штекпул. — Мен истаган одамимдан шубҳаланишим мумкин. Ҳатто шахсий котибам ёки югурдак бола ҳам ўғри бўлиб чиқиши мумкин. Балки, ўғри анави валакисаланг Фред Коттер бўлиши ҳам мумкин.

— Ким дедингиз?

— Коттер деган ёрдамчим бор. Ёш йигит, бўйдоқ, қачон қараманг, қизларга ўралашгани-ўралашган. Балки, менинг қўлқопларимни ўша қизларга совга қилгандир, буни билмадим. Шу йигитни сираям жиним суймайди-да!

— Бўлмаса нега ишдан бўшатиб юбора қолмайсиз?

— У ўзининг ишини яхши билади, — елка қисди Штекпул. — Очиғини айтганда, у энг яхши мутахассисларимдан биттаси, фақат ишлашга сира бўйни ёр бермаслиги чаток. Қуннинг ярмини албатта идорадан ташқарида ўтказди. Қаерларда санғиб юради, билмадим. Кеч кирганида пайдо бўлади-да, “тажриба ўргангани” борганини айтади. Аммо мени лақиллатолмайди, чунки уни ўзидан ҳам яхшироқ биламан. Агар шу валакисаланг йигит ўғри бўлиб чиқса, сираям ажабланмасдим.

— Кўйсангиз-чи, йўқ нарсага бировни айблаш яхши эмас, — эътироз билдирди Сэмпл. — Менимча, ўша ўғрини тузоққа туширганимиз маъқулроқ бўлади, шекилли.

— Тузоққа дейсизми? — деди Штекпул ажабланиб.
— Гапингизни тўғри эшитдимми?

— Албатта тўғри эшитдингиз. Илгари ҳам баъзи бир

Жахон дегенлиги турдони
йирик фирмаларнинг манфаатини ҳимоялаш мақсадида шунақанги усулни қўллаб кўрганман ва бу менга сираям панд бермаган. Бу усулнинг моҳияти жиноятчининг ўзини ўзи “тузоққа тушириши”дан иборат бўлади.

Изкувар тиржайиб кўйди-да, Штекулнинг кутидаги усти очик турган сигараларига маънодор нигоҳ ташлади.

— Хўш... унда мен нима қилишим керак? — Штекул боши қотганини яширмай, изкуварга тикилди.

— Сиз овсра бўлмайсиз, ҳаммасини ўзим қотираман. Сиз билан келишган вақтимизда мен майда, нурланувчи кукун олиб келаман. Ўша кукунни қўлқоплар солинган куичаларга суртамиз-да, идоғангиздаги стратегик жихатдан энг муҳим, яъни ўғрининг дарров кўзи тушадиган жойларда қолдирамиз. Яна ўғирлик содир бўлганга ишонч ҳосил қилганимиздан кейин эса тўлик ишонч билан тергов ўтказишни бошлаймиз.

— Қандай тергов?

— Мана қаранг. Ўғирлик содир этилган вақтда ўғрининг бармоқларига кукун тегади, аммо у тўлик қоронғиликдагина кўзга кўринади. Энг муҳими, бу кукунни ҳеч қанақанги ювиш воситалари билан кетказиб бўлмайди. Ўғри айбининг исботини доимо ўзи билан бирга олиб юради.

— Ҳа-а, тушундим, — пиқиллаб кулиб юборди Штекул. — Кейин қўли эгрилар тўдасини бирорта қоронғи жойга тўплаб, кимнинг қўли нурланаётганини текширар эканман-да! — Унинг кўзлари чарақлаб кетди ва гавдасини айланувчи ўриндиқнинг суянчиғига ташлади. — Бу доҳиёна фикр, Сэмпл! Уни қачон амалга оширсак бўлади?!

— Агар хоҳласангиз, бу ишни эртагаёқ амалга

оширишимиз мумкин.

— Ҳозир, бир дақиқа шошманг, — Штекпул телефон гўшагини кўтариб, бошқарувчисини хузурига чақирди. — Блекбурн! Биронтаси эртанги кун учун ишдан жавоб сўрадимиз?

— Йўқ, сэр!

— Бунга ишончингиз комилми? Фред Коттер ва бошқалар ўзининг жойидами?

— Ҳа, сэр, билишимча, ҳеч ким ишдан жавоб сўрамаган.

— Бўпти, унда жуда яхши бўлибди, — вайсади Штекпул ва гўшакни жойига осди. Кейин у мамнун ҳолда изкуварга кўз қисиб қўйди-да, сигарадан битта олиб узатди.

Ўша куни кечқурун, ҳамма ходимлар ишхонадан кетиб бўлишгач, Штекпул изкувар билан бирга ўз режасини амалга ошира бошлади. Сэмпл қўлқоплар солинган қоғоз қутичаларга оқ кукун суртаётган вақтда президент унинг ёнида туриб, “тузоқ”нинг кўзга кўринмаслигидан ҳайратланарди. У ўзининг сигаралари солинган қутича ҳам “тузоқ”қа айлангирилишини талаб қилди.

Штекпул уйига боргач, ўғрини қўлга тушириш учун қанақанги айёрона тузоқ ўйлаб топганини хотинига батафсил гапириб берди. Илгари сираям бунақанги кўтаринки кайфиятда бўлмаганлигини сезиб, бундан ўзи ҳам ҳайратга тушди.

Эртаси куни Штекпул барча ходимларни ўзининг хонасига чақиртирди, ўзи эса то тушгача бошқа хонада эшикларини ёпиб, хонасидан чиқмай ўтирди. Орадан анча вақт ўтгач, у Блекбурндан ҳақиқатан ҳам барча ходимлар тўпланганми-йўқлигини текшириб беришни

талаб қилди. Шунда бино ташқарисида топшириқни бажараётган котиба, тиш оғриғидан азоб чекаётган хўжалик бўлими бошлиғи ва икки соатдан бери “тажриба орттираётган” Фред Коттердан ташқари ҳамма ходимлар шу ерда эканлиги маълум бўлди.

Соат кундузги тўртларга қадар Штекпул “Агар ўғри айнан шу бугун ҳалоллигини намойиш этишни истаб қолса, нима бўлади?” деб юрак ҳовучлаб ўтирди. Унда бор уринганлари ҳавога учиб кетади-да... Узоқ вақт давомида пистирмада ўтириш унга сираям ёқмаётган, ўғрини иложи борица тезроқ тузоққа илинтиришни хоҳларди. Орадан яна чорак соатча вақт ўтгач, у ўзи кутган қувончли хабарни эшитди.

Блекбури кўнғироқ қилди:

— Жаноб Штекпул! Мен ҳисобхона ёнидаги намуналар солинган қутичани текшириб кўрдим. Бир жуфт қўлқоп йўқолган.

— Бунга ишончингиз комилми? — сўради Штекпул ва оғзидан сигарани олди. — Ҳаммасини яхшилаб санаб чиқдингизми?

— Бир неча марталаб санадим. Аслида йигирма тўрт жуфт эди, ҳозир санаганимда эса йигирма уч жуфт чикди.

Штекпул қўли билан столга гурсиллатиб бир урди.

— Барча ходимлар жойидами?

— Худди шундай, сэр. Жаноб Коттер ярим соат муқаддам қайтди, ҳамма ходимлар хонангизда тўпланиб, сизни кутишяпти.

— Беш-ўн дақиқа ичида ҳамма ходимлар мажлислар хонасида бўлишсин. Биронта ҳам ходим кирмай қолмасин!

— Хўп бўлади, сэр!

Штекпул ўзини зўрға босиб турарди. Шу пайтгача қўл урган ишлари қанчалик даромад келтиришидан қатъи назар, уни бу даражада ташвишлантирмасди. Бу вақтга келиб, у Сэмплининг ушбу режани амалга оширишдаги ўрнини мутлақо унутган ва уни буткул ўзининг ютуғи деб қабул қилаётганди.

Бу вақтда эса кутавериб тоқати тоқ бўлганидан қовоғи осилган ходимлар биронтаям деразаси бўлмаган кенг мажлислар хонасига ўта бошлашди. Ахир йиғилишлар одатда кимнингдир чангини қоқиш, йил тугагани муносабати билан узундан-узоқ хисоботларни тинглашга мажбур қилиш учунгина чақирилади-да! Фақат котиба ўтирган бурчакдан қиқирлаган кулги овози эшитилар, хона бўйлаб у ёқдан бу ёққа сандироқлаб юрган Фред Коттернинг юзида эса захарҳанда акс этарди.

Штекпул хона тўридаги стол ёнига ўтиб, раис жойига ўтирди.

— Дикқат қилинглар, — деди у куруккина қилиб ва шу захотиёқ шовқин-у йўталишлар барҳам топди. — Мен кичкина бир тажриба ўтказиш учун сизларни бу ерга тўпладим. Ҳаммангиз жойингиздан қимирламай ўтиришингизни ва фақатгина кафтингизни мана бундай қилиб тепага ўгиришингизни сўрайман, — у шундай дея иккала қўлининг кафтини тепага ўгириб кўрсатди.

Баъзи ходимлар ҳайрат билан хитоб қилишди, бошқалари довдираб, бир-бирига аланглашди.

— Хўш, яна нимани кутяпсиз?

Бошлиқнинг ўшқиритишидан шошиб қолган ходимлар дарров қўлларини очиб, кафтини тепага қаратишди.

— Жаноб, Блекбурн, чироқни ўчиринг, — буйрук берди Штекпул.

Блектурн чироқни ўчиришга шошилди. Мажлислар хонаси зулматга чўмди, фақат у ер-бу ерда асабийлашиб йўталган овозлар эшитилди.

— Жаноб Штекпул!

Бу Блекбурннинг овози эди. Штекпул у томонга қаради ва шу заҳоти кўкси шунақанги ғурурга тўлдики, ҳатто кўйлагининг тугмачалари узилиб кетишига сал қолди. Чунки у хонанинг охиrhoғида иккита қўл ёрқин шуъла таратиб турганини кўрганди.

— Чироқ! Чироқни ёқинг! — ҳаяжонга тўлиб хитоб қилди Штекпул ва шитоб билан одамлар орасини ёриб ўтиб, ёришиб турган қўлнинг билагидан ушлади. Чироқ ёнганида, Фред Коттер ҳеч нарсани тушунмай, ўзига анқайиб турганини кўрди.

— Нима гап? Мен нима қилдим?

— Демак, у сиз экансиз-да! — тантанавор оҳангда хитоб қилди Штекпул. — Мен барибир ҳақ бўлиб чиқишимни билардим. Бунга заррачаям шубҳа қилмасдим. Нима, мени тунаб юришингиз жазосиз қолади, деб ўйлаганмидингиз?

— Тушунмадим, нималар деяпсиз ўзи?

— Тушунмаяпсизми? Қани, жаноб Коттер, портфелингиз ичидаги нарсаларни менга кўрсатинг-чи!

— Нима?!

— Йўқ, ҳар ҳолда сиз унақа аҳмоққа ўхшамайсиз. Ахир ўғирлаган қўлқопингиздан аллақачон қутулиб бўлгансиз-ку, тўғрими? Ахир шунча вақтдан бери бекорга “тажриба орттирмаётган” бўлсангиз керак?! —

У бошқарувчига ўғирилди. — Блекбурн, бугуноқ жаноб Коттер билан ҳисоб-китоб қилинг. Шу дакикадан бошлаб у ишдан бўшатилади!

— Мени ишдан ҳайдаяпсизми? — Коттер ҳамкасбларига мўлтираб қаради, аммо уларнинг бари раҳми келаётганини очиқ кўрсатишга чўчиб, кўзини четга олишди. — Айтинг, айбим нима ўзи?

— Сиз мени тунадингиз! Фирмада ўғирлик содир этдингиз! Буни инкор қиласизми?

Коттер қип-қизариб кетди.

— Ҳа-а... бир-икки жуфт қўлкоп олгандим, холос. Аммо ўйламагандим-ки...

— Гапни чайнаманг! Ҳеч ким мендан берухсат ҳеч нарса олмаслиги керак. Жаноб Коттер, буни билмагандим дейиш эса қип-қизил аҳмоқликнинг ўзгинаси! Бугун кечгача ўз иш жойингизни бўшатиб қўйишингизни талаб қиламан. Эртага эрталаб сизни идорамда кўришни истамайман.

Штемпул бошқа ходимларига ўқрайиб тикилди. Аммо шу онда у ўзининг анча тинчланиб қолганини сезди.

— Ҳаммангизга хайрли кеч, — деди у. — Яхши дам олинглар!

Штемпул бутун оқшом давомида куни бўйи қилолмаган ишларини тугатишга уринди. Кечки овқатни ейиш учун уйга боришга кеч бўлганди, шу сабабли у ўзининг клубига бориб, ёлғизликда мириқиб дам олишга қарор қилди. У уйига қайтганида вақт ярим тундан ўтиб қолган, рафиқаси аллақачон уйкуга ётиб бўлганди.

— Азизим, бугун жудаям кўп ишлаб юбордингми? — деди рафиқаси унга тунги кийимини узатаркан. — Хўш, тажрибанг қалай ўтди?

— Бундан зўри бўлмайди, — мамнун илжайди у. —
Ўғри ким бўлиб чикқанини биласанми? Анави ярамас
Фред Коттер экан!

— Коттер-а? Ўзингни ёрдамчингми?

— Айнан ўша! Уни яқинда Янги йил байрамида сенга
таништиргандим. Доим илжайиб юрадиган шилқим
йигитча! Аммо бугун илжайишини юзидан сидириб
ташладим. Менга зиён етказмоқчи бўлганларнинг ҳоли
нима кечишини унга кўрсатиб қўйдим!

Штекпул мамнун табассум ила ўзини ўринга ташлади
ва тунчирокни ўчирди. У нариги ёнбошига ўтирилганида
эса ардоқли рафикаснинг яланғоч елкасида ёришиб
турган қўл изларини кўрди.



Ричард СТАРК



Ричард Старк, бу — Дональд Уэстлейк номи билан донги кетган америкалик ёзувчи ва киносценарист Дональд Эдвин Эдмунд Уэстлейк нинг тахаллуси (1933-2008). Тахаллуслари: Жон Б. Аллен, Тимоти Ж. Калвер, Морган Ж. Каннингэм, Жадсон Жек

Кармайкл, Курт Кларк, Такер Коу, Ричард Старк, Шелдон Лорд, Аллан Маршалл, Эдвин Уэст, Сэмюель Холт.

Дональд Уэстлейк Нью-Йоркнинг Бруклин туманида дунёга келган. Бингхэмптондаги Харпур коллежи (ҳозирги Нью-Йорк штати университети)да ўқиб, филолог касбини эгаллаган.

1960 йили “Ёлланма қотиллар” номли биринчи романи дунё юзини кўрганидан кейин адиб ҳар йили иккитадан роман чоп эттиришига киришди. 1996 йили июлда Бингхэмптондаги Нью-Йорк штати университетининг фахрли адабиёт профессори унвонига сазовор бўлган. Уэстлейк 1979 йили уйланган учинчи рафиқаси, адиба Абигаль Адамс билан бирга яшаган Анкраме шаҳри (Нью-Йорк штати)даги улкан бог ўртасида жойлашган чиройли уй доимо мухлисларнинг таширфи учун очиқ туради.

ЭЛЕКТР СТУЛИДАГИ ТАВБА

Женисни ўлдиришга қачон қарор қилганимни аниқ айта олмайман. Эҳтимол, бу Женис менга айтмай, харид қилган мўйнали пўстин учун ҳисоб варағини олиб келишганида содир бўлгандир... Бир тасаввур килинг, салкам икки минг долларга олинган ўша пўстинни Женис дўкондан қайтаётиб, поездда унутиб қолдирса-я! Ваҳоланки, бу пул йиллик даромадимнинг бешдан бир қисмига тенг эди.

Балки бу реклама соҳасидаги ишимдан ўлгудек чарчаб, шаҳар марказидаги ҳашаматли уйимга қайтганимда, Женис мендан сўрамай-нетмай, Коннектикутдан уй сотиб олганини билганимда содир бўлгандир... Женис эркаланибгина Манхеттендаги тош деворлар ичида яшаш жонига текканини айтди ва қишлоқнинг тоза ҳавоси менга куч беришини, тонгда бир соат вақтлироқ уйғониб, поездда ишга бориш жудаям фойдали бўлишини уқтира бошлади.

Балки бари қишлоқдаги уй харажатларини ҳисоблаётиб, ярим йиллик банк харажатларини ошириб юборганимиз учун тўлаган жарималаримиз еб-ичишимизга кетган пулдан ҳам ошиқ эканлигини билганимда бошлангандир. Мен доимо Жениснинг бебилиска пул сарфлашидан норози бўлардим, у эса пуллар қаёққа кетганини тушунтириб беришни истамасди.

Эҳтимол, гап Женисда ҳам эмас, балки барига Карен сабабчидир... Лавозимим ошиши билан Жениснинг

харажатлари учун пул топиб беришим осонлайди, шу билан бирга қабулхонаси ва котибаси бор шахсий хоналик ҳам бўлдим. Котибанинг исми Карен эди. Бора-бора мен иш кўпайиб кетганини баҳона қилиб шаҳарда узоқроқ қоладиган бўлдим, кейин эса Карен икковимизнинг орамизда севги ришталари пайдо бўлди.

Карен жудаям софдил қиз эди. Шунинг учун ҳам олдин Женис билан ажрашиб, кейин Каренга уйланишим кераклигини тушундим. Хотиним бунга рози бўлишига шубҳа қилмасдим, чунки ўша пайтларда ажрашишлар урфга кирган, Женис эса замонга қараб яшашни ёқтирарди. Аммо ажрашишга нима сабаб бўлмасин, мен Женисга нафақа тўлашга мажбур бўлардим. Унинг ниҳоятда пулга ўчлигини, бу ёқда ўзим билан Каренни ҳам боқишимни ҳисобга олдим-да, ажрашиш фикридан дарров қайта қолдим.

Женис машина сотиб олганида, унинг Мерит Паркуей атрофида ҳалокатга учраб, абжағи чиқишини илтижо қилдим. Аммо қанчалик интизор бўлмай, бахтсиз ҳодиса юз бермасди. Уйимизда ёнғин чиқиб, Женис ҳалок бўлиши ёки поезд ҳалокатига учрашига ҳам умид қилиб бўлмасди. Охири Карен билан бахтли ҳаёт кечиришимга тўсиқ бўлаётган Женисни йўқотиш керак деган қарорга келдим. Бу ҳақда оғиз очганимда Карен олдинига қўрқиб кетди, лекин Женис туфайли турмуш кура олмаётганимиз учун бунини мудҳиш зарурат сифатида қабул қилди.

Женисни гумдон қилишнинг тўрт хил усули бор: бахтсиз ҳодиса, ўз жонига қасд қилиш, табиий ўлим ва қотиллик кўринишидаги қотиллик. Бахтсиз ҳодиса тўғри келмасди, чунки мен ойлаб турли бахтсиз ҳодисалар ҳақида бош қотириб, уларнинг бари ишонарсиз

бўлишини тушунгандим. Ўзим ишонмаган нарсага полицияни қандай ишонтираман? Ўз жонига қасд қилиш ҳам тўғри келмайди, чунки Жениснинг дугоналари унинг бахтли ва ҳаётидан мамнун аёл бўлгани, шунинг учун ўзини ўлдиришига ҳеч қандай асос йўқлигини айтишлари шубҳасиз. Тиббиётдан буткул беҳабар одам бўлганим учун табиий ўлимни барибир рисоладагидек уюштира олмаслигим аниқ. Фақатгина бир йўлим қоляпти. У ҳам бўлса — қотиллик.

Мен режа туза бошладим ва майнинг охириги чоршанбасида имконият келишини тушуниб етдим. Ўша ҳафтанинг пайшанба ва жума кунларига Чикагода муҳим кенгаш режалаштирилган эди. Йирик мижозларимиздан бирининг реклама кампаниясига бағишланган кенгашда иштирок этишим шарт эди. Каренни ўзимга ёрдамчи сифатида сафарга бирга олиб кетадиган бўлдим.

Тузган режам бўйича мен соат учда Чикагога кетадиган поездга чипта оламан. Карен икковимиз туш пайтида ишхонадан бирга чиқиб, Марказий Вокзалга йўл оламиз. Кейин Карен Марказий Вокзалга кетади, мен эса сохта мўйлов ёпиштириб, кўполдан-кўпол кўзойнакни тақаман, шляпа ва пальто кияман-да, 125-кўчадаги бекатга бориб, 12:55даги поездга ўтираман ва Коннектикутдаги уйимга бораман. 2:10да бекатдан унча узоқ бўлмаган уйимга етиб бораман. Икки ҳафта илгари Ист-Сайдда шубҳали эски-туски сотувчидан харид қилган ўттиз иккинчи калибрли тўппончам билан Женисни ўлдириб, гўё босқинчилик содир бўлгандек кўриниши учун уйни ағдар-тўнтар қиламан. Сўнгра соат бешдаги поездда шаҳарга қайтаман, хилватроқ

жойда ўтириб, 00:45да Чикагога учадиган самолётни кутаман. 3:40да аэропортда бўламан, 8:40да эса Каренни вокзалда кутиб оламан. Биз Нью-Йоркка самолётда кетишимизни айтиб, қайтишга олган чипталаримизни топширамиз. Натижада кўлимда темирйўл компанияси томонидан берилган расмий қоғоз бўлади. Бу бизни ҳар қандай шубҳалардан ҳимоя қилади. Дафн маросимидан сўнг Каренга уйланаман ва биз бахтли яшаймиз.

Шу тариқа, айтилган куни мен жомадонимни олиб ишга бордим. Туш пайтида Карен билан ажралишдик. Мен йўл-йўлакай пальто ва шляпа сотиб олиб, 125-кўчага шошилдим. Жомадонни юк сақлаш камерасида қолдирдим, поездга чиқдим, ҳожатхонага кириб сохта мўйлов билан кўзойнак тақиб чиқдим.

Соат 2:15да поезддан тушдим. Куннинг бу вақтида бекат бўм-бўш бўлади. Йўлда бирорта ҳам танишимни учратмадим.

Женис меҳмонхонада, пули ҳали тўлиқ тўланмаган янги диванда ўтирар эди. У аввалига мени танимади. Кўзойнак ва шляпани олганимдан кейингина, қичқириб юборди:

- Мен бўлсам сени Чикагодасан, деб ўйловдим!
- Мен Чикагодаман.
- Мўйлов сенга умуман ярашмабди.
- Ошхонага кир, Женис.

Режамга кўра, ўғри орқа эшикдан ошхонага кирган, Женис шовқинни эшитиб борганида, талончи уни отиб ташлагандек бўлиб кўриниши керак эди. Женис кўзларини катта-катта очиб, менга тикилди:

- Фредди, нималар қиляпсан?
- Ошхонага кир, Женис, — қайтардим мен.

Бирдан унинг кўзлари қувончдан порлади:

— Фредди, азизим! — кичқирди у. — Менга янги идиш ювадиган машина сотиб олдингми?

Аммо ошхонага етгач, у хайрон бўлганча менга ўгирилди:

— Идиш ювадиган машина йўқ-ку...

Мен унга қарата ўқ уздим, аммо мўлжалга теккизолмадим. У энди ўзининг даҳшатли чинқириқларидан бирини намойиш қилиш учун оғиз жуфтлаган пайтда иккинчи ўқимдан йиқилди.

Нақ уч сония жимжитлик чўкди. Тўртинчи сонияда эса бошим тепасидаги эшик қўнғироғи сукунатни бузиб, жаранглаб кетди. Мен даҳшатдан қотиб қолдим ва нима қилишимни билмай, “Балки келган одам қўнғироқ чалавериб, зерикканидан қайтиб кетар” деган илинжда кута бошладим. Кейин эса Жениснинг ҳовлида турган машинаси унинг уйда эканлигини билдиришини, эшикни очмасам, келган одам шубҳаланиб, қўшниларни ёки полицияни чақириши мумкинлигини ўйлаб қолдим.

То мен тараддудланиб, эшикни очгунимга қадар, яна қўнғироқ овози янгради. Мен тўппончани шоша-пиша чўнтагимга солиб, эшик олдига бордим. Эшикни очиб, эскигина кулранг костюм ва оқ кўйлак кийган, хаворанг бўйинбоғ таққан савдо агентини кўрдим. У оғзи қулоғи етгудек бўлиб илжайди.

— Хайрли кун, сэр. Уй бекаси билан гаплашсам бўладими?

— У касал, — жавоб қайтардим мен овозимга ясама бўғиқ оҳанг бериб.

— У ҳолда ўзингиз менга икки дақиқа вақт ажратарсиз?

— бидирлади у.

— Узр, менинг вақтим зикрок.

— Сэр, бу сизни кизиктиришига ишончим комил. Мен ишлайдиган компания ҳар бир фарзандли оилани ўйлайди.

— Менинг фарзандим йўқ.

— Шунақами? — бир зумда унинг юзидаги табассум йўқолди, аммо кейин янада самимийроқ жилмайишга уринди. — Сэр, агар билсангиз бизнинг компания фақатгина фарзанди борлар учун ишламайди. Қисқаси, мен савдо агенти эмас, балки “Энг оммабоп қомус” нашриёти ходимиман. Айни вақтда биз маҳаллий бозордаги эҳтиёж ва талабларни ўрганиш билан шуғулланаямиз ва...

— Кечирасиз-у, бу мени кизиктирмайди, — дедим унинг сўзини бўлиб.

Тўғри-да, бекорчи гапларга кимнинг вақти бор, ахир ишимни охирига етказишим, бутун уйни ағдар-тўнтар қилишим, жавонлар ва кийим шкафидаги нарсаларни сочиб ташлашим, кейин поездимга ҳам етиб олишим керак.

Эндигина ётоқхона томон қадам ташлаганимда телефон яна жиринглади. Мен иккиланиб қолдим. Жавоб берайми ёки йўқми? Бу сафар ҳам худди олдинги сабабларни ўйлаб, қўнғироққа жавоб беришга қарор қилдим. Гўшакни кўтариб, саломлашганимдан сўнг, бир аёлнинг ниҳоятда жозибадор нафис овози эшитилди:

— Сэр, биз “Мажилл” компаниясининг статистика бўлимидан безовта қиялпмиз. Сиз ҳозир телевизор кўряпсизми?

— Йўқ!

Мен гўшакни жаҳл билан жойига қўйдим ва ётоқхона томон кетдим. Жавонларнинг ғаладонларини биринкетин суғуриб олиб, ичидагиларни ерга ағдара бошладим. Тўғри, мен бармоқ изларим қолиши ҳақида ўйламасдим ҳам. Ахир ўзимнинг уйимда бармоқ изларим бўлиши табиий ҳол-ку! Полициячилар эса босқинчини қўлқопда кирган деб тахмин қилаверади. Учинчи ғаладонни ағдариб, уч жуфт узук ва эскигина соатни чўнтагимга солган пайтимда, яна эшик қўнғироғи жиринглади.

Мен хўрсинганча, эшикни очгани кетдим. Бу сафар ташқарида юзига бемаъни табассумни ниқоб қилиб олган паст бўйли бақалоқ хоним турарди.

— Са-лом! — деди у мени кўриб, эркаланган оҳангда.
— Мен Мэригольд Лэйнда яшовчи Тернер хонимман. Штат протестантлик черкови учун автомобил лотереяси сотиб юрибман.

— Менга лотерея керакмас, — жавоб қайтардим мен ва эшикни ёпиб қўйдим.

Мен ётоқхонага қайтиб, ишимда давом этдим. Жавон ва пардоз столчасини бир ёкли қилиб, кийим шкафларига ўтмоқчи бўлиб турганимда телефон жиринглади. Телефон қўнғирогининг овози бунчалар баланд ва кулоқни қоматга келтирувчи, яна хунукдан-хунук бўлишини илгари ўйламаган эканман. Гўшакни кўтаришим билан, кулоқларим ичида эркак кишининг ўктам овози янгради:

— Салом, Энди!

— Энди, дейсизми?

У яна қайтарди:

— Салом, Энди!

— Сизга ким керак ўзи?

— Энди керак-да!

— Рақамни нотўғри терибсиз, — дедим ва гўшакни қўйдим.

Айни шу пайт эшик қўнғироги жиринглади. Мен эшик томон отилдим ва эҳтиёткорликни ҳам унутиб, ланг очдим. Эшик олдида сочларига оқ оралаган, қаддини тик тутган ва қиёфасидан димоғдорлиги сезилаётган киши турарди. То нималар бўлаётганини идрок қилгунимча, қора портфелли бу кимса зип этиб ёнимдан сирғалиб ўтди ва меҳмонхонага кириб, атрофга аланглай бошлади.

— Ажойиб! Меҳмонхонангиз жудаям шинам экан!

— Ҳой, сиз кимсиз ўзи?

У менинг гапиришимга ҳам қўймай, бидирлаб кетди:

— Мен Сэмсонман. “Энг оммабоп қомус” нашриётидан каелдим. Дилбар бекамиз кўринмайдиларми?

— У касал, — жавоб қайтардим. — Унга шўрва пиширяпман. Товуқ... ҳалиги... шўрва! Балки бошқа сафар...

— Тушунаман, — деди жаноб ва худди ниманидир ўйлаётгандай қовоқ уйди, сўнгра илжайди: — Сэр, сиз шўрвангизни пиширавериинг. Унгача мен тақдимот учун ҳамма нарсани тайёрлаб қўяман.

Кўз очиб-юмгунимча, у диванга жойлашиб олди. Оғзимни очишга улгурмасимданоқ чаққонлик билан портфелини очди. Иккала қўлини елкасигача портфели ичига тикиб, икки даста қоғоз чиқарди. Кейин эса портфелидан турли рангдаги қоғозларни дасталаб ола бошлади. Қоғозларнинг бир дастасида қора рангда катта харфлар билан “ҚУТУЛИНГ!” деб ёзилганди. Яна

бирига қизил рангли ҳарфлар билан “ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ!” деб ёзилганди. Учинчисида эса “УРИНИБ КЎРИНГ!” деган ёзув турарди.

Жаноб Сэмпсон энгашди ва пишиллаганча қоғозларни гиламга бир текис қилиб териб чиқа бошлади.

— Бу бизнинг янги дастуримиз, — тушунтирди у жилмайганча ва энгашиб имкони борича кўпроқ қоғоз ёйишга киришди.

Мен эса турган жойимдан кимирлаёлмай, қаккайиб қолгандим. Чунки бу чақирилмаган меҳмон ўтирган дивандан атиги беш футча наридаги ошхонада хотиним Женис жонсиз ҳолда ётарди. Ётоқхона ағдар-тўнтар қилиб ташланган, бу ердан жуфтакни ростлаб, ўз поездимга етиб олишим учун бир соатчадан камроқ вақтим қолганди. Ҳали тўппончамни ҳам шу яқин-атрофдаги чиқинди қутисига ташлашга улгуришим керак. Кейин эса Чикагога учаман ва соҳибжамол севгилим Каренни кўраман. Манави томи кетган тўнка эса менга бемаъни китобини ўтказишга уриниш билан овора!

Мен хотиржамлик билан дедим:

— Йўқолинг.

Сэмпсон илжайганча менга қаради.

— Тушунмадим?

— Қорангизни ўчиринг, — қайтардим мен.

У лабларини чўччайтирди:

— Лекин, ҳалиги... сиз...

— Йўқолинг! — дедим бу сафар баландроқ овозда ва кўлим билан эшик томон ишора қилдим. — Тезроқ уйимдан даф бўлинг!

Қарасам, у “Биласизми, ҳалиги... мен...” деб

минғирлаяпти. Шунда бор овозим билан бақирдим:

— ЙЎҚОЛ!!!

Мен унинг қоғозларини йиртиб, соча бошладим. Сўнгра эшикни очдим-да, қоғозлардан қўлимга сиққанича олиб, ташқарига сочиб юбордим. Оёғим остига тушганларини тешиб, ташқарига чиқариб ташладим. Даҳшатдан тили калимага келмай қолган жаноб Сэмпсон кўчага қочди.

Мен югуриб ётоқхонага кирдим, кийим шкафини синдиришга тушдим, кейин каравотга ўтдим. Ўрин-кўрпаларни ҳам бурдалаб бўлгач, хона ўртасига туриб олдим-да, бугунги меҳнатимнинг “ҳосили”ни томоша қила бошладим. Шу лахзада эшик кўнғироғи жиринглади. То эшикка етиб боргунимча, кўнғирок сабрсизлик билан яна бир марта жиринглашга улгурди. Яшил рангли хизмат кийимидаги ихчамгина гавдали киз ширинликлар солинган қути кўтариб турарди.

— Биз ҳамма нарсани сотиб олдик, қизим, — дедим майинроқ гапиришга уриниб ва эшикни ҳам тарақлатмай ёпдим.

Яна телефон жиринглаб қолса бўладими?! Гўшакни кўтаришим билан, аллақандай эркакнинг бақириғидан кулоқ пардаларим ёрилиб кетай деди:

— Салом, қўшни! Мен “Кўнгилочар дастур”дан Дэнг О’Тулман. Дастуримизда қатнашишни хоҳлайсанми?

У бир нарсаларни гапира кетди, лекин мен бамайлихотиргина гўшакни қўйиб қўйдим. Кейин полиция кўриши керак бўлган манзарани тасаввур қилдим. Ошхонада хотинимнинг жасади чўзилиб ётибди, уй остин-устин бўлиб кетган. Фақат ошхона эшигидаги кулфни бузсам, кифоя...

Ошхона эшиги олдида атрофга қулоқ солдим, аммо ҳаммаёқ жимжит эди. Мен эшикни очдим ва остонада қўлида бўш идиш кўтариб турган қўшни кампирни кўрдим. У менга ҳайратланиб қаради, кейин эса нигоҳини ошхонада ётган жасадга қаратди. Кампирнинг кўзлари катта очилди, қўлидаги идиши ерга тушди ва орқасига карамай қочишга тушди.

Бейхтиёр оёқларим букилиб, деворга суянганча ўтириб қолдим. Шу ўтиришда узок ўтирдим. Бу орада уйимга турли одамлар келиб-кетишди: аҳолини рўйхатга олиш хизмати ходими, почтачи, кирхона хизматчиси, темирйўл компанияси ходими, кимёвий тозалаш хизмати ходими, маҳаллий мэрликка номзоди қўйилган вакил, эски-туски қоғозларни тўплаб юрган болалар, хайрия учун пул йиғиб юрган кампир, коллежга кириш учун пул тўплаш мақсадида журнал сотиб юрган йигитча, манзилидан адашган беш-олти нафар йигит ва, ниҳоят, полициячилар...



Гилберт Кит ЧЕСТЕРТОН



Англиялик ёзувчи ва журналист Гилберт Кит Честертон 1874 йили 29 май куни Лондоннинг Кенсингтон туманида тугилди. У Англиядаги энг яхши бадиий санъат муассасаси бўлган Слейд мактабида ўқиди ва Лондон университетининг коллежи қошидаги адабиёт

курсларида таҳсил олди.

Честертон 1890 йилда отасининг кўмаги билан биринчи шеърлар тўпламини нашрдан чиқарди. У 1896 йилдан то 1902 йилгача Redway ва T. Fisher Unwin нашриётида ишлади. 1900 йилда ундан санъатга даҳлдор танқидий мақолалар ёзиб беришини сўрашди, шу тариқа ёш рассомда публицистикага иштиёқ уйғонди. Честертон 1902 йилдан “Daily News” нашрида ҳафталик туркум мақолалар билан чиқа бошлади, 1905 йилда “The Illustrated London News” нашрига ўтди ва бу ерда 30 йил меҳнат қилди.

Честертон 1901 йилда Фрэнсис Блогга уйланди. Фрэнсис унинг биринчи ва бир умрлик ягона муҳаббати бўлиб қолди. Гилберт Кит Честертон 1936 йилнинг 14 июнь куни Биконсфилд (Буюк Британия)да оламдан ўтди.

ЁҒОЧ ҚИЛИЧ

Мақтаб ёнида ивирсиб юрган етти ёшли болакайнинг кўлидаги ёғочдан ясалган қилични кўриб, Трайон барча даврларнинг болалари ўзларига шунақанги ўйинчок ясашлари ҳақида ўйлаб қолди.

— Жереми, — ҳазиллашиб деди Трайон, — сен борган сари қилич ясашга уста бўлиб кетяпсан-а! Қиличингни тиғи ўта ўткир эмас, аммо бирор хонимни қутқаришга чоғланганингда, ундан яхши қурол топилмайди. Бундай қилич билан ҳатто афсонадаги паҳлавонни ҳам кулатишинг мумкин. Билиб қўй, қалби тоза ва жасур одам ҳар қандай паҳлавонни енгишга қодир. Жаҳлдор ва пакана одам эса ўзи калтак ейиши тайин. Аммо сен яхши боласан, кўлингдаги қиличинг ҳам яхши. Фақат бир нарсани унутма, — Трайон шогирдининг сочларини тўзғитиб қўйди. — Қиличинг тиғидан ушлаганингда, у жудаям кучли бўлади.

У ёғоч қилични боланинг кўлига тўғри ушлатиб қўйди-да, текис йўлдан шахдам юриб кетди. Болакай қиличини чангаллаганча, ўйинни ҳам унутиб, унинг ортидан тикилиб қолди.

Трайон ортидан қадам товушини эшитганида, у Жереминики эмаслигини даррров тушунди. Ўгирилиб қарагач, ўзининг янглишмаганини тушунди. Ҳақиқатан ҳам ўқувчиси узоқларда қолиб кетган, югуриб келаётган

кимса эса қандайдир қиз эди. Қиз ўта сипо ва оддий кийинган, кийимининг ёқасига бириктириб тикилган қалпоғи остидан тилларанг жингалак сочлари чиқиб турарди. Трайон бир қарашдаёқ қизнинг сочлари аслида анчагина тўқроқ рангли ва силлиқ бўлганлигини тушунди. Агар ранги оқариб кетганини ҳисобга олмаса, қизнинг бошқа эътиборни тортадиган жиҳати йўқ эди.

Аммо қизнинг ортидан тез яқинлашаётган кимса эса шубҳасиз қилич тутган Жеремидан анчагина даҳшатлироқ эди. Ҳали ёришиб турган осмон фонида қорайиб кўринаётган новчагина кимсанинг кенг соябонли шляпаси патлар билан безатилган, жингалак сочлари елкасига тушарди. Турган гапки, у сэр Гай эмаслиги аниқ эди. Сэр Гайнинг кокиллари белигача етиб қолган, шляпасини эса бошқача қушлари бўлмагани учун ҳам хўроз патлари билан безатарди. Аммо у ҳеч қачон бунақанги ҳовлиқиб юрмайди. Саройда яшовчилардан фарқли ўларок, Сомерсет аҳолиси бунақанги хатти-ҳаракатларга кўникишмаганди.

Югуриб келаётган қиз тилга кирганида эса, Трайон баттар ажабланди.

— У билан жанг қила кўрманг! У ҳаммани енгди — сэр Гайни, ўғилларини... — қиз унга бошдан-оёқ кўз югуртириб, хитоб қилди. — Вой, қиличингиз қани?

— Қиличим менинг этигимга тақилган темир тепкиларим ёнида қолиб кетибди, хоним, — хушхандонлик билан жавоб қайтарди у. — Мен уларни жангда топишим керак.

— Уни ҳеч ким жангда енга олмайган! — нолиди қиз ингичка овозда.

Трайон жилмайди ва ҳассасини кўтарди.

— Қиличи йўқ одамни жангда енгиш мумкин эмас! — деди у тантанавор оҳангда.

Қиз унга бокқанида, Трайоннинг назарида вақт тўхтаб қолгандек бўлиб туюлди. У ўзини ўнглаб олгунича қиз ён томонга отилди-ю, хуркак охудай кўздан ғойиб бўлди. Юз қадамча наридаги буталар орасидан бир кўринди-ю, тўхтади ва атрофига аланглади.

Айни шу дамда энди ўқишнинг ҳожати қолмаган мактабидан кўнгил узиб кетолмаётган Жереми Бент олға интилди. Шу билан ҳеч ким кўрмаган ажабтовур жанг содир бўлди. Ўткир қилич фақатгина ўзини ҳимоялаш мумкин бўлган ягона қурол билан тўқнашди.

Тиниқ осмонда қуёш саҳий нурларини сочади, аммо салқин шабада этларни жунжиктиради. Шоирона қалб соҳиби бўлган Трайон эса айни шу дамда бу ажиб манзараларни идрок этмасди ҳам. Ҳозир дунё гўзаллиги унинг учун тез орада ғойиб бўладиган рўёдек кўринарди. У яхши қиличбоз эди, аммо хужум қилишнинг иложи бўлмаган вазиятда ҳеч ким узоқ дош беролмайди, боз устига, унинг рақиби ҳаёт-мамот жангига киришгандек эди, гўё.

Деннис Трайон фусункор инглиз ерини ва ажиб инглиз осмонини бор малоҳати ила кўриб турарди. У севган одамларнинг бари табиатни шундай кўз билан кўришарди. Англиянинг буюк шоирлари, Чосердан

тортиб Драйденгача, ҳозирги шеър ёзувчиларда учрамайдиган буюк санъат соҳиби эдилар — улар табиатни таърифлашмас, балки кўрсатиб беришарди. “Тўдалашинг, булутлар!” деган сатрни ўқиганда, шубҳасиз патсимон эмас, балки тўп-тўп булутлар ҳақида гап кетаётганини билиб оласиз. Мильтоннинг шеъридаги маликанинг қасри паҳмок дарахтлар орасидан кўринаётганини ўқиганда эса дарров худди осмонни супураётгандек кўринувчи баҳордаги ёки куздаги барги тўкилган дарахтларни кўз олдингизга келтирасиз.

Трайон ҳам шу тариқа беихтиёр бир ёқ биқини пуштирангбулутчалар тепаликлар устига уюлаётганини, сокин ўрмон эса мовийликка чўмиб кетишдан аввал кулрангдан нафармон тусга ўтишини кўз кири билан илғарди. Қора пат тақилган шляпа кийган ажал унга ялтироқ ўқларини отар, шу дамда дунё унга ҳар доимгидан-да азизроқ кўриниб кетарди.

У рақибининг ҳар бир ҳужумини қайтараркан, илгариги дўстона жанг қилганларини эсларди. Ажалнинг ялтироқ ниши унинг юрагига етиб бормай, тирсагининг ёнгинасидан ўтиб кетганида, у Темза ёқасидаги ўтлоқни кўрди. Қуёш нурлари кўзларини қамаштирганида эса Мертондаги майсазорни шунақанги аниқ-тиник кўрдик, назарида худди оёғи остидаги оппоқ йўлдан ўтлар бош кўтаргандек бўлиб туюлди.

Аммо у бошқа нарсани ҳам кўрди. У қиличи бўлганида, аллақачон рақибини таслим қилган бўлиши мумкинлигини аниқ тушуниб турарди. Агар қиличи

бўлганида эди, худди бўрсилдоқ нонни кесгандек осонгина уни бир ёқли қиларди. Унинг жонини ўзининг чаққонлиги асраб қолди, рақибини эса Деннис фақат ҳассаси билан жанг қилаётгани кутқарди. Трайоннинг ақли аниқ ва тўғри ишлар, бирданига иккита шахмат тахтаси устидаги жангда юта оларди. Мана ҳозир, жанг қилаётиб ҳам, олим-ўқитувчи иккита фикрдан учинчи мантиқий яқун чиқаришга уринарди. Хулоса аниқ эди: агар рақибини унинг қўлида ҳам қилич бор деб ўйласа, демак у — ёмон қиличбоз. Агар у Трайоннинг қўлидаги нарса шунчаки ёғоч эканини билса, демак у ёмон одам.

Ва, Трайон иккала ҳолат учун ҳам тўғри келадиган яқун чиқарди — керакли хужумни эслади-да, рақибининг тирсагини ички тарафидан ўрди ва унинг қўли жонсиз осилиб турганидан фойдаланиб, қўлидаги қуролини уриб туширди. Рақибини қиличсиз ожиз ва нотавон бўлиб қолиши шундоққина башарасидан кўриниб турарди.

— Пасткаш ва манфур одамни таёқ билан уришади, — деди ўқитувчи насихатомуз оҳангда ва қуролсиз рақибини таёғи билан уч марта урди-да, йўлига равона бўлди.

У рақибини кейин нима қилганини кўрмади, аммо олтинранг сочли қиз ва бошқаларнинг хатти-ҳаракатларидан жудаям ажабланди. Деннис яна йўлга тушганида, оломон ҳайқириб юборди, бир нечта бойваччалар эса шляпасини силкитишди. Энг қизиғи, ҳамма, ҳатто қиз ҳам худди буюк ғалаба ҳақида хабар бермоқчидек қаёққадир физиллаб кетишди.

Трайон кейинги қишлоққа етганида ҳар бир деразадан камида ўнтача бош қараб турар, аёллар унинг йўлига гуллар сочишарди. Деворлари бургут бошли, арслон гавдали баҳайбат қанотли маҳлуқ – грифонларнинг тош ҳайкаллари билан безатилган боғнинг эшиги олдида уни бадавлат заминдор кутиб олди. Донғи кетган заминдорнинг ўзи ҳам худди грифонлар сингари ҳам бургутга, ҳам арслонга ўхшарди. Унинг арслонники сингари хурпайган сочлари оппоқ, бургут тумшуғисимон бурни эса кўнғир тус олганди. Даставвал уни кўрган ўқитувчи чўчиб ҳам кетди, аммо заминдор унинг қўлини шунақанги қизғин ва миннатдорлик ила қисдики, юрагидаги шубҳалари тарқалиб кетди.

Бўлғуси ўқувчилари унга меҳр тўла кўзларини тикиб туришарди. Трайон эса болақайларга қараб, қачонлардир лотин ва юнон тилларини ўрганиб олишларидан умид ҳам қилолмаслигини, аммо уларнинг ҳар бири ўзини кегли таёқчалари билан уриб йиқитишлари мумкинлигини тушунганди.

“Жуда қизиқ, — деб ўйларди у. — Мен ёмон қилич тушмадим, аммо ўта қойиллатмадим ҳам, илло Смит ва Уилтон мендан ўзиб кетган бўлишарди. Мен таёқ билан уриб енгган одам сэр Гай ва унинг ўғилларини жангда енгиши сираям мумкин эмас. Менимча, бу шунчаки бойваччаларнинг ҳазиллари бўлса керак”.

Шу сабабли ҳам у мақтовларга унчалик эътибор бермас, ҳатто ўзини сидқидилдан мақтаётганларига шубҳалана ҳам бошлаётганди. Сэр Гай ва унинг

ўғиллари худди Жереми исмли болакай сингари унинг тимсолида ўлкани махлуклардан озод қилган афсонавий рицарни кўришаётгани аниқ.

Деразалардан қараётган одамлар бойваччалар эмас, серхашам равоқлар ҳам ҳазилга ўхшамайди. Уни ҳақиқатан ҳам қахрамон сифатида қабул қилишганди, аммо негалигини у англаб етолмасди.

Учта нарса унга буларнинг ҳақиқат эканлигини англади. Биринчидан, унинг ўқувчилари жон-жаҳди билан ўқишга ҳаракат қилишарди. Энг катта ва бўйи баланд бола Хэмфри уч марта кетма-кет quis ни турлади, фақат тўртинчи мартадагина янглишиб кетди. Жефрининг *tingo* ва *figo* ни фарқлашга бўлган уринишдаги саботига тошлар ҳам тан беришарди, кенжатой Майлс эса бечора *ferre* феълига ёпишиб олганди (бу лотиинчада “ўйлаб топаман”, “уқаман”, “элтаман” деганини билдирарди) Уларнинг бундай уринишларида Трайон болалар ва ёввойиларнинг ғолибларга бўлган унсиз ҳурматини англади. Бу даврларда инглиз зодагонлари кўпол ва манман эмасдилар, биз спорт деб атовчи нарсага топинмасдилар, ундан фақат завқланардилар, холос. Аммо ўғил болалар доимо бир хил бўлишади, уларнинг севимли спорти — қахрамонга қойил қолиш ҳисобланади.

Иккинчидан, уни сэр Гайнинг ўзи ҳурмат билдиргани ҳайратда қолдирди. Заминдор унчалик ёқимтой одам эмасди. Арслонникидек ҳайбатли ўктам чехрасини даҳшатли чандиқ кесиб ўтганидан кейин хунуклашиб

кетган, жанговар ютуқларга эришиш орзулари чиппакка чиққанидан кейин самимий феъли ҳам, тили ҳам ёвузлашиб, ваҳшийлашиб кетганди. Аммо Трайон иш бошқача тус олганида, заминдор ўзига нисбатан ҳурматини ҳам, жаҳлини ҳам кўрсатмаган бўлишини тушунарди.

— Қирол қайтди, — ғижиниб деди Гриффин, — аммо бундан фойда бўлмади. У француз фоҳишаларини олиб келди, улар эса сахнада худди ўғил болалардек ирғишлаб ўйнашади. У мени ва бошқаларни енгган товламачиларни олиб келди, бахтимизга, униям бир ёқли қиладиган мард топилиб қолди.

Шу сўзларни айта туриб, Гриффин Трайонга қараб, ҳазин табассум қилди.

— Наҳотки ўша жаноб сарой айёнларидан бўлса? — тортинибгина сўради Трайон.

— Албатта, — деди сэр Гай. — Унинг юзини кўрдингизми?

— Унинг кўзларига тик қарадим, — деди Трайон.

— Аёллардек бўяниб олганини-чи! — ижирғаниб деди Гриффин. — Ҳозир Лондонда нималар қилишаётганини кўрдингизми? Унинг сочлари ҳам ўзиники эмас. Аммо у зўр жанг қилар экан, буни тан олишим керак. Биз ундек жанг қилишни билармидик ўзи?

Айниқса, тилларанг сочли қиз — Дороти Гуднинг ўзини тутиши Трайонни кучлироқ ишонтирарди. Дороти руҳонийнинг қизи бўлиб, кўрғонга тез-тез келиб турар, аммо ўқитувчидан ўзини олиб қочарди. Тўғри, ўзи ҳам

тортинчоқроқ эди ва нозик туйғулари қиз уни ҳақиқий қахрамон деб ҳисоблашини билдириб турарди. Агар буларнинг бари ҳазил бўлганида, аллақачон унга соҳибжамол аёлни рўпара қилишар, у шунчалар ажойиб бўлардики, вазифасини қойиллатиб уддаларди. Аммо бу қиз роль ўйнаётганга ўхшамайди, Трайон эса баъзан бундан афсусланаётганини пайқаб қолади. Қутилмаганда у қиз қўшни хонада сэр Гай билан гаплашаётганини эшитиб қолди:

— Ҳамма уни жодугар деб ўйлайди. Аммо жаноб Трайоннинг пок қалбли ва меҳрибон инсон бўлгани учун ҳам Тангрим уни ўзи қўллаган...

Бир куни Деннис бутун жасоратини йиғиб, қизни тўхтатди-да, уни хавфдан огоҳ қилгани учун миннатдорчилик билдирди. Қизнинг нозиккина гўзал чеҳрасига қўркув инди.

— Мен буни билмагандим, — деди у. — Сизнинг шайтон билан жанг қилишингизни билмагандим.

— Мен унинг кимлигини ҳозир ҳам билмайман, — деди Трайон. — Мен инсон билан жанг қилганман. Устига-устак, у унчалик жасур ҳам эмас.

— Ҳамма уни шайтон дейди, — соддадиллик билан эътироз билдирди қиз. — Отам шундай дейдилар.

Қиз қочиб кетди, Деннис эса ўйланиб қолди. У қанчалик кўп ўйлагани сари, унинг жанги ҳақидаги ҳикоя ёвуз жодуни чилпарчин қилган жасур рицарь ҳақидаги афсонага эврилиб борарди.

Ака-укаларнинг кенжатоийи, доим дарё ёқасида ўйнаб

юрадиган Майлс дехқонлар бир вақтлари жодугарлар чўктирилган қўлтиқ томон кетишганини айтди. Акаси Хэмфри эса бунга жавобан одамларнинг шунчаки бекорчиликдан боришаётганини, башарасига бўёк чаплаган келгинди аллақачон Лондонга кетганини айтди. Бир соатлардан кейин эса Жеффри жодугарни Солсбери йўлида тутиб олишгани ҳақидаги хабарни топиб келди.

Қизиқиш ва хавотирдан ичи қизиб кетган Трайон дарвозадан ташқарига чиққанида, болакайнинг гаплари ростлигини тушунди. Иккала қишлоқ кўчалари сув куйгандек жим-жит, кимсасиз бўлиб, деразалардан ҳам ҳеч ким қарамасди. Одамлар эрта саҳарда қайтишди ва сеҳрланган қиличи бор кимсани ҳам тутиб келишди.

Исённи сираям кўрмаган ҳозирги инглизлар жодугарни тутиб олган оломон қанчалар жўшиб-тошишини сираям тасаввур қилолмайдилар. Водийда яшовчилар учун у ҳақиқий дўзахдан чиққан бало, дажжол эди. Бизнинг давримизда жодугарларга фақат оми кампирларгина ишонишади. Водий аҳли учун эса жодугарнинг устидан ҳукм чиқариш меҳрибон фаришталарнинг Иблисга қарши жангга отланганидек бўлиб туюларди. Дороти Гуд оломоннинг қаҳридан кўрқиб, Денниснинг қўлидан ишонч ва назокат билан маҳкам ушлаб олди. Аммо кўнгли бўшгина қиз жодугарга ачинишни хаёлига ҳам келтирмасди.

Жодугар соҳил бўйида турарди. Унинг қўлларини боғлашди, аммо қиличига тегишмади. Бошидаги ясама

сочи учиб тушди ва унинг арчилган тухумдек дум-думалоқ бошини кўрганларнинг баъзилари даҳшатдан кўзини четга олиб қочишга шошилди. Одамлар кўлларида бор нарсаларни жодугарга отишарди. Ҳатто кичкинтой Жереми ҳам кўлидаги ёғоч қилични унга томон отди, аммо боланинг қиличи жодугар тегмай, балки одамлар уни улоқтиришни мўлжаллаётган дарёга тушди.

Айни шу яшиндек ёрқин тонгда одамлар аслзодалик ва инсонларни ажратишга чидашига сабаб бўладиган ўша ноёб, аммо ўта сезиларли кайфият ҳосил бўлди. Сэр Гайнинг чандиқ туфайли хунуклашиб кетган юзи иргангандек қийшайди ва у ўғилларига ўгирилиб, қатъий товушда деди:

— Биз уни кўрғонга соғ-омон олиб кетишимиз керак. Барингиз қиличингизни яланғочланг!

— Нима учун? — сўради Хэмфри.

— Шунинг учунки, у бизнинг кўлимиздан қиличимизни уриб туширган. Аммо барибир қиличимиз кўлимизда!

Сэр Гай шундай дея узун қиличини кинидан чиқарди.

— Ўғилларим! — хитоб қилди у. — Бу кимса жодугарми ёки йўқлиги фақат Яратганга аён. Аммо бизни енган одамга қарши тўқмоқ кўтарган оломонга қарши чиқиш бизга ярашармикан? Уни ўраб оламиз ва олиб кетамиз.

Яланғочланган қиличлар жодугарнинг атрофида ўткир учли тўсиқ бўлиб бирлашди.

Ўша замонларда оломон ҳозиргига нисбатан жасурроқ

бўларди, хўжайинлардан унчалик кўркмасди ҳам. Аммо Гриффинларни мардлиги учун ҳурмат қилишарди, боз устига кучлар ҳам тенг эмасди. Сэр Гайнинг қиличи манави нотаниш кимсанинг биқинидаги қинда осилиб турган қиличдан бошқа биронтаям ғолибни билмасди.

Аммо қон тўкилишидан олдинроқ асир тилга кирди.

— Агар биронтангиз марҳамат қилиб қўлингизни менинг чўнтагимга солганингизда эди, жангсиз ишни ҳал қилган бўлардик, — деди у хотиржам ва совуққонлик билан.

Ҳамма жим турарди. Одамлар шайтондан кўркмай, қўлини нотанишнинг чўнтагига соладиган мард ўртага чиқишини кутарди. Дороти ҳам ўша ким бўлиб чиқишини интиқиб кутарди. Шунда Деннис олдинга интилди. У жодугарнинг чўнтагидан икки букланган қоғозни чиқарди, уни очди ва ичида ўқий бошлади. Аста-секин унинг юзида ҳайрат ифодаси пайдо бўлди. У учинчи жумлани ўқиётиб, бош кийимини ечди. Оломон жимгина унга тикиларди. Орага оғир сукунат чўқди.

— Бу хатни овоз чиқариб ўқий олмайман, чунки у Қиролнинг мактуби, — деди ниҳоят Трайон. — Ҳазрати Олийлари табиий фалсафа асосчиси ва табиий фанлар билимдони лорд Фрэнсис Бэкон барон Веруламнинг таклифи билан сэр Годфри Скинига энг қадимий илмий жамият — Қироллик жамияти томонидан тайёрланган янги қилични синаб кўришни топширган. Бу қиличнинг тиғи магнитланган, шу сабабли ҳам олимларнинг фикрича, ҳар қандай қуролни рақибнинг қўлидан уриб

АДВОКАТ

Эндигина ўн саккизга кирган малласоч қизнинг жасадини топган полициячилар тор кўчанинг бурчагида туришар, уларнинг қўлчиروқларидан тушаётган нурлар қизнинг йиртилган кўйлагини, томоғидаги кўкариб кетган излар ва кўзларидаги бефойда қаршилиқдан кейинги қотиб қолган даҳшат ифодасини ёритарди.

Полициячилардан бири бошини чайқаб, деди:

— Эҳ, бу ёшлар!

Иккинчиси эса жасад топилгани ҳақида хабар беришга тутинди. Очиғини айтганда, буларни кейинроқ, ҳисобот тайёрлаётганимда билдим. Чунки ўша пайтда тунги соат икки ярим эди. Телефон жиринглаганида, чироқни ёқдим ва соат тунги икки ярим бўлганини кўрдим.

— Жин урсин! — деб тўнғилладим мен ва ярим кечаси кўнғироқ қилиб одамнинг асабини бузадиганларни боплаб сўкканча кизим Бетнинг хонаси ёнидан ўтдим. Зина бўйлаб пастга тушарканман, телефон бутун уйни бошига кўтаришда давом этарди. Телефон ёнига етиб келмасимданок, қўлимни узатиб, гўшакни олдим.

— Алло! — дедим норози оҳангда.

— Дейвмисиз? — сўради аёл кишининг ваҳима тўла овози.

— Ҳа, Дейвман, — дедим мен. — Ўзингиз кимсиз?

— Мен Марсияман. Харли қийин аҳволда.

Мен хали ҳам уйқусирардим, шекилли, аёлнинг гапини сира тушуна қолмасдим.

— Ким дедингиз? — қайта сўрадим мен.

— Харли, эрим, — деди аёл. — Полиция... энагамиз...

Гарчи узук-юлук гаплардан хеч нарсани тушунмасам-да, хар тугул кўнғироқ қилаётган аёл ҳамкасбим Харлининг хотини Марсия эканлигини тушундим ва бир зумда уйқум кочди.

— Марсия, тўхта! Тинчликми, сал тушунтириброк гапиргин-да, ахир!

— Улар айтишяптики... Харли энагамизни ўлдирганмиш...

— Нима?!

— Уни олиб кетишди. Харли сенга кўнғироқ қилишимни тайинлади. У...

— Қаерга олиб кетишди?

— Шерифнинг олдига-да! Ҳозир томим кетиб қолади! Харли... у бундай қила олмайди! Дейв, уни биласан-ку! У...

— Албатта биладан, Марсия. Ҳозироқ ўша ерга бораман. Сен хавотирланма. Кийинаман-у, жўнайман.

Кийина бошлаганимда хотиним Энн сўради:

— Қаерга кетяпсан?

— Шерифнинг идорасига. Харли ўша ерда экан. Уни болаларнинг энагасини ўлдиришда айблашаётган экан.

— Қўйсанг-чи! — деди Энн.

— Биладан. Аммо иш жиддийга ўхшайди.

— Ўзинг сақла!

Мен кийиниб, у ёқ-бу ёғимни тўғриладим. Сўнг ётоқхонага қайтиб, хотинимга дедим:

— Тезда қайтаман, азизам.

— Яхши, — деди Энн, — эҳтиёт бўл.

Йўлакка чиқиб, Бетнинг хонаси эшигини очдим. Қизим ўн олти ёшга тўлган. Мен оёқ учида юриб бориб, қизимнинг очилиб қолган кўрпасини тўғриладим, кейин пешонасидан оҳиста ўпиб кўйдим. Хонадан аста чиқиб гаражга кирдим ва машинани юрғиздим.

* * *

Етиб келганимда, шахсан шерифнинг ўзи кутиб олди ва Харли билан учрашишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқлигини айтди. Унинг адвокати эканлигимни айтганимдан кейингина, шериф оз муддатга учрашишга рухсат берди. У мени бинонинг орқа тарафидаги камераларга бошлаб борди, панжарали эшикни очиб, Харлининг камерасигача кузатиб қўйди

Шериф кетмагунича, Харли миқ этмади. Кейин кўзини менга тикди.

— Дейв, келганинг учун раҳмат!

— Нима гап? — сўрадим мен унга сигарет узатиб.

У сигаретни ютоқиб тортди-да, тутунини пуфлаб, деди:

— Мени қотилликда айблашяпти.

— Канакасига?

— Бугун тунда топилган қизнинг ўлимини менинг бўйнимга қўйишмоқчи.

— Ҳаммасини бир бошдан гапириб бер-чи!

Харли чуқур уф тортди.

— Бугун биз Марсия билан айлангани чиқдик. Кино кўрдик, озгина ичкилик ичдик. Ярим тунга яқин уйга қайтдик. Болаларимизга Шейла Кейн исмли қиз энагалик қилади. Биз келганимизда, Шейла ухлаётган экан. Марсия уни уйготди, мен унга ҳақини бердим, сўнг

машинамда шахарнинг нариги тарафидаги уйига олиб кетдим.

— Кейин-чи?

— Уни тўғри уйига олиб бордим. Машинадан тушириб, ортимга қайтдим. Сигарет сотиб олиш учун барга кирдим. Кейин уйимга кетдим, — У бир зум жим бўлиб қолди. Сўнг гапида давом этди:— Бир соатдан кейин полициячилар эшигимни тақиллатишди. Қизнинг номусига тажовуз қилиб, сўнгра ўлдиришганмиш. Шейланинг ота-онаси қизлари бизникида бўлганлигини айтишган.

— Тушунмадим, нима учун полиция сени қотилликда айбляпти?

— Ёндиргичимни қизнинг жасади ёнидан топишибди. Мен Харлига диққат билан тикилдим.

— Қанақасига?

— Шейла чекарди, — деди у елкасини қисганча. — Дейв, уўн саккизёшлиқизэди! Уйига олиб кетаётганимда, тўсатдан чеккиси келиб қолди. Унга ёндиргичимни бердим. У эса ёндиргични қайтариб беришни унутибди.

— Сигарет олгани кирган барингда бирортаси сени кўрдими?

— Билмадим. У ерда доим кино кўриб ўтиришади. Жуда қизиқ фильм бўлаётган экан. Кираётганга ҳам, чиқаётганга ҳам ҳеч ким эътибор бермаётганди. Мен эшик ёнидаги автоматдан сигарет олиб, чиқиб кетдим.

— Қизни олиб бориб қўйганингдан кейин, унинг уйига кириб кетишини кутиб турмадингми? — сўрадим мен.

Харли эслашга тиришди.

— Йўқ, — деди у нихоят.

— Илгарилари элтиб кўйганинга-чи? Унда кутармидинг?

— Баъзан кутардим, баъзан йўқ. Мен чарчагандим, Дейв. Тезроқ уйга бориб, ухлагим келаётганди. Бундай бўлишини ким ҳам билибди, дейсан?!

— Жасадни қаердан топишибди?

— Шейланинг уйидан бир неча даха наридаги кўчадан.

— Ёндиргичингни-чи?

— Унинг ёнида ётган экан. Полиция бўлса мен қизни машинадан ташлаётганимда тушиб қолган деб тахмин қиляпти. Дейв, нахотки менга тухмат қилишаётганини кўрмаётган бўлсанг?

— Шунақага ўхшайди, — дедим мен. — Ишқилиб, сени ўша барда бирортаси кўрган бўлсин-да!

— Мен уйда бор-йўғи ўн беш дақиқа йўқ бўлганман, холос. Беш дақиқа қизни уйига олиб боришга, беш дақиқа уйга қайтишга кетган. Дейв, агар шундай қилишни истаганимда ҳам бунга улгурмасдим.

— Уйда ўн беш дақиқача бўлмаганингни Марсиядан бошқа яна бирортаси биладими?

Харли бош чайқади.

— Марсиянинг ўзи ҳам билмайди. Мен уйга қайтганимда, у ухлаб ётганди.

— Сен қотилликда гумон қилиняпсанми?

— Ҳа, — деди Харли маъюслик билан — Уларга айбдор керак.

— Ташвишланма, — тинчлантирдим уни. — Балки бир йўлини топармиз.

* * *

Бу мен адвокат сифатида қатнашган энг оғир суд жараёнларидан бири бўлди. Округ прокурори ҳакамлик суди асосан аёллардан иборат бўлишига эришганди. Маълумки, аёллар номусга тажовуз қилган жиноятчидан жудаям нафратланишади. Демак, мен тўққиз нафар аёлга қарши чинга олишим керак. Суд таркибида бор-йўғи уч нафар аркак бор эди.

Суд беш кун давом этди. Округ прокурори далилларни шундай моҳирлик билан келтирдик, суднинг ҳар бир аъзоси жиноятни худди ўз кўзи билан кўргандек тасаввурга эга бўлди.

Кўрсатма бериш чоғида Харли менга айтган гапларини оддий ва аниқ қилиб қайтарди. Шундан сўнг мен унга савол беришни бошладим.

- Ёшинғиз нечада, жаноб Пирс?
- Қирқ иккида.
- Уйланганмисиз?
- Ҳа.
- Фарзандларингиз борми?
- Ҳа.
- Нечта, жаноб Пирс?
- Иккита. Ўғлим ва қизим бор.
- Ёшлари нечада?
- Ўғлим еттида. Қизим беш ёшда.
- Хотинингиз билан уйда йўқ пайтларингизда мархума Шейла Кейн энага сифатида болаларингизга қараб турармиди?
- Ҳа.
- Доим уни ёллармидингиз?
- Ҳа.

- Кейн хонимни неча марта энагаликка ёллагансиз?
- Деярли бир йил унинг хизматидан фойдаланганмиз.
- Шу пайтгача у билан бундай воқеа юз бермаган.

Агар...

- Эътироз билдираман!— кичқирди округ прокурори
- Ҳимоячи йўл кўрсатмоқда...

— Қабул қиламан!— деди судья.

— Кейн хонимнинг ташқи кўринишини айтиб бера оласизми?

Харли иккиланиб қолди.

— Мен... У малласоч эди.

— Аниқми?

— Менимча, кўзлари мовий эди. Аниқ эсимда йўқ.

— Бўйи баландмиди, пастмиди?

— Менимча, ўрта бўйли.

— Кўзойнак тақармиди?

— Йўқ. Кўзойнак тақмасди.

— Қайси манзилда яшарди?

— Билмайман. У уйини бир марта кўрсатган. Шундан кейин доим элтиб кўядиган бўлганман.

— Уни Шейла деб чақирармидингиз, жаноб Пирс?

— Ҳа, албатта.

— У сизни ким деб чақирарди?

— Жаноб Пирс.

— Раҳмат. Бўлди.

Округ прокурори менга қаради, сўнг елкасини қисди. Назаримда, у менинг мақсадимни тушунмаётганди. Тушунмаслиги ҳам аниқ эди. Мен шунчаки Харли Пирсинг хаёлида қизга яқинлашиш истаги бўлмаганини кўрсатмоқчи эдим. У марҳумани ҳатто тасвирлай ҳам

олмади. У қизнинг уй манзилини ҳам билмайди. Уларнинг муносабатлари шунчаки катта ёшли эркак ва ўсмир қизники сингари бўлган, холос.

Округ прокурори навбатдаги гувоҳни — Пирс сигарет сотиб олгани кирган “Фламинго” барининг барменини чақирди. Бармен кино бўлаётган пайтда эшикдан кўз узмай ўтирганини, ўша тунда ҳеч ким сигарет олгани кирмаганини таъкидлади. Турган гапки, у Харли Пирс ичкарига кирганини кўрмаган. Округ прокурори жилмайди ва менга ишора қилди.

— “Фламинго”да кино қачон бошланганди? — сўрадим мен.

— Ўнтакам ўн иккида, сэр, — деди бармен.

— Кино бўлаётган пайтда кўп ичимлик қуйишингизга тўғри келадими?

— Йўқ, сэр. Келганларнинг деярли бари кино кўриш билан банд бўладилар.

— Сиз эшикдан кўз узмай ўтиргансиз ва ҳеч кимга ичкилик қуймагансиз...

— Эътироз билдираман, — деди округ прокурори ўрнидан туриб.

— Кабул қилинмайди, — деди судья. — Давом этинг.

— Сиз кино кўриш ўрнига эшикка тикилиб ўтирдингизми?

— Очиги, мен ҳам кино кўраман. Вақти-вақти билан. Лекин асосан эшикка тикилиб ўтираман. Ўғрилар кўпда...

— Сигарет сотиладиган автоматга ҳам қараб ўтирганмидингиз?

— Йўқ, сэр.

— Унда сиз вақти-вақти билан кино кўраётганингизда, кимдир автоматдан сигарет олиб кетган бўлиши мумкинми?

— Ҳар қалай...

— Сиз мени ўша куни барда кўрдингизми?

Бармен кўзларини пирпиратди:

— Сизними, сэр?

— Ҳа, мени. Мўйна пальто кийган малласоч аёл билан. Кино бошланганида виски ичиб ўтиргандим. Мени кўрдингизми?

— Мен... эсимда йўқ, сэр...

— Мен ўша ерда эдим-ку! Мени кўрдингизми?

— Эътироз билдираман! — деди округ прокурори. — Ҳимоячи гувоҳни чалғитмоқчи...

— Мени кўрдингизми-йўқми?

— Малласоч аёл биланми, сэр?

— Ҳа, малласоч аёл билан. Хўш, мени кўрдингизми-йўқми?

— Малласоч аёл бор эди. Сиз унинг ёнида эдим, деяпсиз.

— Менимча... эсимда йўқ, аммо...

— Демак, сиз мени кўргансиз?

— Эслолмайман, сэр.

— Мен у ерда бўлмаганман! Сиз менинг у ерда бўлган бўлмаганимни эслолмаяпсиз-у, қандай қилиб жаноб Пирс сигарет олган-олмаганлигини айта оласиз? Яна кино кўриб ўтирган бўлсангиз?

— Мен...

— Бошқа саволим йўқ, — дедим мен.

Залда енгил шовқин кўтарилганини эшитиб, ютиб

чикқанимни тушундим. Мен округ прокурорининг гувоҳи берган кўрсатмага зарба бердим, энди суд ҳайъати гувоҳга ишонмайди. Округ прокурори адашган бўлиши мумкин! Харли ҳам қизга ёндиргичини берган бўлиши мумкин. Нега унинг гаплари рост бўлмасин? Ахир округ прокурори гумон асосида далил келтиряптику!

Мен сўнгги сўзимда ушбу фикрларни баён этдим. Харлининг виждонли фуқаро, оилапарвар эр ва ота эканлигини айтдим. У бир йил давомида Шейланинг хизматидан фойдаланган. Кинога борган, озгина ичиб уйига қайтган. Қизни уйига элтиб қўйиб, кейин уйига қайтган. Қандайдир номаълум шахс қизга хужум қилган, лекин Харли эмас.

Ҳайъат аъзолари ярим соатлик муҳокамадан сўнг Харлини айбсиз деб топишди.

* * *

Биз бунга ўша оқшомнинг ўзидаёқ нишонладик. Харли ва Марсия бизникига келишди, уларнинг болаларига эса қайнонаси қараб турадиган бўлди. Биз ҳазил-ҳузул қилганча ичиб ўтирар, Харли эса тинмай битта гапни қайтарарди:

— Уларга айбдор керак эди, Дейв. Лекин сен бопладинг! Сен айбсиз эканлигимни исботладинг.

У менинг дунёдаги энг яхши адвокат эканлигимни айтди. Кейин у қўшиқ айта бошлади, биз унга жўр бўлдик. Зиёфатимиз айни қизиган пайтда хонага Бет кириб келди. У Марсия ва Харли билан саломлашди, сўнг узр сўраб, ўзининг хонасига кўтарила бошлади.

— Қизинг нечага кирди, Дейв? — сўради Харли.

— Ўн олтига, — жавоб кайтардим мен.

— Чиройли қиз бўлибди, — деди у.

Мен Бетнинг зинадан кўтарилишини фахр билан кузатиб турардим. У мен учун ҳали ҳам маъсум гўдак эди. У зинадан каддини тик тутганча кўтарилиб борарди. Шу пайт Харлига кўзим тушиб қолди.

У ҳам Бетдан кўзини узмай қараб турарди. У қизимнинг оёқларига суқ билан қарар, кўзлари еб қўйгудай тикиларди.

То қизим хонасига кириб кетгунича, Харли унинг ортидан кўзини узмади. Кейин биз томон ўгирилди:

— Хўш, қўшиқни давом эттирамизми?

Мен ўзимни аҳмоқ бўлгандай ҳис қилдим. Шунчалик ҳам аҳмоқ бўламанми! Эҳ!



Роберт ШЕКЛИ



Америкалик машҳур
фантаст-ёзувчи Роберт
Шекли 1928 йил 16 июлда
Бруклин (Нью-Йорк)да дунёга
келган.

Шекли болалигиданоқ ёзувчи
бўлишни орзу қилар ва Роберт
Хайнлайн, А. Ван Вогт, Жон
Кольер каби адибларнинг
асарларини тинмай ўқирди.

Шекли Нью-Йорк
университетида ўқиди,
Кореяда ҳарбий хизматни
ўташ вақтида котиблик қилди. 1950-йилларнинг
бошларида Шекли илк ҳикояларини ёзди. Унинг
фантастика жанридаги ўта қизиқарли, юморга бой
ҳикоялари муҳаррирларга жуда маъқул тушарди. У Нью-
Йоркнинг осуда ҳудудида ижарада яшн аввал бир хонани,
кейин бир хонали уйни ижарага олди. У “Finn
O'Donovan” ва “Ned Lang” тахаллуси остида ҳикоялар
ёзиб, уларни таҳририятларга тарқатиб чиқарди.

Шеклининг адабий мероси юзлаб фантастик ҳикоялар,
ўнлаб романлар, детектив ҳикоялардан иборат бўлиб,
сермаҳсул ижоди туфайли “Хьюго”, “Небьюла”, “Локус”
(3 марта), “Ретро-Хьюго” каби обрўли мукофотларга
сазovor бўлди.

Шекли бош миясида ўтказилган жарроҳлик амалиёти
муваффақиятсиз чиққани оқибатида 2005 йил 9
декабрда Нью-Йорк штатидаги Покипси шаҳрида
оламдан ўтди.

ЕТТИНЧИ ҚУРБОН

Стентон Фрелейн ўз хонасидаги стол ёнида ўтирганча, зўр бериб чала қолган реклама матнини тугатишга уринар, бироқ сира фикрини жамлай олмасди. Охири у хатларни олиб келишмагунича бирор иш қилишга қодир эмаслигини тушуниб етди. У икки ҳафтадан бери хабар келишини орзиқиб кутарди.

Кутилмаганда “Моргер ва Фрелейн, устки кийимлар” деб ёзилган эшик очилиб, Э.Ж.Моргер оқсоқланганча кириб келди. Фрелейн ўн олти йил муқаддам, йигирма етти ёшида Моргер билан “Ҳимоя кийимлари”га асос солган бўлса, айнаи вақтда уларнинг ҳамкорликдаги кийим фабрикаси иши айланма маблағи миллионлаб долларни ташкил этувчи концернга айланганди.

— Салом, Стен, — деди Моргер. — Реклама нима бўлди?

— Қораламаси тайёр, — деди Фрелейн Моргерга бир парча қоғозни узатиб.

“Сиз ҳали ҳам “Моргер ва Фрелейн” фирмасининг “Ҳимоя костюми”ни сотиб олмадингизми? Бекор қиласиз. Бу эркаклар учун энг керакли костюм!”

Моргер қоғоздаги матнни ўқиркан, томоқ кириб қўйди ва Фрелейнга қаради. Кейин илжайганича, ўқишда давом этди.

“Ҳақиқий либос нафақат энг хавфсиз, балки кўркам бўлади. Ҳар бир костюмда қурол солиш учун махсус чўнтаклар мавжуд бўлиб, ёнингизда қурол борлигини ҳеч ким сезмайди. Чўнтаклар сизнинг буюртмангиз бўйича жойлаштирилади. Тўппонча учун мосланган

чўнтак замонавий мудофаа соҳасидаги улкан кашфиётдир. Яширин тугмачани босганингиз ҳамони жанговар қурол қўлингизда бўлади. Махсус “Ҳимоя костюми”ни “Моргер ва Фрелейн” фирмасининг дўконларидан сотиб олишингиз мумкин. Сиз учун ўз ҳаётигиз қадрли бўлса, “Ҳимоя костюми”ни сотиб олинг!”.

— Ажойиб реклама чиқибди, — мақтади Моргер.

Фрелейн ўрнидан туриб, костюмини тўғрилади.

— Асабийлашманг, — деди Моргер. — Мана кўрасиз, буғун албатта хат келади.

Фрелейн унга миннатдорлик назари билан боқди.

— Мен худди илк марта қотилликка чиқаётгандек бўляпман, — деди у.

— Мен ҳам ўйинда иштирок этаётган пайтларимда навбатдаги Ов ҳақида хабар келишини кутиб, ойнаб ухламасдим, — деди Моргер.

Орага сукунат чўкди. Шу пайт эшик очилиб, ичкарига хизматчи кирди ва стол устига бир даста хатжилдларни қўйди.

Фрелейн ҳукумат муҳри босилган мактубни дарров топди.

— Ва, ниҳоят, келди-я! — деди Фрелейн табассумдан юзлари ёришиб.

— Хурсандман, — деди Моргер. — Овингиз бароридан келсин.

— Бошқача бўлиши мумкин эмас! — Фрелейннинг овозида қатъий ишонч бор эди.

— Эҳ, менинг йигирма ёшим қаерларда қолиб кетди-я?! — хитоб қилди Моргер ҳазиллашиб. — Сизга қараб, мениям қўлимга қурол олгим келяпти.

Моргер аслзодалардан ҳисобланарди, чунки унинг муваффақият билан ўтган ўнта ови унинг учун Ўнлар Клубининг эшикларини ланг очганди. Унинг ҳар бир овдан сўнг Қурбон сифатида ҳам овда иштирок этгани ҳисобга олинса, ҳисобида жами йигирмата қотиллик бор эди.

— Бу нечанчи Қурбонингиз бўлади? — сўради у Фрелейндан.

— Еттинчи.

— Етти — бахтли рақам. Омадингизни берсин. Умид қиламанки, тез орада сиз ҳам Клуб аъзолари орасидан жой оласиз.

Фрелейн эшик томон йўналди.

— Унутманг, ўта эҳтиёткор бўлишингиз лозим, — деди Моргер унинг изидан қараб қоларкан. — Биргина хато қилсангиз тамом, мен ўзимга бошқа шерик излашимга тўғри келади. Менга эса ҳозирги шеригим маъкулроқ.

— Ҳаракат қиламан, — ваъда берди Фрелейн.

У уйига автобусда эмас, пиёда кетишга қарор қилди. Сал юрагининг ҳовурини босиб олиши керак. Ўзини худди биринчи марта қотилликка чиқаётгандек тутмаслиги керак.

Фрелейн кўчада ҳеч қачон атрофга алангламасди. Чунки атрофдаги ўткинчиларнинг биронтаси Қурбон бўлиши ва ўзига тикилган одамга қарата ўқ узиб қолиши мумкин эди. Шу сабабли у фақат олдинга қараб юрарди.

О'Донованнинг қидирув бюроси рекламасини у узоқдан кўрди. Рекламада “Қурбонлар! Ҳаётингизни хавф-остида қолдирманг! Қотилингиз кимлигини биз аниқлаб берамиз. Пулини қотилни бир ёқли қилгандан

сўнг тўлайсиз. Энг яхши изкуварлар фақат бизда!” деб ёзилганди.

Фрелейн бу рекламани кўриб, Эд Морроуга кўнғирок қилиши кераклигини эслади. У қадамини тезлатди. Унинг тезроқ уйга бориб хатжилдни очгиси ва бу сафар кимни гумдон қилиши кераклигини билгиси келарди. Қизиқ, бу сафарги Қурбон ақлимикан ёки йўқми? Тўртинчи Қурбонидек бойми ёхуд биринчи ва иккинчиси сингари камбағалми? Изкуварларнинг хизматидан фойдаланадими ёки ўз кучига ишонадими?

Фрелейннинг юраги бўлажак ов лаззатидан гурсиллаб ура кетди. Яқингина жойда иккита марта кетма-кет, кейин яна битта ўқ овози эшитилди. “Бу овда кимнингдир омади келди” деб ўйлади Фрелейн.

У уйга келиб, биринчи навбатда изкувари Эд Морроунинг телефон рақамини терди.

— Алло, Эд? Мен Фрелейнман.

— Сиз билан гаплашишдан хурсандман, жаноб Фрелейн.

— Мен овга ҳозирланяпман.

— Тушунарли. Демак, тез орада сизга керак бўларканман-да?

— Ҳа. Узоғи билан икки ҳафталарда ишимни тугатаман. Шунинг учун қотилликдан кейин менинг Қурбон сифатидаги мақомим қандай бўлиши ҳақида маълумот тўпланг.

— Хўп. Омадингизни берсин, жаноб Фрелейн.

— Раҳмат, — у гўшакни қўйди.

Моҳир изкувар хизматидан фойдаланиш эҳтиёти шарт. Тез орада Фрелейннинг ўзи Қурбонга айланади. Бунда муваффақият қозониши эса Эд Морроуга боғлиқ.

Фрелейн хатжилдни очди-ю, Қурбоннинг исмини кўриб котиб қолди. Унда “Жанет-Мари Патциг” деб ёзилганди. Фрелейн ўрнидан турди, яна бир бор хатга қаради. “Жанет-Мари Патциг”... Аёл киши. Хатжилд ичида учта фотосурат, манзил ва керакли маълумотлар ёзилган қоғоз бор эди.

Фрелейн қовоғини уйди. У шу пайтгача фақат эркакларни гумдон қилганди. У Рухий тозалаш вазирилиги рақамини терди.

— Мен олган билдиришда Қурбоним аёл киши эканлиги айтилган. Буни қандай тушуниш керак?

— Хавотирланманг, аёл ўз ихтиёри билан рўйхатдан ўтган, — деди котиб исми айтилган аёлнинг хужжатларини текшириб чиққач.

— Бошқа Қурбон танласам бўладими? — деди Фрелейн.

— Албатта. Лекин бунинг учун аввал Қурбон сифатида иштирок этишингиз керак бўлади. Розимисиз?

— Йўқ, — деди Фрелейн. — Мен шунчаки қизиқиб сўрагандим.

Рухий тозалаш вазирилиги тўртинчи (баъзиларнинг айтишича, олтинчи) жахон урушидан сўнг фақат эркаклар учунгина махсус ташкил этилганди. Бу вақтда вазият шунақанги таранг эдики, биттагина уруш бутун инсониятни қириб юбориши мумкин эди. Инсониятга тинчлик керак эди. Тадқиқотчилар одамлар урушаверишига эркаклар жанг қилишни ёқтириши сабабчи эканлигини аниқлашди. Шундан сўнг тинчлик ўрнатиш мақсадида эркакларга озроқ имконият яратиш зарурлиги тан олинди ва кучли жинс вакилларининг жанг қилишга бўлган эҳтиёжини қондириш учун Рухий

тозалаш вазирлиги вужудга келди. Кимки, котилликни хуш кўрса, шу вазирликда рўйхатдан ўтади ва вазирлик томонидан Қурбон билан таъминланади. Агар Овчи ғолиб чиқса, қонунга биноан бир неча ойдан сўнг Қурбон мақомини олади. Агар бунда ҳам ғолиб чиқса, яна бир марта Овчи бўлиш ҳуқуқини қўлга киритади.

Овчига Қурбоннинг исми, манзили, кўриниши тасвирланган хат ва икки ҳафта муҳлат берилади. Қотил махсус тўппонча билан таъминланади, бошқа қуролдан фойдаланиши эса тақиқланади.

Қурбон эса Овчидан бир ҳафта олдин мактуб олади. Унга фақат Қурбон эканлиги маълум қилинади, холос. У ҳар қандай қуролдан фойдаланиши, изқувар ёллаб, Овчининг кимлигини аниқлаши мумкин. Ов пайтида бошқаларнинг ҳалок бўлиши ёки жароҳатланишига йўл қўйганлар жиддий жазоланади.

Фрелейннинг Овдан кўнгли совиганди. Чунки Қурбон аёл киши эди. Лекин аёлнинг ўзи кўнгилли равишда рўйхатдан ўтибдими, демак ортга йўл йўқ. Фақатгина Жанет Патцигнинг Нью-Йоркда истикомат қилиши Фрелейннинг кўнглини кўтариб турарди, чунки у катта шаҳарларда ов қилишни ёқтирар, бу шаҳарга боришни эса анчадан бери орзу қиларди. Патцигнинг ёши айтилмаган, аммо суратидан йигирма ёшларга кирганга ўхшарди.

Нью-Йоркка етиб келгач, Фрелейн шаҳар марказидаги Патциг яшайдиган тумандан унча узоқ бўлмаган меҳмонхонага жойлашди. Нью-Йоркка биринчи бор келиши бўлгани учун ҳам, Фрелейн ишни шаҳарни томоша қилишдан бошлади. Қутилмаганда йўлида учраган “Ов ва Овчи” дўкони уни ҳайратга солди. Бу

дўконда Қурбонлар учун ўқ тешиб ўтолмайдиган зирхли энгил кийимлар бор эди. Бу ерда ўтгиз саккизинчи калибрли тўппончалар билан бирга “ўқ отар” хассалар ҳам сотувга қўйилганди. Ёшлигида Фрелейн янги чиққан нарсаларни дарров синаб кўрарди, бора-бора эса фақат синовдан ўтган курулга ишониш кераклигини англади.

Эртаси куни эрталаб Фрелейн Қурбонининг уйи томон йўл олди. Қурбонининг қиёфасини у жуда яхши эслаб қолганди. Лексингтон-авенюда бир нечта барларга мўралаб ўтгач, муюлишдан шундай бурилди-ю, очик ҳавода жойлашган қаҳвахонанинг олдидан чиқди. Қаҳвахонадаги столлардан бири ёнида кадаҳига термулганича Жанет-Мари Патциг ўтирарди. Фрелейн хаяжондан тўхтаб қолди. Унинг қўллари қалтирарди. Бу қиз нега бу ерда ўтирибди?

У таксига ўтирди ва даҳани айланиб ўтишни буюрди. Патциг ҳалиям ўша жойда ўтирарди. Фрелейн унга диққат билан разм солиб, қизнинг юзидаги қайғу ифодасини кўрди.

Фрелейн таксидан тушиб, автомат-телефондан РТВга кўнғирок қилди.

— Жанет-Мари Патциг исмли Қурбон хабарнома олганми?

— Ҳа, жаноб. Унга хабарнома юборилган. Муаммо борми?

— Шунчаки билмоқчи эдим, — деди Фрелейн.

“Агар Қурбон ўзини ҳимоя қилишни истамаса, бу унинг шахсий иши. Ҳозир уни ўлдириш керак”.

Аммо Фрелейн Овни эртанги кунга қолдирди ва кино кўргани кетди. Кейин тушлик қилди-да, меҳмонхонага

кайтди ва хаёл суриб ётиб, ухлаб қолди.

Эртаси куни Фрелейн таксида қаҳвахонанинг ёнидан ўтди. Қиз яна ўша стол ёнида ўтирарди. Фрелейн атрофга диққат билан кўз югуртириб, изкуварларни кўрмади. Кейин чўнтагидаги тугмачани босганди, тўппонча қўлига сирғалиб чиқди.

— Секинроқ юринг, — деди у таксичига.

Такси қаҳвахонанинг рўпарасига келди. Фрелейн кизни мўлжалга олди... Кутилмаганда стол олдида пайдо бўлган официант кизни тўсиб қўйди. Ўқ официантга тегиб кетиши мумкинлигидан хавфсираган Фрелейн кутишга қарор қилди.

Иккинчи мартасида официант халал бермади. Қиз сигарет чекиб, маъюс ҳолда ёндиргичга тикилиб ўтирарди. Фрелейн Қурбонини мўлжалга олди-ю, аммо... бошини чайқади ва тўппончани чўнтагига солди.

Фрелейн таксидан тушди. “Жуда оддий иш” деб ўйлади. У ҳақиқий Овга ўрганганди. Олдинги қотилликларида анча тер тўкишига тўғри келган, Қурбонлар қутулиб қолиш учун бор маҳоратини ишга солишганди. Ҳатто Қурбонлардан бири ўнга яқин изкувар ёллаганди ҳам. Шунга қарамай, Фрелейн уни барибир гумдон қилганди. У изкуварларни чалғитиш учун бир сафар сут сотувчи қиёфасига кирса, бошқа сафар солиқ идораси ходими сифатида келарди. Ва, ахийри, Қурбонининг ёстиғини қуритганди. Аммо бунақанги оддий қотиллик билан фахрланиб бўладими? Клубдагилар кулишади-ку!

Бу фикр Фрелейнни даҳшатга солди. Клуб унинг энг буюк орзуси эди. Агар бу кизни тирик қолдирса, кейин ўзи Қурбонга айланишига тўғри келади. Тирик

колганидан кейин ҳам барибир тўрт кишини отишига тўғри келади. Бу тарзда кетаверса, Клубга кириш муддаяти янаям узаяверади.

У ўйга ботганча ортига бурилди, аммо бир-икки кадам босгач, ўзи кутмагани ҳолда тўхтади.

— Мумкинми? — сўради у.

Жанет Патциг мовий кўзларини унга қадади-ю, аммо индамади.

— Хаёлларингизни бўлиб юборган бўлсам узр, — гап бошлади Фрелейн кизнинг ёнига ўтираркан. — Мен Нью-Йоркка иш билан келгандим, биронтаси билан гаплашиб ўтиргим келди. Агар қарши бўлмасангиз...

Фрелейн ўзига ичкилик буюргач, Патцигга қаради-ю, юраги гупиллаб уриб кетди. Қурбонинг билан бирга ичиб ўтирсанг-а!

— Менинг исмим Стентон Фрелейн, — деди у.

— Жанет.

— Жанет, у ёғи-чи...

— Жанет Патциг.

— Хурсандман. Жанет, бугун кечқурун нима қиласиз?

— Мени ўлдиришса керак, — ҳафсаласизгина деди қиз.

Фрелейн унга диққат билан тикилди. Қиз унинг кимлигини билармикин?

— Сиз Қурбонмисиз? — сўради у ўзини хайрон бўлганга солиб.

— Ҳа, — аччиқ жилмайди қиз. — Шунинг учун яхшиси ёнимдан кетинг, тағин менга аталга ўққа учиб колманг.

Фрелейн қизнинг нега бунчалик хотиржам эканлигини тушунолмасди. “Яшашдан тўйганмикин?”.

— Изкуварингиз бордир? — сўради Фрелейн бу сафар ростакамига ҳайратланиб.

— Йўқ.

Қиз унга тик боқди. Фрелейн унинг жудаям гўзал эканлигини энди сизди.

— Мен аҳмоқман, — деди қиз. — РТВга Ов учун ариза бергандим. Аммо... одам ўлдиролмадим.

Фрелейн ҳамдардлик билан бош силкиди.

— Шунинг учун ҳам энди ўзим Қурбонга айландим.

— Нега изкувар ёлламадингиз? — сўради Фрелейн.

— Қўлимдан одам ўлдириш келмайди, — елка қисди қиз. — Тўппончам ҳам йўқ.

— Мард экансиз, — деди Фрелейн. — Очиқ жойда ўтирибсиз.

— Нима ҳам қила олардим? Овчидан қочиб қутулиб бўлмайти-ку! Қочиб кетай десам, пулим ҳам йўқ.

Қизнинг табассуми Фрелейнни эс-хушидан айирди. Улар анча гаплашиб ўтиришди. Фрелейн унга ўзининг иши ҳақида сўзлаб берди. Қиз эса йигирма икки ёшда эканлигини, кинода суратга тушмоқчи бўлгани-ю, аммо омади келмаганидан айтиб, ҳасрат қилди.

Бирга овқатланишганидан сўнг Фрелейн такси тўхтатиб қизни кузатиб қўймоқчи бўлди. Қиз машинага ўтираркан, Фрелейн иккиланиб қолди. Ҳозир, шу ернинг ўзида қизни отиб ташлаши мумкин эди. Бундай қулай фурсат яна келиши эҳтимолдан узоқ. Лекин у ўзини гутди, “Яна озгина кутай”, деди ўзига ўзи.

Таксида кетаётиб, Фрелейн шу пайтгача бирорта қиз уни Патцигчалик ўзига маҳлиё этмаганини англади. Бу қандай тасодифки, у севиб қолган қиз ўзининг Қурбони бўлса-я?..

Жанет уни уйига таклиф қилди.

— Қачон кетасиз? — сўради у уйга киришгач.

— Индинга, — жавоб қайтарди Фрелейн.

— Сизни соғинаман, - деди киз хўрсиниб.

Сўнгра Жанет коктейль келтиришини айтиб, хонадан чиқиб кетди. Фрелейн унинг ортидан тикилганча, “Вақт бўлди” деб ўйлади. Лекин қизни отгани қўли бормади. Севган кишингни отиш мумкинми? Бу фикр уни ҳаяжонга тушди. У ахир уйланиш учун эмас, балки бу қизни ўлдириш учун келганди-ку!

Патнис кўтариб кирган қиз унинг қаршисига ўтирди.

— Жанет, — деди Фрелейн. — Сени севиб қолдим.

Қиз бошини кўтарди. Унинг кўзида ёш ҳалқаланди.

— Керак эмас! — хитоб қилди у. — Мени ўлдиришади-ку!

— Ўлдиришмайди. Сени ўлдирадиган Овчи менман.

Қиз унга диққат билан тикилди, сўнг жилмайди:

— Мени ўлдирасизми?

— Йўқ, — деди Фрелейн. — Мен сенга уйланмоқчиман.

Жанет ўзини унинг бағрига ташлади.

— Жудаям эзилиб кетдим, — деди Жанет пиқиллаб йиғлаганча.

— Қўркма, бари ортда қолди, — уни овутишга тушди Фрелейн. — Болаларимизга қандай танишганимизни айтиб беришимизни тасаввур қилгин-а! Сени ўлдиргани келиб, уйланиб кетсам-а...

Жанет сигарет тутатди.

— Бўпти, кетдик, — деди Фрелейн. — Энг аввало...

— Мен сизни севаманми, шуни сўрамадингиз-ку!

— Нима?

Қиз жилмайганича унга ёндиргични қаратди.

Ёндиргич остида айнан ўттиз саккизинчи калибрли ўқ учун мўлжалланган қора тешикча кўриниб турарди.

— Бу қандай ҳазил? — қичқирди Фрелейн сапчиб тураркан.

— Бу ҳазил эмас, азизим, — деди қиз.

Фрелейн унга тикилиб қолди. Унинг қаршисида ёшгина қиз эмас, ёши ўттиздан ошган аёл турарди.

— Мен сени севмайман, Стентон, — деди Патциг.

Фрелейн ҳатто ҳаёт ва мамотни ҳал қилувчи санокли лаҳзаларда ҳам барча нарсани олдиндан билган бу аёл оддийгина қиз ролини қанчалик маҳорат билан ўйнаганига тан бериб, унга мафтун бўлиб қолди. Аммо доимо охиригача курашгани учун ҳам у тугмачани босди ва тўппонча қўлига сирғалиб тушганини сизди. Шу он келиб теккан ўқнинг зарби уни қаҳва столчасига парчинлаб қўйди. Қўлидаги тўппончаси тарақлаб ерга тушиб кетди. У хушини йўқотаркан, аёл яна ўқ узишга ҳозирланаётганини кўрди.

— Ана, энди Клубга аъзо бўламан! — хитоб қилди Жанет ва тепкини босди.



МУНДАРИЖА

Роберт Артур.....	3
Ажабтовур оила.....	4
Роберт Барнард.....	20
Эрталабки телевидение.....	21
Лоуренс Блок.....	32
Ҳужжатлар жойида.....	33
Роберт Блох.....	45
Қора кути.....	46
Пэлам Грэнвил Вулхауз.....	58
“Венера”нинг ўғирланиши.....	59
Роальд Даль.....	71
Полковникнинг совғаси.....	72
Агата Кристи.....	84
Фаришта.....	85
Эллери Куин.....	93
Янги йилдаги ўғирлик.....	94
Питер Ловси.....	107
“Шарлеман”даги қотиллик.....	108
Жон Лутц.....	120
Оқила Дори.....	121
Патриция Мойес.....	132
Ҳалол товламачи.....	133
Ричард Лаймон.....	145

Шўнғиётган қиз.....	146
Жек Ричи.....	158
Ўн тўртинчи бомба.....	159
Хью Пентикост.....	173
Йўкликнинг ярим йўлида.....	174
Генри Слезар.....	191
Тузок.....	192
Ричард Старк.....	203
Электр стулидаги тавба.....	204
Гилберт Кит Честертон.....	216
Ёғоч қилич.....	217
Эван Хантер.....	229
Адвокат.....	230
Роберт Шекли.....	241
Еттинчи қурбон.....	242

УДК: 677.026

ББК: 85.12

А23

Адвокат: жаҳон детективи дурдоналари / тўпловчи ва таржимон М. Йўлдошева. - Тошкент: «Адабиёт учкунлари», 2017. - 256 б.

1. Йўлдошева, Муҳаббат\тўпловчи ва тарж.\

АДВОКАТ

Жаҳон детективи дурдоналари

Муҳаррир: Д. Қўзиёва

Техник муҳаррир: Ш. Абдурахмонов

Саҳифаловчи-дизайнер: Г. Тожибоева

Нашрга тайёрловчи: А. Нажмиддинов

Нашриёт лицензияси:

41 № 239 – 2013 йил 4 июль

Босишга рухсат этилди: 10.04.2017й. Бичими 60x84^{1/16}

Офсет босма усулида урилди. Times гарнитураси.

Шартли босма табағи 16. Нашр. ҳисоб табағи 16.

Адади 3000 нусхада. Буюртма № 96

Нашриёт манзили:

«Адабиёт учкунлари» нашриёти, 100027,
Тошкент шаҳри, Ўқчи кўчаси, 29-уй.

Босмаҳона манзили:

«GOOD GROUP MEDIA» МЧЖда чоп этилди.

Тошкент шаҳри, Чилонзор-14, 32-уй.



АДВОКАТ



ISBN 978-9943-439-32-0



9 789943 439320